Трансформатор мойларини олишда ўзининг бир қатор босқичларини ташкил этади. Вакуум остида ҳайдаш ушбу жараён юқори босим остида ажралувчи компонентлар (мазут) ва бир қатор мой дистиллятларини турли хил ҳароратда қайнатишдир. Мой дистиллятлари ҳар хил молекуляр массадаги, таркиби ва хусусиятлари (зичлик, қовушқоқлик, ковушқоқлик индекси, чақнаш ҳароратларига ва ҳ.к.) кўра бир-биридан фарқ қилади [2].

Асос мой дистиллята қуйидаги сифат кўрсаткичларига эга бўлиши керак:

1. Қовушқоқлик 50 °С да 7-9 сСт;
2. Ёпик тигелда чақнаш ҳарорати, 155 °С гача меъёр;
3. Колорометрда ранги ЦНТ, бирлиги бўйича 3,0 дан ортиқ эмас.


Бунинг учун керак бўлмаган моддаларни баъзи бир реагентлар билан кимёвий бирикмалар шаклида чиқазиб ташланади масалан кислоталар, ишқорлар ва бошқалар ёрдамида. Баъзан нефт маҳсулотларини физикавий усул билан углеводород таркибини ўзгартирмаган ҳолда маълум қисмларга ажратилади, танлаб таъсир этувчи эритувчилар, адсорбентлар ёрдамида депарафинлаш ва бошқалар.

Гидротозалаш: оддий режимда олиб борилганда хом ашё олтингугурт ва азот бирикмалари ва тўйинмаган углеводородлардан тозаланади; қаттиқ режимда олиб борилганда керосин ва дизел ёқилғиси фракцияларидаги ароматик углеводородларни нафтенларга ўтказилади.

C-S боғининг энергияси 227 кДж/мольга, а C-C боғинингэнергияси ≈ 332 кДж/мольга тенг. Шу сабабли C-S боғи осонроқ узулади. Бу асосий реакция билан бир қаторда тўйинмаган бирикмаларни тўйиниши, қисман углеводород молекулаларини парчаланиши каби реакциялар содир бўлади. Гидротозалаш 350-400^{0}С ва 3-5 МПа босимда олиб борилади.

Мисол тариқасида айтишимиз мумкин: керосин ва дизель ёқилғиси фракцияларини гидротозалаш орқали ароматик углеводородларни тўйинтириш лозим бўлса, бу жараён 10-15 МПа босимда олиб борилади. Гидротозалаш жараёнининг энг муҳим аҳамияти охирги вақтда умумий мейорда таркибида олтингугурт ва азот бирикмалари кўп бўлган нефтларни қазиб олинишининг кўпайиши ва шунинг билан бирга, нефтдан олинаётган маҳсулотларни сифатига

қаттиқ талаб қўйилиши муносабати билан ва замонавий техникада жорий қилинишида гидротозалаш жараёнини ривожлантиришни тақозо қилди.



Ишлатилган мой намунаси **Ишлатилмаган мой намунасн**

Расм №1. Трансформатор мойининг икки хил намунаси

(ишлатилган ва ишлатилмаган ҳолати кўриниши)

Мой таркибида куйидаги: азотли ва олтингугурт заррали бирикмалар, асфальт смолали бирикмалар, ён занжирли қисқа полициклик углеводородлар, оғир углеводородлар (парафин ва церезинлар) ҳамда чегарасиз углеводород моддаларининг бўлиши трансформатор эксплуатациясига кескин ёмон таъсир қилади. Туйинмаган угеводородлар углерод атомларини ташкил қилиб, ўзида икки оралиқ боғлиқлик мавжуд [3].

Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, куйидаги (RU 2373265 C1) рақамли трансформатор мойига олинган ихтирога патентда:

№1 намунага кўра: Мой таркибида миқдори бўйича оксидланишга қарши кўндирма 0,5% гача ва асос мойи эса 100% гача белгиланган. Бунда асос мойи юпқа дизель фракциясидан 250-340^{0}С ҳарорат оралиғида олиниб, гидротозалаш, гидропарафинсизлаштириш, гидроравания йўллар орқали олинган минерал мойи ҳисобланади.

№2 намунага кўра: Мой таркиби изопарафинлардан бўлиб, 250-340^{0}С ҳарорат оралиғида қуйидаги фракциядан, яъни парафинли нефтдан олинган ҳамда гидротозалаш, гидропарафинсизлантириш, орқали парафинлар тозаланган. Асосий техник натижаси кўра, ҳароратда қовушқоқлик кўрсаткичлари яхшиланган ҳамда диэлектрик ва электроизоляцион хусусиятлари ошганлиги исботланган.

Трансформатор мойларини олишда тўйинмаган углеводородлар водород молекулалари бошқа элементлар билан енгил боғланиб, тўйинмаган бирикмаларни ташкил этади. Қуйидаги №1 жадвалда трансформатор мойи таркибида углеводород гуруҳининг чегаравий миқдори фоиз кўрсаткичларида берилган.

Трансформатор мойининг таркибида углеводород гуруҳининг чегаравий миқдорининг фоиз ҳисобида берилиши.

№1 жадвал

№	**Компонентлар**	**Мой таркиби миқдори**
1.	Парафинлар	10-15 %
2.	Парафинлар ёки циклопарафинлар	60-70 %
3.	Ароматик углеводородлар	15-20 %
4.	Асфальт смолали моддалар	1-2 %
5.	Олтингугуртли бирикмалар	<1 %
6.	Азотли бирикмалар	<0,8 %
7.	Нафтен кислоталар	<0,02 %
8.	Оксидланишга қарши кўндирма(ионол)	0,2-0,5 %

Трансформатор мойининг қотиш ҳарорати бўйича (-45 ^{0}С ва дан паст) бўлиб, уни сақлашда ва ташиш жараёнларида унга таъсир қилиши исботланган. Ҳар хил маркадаги трансформатор мойларини иссиқликни қабул қилиш эффективлигини таъминлаш учун чақнаш ҳароратлари 95, 125, 135, ва 150 ^{0}С лардан паст бўлиши керак. Бу кўрсаткичлар мойнинг иссиқликка мустаҳкамлигини ошириб, унинг таркибида эмульция ҳосил бўлишини олдини олади.


Трансформатор мойининг физик-кимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларга кўра аниқланади:

1. Кучланишга қаршилик кучини аниқлаш.
2. Тангенс бурчакда диэлектрик йўқотилишни ўлчаш.
3. Тозалилик синфини аниқлаш.
4. Ҳароратда чақнашни аниқлаш.
5. Таркибида намликни ўлчаш (сони ва сифати бўйича).
6. Сули аралашмали кислотани аниқлаш (ВРК).
7. Кислота сонини аниқлаш (КОН).
8. Умумий газ миқдорини аниқлаш.
9. Газохроматографик таҳлил.
10. Лойқаланишни аниқлаш.
11. Фуранли бирикмаларни аниқлаш.
12. Оксидланишга қарши мустахкамлигини аниқлаш.

Трансформатор мойларининг энг муҳим хусусиятит - бу унинг оксидланишга қарши мустахкамлиги ва узоқ иш режимида ўзининг сақлаш қобилиятига эга бўлишлигидир. Оддий шу турдаги трансформатор мойларининг оксидланишга қарши қобилиятини оширишда оксидланишга қарши кўндирмалардан фойдаланиб тайёрланади.

Трансформатор мойининг эксплуатацион хусусияти аниқлашда унинг кимёвий таркиби, унда энг асосий образ хомашёнинг кимёвий таркиби ва уни тозалаш усулларини қўллашга боғлиқдир. Трансформатор мой маркаларини ҳар хил соҳаларда қўллашда кимёвий таркиблари ва эксплуатацион хусусиятларини баҳолаш орқали унинг сифатини аниқласа бўлади. Янги трансформатор ишлатилаётганда трансформаторга фақат янги трансформатор мойларини қуйиш талаб этилади, колаверса фойдаланилган мой тавсия этилмайди. Мойининг ҳар бир партиясининг қўллашда трансформаторга қуйишда ва тўлдиришда завод ёки етказиб берувчи томонидан сертификат бўлиши керак. Нефтни қайта ишлаш корхоналари томонидан қабул қилинган янги трансформатор мойларни қуйишда трансформаторнинг кучини аниқланиши ҳамда уни механик аралашмалардан, намликдан ва газлардан тозалаш тавсия этилади [4].

Намлик трансформатор мойида чўкма ҳолати ҳосилаларини пайдо қилиши эмульция кўринишини ва эриб қолиш ҳолатларини келтириши мумкин. Мойни қуйишга тайёрлаш жараёнида намликдан тўлиқ тозалаш ва эмульцияли ҳолатини ва шу кўринишни камайтиради. Намликдан мойнинг эриб қолиш ҳолати электр мустаҳкамлик ва тангенс бурчакнинг йўқолишига деярли таъсир кўрсатмайди, жумладан трансформатор мойининг оксидланишини ошишига олиб келиб, унинг мустаҳкамлигини камайтиради.



Расм №2. Юқори юкланишли трансформаторнинг кўриниши (мой фильтри, ҳаво орқали қуритиш, мойни совутиш тизими, мой сифатини текшириш жойлари).

Атмосфера босими остида трансформатор мойлари ҳаво билан аралашма ҳосил қилиши 10% ни ташкил этиши мумкин. Юқори кучланишли трансформаторларга мой қуйишдан олдин унинг жихозлари азотли ва плёнкали қатлам билан ҳимояланган бўлиши керак. Бу мойда ҳар хил газлардан зарарсизлантирилиши лозим ва руҳсат этилган газ миқдори 0,1% дан ошмаслиги тавсия берилади. Трансформатор мойи тозалаш жараёндан кейин у механик аралашмалардан мутлоқ тозаланган бўлишни талаб этади.

Трансформатор мойларини ишлаб чиқиш жараёнларида максимал даражада сифатли тайёрланиши қуйидаги битта технологик операцияни аралашмалардан тозалашни талаб этади. Мой дистиллятларини ишлов беришда олтингугуртли кислоталарга қаршилик кўрсатиш вақтини белгилашга боғлиқдир. Унинг таркибидан тўйинмаган бирикмалар, смолалардан ва кислотали гудронлардан тозалаш кераклиги жуда муҳимдир. Ушбу моддаларнинг мой таркибида бўлиши контактлашув жараёнларида унинг эксплутацион ҳолатини ёмонлашувига олиб келади [5].

Трансформатор мойларини илмий тадқиқ этишди қуйидаи саволларга аниқ жавоб бериш лозимилиги кўзда тутилган:

1. Кимёвий таъсири бўйича жумладан, эксплуатация жараёнида олтингугуртли бирикманинг хусусияти электр майдонида мойнинг ишлаш ҳолати.
2. Оксидланишга қарши кўндирмаларни танлаш ва унинг механизм таъсирини баҳолаш, фаоллаштирувчи ва пассивлантирувчи аралашма сифатида.
3. Мойнинг кимёвий мустаҳкамлигини лаборатория усулларида баҳолашни такомиллаштириш, олинган маълумотлар асосида эксплутацион кўрсаткичлар билан таққослаш.
4. Мойнинг электр изоляцияловчи мустаҳкамлик хусусияитини ошириш.

Юқоридаги олинган хулосалардан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан ишлаб чиқарилаётган трансформатор мойларини ишлаб чиқариш ва сифат паспортига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий ва ноорганик кимё институти “Нефт кимёси” лабораторияси тадқиқотчилари томонидан тажриба намунаси тайёрланди.

Лаборатория шароитида тайёрланган трансформатор мойи намунасини O'z DSt 988:2016 пасgпортига кўра Фарғона нефтни кайта ишлаш заводила текширилди. Олинган натижалар куйидаги № 2 жадвалда келтирилган.

Жадвал 2

№	Кўрсаткичлар номланиши	ТРМ-1 НД меъёри бўйича	Олинган натижа
1.	Киневматик ковушқоқлик, 20 ^{0}C да, mm/s (cSt) дан кўп эмас	28* 10 $^{-6}$	21,26
	50°C да, mm/s дан кўп эмас	9*10^{-6}	7,46
	-30°C да, mm/s дан куп эмас	1300*10^{-6}	1300
2.	Шаффофлик даражаси 5^{0}C да	Шаффоф	Шаффоф
3.	Кислота сони, 1 г мойда KOH дан кўп эмас	0,02	0,0042
4.	Колорометрда ранги ЦНТ, ЦНТ бирлиги, дан кўп эмас	1,0	0,5
5.	Ёпиқ тигелда чақнаш ҳарорати, ^{0}C дан кам эмас	150	152
6.	Қотиш ҳарорати, ^{0}C дан кам эмас	-45	-45
7.	Олтингугуртнинг миқдорий улуши, % дан кўп эмас	0,6	0,28
8.	Механик аралашмаларнинг миқдори	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
9.	Тангенс бурчаги 90 ^{0}C да, % дан кўп эмас	1,7	1,5
10.	Ишқорий ва кислоталари сувли аралашмаларнинг миқдори	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
11.	Асос мойида фенол миқдори	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
12.	Оксидланишга қарши мустаҳкамлиги: Учувчан енгил молекулали кислоталарнинг миқдори, мг KOH 1 г мойда, кўп эмас -чўкма миқдори, % дан кўп эмас -оксидланган мойда кислота сони, мг KOH, 1г мойда, кўп эмас	0,005 Мавжуд эмас 0,1	0,0042 Мавжуд эмас 0,033
13.	Сув миқдорининг улуши, % кўп эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
14.	Зичлик 20 ^{0}C да, кг/м^3	Меъёрий улуши берилмаган	860,0

Трансформатор мойларининг физик-кимёвий кўрсаткичларини текширишда мойни тайёрлаш жараёнида нефтни танловчилар ёрдамида сифатли тозалаш унинг эскириш жараёнини кескин камайтиришга олиб келади. Бу эса трансформаторларнинг узоқ ишлашини таъминлайди, қолаверса жиҳозларга сарф

бўлувчи ҳаражатларни минимал даражага олиб келишни тақазо этади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, трансформаторлар учун мой чет эллардан импорт эвазига келтирилишини камайтиришни максадга мувофикдир [6-8].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. К.И. Иванова, Р.А. Липштейна, М.И. Шахновича, Е.А. Эминова Улучшение качества трансформаторных масел, Изд «Гостоптех-Издат», Москва 1962.
2. «Масла трансформаторные селективной очистки. Технические условия». Государственный стандарт Республики Узбекистан. O'zDSt 988:2016.
3. Иванов В.С., Руководящие указания до эксплуатации трансформаторного масла, Изд. «Энергия», 1966.
4. М. Бадыштова Получения трансформаторного масла методом гидроочистки, (КНИИ НП), Москва 1968.
5. Кельцев Н. В., Торочешников Н.С. Химия и технология топлив и масел, № 4, 15- 1962.
6. Липштейи Р.А., Шахнович В. И., Трансформаторное масло, Изд. «Энергия», 1968.
7. https://globecore.ru/transfonrnatornoe-maslo-posle-ochistki/
https://oils.globecore.ru/vidy-transformatomogo-masla.html

03.00.00 БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ BIOLOGICAL SCIENCES

О СТРУКТУРЕ ВЕГЕТАТИВНЫХ ОРГАНОВ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ВИДОВ РОДА SCORZONERA L. (ASTERACEAE)

Тагаев Ибрахимжан Усамович
Наманганский государственный университет,
кандидат биологических наук, доцент

Аннотация: *Приводятся морфологические изменчивости корня, стебля и листьев в среднеазиатских видов рода Scorzonera из семейство астровых.*

Ключевые слова: *Габитус, вегетатив, гемикриптофиты, хамефиты, криптофиты, клубень, дихотомические, супротивные.*

ЎРТА ОСИЁДА ТАРҚАЛГАН *SCORZONERA* ТУРКУМИГА МАНСУБ ТУРЛАРНИ ВЕГЕТАТИВ АЪЗОЛАРИНИ ТУЗИЛИШИ. . (ASTERACEAE)

Тоғаев Иброхимжон Усамович
Наманган давлат университети
биология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *Мақолада Ўрта Осиё ҳудудида тарқалган Scorzonera туркумига мансуб ўсимлик турларини вегетатив аъзоларини-илдиз, поя, барг тузилишидаги хилма-хиллиги, уларнинг таксономик белгилари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Қиёфа, вегетатив, гемикриптофитлар, хамефитлар, криптофитлар, туганак, дихотомик, супротив.*

THE STRUCTURE OF VEGETATIVE ORGANS OF GENUS *SCORZONERA* PLANTS WHICH SPREAD IN CENTRAL ASIA. . (ASTERACEAE)

Tagaev Ibrakhimjon Usamovich
Namangan state university
Candidate biological subjects, docent

Annotation: *In this article the main information is about genus Scorzonera which depends on species of plants vegetative organs (root, steam, leaf) and it is taxonomic signs in the area of Central Asia.*

Keywords: *Shape, vegetation, hemicryptophyte, chamaephyte, cryptophyte, tuber, dichotomy, opposites.*

Одним из полиморфных родов семейства сложноцветных – род *Scorzonera*, в настоящие время насчитывает 188 видов [1]. Из них в Средней Азии встречаются 38 видов. Во флоре Юго-западного Тянь-Шаня (в пределах Республики Узбекистан) зарегистрированы 10 видов рода [3].

Нами изучены представители рода *Scorzonera* в естественных условиях, произрастания, нам также удалось провести наблюдения над изменчивостью нескольких видов, произрастающих в различных экологических условиях Средней Азии. Наряду с собственными сборами, были пересмотрены экземпляры, хранящиеся в Центральном гербарии (TASH) Института ботаники АН Узбекистана, гербарных фондах институтов ботаники АН Таджикистана, АН Казахстана, АН Кыргызстана, Московского госуниверситета, а также в Центральном гербарии Ботанического института РАН в г. Санкт-Петербурге. В коллекциях этих ботанических учреждений хранятся более 1740 экземпляров, собранных разными ботаниками во время изучения флоры Узбекистана, Таджикистана, Казахстана и Кыргызстана.

Представители рода *Scorzonera* имеют габитус с преобладанием многолетних трав, реже двулетники, полукустарники и полукустарнички. Среднеазиатские скорзонеры по классификации C. Raunkier [5] представлены тремя жизненными формами, из них гемикриптофитов по нашим данным имеется 21 вид, хамефиты – 4 вида и криптофиты – 11 видов.

Структура подземных и надземных органов у представителей рода весьма разнообразны. Строение корневой системы является одним из основных диагностических признаков для выделения секционных групп. Корень у большинства представителей стержневой, вертикальный, у видов секции *Piptopogon* С.А. Меу. – веретенообразный, в секции *Foliosae* (Boiss.) Lipsch.) – цилиндрически утолщенный, клубневидные корни имеют виды у секции *Lasiospora* (Cass.) Less., *Pusillae* Lipsch. Клубни одиночные, диаметр варьируется в пределах от 1 до 4 см., поверхность более или менее гладкая или немного бугорчатая, окраска темно-коричневая. Представители секции *Papposae* Lipsch.ex Krasch., отличаются от остальных утолщенными продолговатыми или округлыми клубнями стебле-корневого происхождения, располагаются неглубоко. У *S.hissarica* C.Winkl., длина корня значительно варьирует в зависимости от места произрастания и эдафических факторов. У растений секции *Egregiae* (Kult.) Lipsch. корни более толстые, располагаются на глубине 20 – 40 – 60 см., боковые корни, достигают иногда до 2 м длины. При изломе в корне появляются эластичные нити каучука молочного цвета.

Строение стебля почти у всех видов обычно прямостоячее или приподнимающееся, изогнутое. У *S.mongolica* Maxim., почти распластанный. Форма стеблей цилиндрическая, гладкая или бороздчатая, внутри стебли полые или почти целиком заполненные. Высота стебля зависит от условий места произрастания и колеблется от 15 до 100 см длины, у некоторых видов стебель редуцирован. У видов *S.subacaulis* Lipsch., S.albertoregelia C.Winkl., *S.tuberosa* Pall. стебли очень короткие, от одного до всего 10 – 15 см. У большинства видов рода стебли травянистые, слабо лигнифицированные или одревесневшие. Виды секций *Polyclada* DC. отличаются

дихотомическим ветвлением стебля. *S.acanthoclada* Franch., образуют ветви первого, второго и третьего порядка.

Листья у многих видов рода простые, очередные или изредка супротивные, по форме и размеру весьма варьирующие. Прикорневые листья многочисленные, сконцентрированы у прикорневой шейки. Листья обычно с удлиненными или короткими, реже оттянутыми желобчатыми черешками с влагалищем, основания расширены. Окраска влагалища желтовато-бурого цвета, лоснящаяся, со спинки гладкие или округло-килеватые, в пазухе с густой шерстистой бородкой, последняя в начале вегетации белая, позже рыжеющая. Это обстоятельство особенно характерно для видов секции *Egregiae*. У представителей секции *Fibrillosae* Nakai корневая шейка густо одета темно-бурыми щетинообразными волокнами из отмерших листовых черешков. Постепенно кверху по стеблю листья уменьшаются в размере, с короткими черешками или сидячие. Форма простых листьев бывает линейная, линейно-ланцетная, продолговато-ланцетная, эллиптическо-ланцетная, яйцевидная, а так же трехгранно-шиловидно-гранистая.

Листовая пластинка по краю плоская, цельная, слегка или курчаво-волнистая. У *S.pusilla* Pall., *S.pseudodivaricata* L.psch., *S.circumflexa* Krasch. et Lipsch верхушки листьев крючковидные или спирально-закрученные. У среднеазиатских видов *S.laciniata* L., *S.songorica* (Kar.et.Kir) Lipsch.et Vass., *S.cana* (C.A.Mey) O.Hoffm. листья перисто-рассеченные. Прикорневые листья у этих видов с длинными или короткими черешками, число боковых сегментов сильно варьируется, от 3 до 6. Формы их линейные, линейно-ланцетные, верхушечные сегменты длиннее боковых, по форме продолговато-ланцетные. Стеблевые листья с короткими черешками или сидячие.

Подавляющие большинство среднеазиатских видов рода *Scorzonera* не имеет строго определенного типа жилкования листа. На основании классификации А. А. Федорова, З. Т. Артюшенко [4] мы приводим следующие типы жилкования листьев: 1) параллельное, 2) дуговидное, 3) перисто-сетчатое.

У видов *S.transiliensis* M.Pop., *S.petrovii* Lipsch. и др. число параллельных жилок варьирует от 3 до 6, иногда они слабо выражены. У представителей секций *Lasiospora* –*S.gageoides* Boiss., *S.circumflexa* Krasch.et Lipsch. жилки в листьях дуговидные или выраженные, число их также варьируется от 5 до 12. К видам с перисто-сетчатым жилкованием при основных параллельных жилках относятся *S.ovata* Trautv. и *S.hissarica* C.Winkl.

По нашим данным, основное направление эволюции листьев в роде *Scorzonera* шло от простых к перисто-рассеченным, что подтверждает и общую закономерность, отмеченную А. Л. Тахтаджяном [2] по отношению к листьевым видам родов.

Таким образом, среднеазиатские виды рода *Scorzonera* по морфологии вегетативных органов очень разнообразны, что имеют важное значение для различения видов, а также для характеристики родства группы с более высшими таксонами.

Литература:

1. Р.В. Камелин, И. У. Тагаев. Обзор видов рода Scorzonera L. (Asteraceae). Бот. журн., Т. 71, №12, 1986. – С. 1672 – 1682.

2. Тахтаджян А. Л. Основы эволюционной морфологии покрытосеменных. – М. – Л.: «Наука», 1964. – 236 с.
3. Тожибоев К. Ш. Флора Юго-Западного Тянь-Шаня (в пределах Республики Узбекистан) Т.: «ФАН», 2010. – 100 с.
4. Федоров Ал. А., Артюшенко З. Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. Лист. – Л.: «Наука», Лен. отд., 1975. – 350 с.
5. Raunkier C. The life form of plants and Statistical plant geography. – Oxford, 1934. – 632 p.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АСОСИЙ ТИП ТУПРОҚЛАРИ АЛЬГОФЛОРАСИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАРКИБИ

Тўхтабоева Юлдузхон Абдусатторовна
Наманган давлат университети ўқитувчиси

***Аннотация**: Мазкур мақолада Фарғона водийсининг асосий тип тупроқларида учрайдиган тупроқ сувўтлари ҳақида маълумот берилган бўлиб, улар асосан очбўз тупроқлар, типик бўз тупроқлар, тўқ бўз тупроқлар, типик жигарранг ва оч қўнгир тупроқларда тарқалган кўк-яшил, эвглена, криптофит, диатом, сариқ-яшил ҳамда яшил сувўтларнинг таксономик таркиби, структуравий тузилишлари аниқланган. Аниқланган сувўтлар коккоид, ипсимон, колонияли ва монад тузилишли эканлиги аниқланди.*

***Калит сўзлар**: Фарғона водийси, тупроқ, сувўти, таксономик, структуравий тузилиш.*

ТАКСОНОМИЧЕСКИЙ СОСТАВ ВОДОРОСЛИ ОСНОВНЫХ ТИПЫ ПОЧВЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Тўхтабоевой Юлдузхон Абдусатторовна
Учительница Наманганского Государственного Университета

***Аннотация**: В данной статье даны определения о водорослях встречающихся в основных типах почвы Ферганской долины, определены распространённые в основном в сальных, типичных бурых, тёмно-бурых, типично-коричневых и светло-бурых почвах-сине-зелёные, эвгленовые, криптофитовые, диатомовые, желто-зелёные и зелёные водоросли, их таксономическая группа и структурное строение. Определены коккоидные, нитевидные, колониальные и монадное строение водорослей.*

***Ключевые слова**: Ферганская долина, таксономическое, структурное строение.*

THE TACSONOMIC STRUCTURE OF ALGAE OF BASIC TYPE SOIL IN FERGANA VALLEY

Tukhtaboeva Yulduzkhon Abdusattorovna
The teacher of Namangan State University

Annotation: *In this article, the information is given about the soil algae of basic type soil in Fergana Valley, mainly they are light serosem, typical serosem, dark serosem, the blue-green evglena whis is spread in typical brown and light brown soil, cryptofit, diatom and the tacsonomic structure and structural features of yellow-green and green algae are also founded in this article. Specified algae are defined as in the structure of coccoid, monad, colony thread.*

Key words: *Fergana Valley, soil, algae, tacsonomical structure.*

Фарғона водийсининг асосий тип тупроқлари бўлган бўз тупроқлар (очбўз, типик бўз) типикжигарранг, очқўнғир тупроқлардан юздан ортиқ таксондаги сувўтлар аниқланган [4.Б.64].

1 – жадвал

Фарғона водийсининг асосий тип тупроқларидан аниқланган сувўтлар турларининг сони

Сувўтлар бўлими	Тупроқлар				
	Очбўз	Типик бўз	Тўқ бўз	Типик жигарранг	Оч қўнғир
Кўк-яшил	28	25	34	30	36
Эвглена			3	1	
Криптофит			1		
Диатом	7	7	12	16	14
Сариқ-яшил	5	10	11	15	16
Яшил	23	26	43	45	43
Жами:	63	68	104	107	109

Очбўз тупроқлардан олинган намуналарда 63 тур ва тур хилларига мансуб сувўтлар аниқланди, улардан кўк-яшиллар 28 турдан иборат бўлгани холда сариқ-яшиллар 5, диатомлар 7, яшиллар 23 турдан иборат.

Бу тупроқлардан хивчинли (монад) тузилишга эга турлар 8, колониялилар 6, бир ҳужайралилар ва шилимшиқ ғилоф билан қопланган турлар 24, оддий ипсимон ва тармоқланган ипсимон тузилишга эга бўлганлари 25 турни ташкил этди.

Таксономик таркибни баён этилиши С.П. Вассер усули буйича келтирилди [3.Б.47].

Cyanophyta бўлимидан *Chroococcophyceae* синфига мансуб уч тур аниқланиб, улардан *Synechococcus sallensis* ва *S. aeruginosus Synechococcaceae* оиласига, бир тур эса *Microcystis pulverea Microcystidaceae* оиласига мансуб. Мазкур турлар намуналаримизда кўп учрамади.

Synechococcus aeruginosis туринниг чўзиқ юмалоқ ҳужайралари ва шилимшиғи микроскоп орқали яққол кўринмайдиган *Synechocystis elongates, S. sallensis* намуналаримизда кам учради.

Очбўз тупроқларда кўк-яшил сувўтларидан бир ҳужайрали *Synechococcus aeruginosus*, маржонсимон *Nostoc paludosum, Anabaena variabieis*, оддий ипсимон тузилишли *Cylindrospermum muscicola, Oscillatoria brevis Phormidium foveolarum, Microcoleus vaginatus ва Plectonema notatum* намуналаримизда бошқаларидан кўп учради. Серёғин

бўлган даврларда тупроқ юзасида *Microcolcus vaginatus* ва *Phormidium* туркумининг айрим турлари ўзига хос ғуборларни ҳосил қилади.

Диатом сувўтларнинг очбўз тупроқлардаги биологик ранг баранглиги ҳам кўп эмас. Систематик жиҳатидан уларнинг барчаси *Pennatophyceae* синфига мансуб *Navicula N.atomus, N.murabilis, N.mutica var.nivalis, Hamtzschia amphyoxis, H.virgata var.borealis, Nitzschia amphibian, N.palea* учради. Бундай холат Шимолий Помир тупроыларида хам ыайд этилган [2.Б.27].

Иқлимий шароитларга боғлиқ холда кўк-яшил сувўт ҳужайраларининг сони бир грамм тупроқда 8,0 дан 45,5 минг ҳужайрани ташкил қилди.

Очбўз тупроқларда Xanthophyta бўлимига мансуб туркумлардан *Pleurochloridaceae* синфга мансуб 4 тур тарқалганлиги аниқланди. Улар *Pleurochloroceae* оиласидан *Pleurochloris commutata* ва *P.magna. Botrydioceaедан Botrydiopsis* туркумига мансуб *B.arhiza ва B.eriensis. Heterothrichaceae* синфига мансуб ипсимон битта вакил *Bumieleria klebsiana* намуналарда учради.

Очбўз тупроқлардан олинган намуналарда турлар сони жиҳатидан Cyanophyta бўлимидан кейин Chlorophyta туради, жами турлар сонига нисбатан 38,3 % ташкил этди. Яшил сувўтларнинг орасида *Volvocineae* синфининг *Chlomydomonadaceae* оиласидан *Chlamydomonada* туркуми 8 турни ташкил этди. *Chlorococcineae* синфи 13 турдан иборат. *Chlorellaceae* оиласидан *Chlorella Ch. pyrenoidusa, Ch. terricola, Ph.vulgaris, Coccomyxa dispar, Macrochloris dissecta* ва *Miriella magna* турларидан иборат, қолган оилаларга мансуб туркумлар кўп холларда бир турни ўз ичига олган. Очбўз тупроқларда яшил сувўтларнинг *Chlorococcaceaедан Artococcus vulgare, Sphaerocystidaceaeдан Palmella miniata Scenedesmaceaeдан Tetracoccus botryoides, Botryococcaceaeдан Pleurococcus vulgaris* аниқланди.

Ulothrichophyceae синфидан ипсимон тузилишли *Stichococcus variabilis, Trentepohiliacea Trentepohlita gobii* тури намуналаримизда учради.

Яшил сувўтларга мансуб таксонларнинг орасида бир ҳужайрали тузилишга эга бўлган турлар ипсимонларга нисбатан кўп учради.Буни Сурхондарё тупрокларида хам аниыланди [1.Б.27]

Очбўз тупроқлардан аниқланган сувўтлар таксонларининг таркибида намуналарда кўп учраган турлар бор. Уларнинг қаторида *Chlorella vulgaris, Chlorococcum humicola, Nostoc punctiforme, f.populorum Synechococcus aeruginosis, Microcoleus vaginatus,Chlamydomonas isogama, Ch.globasa, Microchaete dissecta, Botrydiopsis arhiza, Heterothrix exilis, Navucula atomus, Hantzschia amphyoxys* бошқа турларга нисбатан кўп марта қайд этилди.

Очбўз тупроқларда тарқалган сувўтларнинг ўзига хослигини *Synechocystis sallansis, Characium strictum* ташкил қилдики, бу турлар бошқа тупроқларда учрамади.

Очбўз тупроқлардан аниқланган сувўтларнинг турли бўлимларга мансубларини турлар сони бўйича қиёслаганда алоҳида бўлим турларининг роли намоён бўлади.

Кўк-яшил сувўтлардан *Chroococcophyceae* синфи, *Chroococcales* тартиби *Synechococcaceae* оиласидан *Synechococcus elongatus* тури фақат очбўз тупроқларда қайд этилди. Бошқа тип тупроқларида учрамади.

Chlorophyta ва Cyanophyta бўлимларига мансуб таксонларнинг сони ўзаро яқин. Уларнинг сув культуралари ва петри идишидаги қоплагич ойналарда намоён бўлишида фарқ бор.

Кўк-яшил сувўтларнинг турлар сони яшилларга нисбатан 10 % га кўп. Яшил сувўтлар ҳужайраларининг сони 3,1-19,2 мингни ташкил қилди. Жами сувўт ҳужайраларининг сони 1 г қуруқ тупроқда 4,0 дан 24,1 мингача оралиқдалиги маълум бўлди.

Типик бўз тупроқлардан олинган намуналардан 67 тур ва тур хилларига мансуб сувўтлар аниқланди. Улардан кўк-яшиллар 25 (37,3 %), яшиллар 26 (38,8 %), сариқ-яшиллар 10 (14,9 %), диатомлар 7 (10,44 %) турдан иборат. Бу тупроқлардан хивчинли (монад) 8, колонияли ва шилимшиқ билан қопланган структурали 9, коккоид 27, оддий ип тузилишлилар 23 турни ташкил қилди.

Cyanophyta бўлимидан *Chroococcophyceae* синфига мансуб *Synechococcaceae* оиласидан ҳужайралари бироз эллипсимон, биттадан *Synechocystis aeruginosa* ва колониясидаги шиллиғи сезилар-сезилмас, алоҳида ҳужайралари шилимшиқли *Microcystis pulverea* аниқланди.

Hormogoniophyceae синфидан *Oscillatoriales* ва *Nostocales* тартибларига мансуб 23 тур ва форма мансуб ва улар кўк-яшил сувўтларининг 92 % ни ташкил қилди.

Oscillatoriales тартибидан *Oscillatoriaceae* оиласи *Phormidium* туркумидан *Ph.autumnale, Ph.foveolarum. Ph.molle, Ph.molle f.tenuis* турлари, *Oscillatoria* туркумидан *O.brevis, O.brevis f.variabilis, Lyngbya kuetzingiana, L.martensiana f.edafica* турларидан иборат. *Schizotrichaceae* битта *Microcoleus vaginatus, Plectonemataceae, Plectonema* туркумидан уч тур *P.boryanum, P.boryanum f.hollerbachiana, P.notatum* турларидан ташкил топган.

Келтирилган кўк-яшил сувўтлар турларининг орасида *Synechocystis aeruginasus, Nostoc punctiforme f.populorum, Plectonema boryanum f.hollerbachiana, Microcolus vaginatus* намуналарда бошқа турларга нисбатан кўпроқ учради. Ёғингарчилик кўп бўлган даврларда тупроқ юзасида *Phormidium* турлари ва *Microcoleus vaginatus* туридан иборат кўзга ташланиб турадиган ғуборлар ҳам пайдо бўлди. Бир грамм қуруқ тупроқдаги кўк-яшил сувўт ҳужайраларининг сони иқлимий шароитларга кўра 17,6-47,0 мингни ташкил қилди.

Диатом сувўтларидан биологик ранг-баранглик очбўз тупроқлардаги каби ўхшаш турларни аниқланди. Улар систематик жиҳатдан барчаси *Pennatophyceae* синфига мансуб. *Navicula* туркумидан 3 тур N.*atomus, N.murabilis, N.dicephala var.turundulata, Hantzschia* туркумидан *H.amphyuxys, H.capitata, Nitzschia туркумидан N.amphibia ва N.palea.*

Типик бўз тупроқларда Xanthophyta бўлимидан очбўз тупроқлардаги каби *Pleurochloridaceae* синфидан 4 тур: *Plenrochloridaceae* оиласидан *Pleurochloris commutate, P.magna, Botrydioceaедан Botrydiopsis arhiza, B.eriensis* қайд этилди. *Heterothrichaceae* синфи *Tribonemataceae* оиласидан *Tribonema elegans, T.vulare ва Heterothrichoceaедан Heterothrix bristoliana* учради.

Chlorophyta бўлимидан аниқланган сувўт таксонларининг сони кўк-яшиллардан 2 турга кўп чиқди. Чин яшил сувўтлар-*Chlorophyceae* синфидан *Volvocales* тартиби, *Chlamydomonadaceae* оиласининг *Chlamydonada* туркумидан 8 тур аниқланди.

Уларнинг орасида *Chlamydomonada gloegama, Ch. isogama, Ch. minima, Ch. olbongella* намуналарда бошқа турларга нисбатан кўп учради.

Chlorococcineae синфи 18 турни ўз ичига олган. *Chlorellaceae* оиласи *Chlorella* туркумидан *Ch.terricola, Ch.pyrenoidosa, Ch.vulgaris* аниқланди. *Chlorococcaceae* оиласидан *Coccomyxa* туркуми *C. dispar, C. solorinae, Chlorococcum* туркумидан *Ch. humicola, Ch. infusionum, Characiaceae Characium ovatum f. minor, Oocystaceae Trochisia aspera, T. granulata Ch. pyrenoiddosa, C. solorinae, Chlorococcum Ch. humicola, Ch. infusionumб Characiaceaeддан Characium ovatum f. minor, Oocystaceaeдан Trochisia aspera, T. granulata* турларидан иборат. Қолган оилалар биттадан турга эга. Улар *Sphoerocytidaceae*дан *Palmella miniata, Collastraceae*дан *Asterococcus rupestris, Ankistrodesmaceaeдан Ankistrodesmus faleatus, Botryococcaceae*дан *Plenrococcus vulgaris* ва *Selenastraceae*дан *Keratococcus bicandatus. Ulotrichophyceae* синфидан *Ulothrichaceae* оиласига мансуб *Stichocossus variabilis* аниқланди.

Яшил сувўтларга мансуб таксонларнинг орасида бир ҳужайрали ва қисман колония холда тузилган турлар бошқаларидан кўп учради. Уларнинг орасида *Chlorella, Chlorococcum, Macrochlaris, Pleurococcus* туркумларига мансуб турлар намуналарда кўп марта қайд этилди.

Типик бўз тупроқлардан аниқланган таксонлар намуналарда турлича даражада тарқалган. Улар *Synechococcus aeruginosis, Nostoc punetiforme f.populorum, N.microscopicum. Anabaena oscillatorioides, Cylindrospermum miscicola, S.stagnale, Oscillatiria brevis, Phormidium foveolarum, Microcoleus vaginatus, Plectonema notatum, Chlamydomonas atoctogama, Ch.isogama, Ch.minima, Ch.oblongella, Chlorococcum humicula, Ch.infusionum, Chlorella terricola, Plerococcus vulgaris, Plenrochloriscommutata, Botrydiopsis arhiza, B.eriensis, Navocula atomus, N.murabieis, Nitzschie amphioxys, Hantzschia capitata.*

Типик бўз тупроқлардан аниқланган турли бўлимларга мансуб турлар сони қиёсланганда *Synechococcus sallensis, Anabaena birgei f. minor, Oscillatoria schroeteri, O.tenuis f.minor, Phormidium fragile, Ph.subfuscum, Chlamydomonas acuta, Apiococcus vulgare, Trentepohila gobii* тўқ бўз тупроқларда учрамади.

Microchaete tenera, Phormidium molle f.tenae, Asterococcus rupestris, Coccomyxa dispar Characium ovatum f.minor, Trochiscia aspera, P.glanulata, Eremosphaeria virides f.minor, Keratococcus bicondatus очбўз тупроқларда тарқалмаган холда тўқ бўз тупроқлардан қайд этилди.

Типик бўз тупроқлардагина учраб бошқаларида ҳам учрамаган сувўтларнинг таксонлари қайд этилмади. Сувўтларининг сони очбўз тупроқларга нисбатан тўқ бўз тупроқларда 7 турга кўплиги аниқланди.

Сувўт ҳужайраларининг сони 1 г қуруқ тупроқда иқлимий шароитларга кўра 6,8-26,6 минг , улардан кўк-яшиллар 10,6-46,5, яшил ва сариқ-яшиллар 7,0-20,4 минг, диатомлар 3,0-9,0 минг ҳужайрани ташкил қилди.

Тўқ бўз тупроқлардан 100 турга мансуб сувўтларнинг турлари аниқланди, улардан кўк-яшил 34 тур, диатом 12, сариқ-яшил 11, яшиллар эса 43 турдан иборат. Турларнинг сонига кўра яшил сувўтлар 43 % ни ташкил қилди. Бу тупроқлар хивчинли (монад) 10, колонияли 12, коккоид 50, оддий ип тузилишлилар 28 турдан иборат.

Кўк-яшил сувўтлар орасида *Chroococcophyceae* синфи *Chroococcaceae* оиласидан *Synechococcus aeruginosus* ва *Gloeocapsaceae оиласи*дан *Gloeocapsa minor* тури ҳар иккала шимолий ва жанубий ёнбағирликда тарқалган.

Кўк-яшил сувўтларнинг орасида *Hormogoniophyceae* синфи 16 тур билан қатнашади. Уларнинг орасида гетероцистали, атмосферадаги молекуляр азотни ўзлаштира оладиган *Anabaenaceae* оиласининг *Anabaena* туркумидан 5 тур аниқланди. Улардан *Anabaena oscillariodes, A.constricta, A.variabilis* ва *Cylindrospermum* туркумидан *C.muscicola, C.stagnale* иккала ёнбағирликда тарқалган. *Anabaena spiroides* ва *A.variabieis f.tenuis* жанубий ёнбағирликда учради. *Nostocaceae* оиласидан 6 тур учради, улардан *Nostoc pnuctiforme f.populorum, N.microscopicum, N.sphaeroides, N.linckia f.muscorum* иккала ёнбағирликда тарқалган. *Nostoc paludosum* шимолий ёнбағирлик учради. Бу туркумларга мансуб сувўтларнинг орасида *Anabaena oscillarioides, A.constricta, A.variabieis, Nostoc punctiforms f.populorum, N.microscopicum ва N.linckia f.muscorum* намуналарда бошқа турларга нисбатан кўп учради.

Hormigoniophyceae синфига мансуб *Oscillatoriales* тартибидан 16 тур аниқланди. Улардан *Oscillatoriaceae* 13 турни ташкил қилди. *Phormidium* туркуми 7 турдан иборат бўлиб, *Ph.foveolarum, Ph.stagnale, Ph.molle* шимолий ва жанубий ёнбағирликда учради. Бу туркумдан *Phormidium ramosum* ва *Ph.bohneri* шимолий, *Phormidium molle f.tenue, Ph.anfuscum* жанубий ёнбағирликда тарқалган.

Oscillatoria brevis, Borzia trilocularis жанубий ёнбағирликда учради. *Lyngbya* туркумидан *L.constricta, L.kuetzingiana, L.scottii, Tolypothrix tenus* фақат жанубий ёнбағирлик тупроқларидан қайд этилди.

Яшил сувўтлар орасида *Volvocineae* синфи битта *Chlamydomonada* туркумидан ва у 10 турни ўз ичига олган. Бир типга мансуб тупроқдан аниқланган ушбу туркумга мансуб турларнинг биологик хилма хиллиги кўп эмас. Бу туркумга мансуб турларнинг тупроқларда биологик хилма хиллигининг кўплигини Голлербах, Штина (1969. 96 бет), Штина, Голлербах (1979), Кабиров (1991, 2001. 331-333 бет) қайд этишган. Аниқлаш даврида тиним холида бўлиб, таксономияси аниқланмаган холатдагилари ҳам учради.

Сув культураларида *Chlamydomonada* туркумининг вакиллари колбани сувли қирғоғида ёритилиши томонида бошқаларидан олдин пайдо бўлади. Вақтлар ўтиши билан ривожланиш даврининг монад холатидан пальмеллоид холатига ўтиши ҳам кузатилди. Бу туркум турларининг орасида *Ch.gloeogama, Ch.oblonella, Ch.steinii, Ch.isogama* тўқ бўз тупроқнинг шимолий ва жанубий ёнбағирлик қисмида учради. Шимолий ёнбағирликдан *Chlamydomonas atoctogama, Ch.minutissima, Ch.minima, Ch.oblongella* аниқланди. Жанубий ёнбағирликда *Chlamydomonada globosa* учради.

Chlorococcophyceae синфидан 11 оилага мансуб 23 тур аниқланди. Улар орасида *Chlorococcaceae* 8, *Oocystaceae* 7 турдан оборат. Қолган 9 оила 1 – 3 туркум турларидан иборат.

Chlorococcaceae оиласидан *Chlorococcum humicola, Ch.infusionum, Microchlora dissecta, Coccomyxa dispar* шимолий ва жанубий ёнбағирлик тупроқларида тарқалган. *Coccomyxa solorinae* шимолий, қолган таксонлар жанубий ёнбағирликда учради.

Oocystaceae оиласидан *Trachiscia dispar, Eremosphaeria virides f.minor* шимолий ва жанубий ёнбағирлик тупроқларида тарқалганлиги аниқланди.

Chlorellaceae оиласи *Chlorella* туркумидан *Ch.pyrenoidosa, Ch.terricoca, Ch.vulgaris* ва *Trochisci, T.aspera, T.granulata, T.palustris* турларидан иборат. *Scenedesmaceae* турли тупроқларда кенг тарқалган *Chlorococcum Ch.humicola, Ch.infusipnum* ва кам учрайдиган *Macrochloris dissecta, Pleurococcus vulgaris* турларидан иборат.

Фақат шимолий ёнбағирликда *Palmella miniata, Gleococcus Schroeteri, Chlorochytrium paradoxum, Chlorella pyrenoidosa, Keratococcus bicandatus* учради. *Palmella hualina, Characium ovatum f.minor, Tetracoccus botryoides, Ankistrodesmus falcatus* жанубий ёнбағирлик тупроқларидан олинган намуналарда тарқалган.

Ulothrichophyceae синфи *Ulothrichaceae, Trentepohliaceae* ва *Microsporaceae* оилаларидан иборат. *Ulothrichaceae* оиласидан *Ulothrix subtilissima* жанубий ёнбағирликда тарқалган холда *Ulothrix variabilis* шимолий, *Stichococcus bacillis* жанубий ёнбағирликда тарқалган. Бу синфдан *Microspora tumidula, Stichococcus minor* ҳар иккала ёнбағирликдаги тупроқларда учради.

Trentepohliaceae оиласидан *T.gobii, T.piceana* шимолий ёнбағирликда тарқалган.

Яшил сувўтларнинг орасида тўқ бўз тупроқларда бошқаларидан учрашига кўра *Chlomymonada oblonda, Ch.steinii, Chlorococcum humicola, Ch.infusionum, Chlorella vulgaris, Ch.terricola, Gleocystis rupestris, Trachischia aspera, Macrochloris dissecta, Microspora tumidula, Stichococcus minor* кўп тарқалган. Шимолий ёнбағирликнинг тупроқларидан 35, жанубий ёнбағирликда 25 тур сувўти учради.

Siponophyceae синфи, *Siphonales* тартиби, *Siphonophyceae* оиласидан ҳужайралари дастлаб юмалоқ, кейин чўзиқ юмалоқ кўринишга кириб, рангсиз найсимон ўсимта ҳосил қиладиган *Protosiphon botryoides* аниқланди.

Schizothrichaceae оиласидан *Microcoleus vaginatus, Plectonemataceae Plectonema borynum f.hollerbachiana* шимолий ва жанубий ёнбағирликда учради.

Кўк-яшил сувўтларининг таксонларини орасида *Synechococcus aeruginosus, Gloeocapsa minor, Nostoc punctiforme f.populorum, N.microscopicum, Anabaena variabilis, A.oscillatorioides, Phormidium foveolarum, Ph.molle, Misrocoleus vaginatus* намуналаримизда бошқалардан кўп учради. Шимолий ёнбағирликда 22, жанубийда 29 тур сувўт тарқалганлигини қайд этдик.

Сариқ-яшил сувўтлардан тўқ бўз тупроқларда 11 турни аниқладик. *Heterococcophyceae* синфидан 7 тур, ундан P*leurochloridaceae*дан *Pleurochloris commutate, P.magna, Polyedriella Helvetia, Botrydioceae Botrydiopsis arhiza B.ereensis, Polyedriella helvetica* жанубий ёнбағирликда тўқ бўз тупроқлар учун характерли ҳисобланади.

Centrictaceae оиласи *Bumilleriopsis* туркумидан *B.terricola шимолий, B.brevis* жанубий ёнбағирликда учради.

Heterotrichophyceae синфидан ипсимон *Heterothrix bristoliana* шимолий ёнбағирликда ва *Tribonema* туркумидан *T.viride, T.vulgare;* яссияпроқ шаклидаги *Heterococcus chodati*; тўқ бўз тупроқ учун хос ҳисобланади. Шимолий ёнбағирликдан 9, жанубидан 7 тур аниқланилиб, уларнинг орасида *Pleurochloris commutate, P.magna, Botrydiopsis arhiza , B.eriensis* ва *Heterocossus chodotii* намуналарда бошқа турларга нисбатан кўпроқ учради.

Диатом сувўтлари тўқ бўз тупроқларда 12 турни ташкил этди, улар фақат *Pennatophyceae* синфига мансуб. Иккичоклилар тартибидан *Navicula* туркуми 5 турдан иборат. Улардан *Navicula murabilis, N.mutica* иккала ёнбағирликда, 4 тадан тур

шимолий ва жанубийда тарқалган. Бундай холат *Hantzschia amphyoxys, H.capitata, Nitzschia palea* учун ҳам хос. 10 тур шимолий, 8 тур жанубий ёнбағирликда учради. Тўқ бўз тупроқларда диатом сувўтларини орасида *Navicula atomus, N.murabilis, N.mutica, Hantzschia amphyoxys, H.capitata, Nitzschia amphibia* ва *N.palea* бошқа турлардан намуналарда кўп учради.

Эвгленалар бўлимига мансуб монад тузилишли *Trachelomonas* туркумидан *T.robusta, T.volvocina, Euglena mutalibis* ҳамда Cryptophyta бўлимидан *Cryptohyceae* синфи *Cryptomonadaceae* оиласига мансуб *Cryptomonas erosa* фақат шимолий ёнбағирликда оз сонда учради.

Тўқ бўз тупроқларнинг 0-1 см юзасидаги сувўт ҳужайраларининг сони об-ҳаво шароитига боғлиқ холда 0,6-29,3 минг орасидаги миқдорни ташкил қилди.

Кўк-яшил сувўтлар ҳужайраларининг сони 6,1-17,3 минг оралиғини, яшил ва сариқ-яшил сувўтлар 7,5-40,3; диатомлар 6,2-30,5 минг оралиғидан иборатлиги аниқланди.

Типикжигарранг тупроқлардан 106 тур ва тур хилларига мансуб сувўтлар аниқланилиб улардан кўк-яшиллар бўлимидан 30 (28,3 %), диатомлардан 16 (15,1 %), сариқ-яшиллардан 15 (14,1 %), яшиллардан 45 тур ва тур хиллари (42,45 %) аниқланди. Кўк-яшил сувўтлар бўлмидан *Chloococcophyceae* синфи 3 турдан иборат таксонларга эга. Улар *Microcystidaceae* оиласидан *Aphonothece costagne* шимолий ва жанубий ёнбағирликда; *A.saxicola* ва *Gleocapsaceae*дан *Gleocapsa magna* шимолий ёнбағирликдан аниқланди.

*Hormogoniophycea*е синфи 27 турни ўз ичига олган ҳолда шу тупроқлардан аниқланган турларнинг тўртдан бири 25,47 % ни ташкил қилади.

Oscillatoriales тартиби 13 турдан иборат ва жами кўк-яшил сувўтларнинг 43,33 % ни ташкил қилади. *Oscillatoriaceae* оиласидан *Oscillatoria, Phormidium, Borzia* туркумларига мансуб таксонлар орасида *Phormidium* 10 турдан иборат. Улардан *Phormidium autumnale, Ph.foveolarum, Ph.fragile, Ph.molle, Ph.subfuscum* бошқаларидан кенг тарқалган, улар бу тупроқларнинг шимолий ва жанубий ёнбағирликларида тарқалган.

Nostocales туркумидан *Nostocaceae* оиласига мансуб *Nostoc* туркумидан *Nostoc punctiforme f.populorum, N.microscopicum* шимолий ва жанубий ёнбағирликлардан, *Nostoc punctiforme, N.linckia f.muscorum* шимолий ёнбағирликдан, *N.commune* жанубий ёнбағирликдан аниқланди.

Anabaenaceae оиласидан *Anabaena oscillarioides, A.constricta, A.variabilis, Cylindrospermum lichenoforme, C.muscicola, C.stagnale* шимолий ва жанубий ёнбағирлик тупроқларидан, *Anabaena variabilis f.tenus* жанубий ёнбағирликдан олинган намуналарда қайд этилди. *Nodulariaceae* оиласидан *Nodularia harveuana f.sphaerocarpa* жанубий ёнбағирликдан аниқланди.

Schizothrichaceae оиласидан *Microcoleus vaginatus* шимолий ва жанубий ёнбағирликдан, *Plectonemataceae*дан *Plectonema boryanum f.hollerbachiana* жанубий ёнбағирликдан қайд этилди.

Bacillariophyta бўлимига 17 тур ва тур хилларига мансуб таксонлар бирлашган, улар жами сувўтлар турларидан 16,3 фоизни ташкил қилади. Бу сувўтларнинг ҳамма турлари *Pennatophyceae* синфига мансуб. Бир чоклилар тартибидан *Navucula*

туркумидан 7 тур аниқланиб, улардан *Navicula mirabilis, N.mutica var.nivalis* шимолий ва жанубий ёнбағирлик тупроқларида *Navicula atomus, N.cryptocephala, N.dicephala, N.mutica* шимолий, *Navucula disephala var.turundulata, N.minuscula* жанубий ёнбағирлик тупроқларидан аниқланди.

Очқўнғир тусли тупроқлардан олинган намуналардаги биологик ранг баранглик 110 турдан иборат. Кўк-яшил сувўтлар 36 (31,9 %), сариқ-яшиллар 16 (14,5 %), диатомлар 14 (12,7 %) тур ва тур хилларини яшиллар 43 (40,0 %) ташкил қилди. Бу тупроқлардан хивчинли (монад) 8 , колонияли 18, коккоид 48, ипсимон тузилганлари 36 тани ташкил этди.

Stigonemataceae синфи *Stigonemataceae* оиласидан бир тур *Stigonema hormoides* аниқланди.

Hormogoniophyceae синфи 10 таксонни ўз ичига олган. *Oscillatoriales* тартибидан *Oscillatoria* туркуми *O.boryana, O.schroeteri, O.fusca* турлардан иборат. *Phormidium* туркумидан *Ph.autumnale, Ph.bonerii, Ph.corium, Ph.foveolarum, Ph.molle, Ph.licidum f.tenuis, Ph.ramosum,Ph.subfuscum, Barsia trilacularis, Lyngbya auregineo-coerulare, Schizothrichaceae* оиласидан *Microcoleus vaginatus* ҳамда *Plectonemataceae Plectonema boryanum f.hollerbachiana* қайд этилди. Шимолий ёнбағирликдан 27 тур ва тур хиллари (кўк-яшил сувўтларнинг 42,85 %), жанубий ёнбағирликдан 33,33 % турлар аниқланди.

Хулоса

1. Фарғона водийсидаги очбўз тупроқларда сувўтларнинг таксономик таркиби биринчи марта ўрганилиб, шу тип тупроқлардан 63 тур сувўт аниқланди, улардан 44,4% ни кўк-яшиллар, 36.5 % ни яшиллар, 10,6 % ни сариқ-яшиллар, 7.9 % ни диатом сувўтлар 11.1% ни коккоид ва оддий ип тузилишга эга биоформалар мос равишда 38.1 % дан иборат бўлди.

Типик бўз тупроқларда 67 турга мансуб тур таксонлари аниқланиб, улардан 38.8 % ни яшил, 37.3 % ни кўк-яшил, 11.9 % ни сариқ-яшил, 10.44 % ни диатом ва 1.56 % ни коккоид ва оддий ип тузилишлилар ташкил қилди.

2. Фарғона водийсида тарқалган тўқ бўз тупроқлардан биринчи марта 100 турга мансуб сувўтларнинг таксонлари аниқланди.

Алъгофлора таркибида кўк-яшиллар 34%, диатомлар 12%, сариқ-яшиллар 11 %, яшилсувўтларнинг турлари 43 % ни ташкил қилди. Алъгофлорани ташкил этишда коккоид тузилишлилар 50, оддий ипсимонлилар 28 % дан иборат.

3. Фарғона водийсида тарқалган типикжигарранг тупроқлардан 106 тур таксонлар аниқланди; улардан кўк-яшиллар 30, яшиллар 45 тур билан жами турларнинг 70,75 % ни ташкил қилди Алъгофлорани ташкил этишда коккоид тузилишлилар 48 тур билан 45,7 %, оддий ип кўринишдагилар 34 тур билан 32,1 % ни ташкил этди.

Адабиётлар:

1.Бут И.П. Почвенные водоросли некоторых районов Сурхандарынской области // Узб.биол.журнал № 2. 1959. -С.26-28.

2. Базова Г.А. Водоросли такировидных почв Восточного Памира // Докл. АН. Тадж. ССР.-Т. №1.1963.-С.27-29.

3.Вассер С.П., Бухтиярова Л.Н. Диатомовые водоросли. Класс Pennotophyceae //

Водоросли Справочник. Киев. 1989.-С.335-339.

УРГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИДАГИ POACEAE ОИЛАСИ ТУРЛАРИНИНГ АРЕАЛ ТИПЛАРИ

Қодиров Улуғбек Ҳамроқулович, Акбаров Феруз Икболович, Пўлатов Сардоржон Отажонович, Мирзалиева Дилафруз Усмоналиевна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти,
кичик илмий ходимлари, qodirovu@bk.ru

Аннотация: *Ушбу мақолада, Ўзбекистон Миллий гербарий фондида сақланаётган ва муаллифлар томонидан олиб борилган дала тадқиқотларида йигилган маълумотларга асосланган ҳолда Угрут ботаник-географик райони флорасида Poaceae оиласининг 128 тури учраши аниқланган ва 18 ареал типлари бўйича таҳлил амалга оширилган.*

Калит сўзлар: *Флора, Зарафшон тизмаси, ареал, Ургут ботаник-географик район, Poaceae.*

ТИПЫ АРЕАЛОВ ВИДОВ СЕМЕЙСТВА POACEAE ФЛОРЫ УРГУТСКОГО БОТАНИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНА

Кодиров Улугбек Хамроқулович, Акбаров Феруз Икболович, Пўлатов Сардоржон Отажонович, Мирзалиева Дилафруз Усмоналиевна
Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан,
младшие научные сотрудники, qodirovu@bk.ru

Аннотация: *В данной статье приводятся данные по распространению видов семейства Poaceae Ургутского ботанико-географического района. Было обнаружено 128 видов и 18 типов ареалов семейства Poaceae на основе материалов хранящихся в Национальном фонде гербария Узбекистана и полевых исследованиях авторов.*

Ключевые слова: *Флора, Зеравшанский хребет, ареал, Ургутский ботанико-географический район, Poaceae.*

AREAL TYPES OF POACEAE SPECIES IN FLORA OF URGUT BOTANICAL-GEOGRAPHY REGIONS

U.Kh. Kodyrov, F.I. Akbarov, S.O. Pulatov, D.U. Mirzaliyeva
Institute of Botany of Academy Sciences of Uzbekistan, Junior Researchers,
qodirovu@bk.ru

Annotation: *This article provides data on the distribution of species of the Poaceae family in the Urgut botanical-geographical region. 128 species and 18 genera of plants of the Poaceae family were found on the basis of materials stored in the National Herbarium Fund of Uzbekistan and field research of the authors.*

Key words: *Flora, Zarafshan ridge, areal, Urgut botanical-geographical region, Poaceae.*

Ургут ботаник-географик райони Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқларига тўғри келиб, Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш

схемасида Кухистон округи таркибида алоҳида Ургут ботаник-географик райони сифатида ажратилган [3]. Ҳозирги кунга қадар ушбу минтақада кўплаб ботаник олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, ҳудуднинг флористик таркиби тўлиқ шакллантирилмаган. Қ.З. Зокиров (1955, 1961) ботаник-географик районининг Зарафшон дарёси ҳавзасини таркибида келтириб, умумий ҳавза учун 2588 турни қайд этган [4, 5]. Ургут ботаник-географик районида ўзига хос бўлган: *Cerastium borisii* Zakirov, *Silene oreina* Schischk., *S. popovii* Schischk., *Astragalus chrysomallus* Bunge, *Hedysarum amankutanicum* B. Fedtsch., *Elaeosticta paniculata* (Korovin) Kljuykov & Pimenov, *E. seravschanica* Kljuykov & Pimenov, *Tanacetopsis urgutensis* (Popov ex Tzvelev) Kovalevsk., *Iris magnifica* Vved. сингари эндем турлар мавжуд. Сўнги йилларда, «№ПЗ-20170925347 сонли, Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш» номли лойиҳа вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот амалга оширилиб, минтақа флорасида 1300 га яқин турнинг рўйхати ва ареал типлари шакллантирилди ва тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Ҳудуддаги полиморф саналган оилалар ичида Poaceae оиласи вакилларининг улуши бошқа оилаларга нисбатан анча юқори. Шакллантирилган рўйхатда оила вакиллари 51 туркумга мансуб 124 турдан иборат. Poaceae оиласининг туркум турлари Ўзбекистон флорасида (4364 тур) 301 тури тарқалган бўлиб, флоранинг 6,9 % ни [9, 12], УБГ райони флорасидаги турларининг деарли (1300 яқин тур) 10% ни ташкил қилади.

Poaceae оиласи турлар сони бўйича ер шари флорасида Fabaceae (33 000) ва Orchidaceae (28000), Asteraceae (23000) va Rubiaceae (13500) оилаларидан кейин бешинчи ўринда турадиган полиморф оилалардан биридир [7].

Оиланинг ер юзасида 780 туркумга мансуб 12000 тури мавжуд бўлиб, Poaceae оиласи иқтисодий, экологик ва эволюцион жиҳатдан энг муваффақиятли турларга бой оилалардан бири ҳисобланади [10].

Мазкур оила вакиллари Голартик флористик оламининг асосини ташкил қилувчи оилалардан ҳисобланиб, бу оила вакиллари ер шарининг деярли барча қисмида, Антарктидадан ташқари барча материкларда саванналар, чўл ва чалачўллар, табиий яйловлар, сув-ботқоқли ҳудудларда, ўрмонлар ва тундрада кенг тарқалган [2].

Оила вакиллари космополит турларга бой, индивид жихатдан бошқа оила вакилларидан устун туради ва оила туркум турларининг экологик амплитудаси қудратли бўлиб, Муғилистон ва Шимолий Хитойдан Европагача чўзилган чўл ва чалачўллар, Тибет-Қоракурум тоғ тизмалари, Ҳимолой-Хиндикуш тоғ яйловлари, Шимолий Америка, Жанубий Американинг патегония, пампа ҳудудлари, Австралия яйловлари, Ўрта Ер денгизи минтақаси, Ғарбий Осиё, Африканинг шарқий саванна ва яйловлари турлар сонини юқори кўрсатгичга эга эканлиги билан ажралиб туради [6].

Ургут ботаник географик районида кўплаб ботаник олимлар томонидан тадқиқ қилганлигига қарамасдан, мазкур ҳудуддаги турларнинг сони ва тип ареаллари аниқлаш амалга оширилмаган. Шакиллантирилган рўйхат асосида турларни ареал типларини белгилаш ҳозирга қадар Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги локал флораларда олиб борилган флористик ва геоботаник тадқиқотлардан

фойдаланилган ҳолда, Р.В. Камелин (1973) томонидан таклиф этилган тасниф асосида амалга оширилди [1]. Ареал типи турнинг табиий тарқалиш чегараси ҳисобланиб, табиатда бир тур икки хил ареал типига мансуб бўлмайди. Ургут ботаник-географик райони флорасида тарқалган Poaceae оиласига тегишли турларнинг табиий тарқалиш чегарасини ўрганиш асосида 18 ареал типларига ажратилди (1 жадвал).

1. Помиролой типи. Помир-Олойнинг Зарафшон, Ҳисор, Қоратегин, Петр I, Дарвоз, Фанлар Академияси тизмалари ва Ғарбий Помирнинг Бадахшон қисмини ўз ичига олади. Мазкур ареал типига Poaceae оиласига тегишли турларнинг 3 тур (2,4 %) мансуб: *Stipa lipsky* Roshev., *Agropyron setuliferum* (Nevski). Nevski., *Poa fragilis* Ovcz.

2. Тоғлиўртаосиё типи. Тоғли Ўрта Осиё провинцияси билан чегараланган бўлиб, Тиёншон (Шимолий ва Шарқий Тиёншондан ташқари), ҳамда Помир-Олойни (Шарқий Помирдан ташқари) қамраб олади. 1 тур (0,8 %) шу ареал типига таълуқли: *Piptatherum latifolium* (Roshev.) Nevski.

3. Ўртаосиё типи. Ўрта Осиёдаги тоғ тизмаларининг Тарбағотойдан Копетдоғ-гача бўлган қисмини қамраб, қисман Ғарбий Мўғилистон, Хитой, Афғонистон ва Шимолий Эронни ўз ичига олган ҳудуд. Мазкур типга УБГР флорасида учровчи Poaceae оиласига тегишли 2 тур (1,6 %) мансуб: *Calamagrostis dubia* Bunge Lehm., *Bromus sewerzowii* Regel.

4. Копетдоғ-Тоғлиўртаосиё типи. Тоғли Ўрта Осиё ва Туркманистон тоғли чегараси бўлиб, шимолий Афғонистон ва шарқий Эрон ҳамда базан Балхаш бўйигача чиқади. Бу тип 2 турни (1,6 %) ўз ичига олади: *Piptatherum sogdianum* (Grig.) Roshev., *Melica hohenackeri* Boiss.

5. Тарбағотой-Тоғлиўртаосиё типи. Тоғлиўртаосиё, Жунғор Олатоғи, Тарбағатой, Қулжа ва Синцзян чегарасигача бўлган ҳудудларни қамраб олади. Ушбу ареал типига 5 тур (4 %) тегишли: *Cutandia rigescens* (Grossh.) Tzvelev. *Bromus oxyodon* Schrenk., *Elymus bungeanus* (Trin.) Melderis, *Festuca alaica* Drobow, *Poa relaxa* Ovcz.

6. Кавказ-Ўртаосиё типи. Катта Кавказ тизмаси, Арас дарёси водийсидан Ўрта Осиёгача бўлган ҳудудларни қамраб олади. 1 тур (0,8 %) ушбу ареал типига мансуб: *Stipa caragana* Trin.

7. Эрон типи. Шарқий Анатолиядан Тиёншон ва Ғарбий Помиргача (Бадахшон) бўлган ҳудудлар киради. Ареалнинг бу типига 1 тур (0,8 %) мансуб: *Stipa hohenackeriana* Trin. & Rurp.

8. Эрон-Ўртаосиё типи. Эроннинг жанубий-шарқий қисми, Кавказорти ҳамда Олтой ва Синцзянгача бўлган ҳудудлар киради. Ареалнинг бу типи 4 тур (3,6 %) ташкил қилади: *Vulpia persica* (Boiss. & Buhse). V.I.Krecz. ex Bobrov, *Bromus danthoniae* Trin., *B. sericeus* Drob., *Secale segetale* (Zhuk.) Roshev.

9. Эрон-Қашқар типи. Бу қўшма ареал типи Эрондан Қашқаргача бўлган ҳудудларни қамраб олади. 1 тур (0,8 %) шу арел типига тегишли: *Stipa splendens* Trin.

10. Эрон-Ўртаосиё-Олтой типи. Бу тип Эроннинг шимолий қисми, Афғонистон, Ғарбий Мўғилистон, Ғарбий Хитой ҳудудларини, Тиёншон, Помир-Олой, Жунғор Олатоғи, Тарбағотой ва Олтойни қамраб олади. Мазкур типга 1 тур (0,8 %) тегишли: *Stipa caucasica* Schmalh.

11. Ҳимолойолди типи. Ғарбий Ҳимолой, Афғонистон, Ўрта Осиё, ҳамда Тибетнинг бир қисми, Ғарбий Хитой, Мўғилистон ва Олтой ҳудудларини қамраб олади. Бу ареал типига УБГР флорасида бу оиланинг 1 тури (0,8 %) тегишли: *Piptatherum pamiralaicum* (Grig). Roshev. & Nikitina..

12. Олтой-Ҳимолайолди типи. Олтой, Саян ҳудудларидан Ғарбий Ҳимолайгача бўлган тоғ тизмаларини ўз ичига олади. Бу ареал типига 1 тур (0,8 %) мансуб: *Stipa orientalis* Trin.

13. Евро-сибир-ўртаосиё типи. Бутун Ўрта Осиё, Сибирнинг марказий ва жанубий ҳудудлари, ҳамда Европанинг ғарбий қисми киради. УБГР флорасида учрайдиган Poaceae оиласига тегишли 2 тур (1,6 %) шу ареал типига мансуб: *Elymus hispidus* (Opiz) Melderis, *Festuca valesiaca* Schleich. & Gaudin.

14. Шарқийқадимийўртаерденгизи типи. Фаластин, Кичик Осиёдан Ғарбий Ҳимолой ва Олтойгача бўлиб, Сурия, Эрон, Кавказорти, қисман Тибет ҳамда Синцзян ҳудудларигача бўлган минтақаларни қамраб олади. Мазкур тип 19 турни (15,4 %) ўз ичига олади: *Phalaroides arundinacea* (L.) Rauschert., *Phleum paniculatum* Huds., *Avena trichophylla* C. Koch, *A. eriantha* Durieu., *Aeluropus intermedius* Regel, *A. littoralis* (Gouan). Parl., *Puccinellia poecilantha* (K.Koch). Grossh., *Loliolium subulatum* (Banks & Sol). Eig, *Boissiera squarrosa* (Sol). Nevski., *Lolium persicum* Boiss. et Hohen., *Henrardia persica* (Boiss). C.E.Hubb., *Agropyron trichophorum* (Link). K.Richt., *Eremopyrum bonaepartis* (Spreng). Nevski., *E. distans* (Koch). Nevski., *E. triticeum* (Gaertn). Nevski., *Secale cereale* L., *Aegilops crassa* Boiss., *Taeniatherum crinitum* (Schreb). Nevski., *Hordeum brevisubulatum* (Trin). Link.

15. Қадимийўртаерденгизи типи. Испания, Марокашдан Ғарбий Хитой, Ғарбий Мўғилистон ва Ғарбий Ҳимолайгача бўлган ҳудудлар киради. 31 тур (25,2 %) шу арел типига тегишли: *Imperata cylindrica* (L). Raeusch., *Erianthus ravennae* (L.) P. Beauv., *Sorghum halepense* (L.) Pers., *Digitaria sanguinalis* (L). Scop., *Echinochloa oryzoides* (Ard). Fritsch, *Phalaris minor* Retz., *Stipa capillata* L., *Milium vernale* M. Bieb., *Crypsis aculeata* (L.) Ait., *Phleum exaratum* Griseb., *Alopecurus myosuroides* Huds., *Polypogon semiverticillatus* (Forssk.) Hyl., *Apera interrupta* (L). P.Beauv., *Avena barbata* Pott & Link, *A. persica* Steud., *A. clauda* Durieu., *Cynodon dactylon* (L). Pers., *Melica altissima* L., *Sclerochloa dura* (L). P.Beauv., *Schismus arabicus* Nees, *Vulpia ciliata* Dumort., *V. myuros* (L.) C.C.Gmel., *V. unilateralis* (L). Stace, *Bromus lanceolatus* Roth., *Eremopyrum orientale* (L). Jaub. & Spach., *Aegilops cylindrica* Host., *A. triuncialis* L., *Heteranthelium piliferum* (Sol). Hochst. & Jaub. ex Spach, *Hordeum bulbosum* L., *H. spontaneum* Koch., *Koeleria pyramidata* (Lam.) P.Beauv.

16. Полеарктик типи. Голарктик флористик оламининг мўътадил ва субтропик минтақаларни қамраб олади. Бу тип 23 турни (18,7 %) ўз ичига олади: *Echinochloa crus–galli* (L). P.Beauv., *Setaria lutescens* (Weig.) F.T. Hubb., *S. verticillata* (L). P.Beauv., *S. viridis* (L). P.Beauv., *Phleum phleoides* (L). H.Karst., *Alopecurus arundinaceus* Poir., *Polypogon fugax* Nees ex Steud., *P. monspeliensis* (L.) Desf., *Calamagrostis epigeios* (L.) Roth, *C. pseudophragmites* (Haller f). Koeler., *Avena fatua* L., *Glyceria plicata* (Fr). Fr., *Puccinellia distans* (Jacq). Parl, *Bromus japonicus* Thunb., *B. scoparius* L., *B. sterilis* L., *Brachypodium sylvaticum* P. Beauv., *Lolium temulentum* L., *Elymus repens* (L.) Gould., *Piptatherum pamiralaicum* (Grig). Roshev. & Nikitina., *Poa nemoralis* L., *P. pratensis* L., *P. supina* Schrad.

17. Голарктика типи. Бутун Шимолий ярим шарнинг қуруқлик қисмини қамраб олади. Бу ареал типига 16 тур (13 %) тегишли: *Digitaria ischaemum* (Schreb). Muehl, *Crypsis schoenoides* (L.) Lam., *Phleum pratense* L., *Alopecurus pratensis* L., *Koeleria cristata* (L.) Pers, *Catabrosa aquatica* (L). P.Beauv., *Dactylis glomerata* L., *Bromus tectorum* L., *Lolium perenne* L., *Eragrostis minor* Host, *E. pilosa* (L). P.Beauv., *Poa alpina* L., *P. diaphora* Trin., *P. palustris* L., *P. trivialis* L.

18. Плюрирегионал типи. Бу тип ўз ичига камида иккитадан кам бўлмаган флористик оламда тарқалган турларни қамраб олади. УБГР флорасида Poaceae оиласига тегишли 9 тур (7,3 %) шу ареал типига мансуб: *Agrostis gigantea* Roth., *A. stolonifera* L., *Avena sativa* L., *Hordeum geniculatum* All., *H. leporinum* Link, *Elymus drobovii* (Nevski) Tzvelev, *Festuca arundinacea* Schreb., *Phragmites australis* (Cav). Trin. & Steud., *Poa bulbosa* L.

1 жадвал

Poaceae оиласи турларининг ареал типлари, улардаги турларнинг сони ва фоизи

№	Ареал типлари	Турлар сони	% ҳисобида
1	Помиролой	3	2,4
2	Тоғлиўртаосиё	1	0,8
3	Ўртаосиё	2	1,6
4	Копетдоғ-Тоғлиўртаосиё	2	1,6
5	Тарбағотой-Тоғлиўртаосиё	5	4
6	Кавказ-Ўртаосиё	1	0,8
7	Эрон	1	0,8
8	Эрон-Қашқар	1	0,8
9	Эрон -Ўртаосиё	4	3,6
10	Эрон-Ўртаосиё-Олтой	1	0,8
11	Ҳимолайолди	1	0,8
12	Олтой-Ҳимолайолди	1	0,8
13	Евро-Сибир-Ўртаосиё	2	1,6
14	Қадимийшарқийўртаерденгизи	19	15,4
15	Қадимийўртаерденгизи	31	25,2
16	Полеарктик	23	18,7
17	Голарктик	16	13
18	Плюрегионал	9	7,3
	Жами:	**123**	**100**

Poaceae оиласи турларининг географик тарқалиши асосида ареал типларига ажратилди ва бу тадқиқотлардан маълум бўлдики, Ўзбекистон флорасида учрайдиган турлар орасида, шу жумладан Ургут ботаник-географик райони флорасида эндем ва камёб турлар учрамайди. УБГР флорасида Poaceae оиласига мансуб 48 тур жуда кенг географик тарқалишга эга бўлиб, булардан 9 тур иккитадан кам бўлмаган флористик оламда тарқалган, масалан *Phragmites australis* турини ер юзининг ҳар икки ярим шарида 70˚ ва 40˚ кенглик орасида учратиш мумкин, 16 тур

Шимолий яримшарнинг деярли барча кенгликларида мавжуд, 23 тур Шимолий яримшарнинг мўтадил, тропик ва субтропик минтақалари бўйлаб кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Ургут ботаник-географик районида Poaceae оиласи турлари учун Қадимийўртаерденгизи географик элементлари устунлик қилади. Қадимийўртаерденгизи ареал типига 31 тур мансуб бўлиб, бу ареал типлари ичида энг юқори кўрсатгични ифодалайди, бундай юқори кўрсатгич учун бирламчи тадқиқотларда қадимги эволюцион жараёнларни ва географик кенглик омилини кўрсатиш мумкин. Чекланган географик тақсимот Помиролой ареал типига мансуб 3 турга хос бўлиб, *Stipa lipsky*, *Agropyron setuliferum*, *Poa fragilis* булар Ўрта Осиё флораси учун эндем ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики Ўзбекистон флораси, ҳамда Ургут ботаник-географик райони флорасида тарқалган Poaceae оиласи турларининг географияси кенг бўлиб, аксарият турларнинг ареал типлари қадимги ареал типларига мансуб.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – *Л.*: Наука, 1973. – 356 б.
2.Тахтаджян А.*Л* Флористические области Земли. – *Л.*: Наука, 1978. – 246 б.
3. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географического районирование Узбекистана // Ботанические журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1130.
4. Закиров К.З Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Т.1.Ташкент. 1955.-205 б.
5. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Т.2.Ташкент. 1961.-446 б.
6. Gibson, D.J. (2008). Grasses and Grassland Ecology. 323.UK: Oxford University Press.
7. Hodkinson, T.R. and Parnell, J.A.N. (2007a). Introduction to the systematics of species rich groups. In: Reconstructing the Tree of Life: Taxonomy and Systematics of Species Rich Taxa. 3–20. FL: CRC Press.
8. Hodkinson, T.R. and Parnell, J.A.N. (2007b). Reconstructing the Tree of Life: Taxonomy and Systematics of Species Rich Taxa. 351. Boca Raton, FL: CRC Press
9. K.Tojibaev, F.Khassanov, N.Beshko, O.Turginov (2018) Resume of floristic research in Uzbekistan during the years of independenc. Узбекский биологический журнал, 4: 3-7 с.
10. Soreng, R.J., Peterson, P.M., Romaschenko, K. et al. (2017). A worldwide phylogenetic classification of the Poaceae (Gramineae) II: an update and a comparison of two 2015 classifications. Journal of Systematics and Evolution 55 (4): 259–290.
11. www.researchgate.net
12.www.floruz.uz

O’SIMLIKLARNI KLONLI MIKROKO’PAYTIRISH USULLARI VA UNI QISHLOQ XO’JALIGIGA TADBIQ QILISH

Qurbonov Ibragim Sharifjonovich
Talaba Ergashev Akramjon Mavlonboy o’g’li

Annotatsiya: *Ushbu maqolada o'simliklarni klonli mikroko'paytirib ko'p miqdorda, yuqori sifatli, genetik bir xil, virussiz ekish materiallari olish to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *Hujayra, to'qima, selektsiya, oziqa muhiti, in vitro, ildiz, poya, barg, yetuk o'simlik.*

КЛОНИРОВАНИЕ МИКРОКУЛЬТУР РАСТЕНИЙ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Qurbonov Ibragim Sharifjonovich
Ergashev Akramjon Mavlonboy o'g'li

Аннотация: *В данной статье содержится информация о получении большого количества высококачественных, генетически идентичных вирусных посевных материалов из клонированных микро-растений.*

Ключевые слова: *клетка, ткань, селекция, питательные среды, in vitro, корень, лист, зрелое растение.*

CLONELY MICRO-CULTIVATION OF PLANTS AND ITS APPLICATION TO AGRICULTURE

Qurbonov Ibragim Sharifjonovich
Ergashev Akramjon Mavlonboy o'g'li

Annotation: *This article provides information on obtaining large quantities of high-quality, genetically identical, viral-sowing materials from cloned micro-plants.*

Key words: *Cell, tissue, selecia, nutritional media, in vitro, root, leaf, leaf, mature plant.*

Hujayra va to'qimalar kulturasi sohasida erishilgan yutuqlar asosida o'simliklarni vegetativ ko'paytirishning yangi usuli-klonli mikroko'paytirish) usuli yaratildi.

Bu usul asosida o'simlik hujayrasining faqat o'ziga xos bo'lgan totipotentlik-ni amalga oshirishdek ajoyib xususiyat yotadi, ya'ni ekzogen omillar ta'sirida o'simlik organizmi paydo bo'ladi. Bu usul, o'simliklarni ko'paytirishning an'anaviy usullariga nisbatan bir qator avzalliklarga ega:

- genetik bir xil ekish materiallar olish;
- meristema kulturasidan foydalanishi orqali o'simliklarni virusdan holi qilish;
- ko'paytirishning yuqori koeffitsenti (10^5-10^6 – o'tli, gulli o'simliklar uchun, 10^4 –10^5 – butasimon daraxtlar uchun, ninabarglilar uchun 10^4);
- selektsion jarayonni davomiyligini qisqarishi;
- o'simliklarni yuvenil fazadan reproduktiv fazaga o'tishni tezlashishi;
- ananaviy usullar bilan ko'payishi qiyin bo'lgan o'simliklarni ko'paytirish mumkinligi;

- butun yil mobaynida ish olib borishi mumkinligi, ekish materiallari o'stirish uchun maydonlarning tejamliligi.
- o'stirish jarayonini avtomatlashtirish imkoniyati [1].

O'simliklarni klonli mikroko'paytirish sohasida birinchi muvaffiqiyatga o'tgan asrning 50 yillarida frantsuz olimi Jorj Morel tomonidan erishilgan. U orxideyaning-regenerant o'simligini olgan. Bu vaqtda o'simliklarni apikal meristemasini in vito kulturalash texnikasi yaratilgan edi. Tadqiqotchilar birlamchi eksplantlar manbai sifatida o'tchil o'simliklardan: chinnigul, xrizantema, kungaboqar, no'xat, makkajo'xori, qoqio't, salatdan foydalanib, bu o'simliklarni regeneratsiya jarayoniga va shakllanishiga oziqa muhitlari tarkibining ta'sirini o'rgandilar. J.Morel o'z tajribalarida shuningdek, tsimbidium (orxideyalar oilasiga mansub) o'simligini o'sayotgan uchki konussimon va ikki – uch barg asosiga ega qismini ma'lum bir sharoitda o'stirib sferik sferalar-protokormning hosil bo'lishini kuzatgan. Shakllangan protokormlarni ajratib, so'ng yangi tayyorlangan oziqa muhitda barg primordiylari va ildiz hosil bo'lgunga qadar kulturalash mumkin edi. Natijada, bu jarayonning xohlagancha davom ettirib ko'p miqdorda, yuqori sifatli, genetik bir xil, virussiz ekish materiallari olish mumkin ekanligi aniqlandi [2].

Shunday qilib, o'simliklarni klonli mikroko'paytirishda birinchi muvaffaqiyat o'tchil o'simliklar apikal meristemasini o'ziga mos oziqa muhitda kulturalab, regenerant o'simlik olish bilan bog'liq.

Ammo mikroko'paytirishni qo'llash sohasi xilma-xil va kun sayin rivojlanib bormoqda. Bu birinchi navbatda daraxtlarni, ayniqsa, ninabarglilarni in vitro ko'paytirish va in vitro texnikasidan foydalanib dorivor o'simliklarning nodir va yo'qolib borayotgan turlarini saqlab qolish bilan bog'liq. Hozirgi vaqtda bu yo'nalish bo'yicha ko'zga ko'rinarli siljishini ko'rish mumkin.[2]

Hozirgi kunga kelib Namangan viloyati hokimligi huzuridagi «Gulchilikni rivojlantirish markazi» DUK tasarrufidagi «Biotexnologiya» ilmiy-amaliy laboratoriyasi bilan hamkorlikda Namangan muxandislik-texnologiya instituti bir qator olimlari laboratoriya sharoitida turli o'simliklarning to'qimalarini qulay sharoitda o'stirib yetuk o'simlik protokormlarni ajratib, so'ng yangi tayyorlangan oziqa muhitda barg primordiylari va ildiz hosil bo'lgunga qadar kulturalash ishlarini olib borilmoqda. Bu jarayonni istalgancha davom ettirib ko'p miqdorda, yuqori sifatli, genetik bir xil, virussiz ekish materiallari olish mumkin ekanligi tajribada yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Bu usul ya'ni klonli mikroko'paytirish jarayonini 4 ta bosqichda olib boriladi:

1) donor – o'simlik tanlash, eksplantlarni o'simlikdan alohida ajratish va steril kulturada yaxshi o'sadiganini ajratib olish;

2) maksimal miqdorda meriklonlar olishga erishilgandan so'ng xususiy mikroko'paytirish;

3) ko'paytirilgan nihollarning ildiz otishi va tuproq sharoitiga ko'nikishini amalga oshirish, zarur holatda regenerant o'simlikni past haroratda (-2^0, -10^0 S) saqlash;

4) o'simliklarni issiqxona sharoitida o'stirish va ularni sotishga yoki dalaga ekishga tayyorlash.

O'simliklarni klonli mikroko'paytirish yuzasidan turli adabiyotlarda berilgan ma'lumotlardan kelib chiqib, bu jarayonni quyidagi usullar yordamida amalga oshirish mumkin;

- o'simlikda mavjud bo'lgan meristemani faollashtirish (poya apeksi, bo'shliqdagi va tinim davridagi kurtaklar);
- adventiv kurtaklarni bevosita eksplant to'qimalarida paydo bo'lishini induktsiyalash;
- somatik embriogenez induktsiyasi;
- birlamchi va qayta ko'chirib o'tkazilgan kallus to'qimalaridagi adventiv kurtaklarni differentsiyalanishi.

O'simliklarni klonli mikroko'paytirishda qo'llaniladigan asosiy usul, bu o'simlikda mavjud bo'lgan meristemalarni rivojlanishini apikal dominantlikni to'xtatilishi hisobiga faollashtirishdir.

Bunga ikki xil yo'l bilan erishish mumkin: a) poyani uchki meristemasi olib tashlanadi va novda in vitro gormonsiz muhitda mikroqalamchalanadi; b) oziqa muhitiga tsitokinin tipi ta'siriga ega moddalar qo'shish orqali ko'plab ichki bo'shliqdan chiqqan novdalarning rivojlanishi indutsirlanadi.

Qoida bo'yicha tsitokininlar sifatida 6-benzilaminopurin (BAP) yoki 6-furfurilaminopurin (kinetin), shuningdek 2-izopentiladenin (2ip) va zeatindan foydalaniladi. Shunday usulda olingan nihollar birlamchi eksplantdan ajratiladi va ichki meristemalar proliferatsiyasini stimullovchi va nihollarni paydo bo'lishini oshiruvchi yangi tayyorlangan oziqa muhitida yana kulturalanadi [3].

O'simlikda mavjud bo'lgan meristemalarni rivojlanishini faollashtirish usulini qo'llash orqali gullarni bitta meristemasidan bir yilda 10^5 o'simlik olish mumkin, shuningdek bu texnologiya yordamida probirkalarda qimmatli, virussiz urug'lik materiallar mikrotuganaklar yetishtirish ko'zda tutilmoqda.


Klonli mikroko'paytirishning yana bir usuli – eksplant to'qimalarida tasodifiy (adventiv) kurtaklar induktsiyasini amalga oshirishga qaratilgan.

Bu usul alohida ajratilgan o'simlik qismlarini qulay oziqa muhit sharoitida kulturalab, unda yetishmayotgan a'zolarini tiklash orqali yetuk o'simlik regeneratsiya qilishga asoslangan.[3]

Tasodifiy kurtaklarni o'simlikning virusdan holi qilingan har qanday organ va to'qimalarida (alohida ajratilgan murtak, barg, poya, urug' kurtak, piyoz osti qismida, qobig'i, ildiz segmentlarida va gul barglarda) hosil qilish mumkin. Bu jarayon faqat tsitokinin yoki uning auksin bilan 10:1 yoki 100:1 nisbatdagi aralashmasini tutuvchi oziqa muhitlarda o'tadi. Bunday xollarda auksin sifatida ko'pincha β-indolil–3 sirka kislota (ISK) yoki α–naftil sirka kislota (NSK)dan foydalaniladi. Bu usul yuksak o'simliklarni klonli mikroko'paytirish bo'yicha keng tarqalgan usul bo'lib, ko'pgina piyozidan ko'payadigan o'simliklar (nargis, liliya, giatsint, gladiolus, lola) piyoz qobig'i, bazal qismi segmentlaridan, barg eksplant-laridan; petuniya – ildiz segmentlari-dan, gloksiniya, binafsha gullarini barg plastinkasi segmentlaridan alohida ajratilgan yetilgan va yetilmagan murtaklardan klonli mikroko'paytirishda foydalaniladi.[3]

Yosh o'simlikdan virusdan holi, uchki meristema ajratiladi va moslashtirilgan, 0,1 – 0,5 mg/l 6-BAP tutuvchi Murasiga va Skuga oziqa muhitida o'stiriladi, kulturalashning 3-4 haftasidan so'ng, asosida tasofidiy kurtaklar shakllanayotgan meristema o'simtalari rivojlanadi. Ular tez o'sib yangi kurtaklar paydo qiladi. 6-8 hafta davomida kurtaklar konglomerati hosil bo'ladi, ular rivojlanishning turli davrlarida bo'lib, bir-birlari bilan biriktiruvchi to'qimalar orqali birikkan bo'ladi. Kalta novdalarda barglar paydo bo'ladi, pastki qismida yangi adventiv kurtaklar shakllanadi. Bu kurtaklar ajratiladi va yangi oziqa muhitiga ko'chirib o'tkaziladi. Tsitokinin tutuvchi oziqa muhitda yon novdalarning paydo bo'lishi davom etadi, gormonsiz oziqa muhitda esa 4-6 hafta davomida bargli, ildizli normal o'simlik paydo bo'ladi. Eksplantning morfogenetik faolligi 3-4 yilgacha saqlanib qoladi. Shunday qilib, bir boshlang'ich o'simlikdan yiliga bir necha million o'simlik olish mumkin [4].

Bu usul bir qator afzalliklarga ega ekanligi bilan boshqa usullardan farq qiladi. Birinchidan samarali va iqtisodiy foydalidir, chunki ko'paytirish jarayonida har bir kallus hujayrasidan kulturalashning qulay sharoitida o'simlik paydo qiluvchi tasofidiy kurtaklar shakllanishi mumkin. Ikkinchidan, ba'zi hollarda o'simliklarni to'qimalar kulturasidan ko'payishining yagona usulidir. Uchinchidan bu usul orqali olingan o'simliklar genetik va morfofiziologik farq qilishi tufayli selektsionerlarda qiziqish uyg'otadi. Bu seleksionerlarga ho'jalik ahamiyati muhim bo'lgan xususiyatli o'simliklarni tanlash va ularni dala sharoitlarida o'sishini baholash imkoniyatini beradi.



Namangan viloyati hokimligi huzuridagi «Gulchilikni rivojlantirish markazi» DUK tasarrufidagi «Biotexnologiya» ilmiy-amaliy laboratoriyasida gullarni "in vitro" usulida klonli mikroko'paytirish texnologiyasi yaxshi darajada yo'lga qo'yilgan bo'lib, yoqoridagi lavxalarda o'z aksini topgan. Hozirgi kunga

kelib ushbu «Biotexnologiya» ilmiy-amaliy laboratoriyasida xrizantema, begoniya, nargis, liliya, gladiolus, gortenziya kabi o'simliklarni klonli mikroko'paytirish yo'lga qo'yib borilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Uma Shankar Singh, Kiran Kapoor. Introductory microbiology. Oxford book company. Jaipur. India. Edition 2010. Printed at: Mehra offset press, Delhi. P. 316
2. Artikova R., Murodova S. Qishloq xo'jalik biotexnologiyasi. O'quv qo'llanma. Toshkent, "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2010 y. -252 bet.
3. Davranov Q.D. Biotexnologiya: ilmiy, amaliy va uslubiy asoslari. T.: 2008 y. -504 b.
4. Zuparov M.A. va boshqalar. Qishloq xo'jalik biotexnologiyasi (laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazish uchun o'quv qo'llanma). ToshDAU nashriyoti, 2016 y. -98 b

УДК 581.526:001.4

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СУВ ВА СУВ БЎЙИ ЎСИМЛИКЛАРИ ФЛОРАСИ ТАҲЛИЛИ

[1]Нурниёзов Актам Абдуназарович, [2]Ташпулатов Йигитали Шавкатиллаевич
[1]Самарқанд ветеринария медицинаси институти мустақил изланувчиси
[2]Самарқанд давлат университети PhD, доцент

***Аннотация**: Самарқанд вилоятининг турли сув типларидан сув ва сув бўйи ўсимликларининг 61 тури аниқланди. Улар 4 бўлим, 4 синф, 25 оила, 44 туркумга мансуб. Уларнинг асосий қисмини кўп йиллик ўтлар ташкил этади. Раункиер классификацияси бўйича криптофитлар (40 тур, 65,57%) етакчилик қилиши маълум бўлди. Аниқланган турларнинг 16 тури доривор, 15 тури озиқабоп, 4 тури манзарали ва 4 тури қурилишбоп ўсимликлар эканлиги аниқланди.*

***Калит сўзлар:** гидрофит, гигрофит, криптофит, кўп йиллик ўтлар, гелофит, етакчи таксонлар.*

УДК 581.526:001.4

АНАЛИЗ ФЛОРЫ ВОДНЫХ И ПРИБЕРЕЖНЫХ РАСТЕНИЙ САМАРКАНДСКОЙ ОБАСТИ

[1]Нурниёзов Актам Абдуназарович, [2]Ташпулатов Йигитали Шавкатиллаевич
[1]Самаркандский институт ветеринарной медицины, Соискатель
[2]Самаркандский государственный университет, PhD, доцент

***Аннотация**: В разных типах водоемов Самаркандской области определено 61 вид водных и прибережных растений. Они относятся к 4 отделам, 4 классам, 25 семейств, 44 родов. Из них основными являются многолетние растения. По классификации Раункиера ведущими являются криптофиты (40 видов, 65,57%). Из выявленных видов 16 лекарственные, 15 кормовые, 4 декоративные и 4 вида дают стройматериалы.*

***Ключевые слова:** гидрофит, гигрофит, криптофит, многолетние растения, гелофит, ведущий таксоны.*

УДК 581.526:001.4

ANALYSIS OF THE FLORA OF WATER AND COASTAL PLANTS OF THE SAMARKAND REGION

[1]Nurniyozov Aktam bdunazarovich, [2]Tashpulatov Y.Sh.
[1]Samarkand Institute of Veterinary Medicine, Job seeker
[2]Samarkand State University, PhD, Associate Professor

***Abstract**: In different types of water bodies of the Samarkand region, 61 species of aquatic and coastal plants have been identified. They belong to 4 divisions, 4 classes, 25 families, 44 genera. Of these, perennials are the main ones. According to Raunker's classification, cryptophytes are leading (40 species, 65.57%). Of the identified species, 16 are medicinal, 15 are fodder, 4 are decorative and 4 are given building materials.*

***Keywords:** hydrophyte, hygrophyte, cryptophyte, perennial plants, helophyte, leading taxa.*

Сувда ўсувчи юксак ўсимликлар сув ҳавзаларидаги организмлар учун яшаш муҳити, озиқа, кислород манбаи бўлибгина қолмасдан у ерда кечадиган кўплаб биологик жараёнларнинг бориши муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг учун аввало сув ҳавзаларидаги сув ўсимликларини флористик, таксономик ва экологик хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаш талаб этилади.

Зарафшон ҳавзаси флорасида эса 2588 тур юксак ўсимликлар борлиги аниқланган [2, 3]. Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги юксак ўсимликлар ҳозирга қадар батафсил ўрганилмаган, турлар сони, тарқалиши, экологик гуруҳлари, фойдали турлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Сув ўсимликлари орасида ем-хашак, қурилиш материали, доривор ўсимликлар борлигини, айримлари Ўзбекистон флорасининг Қизил китобига киритилганлигини ҳисобга олинса, уларни ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва материаллари. Тадқиқотларимиз Самарқанд вилоятидаги турли сув типларидан (каналлар, зовур, балиқ боқиладиган ҳовузлар, сойликлар, сув омборлари, дарё ўзанлари ва бошқа) юксак ўсимликлардан гербарий материаллари йиғиш, уларни таксономияси, биологик типлари, тарқалиш хусусиятлари, хўжалик аҳамиятини ўрганишга қаратилган. Тадқиқот ишлари белгилаб олинган маршрутда олиб борилди. Гербарий материалларини йиғиш ва қуритиш В.М. Катанский [11] ва *Л.И. Лисицина* [13] усулларида амалга оширилди. Сувда қалқиб ва сув тубида ўсадиган ўсимликлар қўл билан, бироз чуқурроқда ўсган ўсимликлар турли узунликдаги илмоқлар ёрдамида олинди. Турлар таркибини аниқлаш ва таксономик таҳлил қилишда «Флора Узбекистана» [4], «Определитель растений Средней Азии» [5], «Флора гигрофитов» [6], «Сосудистые растения России и сопредельных государств (в пределах бывшего СССР)» [8], «O`zbekiston yuksak o`simliklarining zamonaviy tizimi» [9] монографияларидан, сув ўсимликларини тарқалиши, ҳаётий шакллари, экологик хусусиятларини ўрганиш А.П. Белавская [10], К.А. Кокин [7], А.Г. *Лапиров* [12], В.Г. Папченков [14] услублари ёрдамида амалга оширилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Самарқанд вилояти юксак сувботқоқ ўсимликлари флораси шу пайтгача тўлиқ ўрганилмаган. Турлар таркиби,

таксономик, флористик ва экологик таҳлили амалга оширилмаган. Бундан ташқари ҳудуд тарқалган фойдали турларини халқ хўжалигида фойдаланиш масалалари ва муҳофазага олинган турлари ҳақида батафсил маълумотлар кам учрайди.

К.З. Закировнинг «Флора и растительность бассейна реки Зерафшан» [3] номли монографиясида ҳудуддаги юксак ўсимликлар қаторида юксак сув-ботқоқ ўсимликларни тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ушбу асарнинг биринчи бобида [2] чўл ва адир минтақасидаги дарё ўзани ва тўқай ўсимликлари қопламига бағишланган бўлимларида ушбу жойларда ўсадиган сув-ботқоқ ўсимликларининг тарқалиши бўйича қисқача маълумотлар келтирилган.

Шу муносабат билан 2017-2018 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Жомбой, Булунғур, Самарқанд, Иштихон, Пастдарғом, Ургут, Каттақўрғон туманлари ҳудудларидаги турли сув типларида тарқалган юксак сув-ботқоқ ўсимликларининг флористик, таксономик, экологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамиятини жиҳати ўрганиш ишлари олиб борилди.

Таксономик таҳлилларга кўра тадқиқот олиб борилган ҳудудларда юксак сув ва сув бўйи ўсимликларининг 4 бўлим, 4 синф, 25 оила, 44 туркумга мансуб 61 тур юксак ўсимликлар тарқалганлиги аниқланди. Уларнинг таксономик таркиби қуйидагича тақсимланди:

1 – жадвал

Самарқанд вилояти сув ва сув бўйи юксак ўсимикларининг таксономик таркиби

Бўлим	Аждод	Оила	Туркум	Турлар	% да
Equisetophyta	Equisetopsida	1	1	1	**1.63**
Bryophyta	Marshantiopsida	1	2	2	**3.27**
Magnoliophyta	Magnoliopsida	10	16	23	**37.70**
	Liliopsida	13	25	35	**57.37**
3	**4**	**25**	**44**	**61**	**100**

Жадвалдан кўриниб турибдики, Magnoliophyta бўлими яққол етакчилик қилган. Бўлимнинг Liliopsida аждод жами флорани 57,37 % улушини эгаллаган. Ҳудудда тарқалган сув ва сув бўйи ўсимликларнинг аксарият қисми бир паллали ўсимликлар эканлигидан далолат беради.

Турлар сони сони жиҳатидан етакчи оилалар 9 та: *Poaceae* Barnhart (9 тур, 14,75;), *Cyperaceae* Juss. (7 тур, 11,47%), *Polygonaceae* Juss. (5 тур, 8,19%), *Potamogetonaceae* Dumort (4 тур, 6,55%), *Typhaceae* Juss. (3 тур, 4,91%), *Alismataceae* Vent. (3 тур, 4,91%), *Ranunculaceae* Juss. (3 тур, 4,91%), *Brassicaceae* Burnett (3 тур, 4,91%), *Asteraceae* (3 тур, 4,91%). Улар жами 40 турни ўз ичига олиб, жами флорани 65,57 % га эгалик қилган. Қолган оилаларда 16 та оила 1-2 турдан иборат. Етакчи туркумлар сони 3 та: *Typha* L. (3 тур, 4,91%), *Potamogeton* L. (4 тур, 6,55%), *Polygonum* L. (3 тур, 4,91%). Улар 10 турни ўз ичига олган ҳолда, жами флорани 16,39 % улушга эга. Қолган 10 туркум 2 тадан, 22 туркум 1 тадан турни ўз ичига олади.

2-жадвал

Биоморфологик хусусиятларига кўра гуруҳлари

№	Серебряков бўйича (1964)	Раункиер бўйича (1934)

	Ҳаётий шакли	Турлар сони, %	Ҳаётий шакли	Турлар сони, %
1	узун илдизпояли кўп йиллик ўтлар	15 (24,59 %)	криптофит	40 (65,57%)
2	горизонтал илдизпояли кўп йиллик ўтлар	13 (21,31%)	терофит	12 (19,67%)
3	калта илдизпояли кўп йиллик ўтлар	11 (18,03%)	гемикриптофит	9 (14,75%)
4	тугунакли кўп йиллик ўтлар	4 (6,78%)		
5	ўқ илдизли кўп йиллик ўтлар	2 (3,27%)		
6	сувда илдиз ҳосил қилувчи кўп йиллик ўтлар	5 (8,19%)		
7	ўқ илдизли бир йиллик ўтлар	4 (6,55%)		
8	попук илдизли бир йиллик ўтлар	3 (4,91%)		

Аниқланган 61 тур ўсимликнинг биоморфологик хусусиятлари бўйича таҳлил қилиш натижаларига кўра И.Г. Серебряков (1964) классификациясига бўйича узун илдизпояли кўп йиллик ўтлар етакчилик қилди - 15 тур (24,59 %), кейинги ўринларда горизонтал илдизпояли (13 тур (21,31%)), калта илдизпояли (11 тур (18,03%)), тугунакли (4 тур (6,78%)), сув юзасида қалқиб турувчи (5 тур (8,19%)), ўқ илдизли бир йиллик ўтлар (4 тур (6,55%)), попук илдизли бир йиллик ўтлар (3 тур (4,91%)), ўқ илдизли кўп йиллик ўтлар (2 тур (3,27%)) ташкил этди. Раункиер (1934) классификацияси бўйича асосан криптофитлар (40 тур, 65,57%) етакчилик қилиши маълум бўлди, терофитлар (12 тур, 19,67%) гемикриптофитлар (9 тур, 14,75%) нисбатан кам тарқалганлиги маълум бўлди (2-жадвал).

Гигроморф хусусиятига кўра ўсимликлар қуйидагича тақсимланди: **гелофитлар**: *Typha latifolia* L., *T. minima* Funk., *T. angustifolia* L., *Sparganium microcarpum* Celak., *Alisma plantago – aquatica* L., *A. lanceolatum* L., *Sagittaria trifolia* L., *Acorus calamus* L., *Butomus umbellatus* L., *Scirpus lacustris* L., *Ranunculus laetus* Wall. ex D. Don. (R. distans D. Don.), *Rorippa palustris* Bess., *R. silvestris* Bess.; **гидрофитлар**: *Potamogeton pectinatus* L., *P.crispus* L., *P.natans* L., *P.perfoliatus* L., *Nayas marina* L., *Lemna trisulca* L., *L.minor* L., *Polygonum amphibium* L. (*Persicaria amphibia* (L.) Delarb.), *Myriophyllum spicatum* L.; **гигрофитлар**: *Equisetum arvense* L., *Juncus compressus* Jacq., *Echinochloa macrocarpa* Vasing., *E. oryziocola* Vasing., *Juncellus serotinus* (Griseb.) Clarke., *Cyperus difformis* L., *C. longus* L., *Polygonum hydropiper* L. (*Persicaria hydropiper* (L.) Delarb.), *P. nodosum* Pers L. (*Persicaria lapathifolia* (L.) Delarb.), *Ranunculus sceleratus* L., *Rorippa palustris* Bess., *Veronica anagalloidis* Guss., *Bidens tripartite* L., *Mentha asiatica* L., *Stachys palustris* L.; **гигромезофитлар**: *Urtica dioica* L., *Inula britannica* L., Tussilago *farfara* L., *Rorippa silvestris* Bess.

3-жадвал

География хусусиятларига кўра гуруҳлари

№	**География областлар**	**Турлар**	**% да**

		сони	
1	Палеарктик	16	26,23
2	Голарктик	8	13,11
3	Плюрирегионал	4	6,55
4	Ғарбийпалеарктик	2	3,28
5	Евросибир	1	1,64
6	Жанубийпалеарктик	1	1,64
7	Адвентив (Сибирь, Узоқ Шарқ)	1	1,64
8	Адвентив (Шарқий Осиё)	1	1,64
9	Адвентив (Жануби-шарқий Осиё)	1	1,64
10	Адвентив (Жанубий Осиё)	2	3,28
11	Ғарбийўртаер	1	1,64
12	Плюризонал	1	1,64
13	Қораденгизбўйи-Қозоғистон	1	1,64
14	Қораденгизбўйи	1	1,64

География таҳлилардан шуни кўрсатадики, Палеартик географик областга мансуб турлар яққол етакчилик қилди. Кейинги ўринларни Голарктик ва Плюрирегионал областлар эгаллаган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Адвентив гуруҳга мансуб турлар 5 та бўлиб, улар асосан Сибирь, Узоқ Шарқ (*Sagittaria trifolia* L.), Шарқий Осиё (*Acorus calamus* L.), Жануби-шарқий Осиё (*Butomus umbellatus* L.) ва Жанубий Осиё (*Echinochloa oryziocola* Vasing., *E. macrocarpa* Vasing.) географик минтақаларидан келиб чиққан (3-жадвал).

Тадқиқотларда даврида аниқланган турлар орасида доривор ва бошқа амалий аҳамиятга эга турлар таҳлил этилди. 16 тур доривор (*Equisetum arvense* L., *Alisma plantago-aquatica* L., *Acorus calamus* L., *Butomus umbellatus* L., *Polygonum hydropiper* L. (*Persicaria hydropiper* (L.) Delarb.), *Rumex* L. турлари, *Nasturtium officinale* R.Br. ва бошқалар), 15 тур балиқлар ва бошқа сув ҳайвонлари учун озиқабоп (*Typha* L. турлари, *Sparganium microcarpum* Celak., *Potamogeton* L. турлари, *Nayas marina* L., *Sagittaria trifolia* L., *Lemna* L. ва бошқалар), 4 тур маназарали (*Orchis umbrosa* Kar. Et Kir., *Butomus umbellatus* L., *Alisma plantago-aquatica* L., *Sagittaria trifolia* L.), 4 тур қурилишбоп (*Typha latifolia* L., *T. angustifolia* L., *Phragmites australis* (Cav) Trin., *Scirpus lacustris* L.) ўсимликлар мавжудлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белавская А.П. Водные растения России и сопредельных государств (прежде входивших в СССР). - СПб., 1994. - 64 с.
2. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зерафшан. 1 том Растительность.- Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1955
3. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зерафшан. 2 том Флора.- Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961
4. Флора Узбекистана. - Ташкент, I-VI том, 1941-1963.
5. Определитель растений Средней Азии. - Ташкент, I-X том, 1965-1993.

6. Рычин Ю.В. Флора гигрофитов. - Москва, 1948. 448 с.
7. Кокин К.А. Экология высших водных растений. М.: Изд-во Моск. ун-та, 1982. -160 с.
8. Черепанов С.К. Сосудистые растения России и сопредельных государств (в пределах бывшего СССР). - Москва, 1995. 556 с.
9. Пратов О.П., Набиев М.М. Современные системы высших растений Узбекистана. - Ташкент, 2007. 62 с.
10. Белавская А.П. К методике изучения водной растительности // Бот. журн. - 1979. - Т. 64, № 1. - С. 32-41.
11. Катанская В.М. Методика исследования высшей водной растительности // Жизнь пресных вод СССР. - М., Л.: Изд-во АН СССР, 1956. - Т. 4, ч. 1. - С. 160-182.
12. Лапиров А.Г. Экологические группы растение водоемов. // Гидроботаника: методологии и методы. Материалы школы по гидроботаники. - Борок, 2003. С. 5-22
13. Лисицына Л.И. Гербаризация водных растений, оформление коллекций // Гидроботаника: методология, методы: Материалы школы по гидроботанике- Рыбинск, 2003. - С. 49-55.
14. ПапченковВ.Г. О классификации растений водоемов и водотоков. // Гидроботаника: методологии и методы. Материалы школы по гидроботаники. - Борок, 2003. С. 23-26

ҒЎЗАНИНГ el-salvador ЁВВОЙИ ШАКЛИ МОРФОБИОЛОГИК ВА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИ МОЛЕКУЛЯР МАРКЕРЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

Комилов Дониёр Жўраевич[1],

Кушанов Фахриддин Неъматуллаевич[2]

1. Наманган давлат университети

2. ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази

Аннотация: *Мақолада ғўзанинг морфобиологик ва хўжалик белгиларини анъанавий ҳамда молекуляр генетик усуллар ёрдамида ўрганишга қаратилган тадқиқот натижалари ёритилган. Тадқиқотлар, ғўзанинг ёввойи G.hirsutum ssp. purpurascens var. el-salvador шакли билан "Кўпайсин" навининг ўзаро чатиштирилиши натижасида яратилган F2 авлод дурагайларида амалга оширилди.*

Калит сўзлар*: Ғўза, ўсимлик бўйи, hs, моноподиал шох, симподиал шох, чатиштириш, дурагай, полиморфизм, генотиплаш, праймер, маркер.*

ИЗУЧЕНИЕ МОРФОБИОЛОГИЧЕСКИХ И ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫХ ПРИЗНАКОВ ДИКОРАСТУЩЕЙ ФОРМЫ ХЛОПЧАТНИКА el-salvador С ПОМОЩЬЮ МОЛЕКУЛЯРНЫХ МАРКЕРОВ

Комилов Дониёр Жўраевич[1],

Кушанов Фахриддин Неъматуллаевич[2]

1. Наманганский Государственный Университет

2. Центр геномики и биоинфарматики АН РУз

Аннотация: *В статье представлены результаты исследования по изучению морфобиологических и хозяйственно-ценных признаков хлопчатника с помощью традиционных и молекулярно-генетических методов. В качестве объектов исследования были выбраны гибриды F2 поколения, полученные на основе гибридизации G.hirsutum ssp. purpurascens var. el-salvador дикорастущей формы хлопчатника с сортом "Купайсин".*

Ключевые слова: *Хлопчатник, высота растения, hs, моноподиа, симподиа, скрещивание, гибрид, полиморфизм, генотипирование, праймер, маркер.*

.

STUDY OF MORPHOBIOLOGICAL AND ECONOMICALLY VALUABLE TRAITS OF THE WILD-TYPE COTTON el-salvador USING MOLECULAR MARKERS

Komilov Doniyor Juraevich[1],

Kushanov Fakhriddin Ne'matullaevich[2]

1. Namangan State University

2. Center of genomics and bioinformatics AS RUz

Annotation: *The paper presents the results of a study on the study of the morphobiological and economically valuable characteristics of cotton using traditional and molecular genetic methods. As the objects of study was chosen F2 generation hybrids, derived from hybridization wild-type of cotton G.hirsutum ssp. purpurascens var. el-salvador with the variety "Kupaysin".*

Key words*: Cotton, height of plant, hs, monopodia, simpodia, hybridization, hybrid, genotyping, primer, marker.*

Кириш. Ёввойи ғўза гермоплазмаси қимматли генлар манбаси ҳисобланиб, ғўза генетик хилма-хиллигини яхшилашда муҳим ўрин тутади [1]. Хусусан, ғўзанинг биотик (касаллик ва зараркунандалар) ва абиотик (шўрланиш, сув танқислиги ва

бошқ.) омилларга чидамлилигини оширишда қимматли донор сифатида фойдаланилиши мумкин [2]. Бироқ ёввойи ва рудерал шаклларнинг аксарияти кун узунлигига таъсирчан (фотопериодик), яъни қисқа кун ўсимликлари бўлиб, улардан селекция жараёнларида тўғридан-тўғри фойдаланиш бирмунча қийинчиликлар келтириб чиқаради [3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур тадқиқотлар G.hirsutum ssp. purpurascens var. el-salvador ёввойи шакли морфобиологик хусусиятларини ўрганиш ва келгусида унинг қимматли хўжалик белгиларидан янги навлар яратиш йўлида фойдаланиш мақсадида амалга оширилди. Тадқиқот натижалари асосида ғўзанинг баъзи морфобиологик белгиларини юзага чиқишида иштирок этувчи QTL локусларини (генетик маркерларни) идентификация қилиш имконияти туғилади. Аниқланган генетик маркерлар ёввойи ғўза гермоплазмасидан селекция жараёнларида фойдаланиш ва улардаги ноёб генларни мавжуд ғўза навларига интрогрессия қилишда асосий инструмент сифатида қўлланилиши мумкин.

Материаллар ва услублар. Ўсимлик намуналари. Тадқиқот ишларида ғўзанинг G.hirsutum тури purpurascens кенжа тури el-salvador ёввойи шакли (фотопериодик), мутагенез таъсирида шу турдан радиомутагенез ва чатиштириш усуллари ёрдамида яратилган “Кўпайсин” нави [4] ҳамда мазкур намуналарни ўзаро чатиштириш натижасида яратилган F2 авлод дурагайларидан фойдаланилди.

Намуналардан геном ДНК ажратиш. Тадқиқ этилаётган намуналар геном ДНКлари СТАВ (цетилтриметиламмоний бромид) усули ёрдамида ажратилди [5]. Ажратилган ДНК намуналари концентрацияси лямбда (λ) фагининг аниқ концентрациядаги (25 нг/мкл) ДНКсига визуал тарзда таққосланиб ишчи ҳолатга келтирилди.


Праймерлар, ПЗР, гель-электрофорез ва генотиплаш. Молекуляр тадқиқотлар учун ғўза микросателлит маркерлар коллекциясидан (https://www.cottongen.org/sites/default/files/cottongen_download_site/sequences/All_cleaned_SSR.fasta) жами 336 та SSR праймер жуфтликлари танлаб олинди. ПЗР амплификацияси 1μл 10хПЗР буффери MgCl2 ли, 0,5 μл 25 мМ эркин нуклеотидлар

аралашмаси (dATP, dGTP, dTTP ва dCTP), ҳар бири 0,5 μл 25 нг/мл бўлган тўғри ва тескари тартибли праймерлар, 1 μл 25 нг/мл ДНК намунаси ҳамда 0,1 бирлик Taq ДНК полимераза ферментидан иборат 10 μл ишчи аралашмаси асосида бажарилди. ПЗР амплификацияси GeneAmp 9700 термоциклер ускунасида қуйидаги ҳарорат ва вақт режимларида амалга оширилди: 1 та цикл: бошланғич денатурация босқичи 94º С - 5 дақиқа; 40 та цикл: денатурация 95º С - 45 сония, праймрнинг юмшаши 55-68º С (праймерга боғлиқ ҳолда) - 45 сония ҳамда элонгация 72º С - 2 дақиқа; 1 та цикл: якунловчи элонгация 72º С - 10 дақиқа. Ҳосил бўлган ПЗР маҳсулотлари 3,5% юқори аниқликдаги агароза (high-resolution agarose) гели ва 0,5хTBE буфферида 5,3 В/см вольт режимида электрофорез қилинди. Электрофоредзан сўнг, гель 5±10 дақиқа давомида этидий бромид эритмаси билан бўялди ва Gel Imaging Documentation System (Alphaimager 2200, Alpha Innotech, АҚШ) ускунасида ултрабинафша нури таъсири остида расм кўринишида (jpg форматида) сақланди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот ишларида el-salvador ёввойи шакли билан Кўпайсин навини ўзаро чатиштириб олинган F2 авлод дурагай комбинацияларида морфобиологик ҳамда баъзи хўжалик аҳамиятдаги белгилар ўрганилди. Хусусан, фенотипик кузатувлар асосида гуллаш бошланиши, гуллаш жадаллиги, hs (height of simpodia, ёки биринчи ҳосил шохи жойлашиш баландлиги), ўсимлик бўйи, моноподиал (вегетатив) ва симподиал (ҳосил) шохлар сони, бўғинлар сони, умумий ва очилган кўсаклар сони каби қимматли хўжалик белгилари ва хусусиятларининг ирсийланиши генетик жиҳатдан баҳоланди. Тажриба таҳлилларига кўра иккинчи авлод дурагайларида ўсимлик бўйи ота-она намуналарига нисбатан оралиқ ҳолда ирсийланганлиги, яъни 100-110 см га эга бўлган ўсимликлар сони қолганларига нисбатан юқори эканлиги кузатилди (1-расм).

hs белгисининг ирсийланишида қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди: 147 та ўсимликдан 64 таси (43,5%) Кўпайсин навига ўхшаш, 18 таси (12,2%) el- salvador ёввойи шаклига ўхшаш, 65 таси (44,2%) эса оралиқ холатда ирсийланган. Кузатув натижаларига кўра биринчи ҳосил шохининг ирсийланишида қисман Кўпайсин нави доминантлик қилганлиги аниқланди.

147 та ўсимликдан 54 тасида (37%) моноподиал шохлар ривожланмаган бўлиб, 93 та (63%) ўсимликда моноподиал шохлар сони 1-14 тагача кузатилди. Олинган натижалар таҳлили моноподиа бўйича el-salvador ёввойи шакли устунлик қилганлигидан далолат беради.




1-расм. F2 авлод дурагай комбинацияларида 1) ўсимлик бўйи 2) биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги 3) моноподиал шохлар сони 4) Симподиал шохлар сонининг морфологик таҳлили.

Симподиал шохлар сонининг ирсийланишида ота-она ва биринчи авлод дурагайларидан иккинчи авлод дурагайларида юқори бўлган ўсимликлар улуши кўплигини кузатиш мумкин. Бу эса иккинчи авлод дурагайларида симподиал шохлар сонининг ирсийланишида Кўпайсин нави доминантлик қилганидан далолат беради. Тадқиқот тахлилларига кўра 14-16 тагача симподиал шохга эга бўлган ўсимликлар сони кўпчиликни ташкил этди (1-расм).

Бундан ташқари, молекуляр маркерлардан фойдаланиб ота-она намуналари ўртасидаги генетик хилма-хиллик полиморфизм асосида ўрганилди. Тадқиқот натижалари таҳлил қилинганда микросателлит CH, TMB, BNL, JESPR маркерлардан


фойдаланиб ота-она генотиплари ўртасидаги молекуляр полиморфизм аниқланди, аниқланган полиморф маркерлардан фойдаланиб F2 авлод дурагайларини генотиплаш ишлари бажарилди.

Полиморфизмни аниқлаш мақсадида ота-она генотиплари 336 та микросателлит (ёки SSR - simple sequence repeat) маркерлар билан ПЗР усули ёрдамида таҳлил қилинди. Амплификация натижаларига кўра ота-она генотиплари ўртасида 336 та SSR праймерларидан 69 таси полиморфизм намоён этди (2-расм).



2-расм. Ота-она F1 дурагайининг TMB праймерлари ёрдамидаги ПЗР таҳлили. Бунда 1- G.hirsutum ssp. purpurascens var. el-salvador; 2) "Кўпайсин" нави; 3) F1 авлод дурагайи. Кўрсаткич билан полиморфик маркер кўрсатилган.

Шундан GH 48 та намунадан 12 тасида, TMB 144 та намунадан 26 тасида, BNL 96 та намунадан 21 тасида, JESPR 48 та намунадан 10 тасида полиморфизм кузатилди. Эътиборлиси шундаки, ота-она намуналари ўртасида энг кўп полиморфизм намоён этган праймерлар гуруҳи BNL тўпламига мансуб бўлди (3-расм).



3-расм. Ота-она намуналари ўртасидаги полиморфизм миқдор жихатдан тахлили.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, F2 авлод дурагайларида ўсимлик бўйи, биринчи ҳосил шохи (hs), моноподиал шохлар сони, симподиал шохлар сони каби кўрсаткичлар ота-она намуналариникига нисбатан кескин ўзгарганлиги кузатилди. Бундан ташқари ота-она намуналари ўртасида юқори полиморфизм мавжудлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида аниқланган ушбу полиморф маркерларнинг юқорида келтирилган морфобиологик ҳамда қимматли хўжалик белгилар билан генетик боғланган QTL-локусларини хариталашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Abdurakhmonov I.Y., Kushanov F.N., Djaniqulov F., Buriev Z.T., Pepper A.E., Fayzieva N., Mavlonov G.T., Saha S., Jenkins J.N., Abdukarimov A. The role of

induced mutation in conversion of photoperiod dependence in cotton // J. Hered. – Oxford, 2007. – №98 (3) – P. 258-266.
2. Abdurakhmonov I.Y., Kohel R.J., Yu J.Z., Pepper A.E., Abdullaev A.A., Kushanov F.N., Salakhutdinov I.B., Buriev Z.T., Saha S., Scheffler B.E., Jenkins J.N., Abdukarimov A. // Molecular diversity and association mapping of fiber quality traits in exotic G. hirsutum L. germplasm // Genomics, 2008. doi:10.1016/j.ygeno.2008.07.013
3. Abdurakhmonov I.Y., Saha S., Jenkins J.N., Buriev Z.T., Shermatov Sh.E., Scheffler B.E., Pepper A.E., Yu J.Z., Kohel R.J., Abdukarimov A. Linkage disequilibrium based association mapping of fiber quality traits in G.hirsutum L. variety germplasm // J. Genet. 2009. – №136. – P. 401–417.
4. Джаникулов Ф. Связь между радиочувствительностью и мутабильностью диких и культурно-тропических форм хлопчатника // Доклады Российской академии сельскохозяйственных наук. – Москва, 2002. – №2. – С. 19-22.
5. Paterson A.H., Brubaker C.L., Wendel J.F. A rapid method for extraction of cotton (Gossypium spp.) genomic DNA suitable for RFLP or PCR analysis // Plant Molecular Biology Reporter. 1993. – №11. – P. 122-127.

УДК 575.113; 575.116.4

ОПРЕДЕЛЕНИЕ КАНДИДАТНЫХ ГЕНОВ И БЕЛКОВ В QTL РЕГИОНАХ, СВЯЗАННЫХ С ПРИЗНАКАМИ КАЧЕСТВО ВОЛОКНА

Дарманов Мухтор Мухаммадович., Тураев Озод Суннаталиевич., Туланов Акмал Аброрович., Комилов Дониёр Жўраевич., Камбурова Венера Сейтумеровна., Буриев Забардаст Тожибоевич., Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич.
Центр геномики и биоинформатики АН РУз

Ташкентская обл., Кибрайский р-н, ул. Университетская, д. 2

Аннотация: *В данной работе для определения потенциальных генов, расположенных в маркированных участках были аннотированы отобранные кандидатные маркеры. Для этого были использованы последовательности соответствующих праймерных пар, амплифицирующих кандидатные маркеры, и полный геном вида G. hirsutum. Данные анализа виртуальных ампликонов позволили аннотировать маркерные участки локусов BNL1604. Результаты in silico ПЦР и BLAST анализа были определены предполагаемые гены, ответственные за развитие волокна в хлопчатнике.*

Ключевые слова: *in silico ПЦР, BLAST, хлопчатник, SSR локус, хромосом, ДНК маркеры, G. hirsutum, ген, геном.*

DETERMINATION OF CANDIDATE GENES AND PROTEINS IN QTL REGIONS ASSOCIATED WITH FIBER QUALITY TRAITS

Darmanov Mukhtor Muxammadovich., Turaev Ozod Sunnatalievich., Tulanov Akmal Abrorovich., Komilov Doniyor Juraevich., Kamburova Venera Seytumerovna., Buriev Zabardast Tojiboevich., Abdurakhmonov Ibrokhim Yulchievich.
Center of genomics and bioinformatics ASRUz

Annotation: *In this paper, selected candidate markers have been annotated to identify potential genes located in labeled areas. For this purpose, the sequences of the corresponding primer pairs amplifying candidate markers and the complete genome of the species G. hirsutum were used. Data analyses of virtual amplicons have allowed annotating marker regions of the BNL1604 loci. Results of in silico PCR and BLAST analysis have identified putative genes responsible for fiber development in cotton.*

Key words: *in silico PCR, BLAST, cotton, SSR locus, chromosomes, DNA markers, G. hirsutum, gene, genome.*

ТОЛА СИФАТ БЕЛГИЛАРИГА БИРИККАН QTL РЕГИОНЛАРИДА НОМЗОД ГЕН ВА ОҚСИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ

Дарманов Мухтор Мухаммадович., Тураев Озод Суннаталиевич., Туланов Акмал Аброрович., Комилов Дониёр Жўраевич., Камбурова Венера Сейтумеровна., Буриев Забардаст Тожибоевич., Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич.
ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази

Аннотация: *Мақолада биоинформатик дастурлардан фойдаланиб ғўзанинг тола сифат белгиларига генетик бириккан BNL1604 ДНК маркери жойлашган геном ҳудудидан толанинг ривожланишида иштирок этувчи номзод ген ва оқсилларни аниқлаш бўйича олинган натижалар ёритилган. Тадқиқотларимизда номзод ген ва оқсилларни аниқлашда In silico ПЗР, AUGUSTUS ва BLAST веб-иловаларидан фойдаланилди. Биоинформатик таҳлиллар натижасида толанинг шаклланишида иштирок этиши мумкин бўлган бир нечта номзод ген ва оқсиллар аниқланди.*

Таянч сўзлар: *in silico ПЗР, BLAST, ғўза, SSR локус, хромосома, ДНК маркерлар, G. hirsutum, ген, геном.*

В последние годы технология ДНК маркеров широко применяется в различных областях генетических исследований, в том числе и в картировании QTL (локус количественного признака) интересующих признаков. Так, QTL представляет собой район локализации гена/генов в хромосоме, оказывающие существенное влияние на проявление признака. До сегодняшнего дня у хлопчатника были идентифицированы много QTL, ассоциированных с хозяйственно-ценными признаками, и определено их положение на генетической карте, с помощью молекулярных маркеров [1]. На сегодняшний день известны SSR локусы, сцепленные с различными хозяйственно-ценными признаками, в том числе и с признаками качества волокна. Однако используемые маркеры являются анонимными, так как не несут информации о том, какой ген они маркируют. В настоящее время есть возможность предсказания генов-кандидатов, локализованных в этих районах, посредством *in silico* анализа [2]. Для этого были использованы последовательности соответствующих праймерных пар, амплифицирующих кандидатные маркеры [3], и полный геном *G.hirsutum*, которые были использованы для проведения *in silico PCR* при помощи пакета программ UGENE 1.19.0 [4].

В настоящей работе представлены результаты *in silico* анализа локусов QTL, связанных с качеством волокна у хлопчатника.

Материалы и методы. Объектом исследования являлись QTL маркеры, ассоциированные с такими признаками, как прочность и длина волокна у хлопчатника.

In silico ПЦР проводили с использованием соответствующих праймерных пар отобранных маркеров и полного генома *G. hirsutum* L., при помощи пакета программ UGENE 1.19.0 [4]. Полученные в результате *in silico* ПЦР виртуальные ампликоны использовались для последующего анализа в BLAST и веб-приложении для предсказания генов AUGUSTUS. Поиск генов/белков кандидатов в базе данных NCBI осуществлен с использованием геномных областей, включающие 100000 пар

оснований (п.о.), расположенн ые на обеих стороне каждого маркерного локуса при помощи BLAST анализа.

Результаты и обсуждения. Проведение *in silico* ПЦР позволило обнаружить нуклеотидные последовательности в локусе BNL1604 ДНК маркера, которые были генетически связаны с признаком длины и прочности волокна хлопчатника. Для проведения *in silico* ПЦР анализов с помощью программного пакета UGENE 1.20.0 использовали геном *G. hirsutum* и праймерные пары, генетически связанные с признаками длины и прочности волокна. В результате виртуального ПЦР анализа определена нуклеотидная последовательность регионов (по 50000 п.н.), фланкирующих с двух сторон маркерный локус BNL1604. Таким образом, получен сиквенс региона с общей протяженностью более 100000 пар нуклеотидов, который был использован для определения кандидатных генов, дисслоцированных на этом тестированном участке генома хлопчатника.

Оценка генов основана на данных генома растения какао (*Theobroma cacao* L.), сходного с геном хлопчатника. С использованием базы данных генома хлопчатника *G. hirsutum* идентифицированы 9 кандидатных генов. Далее, пользуясь алгоритмом BLASTP web-программы - BLAST, были идентифицированы белки, кодируемые выявленными генами. В таблице 3 приведен ряд белков, играющих важную роль в росте и развитии растений, а также участвующих в образовании клеток волокна.

Таблица 3.

Гены/белки, обнаруженные в регионе дислокации маркера BNL1604.

№	**Выявленные белки**	**Хромосомы, где дислоцированы белки**	**Позиция начального нуклеотида виртуального ампликона в хромосомах**	**Позиция конечного нуклеотида виртуального ампликона в хромосомах**
1	STERILE APETALA-подобный транскрипционный фактор	At _chr16	6282176	6288496
2	F-box белки	At _chr16	8244594	8246168
3	Белки, участвующие в синтезе терпенов	At _chr16	38828990	38831500

4	Протеины комплека ядерной поры	At _chr16	44814590	44824203
5	Серин/треонин-протеинкиназу	At _chr16	72187539	72188951
6	Протеинкиназы, содержащие лейцин-богатые повторы	At _chr7	91473055	91481820

Так, например, в районе дислокации маркера BNL1604 идентифицируются нуклеотидные последовательности, кодирующие F-box белки. Известно, что белки F-box взаимодействуют с белками DELLA, участвующими в сигнальной трансдукции, инициируемой фитогормонами. В свою очередь, фитогормоны (ауксины и гиббереллины) участвуют в процессе развития хлопкового волокна, оказывая положительное влияние на начальной стадии развития и удлинения волокна [5].

Кроме того, идентифицирован STERILE APETALA-подобный транскрипционный фактор, который наряду с множеством других факторов транскрипции участвует в формировании компонентов цветка хлопчатника и развитии хлопкового волокна.

Также в маркерных регионах были идентифицированы последовательности, кодирующие белки, участвующие в синтезе терпенов. Известно, что хлопчатник содержит госсипол, а также терпеновые альдегиды, которые в качестве фитоалексинов обеспечивают устойчивость хлопчатника к заболеванию вилтом, который является основным патогеном хлопчатника.

Белковая составляющая ядерной поры – протеин NUP133 участвует в цветении и созревании пыльцы, удлинении корней, а также в физиологических процессах во время размножения растений. Показано, что мутации генов комплекса белков ядерной поры приводили к раннему цветению и удлинению корней модельного растения *Arabidopsis* [6].

Протеинкиназы, содержащие лейцин-богатые повторы, "*Leucine-rich repeat receptor-like protein kinase*" (LRR-RLK) участвуют в широком спектре процессов растений, например, в развитии меристемы, при вторичном росте и развитии, при микроспорогенезе и эмбриогенезе, в сигнальной трансдукции, инициируемой

брассиностероидами (BR). В частности, американские ученые показали, что, обрабатывая цветки хлопчатника брассиностероидами, можно вызвать удлинение волокна.

Наряду с этим, в тестируемом регионе выявляются нуклеотидные последовательности, кодирующие серин/треонин-протеинкиназу. Этот фермент участвует во многих сигнальных путях, в том числе в регуляции активности фосфатидилинозитол 3-киназы. В свою очередь фосфатидилинозитол 3-киназа вовлечена в процессы, связанные с ростом корней у растений, она регулирует деятельность цитоскелета и эндосом, а также играет важную роль в удлинении корневых капилляров. В свою очередь, показано существование положительной корреляции между удлинением корней, корневых капилляров и длиной хлопкового волокна [7].

BR представляют собой группу полигликозидных стероидов и играют важную роль в процессе роста и развития растений, включая всходы семена, вегетативное и генеративное развитие, реакции на различные биотические и абиотические воздействия.

BR также играют главную роль в управляемом развитии клетчатки у хлопчатника. Кроме того, молекулярные механизмы клеточной сигнализации, в которые вовлечены BR, регулируют удлинение волокна. Так, показано, что путем мутации гена PAG1, который подавляет активность цитохрома P450, участвующего в метаболизме брассиностероидов, удалось удлинить волокно хлопчатника [8, 9].

Наряду с этим, в результате биоинформатического анализа в маркерной зоне обнаружен Zinc finger BED domain-containing protein. Белки цинковых палец представляют собой семейство белков, участвующих в росте и развитие растений, и регулируют механизмы устойчивости к различным биотическим и абиотическим эффектам [10, 11].

Таким образом, в интересующем нас регионе обнаружен ряд белков, экспрессия которых приводит к изменению основных параметров качества волокна.

Использованная литература

1. Кушанов Ф.Н., Клюева М.В., Салахутдинов И.Б., Абдурахмонов И.Ю. // In silico характеристика маркерных QTL, ассоциированных с фотопериодическим цветением хлопчатника // Узб. биол. журн. 2016 г. Спецвыпуск. Ст.50-53.

2. A. Bulak Arpat, Mark Waugh, John P. Sullivan, Michael Gonzales, David Frisch, Dorrie Main, Todd Wood, Anna Leslie, Rod A. Wing and Thea A. Wilkins / Functional genomics of cell elongation in developing cotton fibers. Plant Molecular Biology 54: 911–929, 2004

3. Li F. «Genome sequence of cultivated Upland cotton (Gossypium hirsutum TM-1) provides insights into genome evolution.» Nat Biotechnol., 2015: 524-30.

4. Okonechnikov K, Golosova O, Fursov M, the UGENE team. «Unipro UGENE: a unified bioinformatics toolkit.» Bioinformatics, 2012, изд. 28: 1166-1167.

5. Qing Miao, Peng Deng, Sukumar Saha, Johnie N. Jenkins, Chuan-Yu Hsu, Ibrokhim Y. Abdurakhmonov, Zabardast T. Buriev, Alan Pepper, Din-Pow Ma* / Transcriptome Analysis of Ten-DPA Fiber in an Upland Cotton (Gossypium hirsutum) Line with Improved Fiber Traits from Phytochrome A1 RNAi Plants. American Journal of Plant Sciences, 2017, 8, 2530-2553

6. Kentaro Tamura and Ikuko Hara-Nishimura / The molecular architecture of the plant nuclear pore complex. Journal of Experimental Botany, Vol. 64, No. 4, pp. 823-832, 2013

7. Zuoren Yang, Chaojun Zhang, Xiaojie Yang, Kun Liu, Zhixia Wu, Xueyan Zhang, Wu Zheng, Qingqing Xun, Chuanliang Liu, Lili Lu, Zhaoen Yang, Yuyuan Qian, Zhenzhen Xu, Changfeng Li, Jia Li and Fuguang Li / PAG1, a cotton brassinosteroid catabolism gene, modulates fiber Elongation. New Phytologist (2014) 203: 437–448

8. Chao-You Pang, Hui Wang, Yu Pang, Chao Xu, Yue Jiao,Yong-Mei Qin, Tamara L. Western, Shu-Xun Yu and Yu-Xian Zhu / Comparative Proteomics Indicates That Biosynthesis of Pectic Precursors Is Important for Cotton Fiber and Arabidopsis Root Hair Elongation. Molecular & Cellular Proteomics, 9, 2019-2033. doi: 10.1074/mcp.M110.000349 (2010)

9. Yan Sun, Suresh Veerabomma, Haggag A. Abdel-Mageed, Mohamed Fokar, Tadao Asami, Shigeo Yoshida and Randy D. Allen / Brassinosteroid Regulates Fiber Development on Cultured Cotton Ovules. Plant Cell Physiol. 46(8): 1384–1391 (2005)

10. Santosh Kumar Gupta, Amit Kumar Rai, Shamsher Singh Kanwar, and Tilak R. Sharma, / Comparative Analysis of Zinc Finger Proteins Involved in Plant Disease Resistance. PLOS ONE. 2012

11. Thomas Kroj, Emilie Chanclud, Corinne Michel-Romiti, Xavier Grand and Jean-Benoit Morel / Integration of decoy domains derived from protein targets of pathogen effectors into plant immune receptors is widespread. New Phytologist (2016) 210: 618–626

08.00.00 ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ ECONOMIC SCIENCES

УДК [332:1] (34)

ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИДА КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

Исроилов Рустамжон Ибрагимович
Хожиматов Равшанбек Расулжонович
Email: hrr2686@gmail.com

Аннотация: *Мақолада кластер тушунчасининг мазмун моҳияти, кластер усулини қўлланилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳитдан ёритиб берилган. Пиллачилик кластерини ташкил этишнинг зарурлиги, аҳамияти ва амалга оширалаётган имкониятлар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *кластер тушунчаси, кластер тизими, инфраструктура, интеграция, инновация, ахборотлар, қизиқиш, пиллачилик тармоғида замонавий усулларни жорий қилиш, географик ҳудуд, корхона ва фирмалар гуруҳи, бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи, технологик занжир, боғлам.*

ВАЖНОСТЬ СОЗДАНИЯ КЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЫ В ОБЛАСТИ ШЕЛКА И ЕЕ ХАРАКТЕРИСТИКА

Исроилов Рустамжон Ибрагимович
Хожиматов Равшанбек Расулжонович
Email: hrr2686@gmail.com

Аннотация: *В данной статье рассмотрены понятие о кластерах, их применение и особенности, Рассмотрены вопросы совершенствование системы кластеры в шелководстве, их особенности и внедрения шелководственых кластеров, а также методы обеспечения необходимых условий.*

Ключевые слова: *понятия о кластера, кластерный система, инфраструктура, интеграция, инновация, информация, интерес, современные методы в шелководстве, географическая территория, группа фирм, взаимодополняющие компании, группа институтов, технологическая цепь, связь.*

THE IMPORTANCE OF CREATING A CLUSTER SYSTEM IN THE FIELD OF SILK AND ITS CHARACTERISTICS

Isroilov Rustamjon Ibragimovich
Kxojimatov Ravshanbek Rasuljonovich
Email: hrr2686@gmail.com

Abstract: *In this article is given the concept of cluster, considered application and features. Considered questions the development system of clusters in sericulture, their essential properties and inculcate sericulture cluster, as well as methods of the ensuring necessary conditions.*

Key words: *the concept of cluster, cluster system, infrastructure, integration, innovation, information, interest, modern methods in sericulture, geographic territory, group of firms, complementary companies, group of institutes, technological chain, connection.*

Кириш. Ўзбекистон асосий пилла етиштирувчи давлатлар қаторига киради ва қишлоқ хўжалигида пахтадан кейин иккинчи ўринда туради. Республикамизда пиллачиликни ривожлантириш, ипак хомашёсини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун жуда катта табиий шароитларга эга ва етарли даражада меҳнат кучлари билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «...қишлоқ хўжалигида чуқур қайта ишлашни ва саноатни ривожлантирмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди» деб, халқ билан мулоқот ҳамда олимлар ва мутахассислар билан учрашган чоғларида таъкидлаб ўтдилар [5].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 616-сонли қарори қабул қилинди ва пиллачилик тармоғини янги босқичга кўтариш борасида устувор йўналишларни белгилаб берди [1-2].

Сўнгги йилларда **юртимизда барча соҳада бўлгани каби пиллачилик тармоғида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пиллачилик тармоғида** инновация ва изланиш янги ютуқларга эришиш, мустаҳкам рақобатни йўлга қўйиш мақсадида пиллачилик қайта ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий бошқарув усуллардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда, жумладан, бугунги кунда кластер тизимини пиллачилик тармоғида тадбиқ қилиш ва уни самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Шу боисдан, республикада пиллачилик соҳасидаги мавжуд муаммолларни изчил томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш ва тармоқни янада ривожлантириш юзасидан зарур тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кўплаб хорижий давлатларнинг тажрибалари барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлиги кўрсатилган.

Жаҳон тажрибасидан кўришимиз мумкинки, хорижий мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича етарли даражада тажриба ва амалиётлар тўпланган. Хориж иқтисодчи олимларидан бири С.Росенфельд “Минтақавий кластер” асарида келтириб

ўтганидек, “...кластерларни яратиш замонавий иқтисодий ривожланиш ва кам ривожланган ҳудудлар стратегиясининг асосидир” [7] .

XX аср охирида ривожланган давлатлар иқтисодиётида рўй бераётган интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иктисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йули хисобланиб, ўзаро пировард махсулот ишлаб чикарадиган ва географик якин булган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган “Кластер”лар яратишдир [5].

Таъкидлаб ўтиш жоизки, кластер атамасини америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори Майкл Портер ўзининг “Рақобат устунлик назарияси” асарида қуйидаги фикрларни айтиб ўтган, «...кластер атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси “панжа”, “бош”, “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш”, “турғун” маъноларини беради, шунингдек, кластер географик жиҳатдан қўшни бўлган, бир-бири билан боғланган, муайян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмасидир»[5] .

Кластер назариясининг асоси бўлиб, Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган “Иктисодиёт принциплари” номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулохазалари ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари буйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви:

-малакавий меҳнат ресурсларининг борлиги;

-таъминотчи ва кушимча соҳаларнинг усиши;

-ҳар хил корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнининг турли буғинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланганлигидир.

Тарихга назар ташласак, жаҳон ҳамжамиятида кластер назариясини ўрганиш тез суръатларда ўсиб борган ва уни амалиётда қўллаш эса ҳудуд ва саноат тармоқларининг иқтисодий ривожланишининг асосий йуналишига айланган. Жумладан, 1980 йиллардан кейин “Кластер назарияси”нинг ривожланишида учта муҳим Америка, Британия ва Скандинавия ва бошка илмий мактаблар ютуқларини кўришимиз мумкин.

Биринчи илмий мактаб гуруҳига кирувчи Америка олимлари М.Портер “Рақобат устунлиги назарияси”, М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар “Минтақавий кластерлар концепцияси”, А.Маршалл “Саноат худудлари назарияси”, П.Бекатин “Итальян саноат округлари назариялари”, М.Сториер “Идеал ҳудудий кластер” назарияларини яратганлар. Шунингдек, қўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концеициялари ҳам шу гуруҳдан ўрин олган. Айниқса, шу олимлар назарияларида кластерлар ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошка хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлигини таъкидлаб ўтишган эди.

Навбатдаги илмий мактаб, Буюк Британия назариётчилари Ж.Даннинг, К.Бримэн, Шмит, Ж.Хамфриларнинг фикрича, кластер - ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иқтисодиётнинг асосини белгиловчи институционал назариядир. Бу ҳолатда кластернинг ўзига замонавий институт сифатида

қаралмоқда. Улар мазкур тизим қатнашчиларининг ўзаро муносабати турлича расмий ва норасмий бўлганидек, кластерларнинг ҳам ташқи доираси кенг бўлади деган хулосани айтишган.

Учинчи гуруҳ илмий мактаби намоёндалари, Скандинавия олимлари Б.О.Лундваль, Б.Ионсон, Б.Асхайм, А.Изаксон - кластернинг эволюцион ривожланиши бир қатор босқичлардан ўтишини айтишади, яъни туғилишидан тугагунича. Бошка тўртинчи гуруҳ, олимлар кластерни ўзи ичига олган ҳудуд - корпорация устунлиги, ҳудуд - бозор устунлиги, ҳудуд - давлат устунлиги, ҳудуд - ижтимоий соҳа устунлиги концепциялари асосидаги минтакавий ривожланишнинг замонавий парадигмаларидир, деб ҳисоблаганлар.

Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчи олимларнинг таҳлиллари натижасида кластер тушунчасига қуйидаги 1-жадвалда берилган таърифлар кўрсатиб ўтамиз [6].

1-жадвал.

Хорижий мамлакатлар олимлари ва тадқиқотчиларининг “кластер” тушунчасига берилган таърифлар

Таърифлар	Хорижий олимлар
Кластер – бир илмий-маърифий маркази атрофида бирлашган географик (махсус хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, шу жумладан) компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни, бир-бирига муносабатлари билан боғлиқ тўлдирувчи бир тармоқ ташкилот.	Г.А. Яшевой А.Г.Гранберг
Кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи.	М.Галушкина
Кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи.	Н.В.Городнова
Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи.	Д.Л.Скипин
Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи.	Н.Е.Егоров
Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.	Н.А.Мишура

Кластер ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа.	*Л.Л.*Наумова

Юқорида билдирилган фикрларни умумий тарзда айтиб ўтиш жоизки, кластер - аниқ бир соҳада технологик занжирга бирлашган, бир географик ҳудудда жойлашган, бир бирига узвий боғлиқ бўлган хўжалик субъектлари ва ривожланиш институтлари гуруҳи ҳисобланиб, бир мақсад учун рақобатбардошлигини таъминлаш йўлида ўзаро бирлаштирувчи жараёндир, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, кластерларни назарий асослари, уни ўзига хос хусусиятлари ҳамда кластерларни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича хорижий ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари, Ўзбекистонлик олимларнинг ўқув адабиётлари, илмий ишлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий ва амалий таҳлил, кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунга келиб, кластерлар нафақат саноат ишлаб чиқариш бир-бири боғлайди, балки инновацион бизнесни, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини комплекс бошқарувини, минтақада ва ҳудуддаги инвестицион субъектлар ва инновацион фаолиятларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Жумладан, кластерларни яна бир ўзига хос хусусиятларида бири бўлиб, уни инвестиция жозибадорлигин ошириб, уни жалб қилиш шарт–шароитларини яратиб беради. Хусусан, хорижий сармоядорларни ташаббуслари орқали ҳудудларга сармоя киргизишлари учун албатта, инновация, интеграция, ахборотлар ва қизиқиш каби иқтисодий унсурлар муҳим роль ўйнайди.

Корхоналарни кластер усули ва технологияларни билан ўзвий боғлаш орқали тадбиркорлик фаолиятларини жадал ўсишига олиб келади. Хусусан, мамлакат ҳудудидаги инвестиция муҳинити шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий, ахборот ва интеграция тизими ривожланишини таъминланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг тадбиркорлик секторини ривожланиши, минтақанинг иқтисодий барқорорлигини доимий равишда сақланиб туришида ҳамда инвестиция жозибадорлигини оширишда муҳим тастак бўлади. Кластерни ўзи хос хусусиятларини қуйидагича ифодалашимиз:



1-расм. Кластерни ўзига хос хусусиятлари (муаллиф чизмаси).

Таъкидлаб ўтиш жоизки, кластер тадбиркорлар ўртасида очиқ ва ҳаққоний рақобатни муҳитини ташкил этиб, бир соҳада кластер усулида фаолият олиб бораётган барча тадбиркорларни умумий иқтисодий самарага йўналтиришдан иборатдир. Кластер ўз таркибига кичик ва йирик корхоналарни бирлаштира олиши билан бир қаторда, тармоқ соҳаларига инвестицияларни жалб этиш шарт-шароитларини яратиб берувчи омил ҳисобанади. Бу омиллар кластер тизими янада ривожланиши ва самарали фаолият олиб боришида хизмат қилади.



2-расм. Кластернинг асосий омиллар (муаллиф ишланмаси)

Жаҳон экспертларининг фикрича, кластер стратегиясидан бугунги кунда дунёнинг етакчи ва ривожланган мамлакатларида инновацион иқтисодиётни

шакллантириш ва бошқаришда фойдаланиш бўйича етарли тажрибалар тўпланганлар ва уларнинг иқтисодиётининг қарийб 50 фоизини кластерлар эгаллаган.

Ҳозирги пайтда Европа иттифоқи мамлактларида кластерлар сони 2000 тадан ошиб кетди ва жами банд аҳолининг 38 фоизига тўғри келади. Кластерлар АҚШда 380 та Италияда 206 та, Буюк Британияда 168 та, Ҳиндистонда 106 та, Францияда 96 та, Данияда 34 та, Германияда 32 та, Россияда 25 та, Голландияда 20 та ва Финляндияда 9 тани ташкил этади [8].

Дания, Финландия ва Швеция мамлакатлари саноатини тўлиқ кластерлашган. Масалан, Финландия 2000 йилдан буён рақобатдошликда дунё рейтингида етакчи ўринни эгалаб келмоқда. Бу мамлакатда ўрмон ресурсларини қарийб 0,5 фоиз улушга эга бўлиб, унинг унумдорлиги жиҳатдан юқори бўлган кластерлар ҳисобига ёғочни қайта ишлаш саноатида экспорт салоҳияти 10 фоиз ва қоғоз экспортида эса 25 фоизни ташкил қилади.

Италия саноатининг кластерлари ҳиссасига иш билан банд аҳолининг 43 фоиз, миллий экспорт ҳажмининг 30 фоиздан ортиғи тўғри келади. Бу мамлакатда асосан кластерлар бир тармоқли соҳалар 90 фоизни, шунингдек, исътемол товарлари ишлаб чиқариш: кийим-кечак, пойабзал, заргарлик буюмлари, мебел ва ошхона ускуналари маҳсулотлари ишлаб чиқаради ва чет мамлакатларга экспорт қилали.

Жаҳон бўйича биринчи ўринда Франция косметика ва фармацефтика саноатида катта ресурс марказига айланган. Мамлакатни косметика саноатида ишлаб чиқарилаётган парфюмерия товарлари жаҳон бозорларига экспорт қилади. Ҳозирги кунда Cosmetic Valley корпорацияси кластерлашган бўлиб, унинг таркибига 600 яқин корхоналар киради. Кластер ўзининг ичида ягона маълумотлар манбаи ва йирик илмий тадқиқот институтлари ва 200 кўпроқ лабараторияларни ўз ичида қамраб олган.

АҚШ саноатининг 50 фоиздан ортиғи кластерларда фаолият олиб боради. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши ЯИМ 60 фоизидан ошган. Бугунги кунга келиб. Ушбу мамлакат “Кремний водийси” деб таъриф берилган бўлиб, кластерлашган компютер саноати тармоғига кирувчи йирик компаниялар Intel, AMD, Oracle, Apple, Cisco ва Yahoo, Facebook, Google, eBay сингари ижтимоий тармоқ корхоналари мавжуд. Шунингдек, АҚШ ҳудудида инновацион кластерлари 87 мингдан ортиқ корхоналар, 40 ортиқ илмий тадқиқот марказлари, 40 та таълим муассасаларидан иборатдир.

Кластерларни шакллантириш жараёни Жануби-шаркий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда. Масалан, Хитойда 15 йил давомида тўқимачилик, пилла ва ипакчилик саноатлари, спорт товарлари, ўқинчоқлар ва идиш маҳсулотлари экспортга йўналтириш учун амалга оширувчи кластерлаштириш сиёсатига катта миқдорлаги сармоялар киритилиши орқалари, ҳозирги пайтда мамлакат жаҳон бозоридаги рақобатдаги устунлигини таъминлади [7].

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни кластерлаштиришга кейинги йиллардагина киришилди. Ҳозирги пайтда агросаноатда анчагина кенг кўламда кластерларни шакллантириш ишлари бошлаб юборилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "... барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофик ҳисобланади. Дарҳақиқат, нефть, газ, химия, биотехнология, фармацефтика, информатика, автокурилиш, транспорт-логистика, туризм, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, пилла ва ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, инвестициявий ташки лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади" [4]

Мамлакатимизда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил топганидан кейин соҳада ижобий силжишлар бўлди. Ҳудудларда бир неча йиллардан буён ишламасдан турган йирик, қўшма ва кичик хусусий корхоналар фаолиятлари қайта йўлга қўйилди. Уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2016 йилда ўртача 18 фоизга, 2017 йилда эса 54 фоизга кўтарилди. Пиллани қайта ишлаш корхоналари 2018 йилнинг биринчи чорак якунига кўра 165 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ва 19,7 млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари, 683,3 тонна табиий хом ипак, 1034 минг м. ипакли газлама ишлаб чиқарилди.

Сўнгги пайтларда мамлактимизда пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пиллани етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий, инновацион ғоя ва илғор технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида хориж тажрибалари тадбиқ этилмоқда. Хусусан, ўтган 2017 йилда биринчи марта тажриба сифатида такрорий пилла етиштириш жорий қилиниб, пилладан йилига уч марта ҳосил олиш тажрибаси синовдан ўтказилди. Хитой технологияси асосида бунёд қилинган инновацион пиллахонада 10,5 минг қути ипак қурти плёнка остида парваришланиб, 424,3 тонна пилла ҳосили олинди [9].

Бироқ, республикада пилла етиштириш бўйича қониқарли кўрсаткичларга эришилаётган бўлса-да, соҳада бир қатор камчилик ва муаммолар мавжуддир:

- бугунги кунда пиллани қайта ишлаш корхоналарида маънавий ва моддий эскирган ускуналардан фойдаланилаётганлиги;

- пиллачилик тармоғидаги корхоналарда пилла хом ашёси етарли ҳажмда ишлаб чиқармаётгани ҳамда корхоналарни тўлиқ қувват билан ишламай, 4-5 ойлаб фаолиятини тўхтаб қолаётганлиги;

- ҳозирга қадар ипак қуртини қайта ишлаш корхонаси шартнома асосида туман пилла корхонасига, у эса фермерга, фермер шартнома билан хонадонга бериши жараёнида вужудга келаётган нарх ва сарсонгарчиликлар келиб чиқаётганлиги;

- ҳудудларда ипак қуртининг аҳоли хонадонларида боқилишида бир қатор ноқулай шароитлар, яъни мавсумдан кейин пилла боқилган хоналарни

таъмирлашда аҳоли учун сезиларли молиявий харажатларни келтириб чиқараётганлиги;

- ҳудудлардаги хонадонларда пилла боқиш учун зарур шароитларнинг етарли эмаслиги;

- ҳудудларда жойлашган ипак қурти етиштириш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг бошқарувини ташкил этишда эскича ёндашиш хамда бошқарув тизими ҳозирга давр талабига жавоб бермаётганлиги юқори сифатли пилла ҳосилини олиш имконини бермайди.

Хулоса ва таклифлар. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича "2017-2021 Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам асосий чора-тадбирлар этиб белгиланган, мамлакатимиз пиллачилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилган туб таркибий ўзгаришлар бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади [3].

Шунингдек, ҳукуматимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ва тармоқни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун, қарор ва фармонлар пиллачилик соҳасидаги корхоналарни ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиради.

Бугунги кунда соҳани ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида пиллачилик кластерини ташкил этиш ва уни механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этганлиги боис, қуйидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш таклиф қилинади:

- бугунги кунда пиллачилик соҳасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш;

- кластер усулида бошқаришнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос жиҳатларини назарий ва илмий томондан асослаш;

- кластер усулида бошқаришнинг хориж тажрибаларини илмий тадқиқ этиш;

- ҳозирги кунда мамлакатимиз пиллачилик саноатидаги мавжуд муаммо камчиликларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- пиллачилик қайта ишлаш корхоналарида мавжуд бошқариш тизиминидаги муаммолар ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- пиллачилик қайта ишлаб чиқариш корхоналарининг *бошқарув тизимини такомиллаштириш, жумладан, кластер усулини татбиқ қилиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш*;

- пиллачилик кластерни ташкил жорий этиш орқали самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш ва унинг натижалари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

- Хулоса қилиб, келгусида кластер усули жорий этиш орқали, пиллачилик тармоғини бошқаришда ипак қуртини парваришлаш, пилла етиштириш, қайта

ишлаш, тайёр маҳсулот чиқаришдан то экспортгача бўлган босқичларини назорат қилиш имконини таъминланади. Шунингдек, пиллани қайта ишлаш корхоналаридаги мавжуд бошқарув муаммоларини илмий ўрганиш ва уни таҳлил қилиш ҳамда кластер тизимида пиллачилик корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сонли қарори.-Т.2017 йил 29 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 616-сонли қарори.-Т.2017 йил 11 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли фармони. //Тощкент, 20.01.2017й.
4. Раҳматов М.А., Зарипов Б. Кластер- интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т., Замин Нашр. 2018. 7-б
5. Портер М. Конкуренция. – СПб. – Москва – Киев, 2003, 55-56 б
6. Воронов А.Кластеры и кластерная политика. Москва. 2005. №1.С.10–15.
7. Пяткин С.Ф., Быкова Т.П. Развития кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. Минск. 2008, С. 6-10.
8. **Ленчук Е.Б., Власкин Г.А..** Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран.Статья. *Российского гуманитарного научного фонда* М. 2016
9. http://uzbekipaksanoat.uz/en/index.php/

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Абдуллаев Зафарбек Сафибуллаевич
Наманган давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси
Ирисбоев Шоҳрухбек Нурмухаммад ўғли
Наманган давлат университети
1-босқич МХТ-92-18 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган меҳмонхона хўжаликларининг маркетинги стратегияси ва уларнинг самарали фаолиятини ташкиллаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган тактикаларининг қисқача мазмуни ёритилган.*

Калит сўзлар: *туризм соҳаси, меҳмонхона хўжаликлари, маркетинг стратегияси.*

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МАРКЕТИНГОВЫХ СТРАТЕГИЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА

Абдуллаев Зафарбек Сафибуллаевич
Наманганский государственный университет
преподаватель кафедры экономики
Ирисбоев Шохрухбек Нурмухаммад ўғли
Наманганский государственный университет
студент группы ОУГХ-92-18, 1-курса

Аннотация: *В статье приводятся краткие сведения о существующей стратегии маркетинга в гостиничном хозяйстве возможная применяемая тактика в организации эффективной деятельности.*

Ключевые слова: *индустрия туризма, гостиничные хозяйстве, маркетинговая стратегия*

ROLE AND IMPORTANCE OF MARKETING STRATEGY FOR THE DEVELOPMENT OF TOURISM

Abdullayev Zafarbek Safibullayevich
Наманган state university
teacher of economics
Irisboyev Shohruxbek Nurmuxammad o'g'li
Наманган state university
student HM-92-18 group 1-course

Annotation: *The following article describes the marketing strategies of hotel economy and brief descriptions of tactics which can be used for effective organizing the activity of hotels in the Republic of Uzbekistan.*

Keywords: *tourism industry, hotel industry, marketing strategy*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ҳозирги кунда, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришлар амалга оширилиб, очиқ сиёсат асосида жаҳон иқтисодиётига интеграция жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Хусусан, туризм соҳасига берилаётган эътибор жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат эътиборида бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан туризм соҳасини иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатида ривожлантириш ва соҳани мамлакатнинг локомотив тармоқларидан бирига айлантириш вазифаси қўйилмоқда. Шу ўринда, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олиниши хусусан, туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш хозирги кунда асосий йўналиш сифатида қаралмоқда[1].

Мамлакатимиз президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонида ҳам туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида урғу берилганлигини таъкидлашимиз мумкин.

2018 йилнинг ўзида туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 4 та фармон, 6 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди. Шунингдек 15 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2 та Ўзбекистон Республикаси фармойиши ва 1 та Давлат органларининг қўшма қарори ҳамда 4 та давлат дастури қабул қилинди. 2016 йилдан 2019 йилгача жами 14 та Президент қарори ва 9 та Президент фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарур. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим», деб соҳадаги йўналиш ва маррани кўрсатиб берди[2].

Мамлакатмизда хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш мақсадида туристик салоҳияти юқори бўлган жойларнинг инфратузилмавий шароитларини замонавий талаблар даражасига етказиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди[4].

Ўз навбатида, туризм соҳасининг ажралмас қисми бўлган меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларининг тури ва шакллари кенгайиб бормоқда. Шуни айтиш мумкунки 2018 йилда республикамизда жами меҳмонхоналар сони 904 тага етиб, бу кўрсатгич 2016 йилга нисбатан 1,8 мартага кўпайган. 2019 йилдаушбу кўрсаткич 1200 тага етиши прогноз қилинмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, туризм соҳасига берилаётган эътибор ва преференциялар туризм соҳасида бизнес юритувчи субъектлар сонининг кескин ортишига олиб келди (1-жадвал).

Хизматлар сонини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш туристларга меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш самарадорлигини беради. Туризм соҳаси рентабеллигини оширишга олиб келади. Шу муносабат билан янги турмаҳсулотларни ишлаб чиқишга имкон пайдо бўлади, ҳозирги кунда уларни ишлаб чиқиш учун етарли даражада халқаро стандартларга мос келувчи сифатли хизматлар етарли эмас.

(1-жадвал)

Ўзбекистон Республикасида туристларга хизмат кўрсатувчи субъектлар[3]

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йилга прогноз
Туроператорлар 411	843	957	1149	
Гидлар-экскурсоводлар	320	574	650	850
Туристик транспорт фирмалари	40	81	102	160
Фольклор ансамбллари	121	179	192	225
Ҳунармандлар устахоналари	574	1439	1482	1869
Сувенир дўконлари	278	453	476	616
Кўнгилочар парклар	143	206	216	766
Тематик парклар	9	32	35	80
Аквапарклар	10	19	22	43
Сув аттракционлари	17	47	47	73
Чашна (дегустация) заллари	1	9	9	21

Хозирги кунда янги иқтисодий механизмни ташкил қилиш қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун қулай шароитларни яратишни кўзда тутади:

- меҳмонхоналар учун замонавий халқаро стандартларга мос келувчи мебеллар, жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тузиш ва бу борада импортни камайтириш;

-халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, қадимги туркий жиҳозлар шаклида ишланган кундалик туристик эҳтиёжлар учун товарлар ишлаб чиқиш бўйича кичик корхоналар очиш ва уларга ёрдам бериш;

- кўнгил очиш индустриясини ташкил қилиш, дам олиш учун мўлжалланган спорт-соғломлаштириш марказларини, табиий туристик оромгоҳларни, спорт клубларини, казино, гольф ўйнаш учун мўлжалланган майдонларни ва шунга ўҳшаш марказларни ташкил қилиш;

- реклама фаолиятини кенгайтириш ва реклама маҳсулотларининг сифатини ошириш, тегишли босмахона базасини барпо қилиш, аудио, видео, нашрий-маҳсулотларни яратиш;

- маҳсус белгига эга бўлган эсдалик маҳсулотлари, спорт жиҳозлари, туристик анжомларни ишлаб чиқариш бўйича хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш;

- туризм соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятларини йўлга қўйиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш, туризм иқтисодиётига бевосита сармояларни олиб келиш учун имтиёзлар, кафолатлар тизимини ва тегишли солиқ тартибини жорий қилиш;

- мавжуд моддий-техник базани халқаро андозалар даражасига олиб чиқиш учун таъмирлаш ишларини олиб бориш;

- катта бўлмаган, 100-150 та ўринга мўлжалланган меҳмонхоналарни кўриш, бу маҳаллий ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини соддалаштиради.

Ҳар бир корхона кўзда тутилмаган ҳаражатлар учун маблағларга эга бўлиши ўта муҳимдир. Туризм маркетинги ҳар бир мамалакат ёки ҳудуд учун муҳим

аҳамиятга эга (2-жадвал). Маркетинг ёрдамида потенциал туристлар тегишли худуд нима таклиф эта олиши туғрисида маълумотга эга бўлади ва шундан кейин уларда ушбу худудга ташриф этиш истаги пайдо бўлади.

(2-жадвал)

Ўзбекистондаги туристик компанияларнинг вилоятлар бўйича тақсимоти[2]

Т/р	Ҳудудлар	Сони	Фоиз
1	Тошкент шаҳар	634	66,2
2	Тошкент вилояти	19	2,0
3	Қорақалпоғистон Республикаси	15	1,6
4	Хоразм вилояти	29	3,0
5	Сурхондарё вилояти	14	1,5
6	Қашқадарё вилояти	12	1,3
7	Навоий воляти	4	0,4
8	Бухоро вилояти	59	6,2
9	Самарқанд вилояти	119	12,4
10	Сирдарё вилояти	4	0,4
11	Жиззах вилояти	5	0,5
12	Андижон вилояти	19	2,0
13	Фарғона вилояти	17	1,8
14	Наманган вилояти	7	0,7
	Жами	**957**	


Бозорни режалаштириш умумий жараёнинг бир элементи ва унинг туристик маҳсулот ишлаб чиқиш билан алоқаси сифатида тушуниш лозим. Маркетинг фаолияти айнан бир нечта йўналишларини ўз ичига олади. Буларга маркетинг мақсадларини белгилаш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, реклама – ахборот дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, шунингдек туристлар учун маълумотлар хизматини ташкил этиш киради. Бозорни режалаштириш алоҳида ёки халқаро ва ички туристлар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин. Ҳар томонлама ва комплекс режалаштириш жараёнида маркетинг соҳасидаги вазифалар жалб килинадиган туристларнинг турлари ва миқдори нуктаи назаридан бозор мақсадлари кўринишини олади.

Бозор мақсадлари одатда беш йиллик даврлар учун белгиланади ва туристларнинг тури, ташриф муддатларининг ўртача давомийлиги, уларни юборган мамалакат ёки халқаро худудлар ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташрифларнинг тахминий сон кўринишида ифодаланади.

Президентнинг 2019 йил 5 январдаги қарори билан 2019 йилнинг 1 февралидан қўшимча 45 давлат бўйича визасиз режим жорий қилинади ва 15 мартдан электрон виза тақдим этиладиган мамлакатлар сонини 76 та давлатга етказиш кўзда тутилди. Бу эса юртимизга кирувчи сайёҳларнинг кескин ортишини кўрсатади. Мамлакатимизга келадиган узоқ хорижий туристларнинг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижий туристларнинг сони ҳам ортган. 1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йил давомида келган 326 мингдан ортиқ узоқ хорижий туристларнинг таркибида энг катта улуш Туркия ҳиссасига тўғри келиб, 41299 нафар Туркия фуқаролари юртимизга турист сифатида ташриф

буюрган. Иккинчи ўринда Хитой Халқ Республикаси фуқаролари келган бўлиб, уларнинг сони 27269 нафарни ташкил этган.

1-расм. Ўзбекитонга узоқ хорижий давлатларидан келаётган туристлар сони бўйича маълумот [3]



Мамлакатимизга келаётган туристлар сонининг ўсиши ўз навбатида туризм хизматлари экспортининг ортишига олиб келмоқда.

Туризм соҳасига киритилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш баробарида туризм соҳасидаги бизнес субъектларининг инвестицион салоҳиятини кенгайтириш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида хориж тажрибасида учрамаган катта имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 5 январда қабул қилинган қарор билан Ўзбекистонда меҳмонхоналар қурилиши жадаллик билан олиб борилишини таъминлаш мақсадида 50 та ўриндан кам бўлмаган уч юлдузли меҳмонхона қурган инвесторларга меҳмонхонадаги ҳар бир номерга сарфланган харажати учун 40 миллион сўм ва 100 ўриндан кам бўлмаган тўрт юлдузли меҳмонхона қурган инвесторларга меҳмонхонадаги ҳар бир номерга сарфланган харажати учун 65 миллион. сўм субсидия берилиши белгиланди. Бундан ташқари, уч юлдузли дастлабки 50 меҳмонхонага ҳар бир номер учун йилига 200 доллар ва тўрт юлдузли 30 меҳмонхонага ҳар бир номер учун йилига 400 доллар миқдорида компенсация тўланади. Масалан, 100 та номерга эга меҳмонхона учун бир йилга 40 минг доллар компенсация тўланади. Қарорда яна Ўзбекистонда 2022 йилнинг 1 январига қадар 50 мингта қўшимча меҳмонхона ўрни яратилиши белгилаб берилди.

Туризм соҳасидаги яъна бир жиҳат шундаки баъзи туризм бозорлари белгиланган жойлар комбинацияларига йўналтирилган бўлиши мумкинлигидадир.

Бунда туристлар бир нечта мамлакатларга саёхат доираси бирор мамлакатга ташриф этишади. Бошқа туризм бозорлари эса фақат битта мўлжалланган жойга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Ривожланган туристик марказларда маркетинг мақсадлари бозор турларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай мақсадларни диккатга сазовор жойлар, объектлар ва хизматлар билан боғлиқ туристик маҳсулотдаги тегишли ўзгаришлар мослаштириш талаб этади[5].

Маркетинг стратегиясида бозор мақсадларига эришишнинг прициплари ифодаланади. Бундай стратегияда қуйидаги элементларни ўз ичига оладиган яъни маркетинг табиат умумий, қизиқишлари бир хил бўлган туристларга йўналтирилган, туризм бозорларининг ўзига хос турларига йўналтириш, реклама – ахборот усулларининг асосий кўринишларига қараб қўллаш лозим. Масалан, туроператорларга, туристеъмолчиларга ёки бу тоифаларнинг иккалаларига биргаликда мўлжалланган бўлиши мумкин. Вақт бўйича режалаштириш ёки реклама – ахборот тадбирлари бозорнинг муайян турлари ёки мамалакатларга нисбатан устиворлигини белгилаш хамда вақт бўйича режалаштириш туристик объектларнинг фойдаланишга киритилиш муддатларига боғлиқдир.

Маркетинг стратегияси ўзок вақтга мўлжалланган ёки қисқа вақтга мўлжалланган мақсадлар билан ҳам боғлиқ бўлиши керак. Шунинг натижасида бир томондан ўзок муддатга мўлжалланган мақсадларга эришиш учун, иккинчи томондан эса қисқа муддатга мўлжалланган мақсадларни режалаштириш учун асос яратилади. Маркетинг стратегиясини тез–тез қайта кўриб чиқиш лозим. Лозим топилганда, бозор йўналишларига ва туристик маҳсулот эволюциясидаги ҳар қандай ўзгаришларга қараб тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда соҳага инвестицияларни жалб этиш учун ҳозирги кунда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш ва жаҳон ҳамжамияти учун барча йўналишларда очиқ сиёсат йўлини танлади. Бу борада амалга оширилаётган ишлар иқтисодиётимиз барқарорлиги, инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги ва шу орқали халқ фаровонлигининг ортишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Туризм тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 20.08.1999 й. 830-I-сон.
2. Мирзиёев, Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи». 2018 йил 29 декабрь, № 271–272(7229–7230).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. Тошкент «Маънавият» 2019.
4. Мирзиёев йўли. Ўзбекистон етакчисининг 10 та асосий ислоҳоти. Ўзбекистон стратегияси. Ижтимоий таҳлилий журнал. №2, 2018. 6-б., 8–9-бетлар.
5. Комилова Ф.К. Туризм маркетинги. Ўқув қўлланма. Тошкент, Узинкомцентр. - 2003.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ХАТАРЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Баймирзаев Дилмурод Нематович
Наманган давлат университети, таянч докторант
E-mail: dilnazdon@mail.ru

Аннотация. *Мақолада қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятидаги асосий хатарлар аниқланган ва таҳлил этилган. Хатарларни бошқариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжалиги, хатарлар, хатар турлари, табиий хатар, ишлаб чиқариш хатари, молиявий хатар, бошқарув хатари, хатарларни бошқариш.*

РИСКИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ

Баймирзаев Дилмурод Нематович
Наманганский государственный университет, базовый докторант
E-mail: dilnazdon@mail.ru

Аннотация: *В статье описаны особенности ведения сельского хозяйства. Выявлены и проанализированы основные риски в деятельности сельскохозяйственных предприятиях. Разработаны практические рекомендации по управлению рисками.*

Ключевые слова: *сельское хозяйство, сельскохозяйственные предприятия, сельское хозяйство, риски, виды рисков, природные опасности, производственные риски, финансовые риски, риски управления, управление рисками.*

RISKS IN ACTIVITIES OF AGRICULTURAL ENTERPRISES AND THEIR MANAGEMENT

Baymirzaev Dilmurod Nematovich
Namangan State University, Basic Doctoral Student
E-mail: dilnazdon@mail.ru

Abstract: *The article describes the features of agriculture. Identified and analyzed the main risks in the activities of agricultural enterprises. Practical recommendations on risk management have been developed.*

Key words*: agriculture, agricultural enterprises, agriculture, risks, types of risks, natural hazards, production risks, financial risks, management risks, risk management.*

Глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнларининг кучайиб бориши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, халқаро даражадаги рақобат даражасининг ортиши

каби омиллар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тамомила янги талабларни белгилаб бермоқда. Давлат иқтисодий сиёсатининг очиқ иқтисодиёт тамойиллари томон йўналтирилиши хўжалик фаолиятидаги хатарларни аниқ белгилаб олиш ва таснифлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Хатарлар деярли ҳар қандай фаолиятда мавжуд бўлган объектив омилдир. Улар кўплаб соҳаларда мавжуд, аммо қишлоқ хўжалигида уларнинг таъсири жуда кучлидир. Амалиётда хўжалик фаолиятидаги хатарлардан қутулиб қолишнинг деярли имконияти йўқ. Шунинг учун хатарларни бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятидаги муҳим вазифалари бири ҳисобланади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни турли мазмундаги хатарлар таъсирида амалга ошади. Қишлоқ хўжалигидаги хатарлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик организмлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади [1].

Миллий иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғи учун характерли бўлган асосий иқтисодий қонуниятлар қишлоқ хўжалигида ҳам амал қилсада, у қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан бошқа тармоқлардан фарқ қилади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ер ва биологик организмларнинг асосий восита сифатида иштирок этиши, уни биологик ва табиий муҳитга юқорида даражада боғлиқлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришида табиий омиллар таъсирининг юқорилиги;

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳудудлар бўйича тарқоқ жойлашуви, ишлаб чиқариш жараёнини марказдан узоқ бўлган ҳудудларда амалга оширилиши;

3. Ишлаб чиқариш воситалари таркибида асосий фондлар салмоғининг катталиги, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳар бир турини етиштиришда махсус агротехника мажмуасидан фойдаланишни талаб этиши, улардан фойдаланишда сарф-харажатларнинг юқорилиги;

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва даромад олишнинг мавсумий характерга эга эканлиги, ишлаб чиқариш даврининг узоқ давомийлиги туфайли бозор ўзгаришларига тез мослашиш имкониятининг чекланганлиги;

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салмоқли қисмини хом ашё сифатида қайта ишлаб чиқариш жараёнига йўналтирилиши, қишлоқ хўжалигини қайта ишлаш корхоналари билан муносабатларда уларга қарамлилиги;

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисмини тез бузилувчанлик хусусиятига эгалиги, талаб ва таклиф асосида уларнинг ассортиментини тез ўзгартириш имконининг йўқлиги ва бошқалар [4].

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари тармоқни хатарларга мойиллигини кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида хатарлар хилма хил бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнига турли даражада таъсир кўрсатади. Хатарларнинг таъсир этиш даражаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳудудлар бўйича ташкил этиш ва уни ихтисослашувига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига таъсир кўрсатувчи хатарларнинг серқирралиги ва мураккаб тизимдан иборат эканлиги уларнинг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди.

Хатарларни туркумлашда турли ёндашувларни таҳлил қилиш, агросаноат мажмуасининг тармоқ хусусиятлари ва хатарларни бошқариш самарадорлигини тадқиқ этиш асосида қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятида қуйидаги асосий хатарларни ажратиш кўрсатиш мумкин (1-расм).


Қишлоқ хўжалигига ташқи омилларнинг таъсири жуда кучлидир. Қишлоқ хўжалигида табиий, экологик ва сиёсий хатарлар алоҳида ўрин тутади. Чунки уларни бошқариш бир мунча мураккабдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги корхонаси ўз фаолиятини амалга оширишда уларни ҳисобга олиши, башорат қилиши ва уларга мослашиши зарурдир. Шунингдек, бозор, ишлаб чиқариш, технологик, молиявий ва бошқарув билан боғлиқ хатарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар бевосита хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида вужудга келади.

Экологик муҳитнинг бузилиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши, қуёш радиациясининг ортиши, сув ва атмосферага зарарли моддаларнинг ташланиши билан боғлиқ жараёнлар табиий хатарларни вужудга келишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалигида об-ҳаво, экологик ва биологик хатарларнинг таъсири жуда юқори бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига ва чорвачиликка жиддий зиён етказади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини ортишига, маҳсулотларни сотиш ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида экологик хатарнинг таъсири ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида полиэтилен плёнкалар, кимёвий ўғитлар, пестицидларнинг меъёридан ортиқ ишлатилиши, қишлоқ хўжалиги транспорт воситаларининг атроф-муҳитга салбий таъсирининг ортиши, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши биологик кураш, алмашлаб экишнинг агротехник талабларининг бузилиши, чорва молларини меъёрда парвариш қилмаслик каби омиллар экологик хатарнинг кучайиши сабаб бўлмоқда.

Маълумки, табиий хатарларни бошқариш бирмунча мураккаб жараёндир, бироқ уларни олдиндан башорат қилишнинг имкони мавжуд. Табиий хатарлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнига таъсири жуда кучлидир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг табиий-иқлим, жонли ва биологик организмлар, географик муҳит ва об-ҳавога бевосита боғлиқлиги улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларини яратишни талаб қилади [2].

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан йил давомида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий хатарлар таъсири туфайли нобуд бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари катта зарар кўрадилар. Ушбу ҳолат уларнинг келгуси фаолиятига ҳам таъсир этади. Табиий ҳатарлар нафақат қишлоқ хўжалигига, балки бутун мамлакат миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларни ҳам кетириб чиқаради.



1-расм. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятидаги асосий хатарларнинг туркумланиши.

Қулай об-ҳаво шароитида ҳосилни мўл бўлиши бозорда истеъмолдан ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таклифини вужудга келтиради. Бунинг натижасида уларнинг нархи бозорда кескин пасайишига олиб келади. Бундай ҳолатда қишлоқ хўжалик корхоналари етарли даромадни қўлга кирита олмайдилар. Баъзан нархларнинг бундай даражада пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга имкон бермайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозор талабидан ортиқча қисмини сотиб олиши, уларни сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил этиши, бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари барқарорлигини сақлаган ҳолда уларнинг экспортини йўлга қўйиш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳарид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг

молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида бу амалиёт йўлга қўйилган бўлиб, ўз самарасини бермоқда [2].

Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тез бузилувчанлиги уларни узоқ вақт давомида сақлаш ёки олис масофаларга ташиш имкониятларини чеклайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари бир мунча устунликка эга бўлиб, бозорда қулай вазият юзага келгунга қадар ўз маҳсулотларини сақлаб туриш имкониятига эгадирлар. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса мева, сабзавот ёки сут каби тез бузилувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келишини кутиб, узоқ вақт ушлаб тура олмайдилар. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истеъмол қийматини йўқотиши сабабли фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишига мажбур бўладилар [3].

Технологик хатарлар аграр тармоқни етарли даражада қишлоқ хўжалиги техникаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, минерал ўғитлар ва бошқа саноат ресурслари билан етарли даражада таъминланмаслиги туфайли вужудга келади. Натижада қишлоқ хўжалиги ишларининг олиб бориш муддатлари бузилади, маҳсулотни йўқотиш хавфи пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг юқорида даражада ўзгарувчанлиги нарх билан боғлиқ хатарларни вужудга келтиради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминловчи нарх даражасини кескин тушиб кетиши кишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий зарар кўришига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нарх даражасига бозор конъюктураси, давлат сиёсати, агросаноат мажмуаси тизимидаги монополия ва бошқа омиллар таъсир этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида нархлар диспаритети муаммоси кескин ҳисобланиб, тармоқ тараққиётига тўсқинлик қилувчи асосий хатарлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ва унга ресурс етказиб берувчи саноат тармоқлари ўртасидаги нархларнинг номутаносиблиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Сиёсий хатарлар мамлакатда сиёсий вазиятни кескинлашуви ва ҳарбий тўқнашувларни келиб чиқиши билан юзага келади. Мамлакатдаги нобарқарор сиёсий вазият ва давлат сиёсатини кескин равишда ўзгариши қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига жиддий хавф солади.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан турли мазмундаги молиявий шартномаларни тузиш ва молиявий операцияларни амалга оширишда пул маблағларини йўқотиш хавфи молиявий хатарларни юза келтиради. Бундай ташқари томонлардан бирининг тўлов лаёқатини йўқотиши, банкдаги ҳисоб рақамини музлатилиши, молиявий ресурсларнинг бир қисмини олиб қўйилиши, тўловларни кечиктирилиши каби ҳолатлар қишлоқ хўжалик корхонаси учун жиддий хавф туғдиради.

Қишлоқ ҳудудларида юқори малакали ишчи кучининг камлиги, ёш мутахассисларни ўқитиш ва жалб этишнинг сустлиги, тармоқда тажрибали ишчи ва ходимларнинг етишмаслиги персонал билан боғлиқ хатарларни юзага келтиради.

Демографик вазиятни ўзгариши, малакали ва иқтисодий фаол аҳоли қатламини шаҳарга кўчиб ўтишининг фаоллашуви қишлоқ хўжалиги корхоналарини малакали ходимлар ва ишчи кучи билан таъминланишини заифлашувига олиб келади [5].

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг самарали фаолият юритишини таъминлашда хатарларни башорат қилиш, уларни бошқариш, хатарлардан огоҳлантириш ва минималлаштиришнинг илғор усулларни тўғри танлаш лозим. Хатарлар шароитида асосланган қарорларни қабул қилишда қишлоқ хўжалиги корхонаси хатарларни бошқариш бўйича ўз стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

1) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илғор технологиялардан самарали фойдаланиш (агротехник тадбирларни тўғри режалаштириш, об-ҳаво шароити бўйича тўпланган тажрибаларни оқилона қўллаш, сув ресурсларини бошқариш ва бошқалар);

2) Фермер хўжаликларидан ташкил топган гуруҳлар кооперацияси ҳамда агросаноат мажмуасидаги вертикал ишлаб чиқариш занжири ўртасида хатарларни тақсимлаш;

3) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишнинг илғор бозор технологияларини қўллаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш бўйича шартномавий муносабатларни такомиллаштириш;

4) Қишлоқ хўжалиги корхоналарида капитал ва қарздорликни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш;

5) Қишлоқ хўжалигидаги хатарларни суғурталашнинг бозор механизмларини такомиллаштириш;

6) Даромадларни диверсификациялаш, кўп тармоқли фаолиятни ташкил этиш асосида қўшимча даромадлар олиш манбаларини кенгайтириш.

7) Илмий-тадқиқот ва консалтинг маслаҳатларини бериш муассасалари орқали хатарларни минималлаштириш бўйича фермерларга тавсиявий ва амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқариш жараёнида замонавий илғор технологияларни тадбиқ этиш бўйича малакаларини ошириш, об-ҳаво бўйича тезкор ахборотлар ва прогнозларни бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдаги янги ёндашувлар ҳақида билимларни шакллантириш;

8) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш;

9) Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларини қуйи чегераларини белгилаш, экспортер корхоналарни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашни таъминлаш, квоталар белгилаш;

10) Табиий офатлардан кўрилган зарарларни қоплаш;

11) Суғурталашни субсидиялаштириш дастурлари ишлаб чиқиш орқали турли хатарлар (дўл, қурғоқчилик, совуқ уриш, зараркунандалар ва бошқалар)да қўллашни йўлга қўйиш.

Демак, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш хатарларни бошқариш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб

чиқишни тақазо этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини турли хатарларга мослаштириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаш лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, даромад олиши ва йўқотишларни камайтириш бўйича зарур стратегик ва тактик қарорларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2010. 252-бет.
2. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Илмий монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 232 бет.
3. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: ўқув қўлланма // -Т.: Адиб нашриёти, 2009, 164 б.
4. Алексеев В. В. Агропромышленный менеджмент / В. В. Алексеев, Б. В. Агаев. — М.: «ДеКА», 2013. — 432с.
5. Гайдук В., Управление рисками в аграрном предпринимательстве региона / В. Гайдук, С. Калитко, С. Багмут // АПК — экономика управления — 2010. — № 10, с. 40–41

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ PHILOSOPHICAL SCIENCES

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ИНСОН КАМОЛОТИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ (“РАҲБАРИ НАЖОТ” ВА “ОИЛА” АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Рахимова Мўмина Зокиржоновна
Урганч давлат университети таянч докторанти

***Аннотация**: Ушбу мақолада, Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” ва “Оила” асарида илгари сурилган ахлоқий ва таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** Ахлоқ, оила,тарбия, ахлоқий тарбия, таълим, мустақиллик, тинчлик.*

ABDURAUF FITRAT’S ETHICAL VIEWS ON HUMAN DEVELOPMENT ISSUES (THE MEANING AS NOVELS “RAXBARI NAJOD” AND “OILA”)

Rakhimova Mo'mina Zokirjonovna
Doctorate of Urgench State University

***Resume:** In thes article ethis and edeecatronal looks, pecularеties of the work “Rahbari Najot” and “Oila” by Abdurauf Fitrat are enlightened.*

***Key words:** Ethics, family, upbringing, moral upbringing, education, independence, peace*

НРАВСТВЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ЗАДАЧИ СОВЕРШЕНСТВА ЧЕЛОВЕКА АБДУРАУФА ФИТРАТА (НА ПРИМЕРЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ «ПОМОЩЬ РУКОВОДСТВА» И «СЕМЬЯ»)

Рахимова Момин Зокиржоновна
Научный сотрудник Ургенчского государственного университета

***Резюме:** В этой статье отражены этические и образовательно-воспитательские взгляды их особенности выднутые в произведении Абдурауф Фитрата “Раҳбари нажот” и “Оила”.*

***Ключевые слова:** Этика, семья, воспитание, нравственное воспитание, образование, независимость, мир*

Бугун глобаллашув жараёни шиддат билан кучаяётган даврда юртимизда ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифалар қаторига қўйилмоқда. Соғлом фикрли, ҳар томонлама етук инсонларни тарбиялаш масаласи – нафақат бугунги кун учун балки, узоқ ўтмишда ҳам муҳим бўлган ва келажак учун ниҳоятда аҳамиятли масала ҳисобланади.

Бугун долзарб қилиб кўтарилган ушбу масала, жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам ниҳоятда масъулиятли, кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида қаралган. Айнан ушбу масала XIX аср охри ва XX аср бошларида илм фан ривожига катта хисса қўшган "янги усул" деб ном олган жадидчилик ҳаракати ғояларида ўз ифодасини топган. Жумладан, инсон камолоти масаласи Абдурауф Фитрат ижодининг асосий мазмунини ташкил қилади.

XX асрнинг бошлари жамият ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этган жадидчилик намоёндалари фаолиятининг асосини Ватан тақдири, юрт истиқболи, халқ фаровонлиги учун кураш, илм-фан, маданий ҳаётни ислоҳ қилиш ташкил қилади.

"Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, Эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди"[1.48].

Жадид маърифатпарварлари орасида Абдурауф Фитратнинг алоҳида ўрни бўлиб, унинг маънавий олами бевосита халқ дард билан уйғунлашиб кетган. Фитрат миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий-сиёсий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга саводли кадрлар жамият фаровонлига ва тараққиёти учун зарурлигини таъкидлаб, ислоҳотларни айнан мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарурлигини, чунки миллат ҳаёти, истиқболи айнан таълим-тарбия билан белгиланишини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Абдурауф Фитрат кишининг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишида ахлоқий тарбиянинг ўрни жуда катта эканлигини ҳар бир асарида ва тадқиқот ишларида такрор-такрор уқтирди. Шунинг учун у ўзининг қарашларида фикрий ва жисмоний тарбиялар билан бирга ахлоқий тарбияга ҳам жуда катта эътибор билан қаради. Фитрат «Раҳбари нажот» асарида ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаси, уни амалга ошириш йўллари ҳақида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича ахлоқий тарбиянинг вазифаси инсонни ахлоқий баркамолликка етказиш ва уни жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун аввало болаларни жисмоний ва фикрий тарбияга даъват қилинг, кейин ахлоқий қувватларни муҳокама орқали тушунтиринг, уларни яхши ишларга одат қилдиринг, ёмон ишлардан нафратлантиринг – деган фикрлари жамият аъзолари ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади.

Фитрат "Раҳбари нажот" асарида "Фикр тарбияси" нима деган саволга "Фикр тарбияси - одамнинг ақлини камолотга етказиш ва бахт-саодатга эришиши учун қобилиятли қилиб тарбиялашдир" – деб жавоб беради[2.195].

Шунингдек, ушбу асарда Фитрат ахлоқий тарбияни болалар энг аввало ўзи яшаётган атроф-муҳит ва кўчадаги болалардан олишларини таъкидлаб ўтади. Фитрат ижтимоий муҳитнинг бола тарбиясидаги аҳамияти жуда катта эканлигини кўрсатиб беради.

Фитрат боланинг ахлоқий тарбиясида мактабдаги бошқа болаларнинг жуда катта таъсири борлигини кўрсатиб, мактабдаги ахлоқи ёмон болаларни тезда

тузатиш чораларини кўриш лозимлигини «мактаблардаги бадахлоқликда машҳур бўлган болаларни, агар уларни тузатиш иложи бўлмаса, мактабдан четлаштириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтади. Чунки, у бола ўзининг ёмон ахлоқий сифатларини бошқа болаларга ҳам ўтказмаслиги учун шундай чорани кўриш лозим», деб ҳисоблайди Фитрат.

У ахлоқи бузуқ кишиларни мактабда муаллимлик вазифасигагина эмас, балки мактаб қоровуллигига ҳам яқинлаштирмасликларини жуда тўғри ҳаракат, деб билади. Яна у болалар ахлоқига зарарли бўлган, ёшига мос келмайдиган китобларни ҳам болаларни ўқишларига рухсат бермасликни маслаҳат беради.

Фитрат «Раҳбари нажот» асарида мактабларда бериладиган ахлоқий тарбия даражаси қандайлигини ўз ҳаётидаги воқеа мисолида кўрсатиб беради:

«Мен мактабда ўқиб юрган вақтларимда, кунлардан бир куни мактаб таътилидан сўнг уйга келаётган эдим, бир эркак кишини кўрдим, у телбаларча сўкиниб, каловланиб зўрға юрар, ҳамма жойи лойга беланган. Раис мулозимларидан икки киши келиб олиб кетдилар. Мен бу ким деб сўрасам, ичиб маст бўлибди, дедилар. Мен бу воқеани дадамга айтсам: «Сен нега мастнинг орқасидан бординг» – деб дашном бердилар...»[2.199]. Бундан кўринадики, кишилар тарбиясида ижтимоий муҳитнинг таъсири жуда аҳамиятли ҳисобланиб, ижтимоий муҳитнингижобий ҳусусиятларини ўзлаштириб, салбий таъсирларидан эҳтиёт бўлиш лозим.

Фитрат шунингдек, “Оила” номли асарида ҳам ахлоқий тарбия ва инсон камолоти хусусида кўплаб фикрлар билдиради. Негаки, ҳар қайси шахснинг дунёга келиши ва камол топиши бевосита оила билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, давлатимиз келажаги, ривожланган мамлакатлар орасида тутган мавқеи ва салоҳияти – дунёқараши, билими, ақл-заковати юксак, Ватан, жамият ва оила олдидаги бурчи ва масъулиятини теран англайдиган, бугунги авлодга боғлиқдир. Зеро билим ва касб-ҳунарга қизиқиш, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат, меҳр-шафқат, ҳалоллик ва поклик каби ахлоқий фазилатлар оилада шаклланади ва сайқал топади.

Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асари оиланинг пайдо бўлиши, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, оилада амал қилинадиган ички тартиб ва қоидаларга бағишланган. Айниқса, асарнинг “Уйланиш ёки уйланмаслик хусусида”, “Қалин (пули) ва тўй қандай бўлиши лозимлиги ҳақида”, “Эр-хотиннинг қандай яшамоқликлари хусусида”, “Оиланинг маишати ва идораси” қисмларида бу масалалар хусусида атрофлича фикр юритилган.

Ушбу асарда оилавий хаётнинг ислоҳоти хусусида баҳс юритилиб, адиб нажот йўлларини ахтаради. Фитратнинг оилага нисбатан қарашлари асосини – Қуръонда шу масала бўйича илгари сурилган фикр ва ғоялар ташкил этади. Жумладан, Нисо сураси 34-оятида Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб - Аллоҳ уларнинг бирлари (эркаклар)ни бирлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир. (Аёллар ичида) солиҳалари - бу (Аллоҳга) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрщларини сақловчи)лардир. Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнг (бу таъсир қилмаса,) уларни

ётоқларда тарк этингиз, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши(бошқача) йўл ахтармангизлар. Албатта, Аллоҳ жуда олий ва улуғ зотдир[3.54].

Бу оятда оила тинчлиги ва тотувлиги қанчалик аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Фақат фавқулодда юз берадиган баъзи вазиятларда аёлни тарбия қилиш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади. Баъзи кишилар оятда "уринглар" дейилган, деб уни суи истеъмол қилишга уринадилар. Бу айни хатодир. Ҳар қандай оилавий можарони тинчлик йўли билан оқилона ҳал қилиш мумкин.

Абдурауф Фитрат ушбу асари эса, ҳар бир янги оила учун қўлланма вазифасини ўташи мумкин бўлган масалаларни ёритади. У ватанпарварлик ва миллатпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, китобнинг биринчи қисмига, маълум маънода меъёрий дастуриламал тарзида тартиб беради. Ундан ҳар бир янги оила қурмоқчи бўлган туркистонлик, кичик ҳажмдаги ахлоқий-маиший, гигиеник-саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин эди.

Ушбу китобнинг иккинчи қисми фарзанд тарбиясига бағишланган бўлиб, Фитрат ҳам тарбияни анъанавий йўналишда талқин этади: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Ана шу уч тарбия уйғунлигида ҳақиқий инсон камол топади, деб кўрсатиб ўтган. Китобнинг бу қисмида Фитрат, маълум маънода, ўзига хос ахлоқий тарбия назариясини тақдим қилади. У ихтиёр эркинлиги муаммосини майл тушунчаси орқали ўртага ташлайди: бахт майли, фаолият майли, алоқа майли, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли ва ҳ.к.

Буларнинг ҳаммасида ҳам инсонни жамият аъзоси сифатида, ижтимоий мавжудот сифатида олиб қарайди. Шунингдек, у иззат-нафс, айниқса, ирода масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. “Ирода ва ихтиёр” сарлавҳаси остидаги кичик бобда Фитрат фарзандни иродали қилиб тарбиялашга даъват этади, ирода тарбиясининг тўрт банддан иборат қоида-кўрсатиб беради. Фитрат асарнинг “Ота-оналарнинг ҳақ-ҳуқуқлари” бобида болани иродали қилиб тарбиялашда ота-онанинг зўри эмас, балки болага бериладиган муайян эркинлик муҳим эканини ва балоғатга етган фарзандниг эркинлик даражаси ҳақида фикр юритилади.[4.44]

Муаллиф миллат тақдирини, унинг бахт-саодатини жамиятдаги оилавий муносабатлар камоли билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, дунёда иззат ва саодат толиби бўлмаган бирорта қавм йўқ. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунчалик кучли ва мустаҳкам бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади” деб кўрсатган [1.33].

Фитрат инсон камолотига эришиш учун доимо интилиши, ҳаракат қилиши лозимлиги, доимо олдига мақсадлар қўйиши ва унга етишиш учун курашиши кераклигини, ҳеч бир бахт ёки бойлик ҳам инсон интилмаса ўз-ўзидан келмаслигини уқтириб ўтади. Хулоса қилиб айтганда, Фитратнинг ижоди хусусан, “Раҳбари нажот” ва “Оила” асарлари том маънода ёш авлод учун ҳаётий қўлланма бўлувчи тарбиявий асарлардир. Лекин уларда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговар

чорлов (амалларни бажаришга ундаш) услуби устун. Умуман олганда Фитрат асарларида илгари сурилган ахлоқий-фалсафий фикрлар нафақат ёш авлод балки, жамиятнинг барча қатламларини комиллик даражасига эришишлари учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 48-бет.
2. А.Фитрат Танланган асарлар.V жилд – Т, “Маънавият” 2010, 193-б.
3. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маънолар таржимаси, (Нисо сураси, 34-оят) 2002.
4. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, «Маънавият», 2000.

КИБЕРМАКОНДА ИНСОН ОМИЛИ: УНИНГ ЭСТЕТИК ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ

Ражабов Шухрат Шералиевич
Ўзбекистон Миллий университети
Этика ва эстетика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Замонавий ахборот технологиялари бугунги кунда инсон тараққиёти имкониятларини кенгайтириш билан бирга глобал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга олиб келди. Бу, бир маънода, маънавий инқирозни чуқурлаштиришга, миллий маданий кимлиги йўқотиш хавфига олиб келди. Шу сабабли, жамоатчилик учун катта қизиқиш уйготадиган ва баъзан кенг жамоатчиликка таъсир қиладиган ва баъзан инсоннинг ижтимоий-сиёсий ўзгариши билан боғлиқ бўлган ”кибер-маглубият” давлатнинг энг катта рақобатчиси, ҳозирги кунда энг катта муаммо бутун дунё бўйлаб. Шу боис, глобаллашув даврида инсон ва жамиятнинг ахлоқий ҳаётига ”кибер-капитализм” нинг салбий таъсирига алоҳида эътибор бериш керак.*

Калит сўзлари: *virtual dunyo, axloq, elegantlik, kiber ekstremizm, blogger, ijtimoiy tarmoqlar, tajovuzkor munosabat, jonli efir, kiber jinoyatchilik, kiber makon.*

HUMAN FACTOR IN CYBERSPACE:ITS INFLUENCE ON AESTHETIC URBRINING

Rajabov Shukhrat Sheralievich
National University of Uzbekistan
Teacher of the Department of Ethics and Aesthetics

Abstract: *Today, modern information technologies, along with enhancing human communication capacities, have led to global socio-economic, political change. This, in one sense, has led to the deepening of the spiritual crisis, the risk of loss of national cultural identity. Therefore, ”cyber-stringism”, which is of great concern to the general public, which sometimes affects the general public and is sometimes concerned with the socio-political change of the individual, the state’s greatest competitor, is now recognized as the biggest problem worldwide. Therefore, it is time to pay special attention to the negative impact of ”cyber-capitalism” on the moral life of human beings and society during the era of globalization.*

Key words: *virtual world, morality, elegance, cyber extremism, blogger, social networks, aggressive attitude, live broadcast, cybercrime, cyber space.*

ЧУЛОВЕЧЕСКИЙ ФАКТОР В КИБЕРПРОСТРАНСВЕ: ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ

Раджабов Шухрат Шералиевич
Национальный Университет Узбекистана
Преподаватель кафедры этики и эстетики

Аннотация: *Сегодня современные информационные технологии, наряду с расширением человеческого коммуникационного потенциала, привели к глобальным социально-экономическим, политическим изменениям. Это, в каком-то смысле, привело к углублению духовного кризиса, риску утраты национальной культурной самобытности. Таким образом, «кибер-стрингизм», который вызывает большую обеспокоенность у широкой общественности, который иногда затрагивает широкую общественность, а иногда связан с социально-политическими изменениями личности, являющейся самым большим конкурентом государства, в настоящее время признан самой большой проблемой. по всему миру. Поэтому пришло время обратить особое внимание на негативное влияние «киберкапитализма» на нравственную жизнь людей и общества в эпоху глобализации.*

Ключевые слова: *виртуальный мир, мораль, элегантность, кибер-экстремизм, блоггер, социальные сети, агрессивный настрой, прямая трансляция, киберпреступность, киберпространство.*

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида ривожланган технологиялар сўнгги йиллар мобайнида доимий муҳокама этиб келинаётган глобаллашув ҳамда информацион ижтимоий тузилмага оид масалаларни долзарблаштирди. Дунёнинг бугунги манзараси ахборот-коммуникацион технологиялар орқали янада ёркин ва гўзал бўлиши билан бирга даҳшатлироқ кўриниш ҳам олмоқда. Глобаллашув даврида кибермаконда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу жараёнда содир бўлаётган кибержиноятлар инсониятга мисли кўрилмаган таҳдидлар солиш ҳавфи кучаймоқда. Бу кўриниш кибермакондаги киберэкстремизм, кибертерроризм ва бошқа “кибер”лардир. Бундай таҳдиднинг шахс ва жамият тараққиётига салбий таъсири ва оқибатлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман”[1], - деб таъкидлаган эди.

Онлайн кибер жиноятлар ва одамларнинг аъзоликлари[2], Виртуал дунёдаги ҳар қандай онлайн хизматни муҳофаза қилинг[3], Американи кибер терроризм

таҳдиди[4], Жанубий Африкадаги виртуал дунё кибер урушлари, кибер жиноятлар ва уларнинг қонуний таҳлиллари[5], Занзибар қонунчилигининг таҳлили, кибер хавфсизлик бўйича маслаҳат режаси ва унинг олдини олиш учун чоралар кўриш[6], Интернетда жиноятчиликнинг олдини олиш моделлари таҳлили[7], эвропада киберфавфсизлик: антиспубликатив бошқарув-амалиёт[8] ва бошқа тадқиқотлар ўтказилди.

Инсоният ахборотлашиш соҳасида инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Дунёда умумий ахборотлашган ҳамжамият шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари негизида ахборотни узатиш ва истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келаётгани ётади. Оқибатда XXI аср - ахборотлашган жамият асри, деб эътироф этилмоқда. Интеренет эса унинг қуроли.

Бугунги кунда айрим оммавий ахборот тармоқларида вайронкор ғояларни тарқатиш орқали ёшларга зўравонлик, шафқатсизлик, хаёсизлик каби нохуш ҳиссиётларни сингдириш каби салбий тенденциялар кучаймоқда. Бунинг оқибатида эса экстремизм ва тероризмнинг ахборот оламидаги янги макон, яни кибермаконда шаклланаётган кўринишлари бўлган киберэкстремизм ва кибертерроризм каби кибер таҳдидларнинг хавфи ортиб бормоқда. Агар Афғонистон ва баъзи араб мамлакатларидаги қарама-қаршилик ва тўқнашувларнинг геосиёсий моҳиятига эътибор берсак, улар ҳам аслида дунёдаги турли кучлар ўртасида кибер курашларнинг кучайгани туфайли авж олаётгани кўрамиз. Бу ҳолат ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ахлоқий ва эстетик тафаккурига бўлаётган ҳуружларнинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда муҳим воқеликка айланиб бормоқда.

Масалан, ғарб индивидуализми кибер макон орқали кенг тарғиб этилиб, дунё ёшлари ахлоқий эстетик онги ва қалбида ўз асоратини қолдирмоқда. Бу фикрни Ф.Мухамеджанова шундай таърифлайди - “Юртимиз оммавий ахборот воситаларида ана шундай шундай хавф-хатарлар, хусусан, “оммавий маданият” нинг зарари ҳақида кўплаб эълон қилинаётгани эътиборли, албатта. Уларнинг айримларида янгиликларни бир зумда ўзлаштириб, ахборотни тез қабул қилаётган ёшлар қатламига “деструктив культ”, паротаталитар, неонацистик рухдаги ғояларни сингдириш бўйича хорижда шаклланган зарарли тенденциялар атрофлича таҳлил этилган[9].

Интернетда яна этник интеграция суръатлари жадаллашиб бораётган бўлсада, кишилик жамиятида асрлар давомида мавжуд бўлиб келаётган дискриминация, шовинизм сингари иллатлар реал воқеликдан виртуал оламга кўчмоқда ва бу жараёнда ҳали ҳуқуқий асослари шаклланиш босқичида бўлган глобал тармоқдан мафкуравий-психологик кураш қуроли сифатида фойдаланилмоқда.

Агар биз кибермакондаги номоён бўлаётган воқеа-ҳодисаларниташқаридан гўзал бўлиб кўринаётган, ичкари томондан унинг асл гўзаллиги инсонларни разилликка бошлаётганлигини кўрмоқдамиз. Асл гўзаллик воқеликдаги ҳар қандай нарса – ҳодисанинг ишончлилик, ҳаққонийлик ва реаллиги билан белгиланади. Кибер майдонда юз бераётган ҳодисаларнинг ҳаққонийлик ва ишончлилик

даражаси жуда кам. Масалан, баъзи бир ҳолатларда инсонлар томонидан жойланаётган суратлар ҳаққоний эмас ижтимоий тармоқларга бошқа шахсларнинг фотолари билан мулоқатга киришишда фойдаланадилар, улар томонидан етказилаётган маьлумотлар ишончсиз гоҳ бирор бир кино қахрамонлари, юлдузларнинг вафоти ёки ахлоқсизлиги ҳақида маьлумот жойланади, аслида эса бундай бўлиб чиқмайди акс эттирилган ҳодисалар эса нореалдир.

А.Ю.Пиджаковнинг фикрича: “Киберэкстремизм - умумий ташвишга солувчи кўплаб кибертерапиялардан биридир. Унинг мақсадлари сиёсий ёки иқтисодий инқирозни, саботаж, ҳарбий ёки фуқоролик активлари ва ресурсларни сиёсий мақсадларда ўғирлашни ўз ичига олади[10]. Бунда киберэкстремистлар биринчи навбатда инсондаги ахлоқий ва эстетик тафаккурни йўқотишга интиладилар. Эзгуликка, гўзалликка бўлган қизиқиши йўқолган шахснинг “манқурт” инсондан фарқи қолмайди. Ҳозириги кунда интернетга муккасидан кетган шахсларнинг манқуртдан битта фарқи бор уни инсон эмас киберлар бошқаради, улар нимани ҳохласа ўшани кўрадилар. Бунга илк сабаб қизиқарлиликдир, аввало қизиқтиради, кейин эса аста-секин ўз йўлида юришга чорлайди. Бунинг оқибатида қарабсизки битта инсон киберэкстреимзм қурбонига айланади. Ғайриоддийлик ва мавҳумликдан қўрқиш ёки қизиқсада янгиликни борича қабул қилмаслик инсонга хос хусусият. Техника ва технологияга одамлар дастлаб ана шундай муносабат билдирган эдилар. Бироқ, ҳозирда айнан шу технологиялар ёрдамида инсон цивилизацияси ривожланмоқда. Бунинг энг асосий воситаси Интернет тармоқлари орқали реалликка айланаётганлиги эътироф этилмоқда.

Киберҳуружлар ва мафкуравий экспансия иқтисодий қамал ҳамда миллий қадриятларимизга бўлган таҳдид билан бирга кўзга ташланмоқда. Экстремизм ўзининг янги босқичи яни киберэкстреимзм даврини бошлаб берди. Хўш киберэкстремизмнинг замонавий кўринишлари нималарда ўз аксини топмоқда.Кибер тахдидлар билан боғлиқ яна бир ҳолат шуки, аксарият ҳолатларда иқтисодий танглик, ишсизлик ва қашшоқлика коррупция каби муаммолардан четдаги мафкура полигонлари фойдаланиб, турли кибер ҳуружлар орқали мамлакатдаги барқарорликни издан чиқармоқчи бўлади. Масалан, Миср Араб Республикаси сиёсий жараёнлар яна бир марта ушбу жараёнларнинг истиқболи мавхумликлар билан боғлиқ бўлиб қолаётганининг амалдаги исботидир.Украина, Қирғизистонда бўлиб ўтган, “рангли инқилоблар” мазкур давлатларда жамиятнинг маьнавий дунёсига таьсир ўтказганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Киберэкстремизм - бу замонавий жамият учун тобора кучайиб бораётган таҳдид ва мураккаб ижтимоий-сиёсий вазифа. Ахборот тизимидаги киберекстремизмнинг ортиши билан боғлиқ ахборот ресурсларининг хавфсизлиги муаммолари ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ. Ҳар йили экстремистик ташкилотларга қўшилган ўсмирлар сони ортиб бормоқда ва уларнинг аксарияти тасодифан экстремистик тармоқларга тушиб, уларнинг ҳаракатларининг ҳақиқий оқибатларини тушунишмайди[11]

Ёшлар ўртасида киберекстремизмнинг олдини олиш бир вақтнинг ўзида уч йўналишда амалга оширилиши керак:

- ҳуқуқий,

- акмеологик
- технологик:

-Ҳуқуқий йўналиш экстремизмга қарши кураш соҳасида мукаммал қонунчиликда ўз аксини топиши керак. Бу қонун умуман оламнинг олдинги ва ҳозирги тажрибасини ҳисобга олади. Киберэкстремистик гуруҳлар ўзлари қабул қилган масъулият даражасидан хабардор бўлишлари, ёшлар ўртасида муайян радикал қарашларни тарғиб қилишлари ва бу ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлиги ҳақида билишлари керак. Ёшларнинг катта қисми, айниқса ўсмирлар, уларнинг тақдири ёки жамиятдаги ўрни билан қониқмайди, бу Интернет тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатиш учун яхши асос яратади.

-Акмеологик йўналиш ёшларнинг қиймат тизимини шакллантириш билан боғлиқ. Бунинг учун ёшларнинг маданият ва санъат қадриятларига кириб бориши, кино, адабиёт, санъат ва ижтимоий тармоқларнинг салоҳиятидан фойдаланишни соддалаштириш керак. Иккинчиси ҳақида гапирганда, унинг мазмуни инсоний қадриятлар билан бевосита боғлиқ бўлган ўйинлар ва мусобақалар яратиш имконияти қайд этилган. Бу қонуний ва технологик жиҳатдан бир хил зарурий чорадир, чунки ёмонни ёмондан ажрата олмайдиган, ўсишдан хавфли бўлган ёш йигит нафақат киберэкстремизмга мойил, балки жамиятнинг нотўғри тушунишидир.

- Сўнгги ва камида муҳим йўналиш технологик бўлиб, у ижтимоий гуруҳ сифатида ёшларга жуда кам боғлиқ. Ушбу соҳада Интернет-контентни филтрлаш ва потенсиал хавфли ресурсларга киришни шахсийлаштириш зарур. Контентни филтрлаш учта даражада бўлиши мумкин: провайдер, сервер ва мижоз стантсияси. Интернет филтрлари одатда контекст билан ишлашга қодир эмас, бунинг учун контекстли филтрлаш воситалари зарур. Ҳозирги кунда у спам-спам-филтрлар томонидан қўлланилади.

Кибероруш – санъатсиз ва жангсиз жанг қилиш; рақибини мағлубиятсиз мағлубиятга учратиш.

Виртуал оламда тармоқларнинг сони ошиб бораётганганлиги сабабли уларга ташриф буюриш, танлаш имконияти ҳам кенгайиб бормокда. Ана шунинг учун ҳам реклама жойлаштириш орқали ўз тармоқларига кирувчиларни жалб этиш усулини топишмоқда. Баъзи бир ижтимоий тармоқлар бу борада турли ҳил усуллар ва воситалардан фойдаланишмокда. Бу орқали инсон онги ва унинг ахлоқий ва эстетик маданиятига салбий таъсир кўрсатмокдалар. Бундай сайтларнинг вақтинчалик фойдаланувчилари кўпайиши мумкин, лекин вақт ўтгачуларнинг сони камайиб боради. Ўзбекистон шароитида ижтимоий –тармоқдардан фойдаланувчиларни ёшини, ишини, ҳудудини, ҳисобга олган ҳолда яратиш лозим. Бу орқали берилаётган ахборотлар инсонларнинг онги ва маданиятини юксалтиришга ҳизмат килмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Манба: http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi

2. Dearbhail Kirwan. Cybercrime: An Investigation of the Attitudes and Environmental Factors that Make People more Willing to Participate in Online Crime. Dublin Institute of Technology. 2017

3. Santa Barbara. Protecting Online Services from Malicious Activity. University of California. 2016

4. Rogers. Protecting America against cyber terrorism, United States Foreign Policy Agenda. USA. 2017

5. Anna Granova, Marco Slaviero. Cyber Warfare. University of Pretoria, Pretoria, South Africa. 2011

6. Ki Hong (Steve) Chon. Cybercrime precursors: towards a model of offender resources. The Australian National University. 2016.

7. Professor Dr Toby Seddon. Cyber-security in the European Region: Anticipatory Governance and Practices. The University of Manchester, UK. 2018.

8. Трофимов В. Д. Экстремизм (рус.). Проверено 5 июля 2011.Архивировано 5 февраля 2012 года.

9. Ф.Мухамеджонова. Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти. –Тошкент. Тўплам. Ёшлар ахборот психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.,2012, 32-б

10. А.Ю.Пиджаков Борьба с политическим экстремизмом и терроризмом: проблемы изучения / А.Ю. Пиджаков// Известия ВУЗов. Правоведение. – 2003. - №3. – С.234-244

11. Ташанов А. Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафкуралар. -Тошкент. “Турон замин зиё”. 2015 й,; 171 б

УДК: 10(09)+001+371.044.4

ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Тожалиев Абдуқосим Абдулхакимович
Фарғона Давлат университети, ўқитувчи
Email:atojaliyev@inbox.ru

Аннотация: *Мақолада янги тараққиёт босқичи даврида миллий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда инновацион ривожланишнинг долзарб масалалари ўрганилган. Муаллиф янги ривожланиш жараёнида олий таълимда инновациялардан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқиб, олий ўқув юртларининг фаолиятини такомиллаштириш, олий таълимни ислоҳ қилиш муаммоларини тахлил қилган. Шунингдек, инновацияларнинг олий таълим тизимига жорий этишнинг янги усуллари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар*: фан, олий таълим, ислоҳот, бакалавр, магистр ёшлар, инновация, жамият, гоя, ривожланишнинг янги босқичи.*

ПОТРЕБНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕССЕ НОВЫХ РАЗВИТИЙ В ВЫСШЕМ ОБРАЗАВАНИЙ

Тожалиев Абдуқосим Абдулхакимович
Ферганский государственный университет, преподаватель

Аннотация: *В статье рассматриваются актуальные вопросы инновационного развития в национальной системе подговки конкурентоспособных кадров в условиях нового периода развития. Автор исследует проблемы реформирования высшего образования в контексте углубления необходимости совершенствования работы высших учебных заведений. В работе расмотрены связь данного вопроса с поддержкой инновационных идей и технологий в учебной, научно исследовательской работе кафедр и укрепления их молодыми кадрами высокой квалификации.*

Ключевые слова: *наука, высшее образование, реформа, бакалавры, магистры, молодежь, инновация, идея, общество, новый этап развития.*

THE NECESSITE OF USING INNOVATIONS IN NEW DEVELOPING PROCESS HIGHER EDUCATION

Tojaliyev Abduqosim Abdulxakimovich
Fergana State University

Annotation: *In article pressing questions of innovative development in national system competitive shots in the conditions of the new period of development are considered. The author investigates problems of reforming of higher education in a context of deepening of necessity of perfection of work of higher educational institutions. In workIt considered communication of this point in question with support of innovative ideas and technologies in educational, scientifically research work of chairs and strengthenings by their young shots of high qualification. The author of article connect modern problems of innovative development of the country with preparation of experts, names of 2019 "Active investments both social development" and directly influencing methods, the maintenance, management of higher education.*

Keywords: *a science, higher education, reform, bachelors, masters, youth, an innovation, idea, a society, a new stage of development.*

Инсоният цивилизациясининг янги босқичга кўтарилиши, фан ва техника соҳасидаги инновацион ютуқлар бевосита инсон омилига боғлиқ бўлган жараёндир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи омилларидан бири юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг яратилганлиги билан характерланади. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим факторларидан бири ҳисобланган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ишини янги инновациялар асосида ташкил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Рақобатбардош кадрларнинг инновацион фикрларини жамият тараққиётининг барча жабҳаларида ўз вақтида қўллаш давлат, жамият ва шахснинг фаол ва самарали тараққиёти учун янги имкониятларни юзага келтиради. Жамият жадал ривожланиши жараёнида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундай ҳолат олий

ўқув юртларини битирган мутахассислардан, юқори малакага эга бўлиш, ўз-ўзини бошқаришга тайёр бўлиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт илгари сураётган вазифаларни ҳал қила олиш ва бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиши, малакасини тизимли ошириш заруриятини вужудга келтирди. Шу муносабат билан олий таълим жамиятнинг барқарор ривожланиши ва унинг хавфсизлигини таъминловчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам янги ривожланиш босқичида олий таълимга янги мақсадлар, вазифалар қўйилмоқда, амалга оширилаётган ислоҳотлар давомида олий таълим тизимига муносабат ўзгарди.

Фуқаролик жамияти ривожланиш концепцияси, хусусан, унинг социомаданий хусусиятлари, дунёвий билимлар кўламининг ортиши, инновацион технологияларни кадрлар тайёрлаш миллий тизими мазмунига татбиқ этиш ва уларнинг рақобатбардош кадрлар салоҳиятига бевосита таъсирини англаб етишнинг объектив зарурияти билан боғланганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики,“Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади”. [1]

Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашаётган, ҳозирги даврда инновацияларнинг мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашдаги ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, атроф муҳитда, жамият тизимларида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, яъни уларнинг олий таълимга таъсири ҳам инновацияларнинг амалий аҳамиятини оширмоқда. Инновация тушунчаси дастлаб XX асрда хорижий жамиятшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларида учрайди ва бир маданиятга хос бўлган баъзи элементларнинг иккинчи маданиятга таъсири, кириб келиши маъносида ишлатилган.[2] Инновация термини “innovaite” деган лотинча сўздан олинган бўлиб, янгиланиш, такомиллашиш мазмунини беради. Умумий маънода уни янгиланиш, яхшиланиш мазмунида тушуниш мумкин. Умумий мазмунда эса, алоҳида маданий қадрият, яъни унинг моддий ва номоддий кўринишидир. Ҳозирги даврда инсон томонидан инновация, янгилик сифатида эътироф этилмоқда. Қайд этиш лозимки, тадқиқотчи С.Н.Кройторнинг фикрича “инновация билимдан технологик, рақобатбардошлик ва етакчиликни таъминлаш учун фойдаланиш жараёнидир.”[3] Инновациялар мазмуни, моҳиятига доир илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу терминни олий таълимга нисбатан қўлланилиши, бу педагогик жараённинг такомиллашуви, таълим хизматларининг янгиланиши, таълим маҳсулотларига янги технологиялар, илм фан ютуқларининг жорий этилиши, олий таълим жараёнининг объектив жараён сифатида мукаммаллашувидир.

Инновациялар олий таълим муассасаларининг турли бўғинларидаги янгиликлардан самарали фойдаланиш ёки уларни ўзаро алмашиш, янгиларининг вужудга келиши жараёнида намоён бўлади. Олий таълим тизимида инновациялар профессор-ўқитувчилар, мутахассислар фаолиятининг пировард натижасида янгидан вужудга келган қўшма факультетлар, ташкил этилган кафедралар,

такомиллаштирилган таълим дастурларини амалиётга жорий этиш жараёнида қўлланилади. Шу билан биргаликда, инновациялар таълим хизматларидан, тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ҳаётдаги тизимларда самарали фойдаланишнинг муайян кўриниши сифатида ҳам гавдаланади.

Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин. Биринчидан, инновациялар профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган илмий ишлар натижаси бўлиб, улар фаолияти интеллектуаллашувини оширади, ўтказилаётган маърузалар, амалий машғулотларнинг илмийлигини, амалиёт билан боғланиши имкониятларини кучайтиради. Талабаларнинг бўлажак мутахассислигини эгаллашига қизиқишини орттиради. Иккинчидан, инновациялар, илмий тадқиқот ишлари натижасида хўжалик шартномалари, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар иштирокида бажарилаётган илмий, амалий ва фунаментал характерга эга бўлган лойиҳаларнинг сифатли бажарилишига эришилади. Учинчидан, инновациялар таълим хизматларини тизимли такомиллашишида муҳим омил ролини бажаради. Шунингдек, инновациялар туфайли профессор-ўқитувчилар томонидан нашрга тайёрланган монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар мазмунига сўнгги янгиликлар киритилади.

Олий таълимдаги инновациялар қуйидаги жараёнлар билан боғлиқ: Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимига инвестицияларнинг киритилиши, тизимда сифат ўзгаришларига, яъни олий таълим муассасалари фаолиятининг такомиллашишига эришилади. Олий таълим муассасалари учун инновацион маҳсулот рақобатбардош кадрларнинг тайёрланиши ва илмий амалий аҳамиятга молик илмий, методик ишланмаларнинг яратилишида намоён бўлади. Олий таълимдаги инновацион жараён илмий тадқиқот институтлари, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрланиши ва уларнинг ўз ғояларини амалиётга жорий этишларида ҳам кўринади.

Инновацияларнинг олий таълим тизимига жорий этилиши, ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этадиган, муҳим заруриятдир. Чунки, бу жараён билимларнинг тез эскириши, жамиятнинг интенсив ахборотлашуви, олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанлар дастурлари мазмунининг мунтазам такомиллаштириш, ўқув жараёнига фан-техника ютуқларининг киритилиши зарурияти билан боғлиқ. Олий таълим тизимидаги инновацион фаолият таълим сифатининг ошишига олиб келади. Ушбу фаолият натижасида юқори технологик таълим усуллари вужудга келади, янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилади. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги манбалари шаклланади, профессор-ўқитувчилар меҳнатини қўллаб-қувватлаш имконияти кенгаяди, инновацион тизим яратилади.

Янги ривожланиш босқичига хос бўлган хусусиятлардан яна бири малакали кадрларга бўлган ижтимоий талабнинг муттасил ортиб бораётганлигидир. Мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатларидаги ривожининг жадаллашуви, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштирган, ўз мутахассислигини яхши эгаллаган, юқори ахлоқий сифатларни ўзида шакллантирган кадрларга бўлган талабни кучайтирди. Мамлакат раҳбарининг таклифи билан вилоятларда фаолият

олиб бораётган, эркин индустриал, саноат зоналари, қурилаётган завод, фабрика ва қўшма корхоналар, молия, банк соҳасида, қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги туб ислоҳотлар, маданият, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликнинг янги тармоқларидаги жиддий ўзгаришлар олий ўқув юртларида кадрларнинг янги корпусини тайёрлашни тақазо қилади. Бу жараён ўз навбатида университет кафедралари, факультетлари ишини тубдан такомиллаштириш, уларни янги даврга мос ҳолда фаолият юрита оладиган профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш вазифасини ҳам илгари суради. Бу жараёнда мамлакатимизда фаолият юритаётган университетлар имкониятларидан ташқари, ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида замонавий кадрлар тайёрлаш лозим. Бу ўринда Америка Қўшма Штатларида 2018 йилда тахсил олаётган хорижий талабалар сони бир миллион нафардан ошиб, ўтган йилгига нисбатан 1,5 фоизга кўпайгани ҳамда 1,94 миллионлик янги максимумга етганлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, “2018 йилда АҚШда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 12,9 фоизга ўсиб, 570 нафарни ташкил қилди. Уларнинг деярли 50 фоизи бакалавр даражасини олиш бўйича дастурларда, қолганлари магистр даражаси учун ёки даражасиз, тил ўрганиш каби йўналишларда таълим олади”.[4]

Олий таълим муассасалари фаолиятига инновацион ёндашув, улар орасида малакали ҳамда етук кадрлар тайёрлаш ишида соғлом рақобатни вужудга келтириш учун барча имкониятлардан рационал фойдаланиш лозим бўлади. Бу вазифанинг ечими юқори малакали профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув жараёни, илмий тадқиқот ишлари натижаларида юқори сифат кўрсаткичларига эришиш муҳимдир. Бунинг учун олий таълим муассасалари кафедраларида олиб борилаётган хўжалик шартномалари, давлат грантлари ва хусусий сектор, тадбиркорлар томонидан буюртма асосида шакллантирилган илмий тадқиқот ишлари кўламини ошириш зарур.

Таъкидлаш лозимки, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш олий таълим муассасалари таълим жараёни, илмий ишлар кўламини кенгайтиришда ва такомиллаштиришда, таълим-тарбия ишларининг сифатини таъминлашда муҳим амалий аҳамият касб этадиган жараёндир. Янги ривожланиш босқичида олий таълим соҳасининг ислоҳ қилиниши натижасида ушбу йўналишдаги мавжуд камчиликлар аниқланди. Жамиятда модернизация жараёнларининг чуқурлашуви, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг кенгайиши малакали профессор-ўқитувчиларга бўлган талабни кучайтирди, айниқса, университетлар кафедраларини рақоботбардош, илмий салоҳияти юқори, илмий даражага эга бўлган кадрлар билан таъминлаш заруриятини вужудга келтирди. Ушбу муносабат билан қайд этиш лозимки, “олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим”. [1,б.4.]

Ушбу амалий аҳамиятга молик, тарихий ҳужжатнинг ижтимоий зарурлиги шундан иборатки, унга кўра, тараққий этган давлатларнинг илғор университетлари базасида етук мутахассис кадрларни ўқитиш, стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш мақсадида муносиб номзодларни танлов орқали саралаш, тегишли вазирликлар ва ташкилотларнинг мақсадли буюртмалари асосида Жамғарма

маблағлари ҳисобидан фан ва илмий тадқиқотлар, таълим, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш, иқтисодиётнинг турли сохалари бўйича амалга оширилади. 2019-2021 йилларда Жамғарма стипендиялари ҳисобидан мутахассис кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурлари бўйича ўқишга юбориладиган кадрларнинг прогноз кўрсаткичи 4000 ўриндан кам бўлмаган миқдорда, Жамғарма стипендияларига ажратилган умумий ўринларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорини магистратура ва докторантурада ўқиш учун ажратилиши кўзда тутилган. [5]

Янги ривожланиш жараёнида олий таълимда инновациялардан фойдаланиш зарурияти муаммосини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин.

Биринчидан, олий таълимда инновациялардан фойдаланиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш, яъни меҳнат бозорида зарур бўлган мутахассисларнининг малакасини ошириш, юқори малакали илмий педагогик кадрларнинг аттестациясини ўтказиш, фундаментал ва амалий йўналишдаги тадқиқот ишларини олиб бориш, талабалар, магистрлар, докторант ва тадқиқотчилар, илмий ходимлар, ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштироки, инновацияларга оид билимларнинг талабалар орасида кенг тарғиб қилиниши билан боғлиқ.

Иккинчидан, талабалар ишлаб чиқариш корхоналарида, таълим муассасаларида амалиёт ўташлари давомида ўзининг бўлажак мутахассислигига доир инновацион билимга эга бўлади, ўқитувчилар ўзларининг таълимдаги фаолиятини илмий ишлар, яъни инновациялар билан узвий боғлайди. Ушбу жараён олий ўқув юртларининг ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан ўзаро алоқасини кучайтиради. Бундай жараён ўз навбатида университетлар атрофида инновацион муҳитни шакллантиради.

Учинчидан, олий таълим тизимида инновацияларнинг ривожланишида, унинг малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бўғинларга, яъни кафедралар, факультетлар, ахборот ресурс марказлари фаолиятига чуқур кириб боришида компьютер техникаси, ахборот технологиялари муҳим роль ўйнайди ва олий таълимнинг такомиллашаётган, тобора ахборотлашув асосида ривожланаётган жамиятда устувор вазифаларни бажаришида муҳим восита вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. https: //president.uz/uz/lists/view/2228
2. Ермасов С. В., Ермасова Н. Б. Инновационный менеджмент: учебник для вузов. - Москва. : Высшее образование, 2007. - 505 с.
3. Кройтор С. Н. Инновации в образовании: Социологический анализ (на примере системы высшего образования Республики Беларусь): дисс. ... канд. социал. н. - Минск, 2009. [Электронный ресурс]. Дата обновления: 01.10.2010.-URL: http://vivakadry/15.htm (дата обращения: 01.10.2013).
4. Америка Қўшма штатларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 12,9 фоизга ўсди. kun.uz / Ўзбекистон 15.11.2018 6957

5. Хорижда 5 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади - Президент қарори 04.01.2019 30446
6.Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.
7.Ишмуҳамедов Р. Таълимда инновация.-Тошкент.:Фан, 2010.
8.Рузиева Р.Х. Ҳаётбахш маънавий қадриятлар. Тошкент, Навоий, 2016. 180 б.
9.Хакимов Н.Х. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни самарали таъминлашда малакали кадрларнинг роли. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш: хорижий тажриба, тенденциялар ва истиқболлар илмий амалий конференция тезислари тўплами 12 октябрь 2018., Тошкент, 323- 325 бетлар.

ИННОВАЦИОН ТАФАККУР ВА ЁШЛАР ОНГИДАГИ ИЖТИМОИЙ КОГНИТИВ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНЛАРИ

Хаджиев Умрбек Шоназарович
УрДУ, мустақил изланувчи тадқиқотчиси

Аннотация:*Ушбу мақолада Онгнинг инсон фаолиятига таъсири, ундаги тафаккурий ўзгаришларнинг омили ва маҳсули сифатида келиши ижтимоий фалсафий хамда психологик тадқиқотлар очиб берилган. Тафаккур, тафаккур услуби,инновацион тафаккур ва ёшлар онгидаги ижтимоий когнитив ўзгариш жараёнлари хақида баён этилган.*

Калит сўзлар: *Онг, тафаккур, тафаккур услуби, Инновацион тафаккур инновацион онг, инновацион гоя, радикализм, социал инновация, юридик инновация, агроинновация, эстетик инновация, бошқаришда инновация, педагогик инновация.*

INNOVATIONAL THOUGHT AND THE PROCESSES OF COGNITIVE CHANGES IN YOUTH MIND

Khadjiev Umrbek Shonazarovich
UrSU, independent researcher

Annotation: *In this article, social philosophical and psychological research has revealed that the effects of Ong on human activities, as a factor and product of the cognitive change in it. The concept of thinking, the way of thinking, the innovative thinking and the processes of social change in the minds of young people.*

Key words: *Innovative thinking, innovative thinking, innovative ideas, radicalism, social innovation, legal innovation, agro-innovation, aesthetic innovation, innovation in management, pedagogical innovation.*

ИННОВАЦИОННЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ И СОЦИАЛЬНО-КОГНИТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ПЕРСОНАЛЕ

Хаджиев Умрбек Шоназарович

УрГУ, независимый исследователь

Аннотация: *В данный статье раскраваются социаль но философские и психологические исследования влияния сознания на деягельность человека, а также результаты ифакторы таких изменений*

Ключевые слова: *Сознание, мышление, скосат мышления, Инновационное мышление, Инновационное сознание, Инновационное идея, радикализм, Социольная инновация, Юридеческая инновация, Агроинновация, Эстетическая инновация, Инновация в управлении , Педагогическая инновация.*

Жамият ва инсон ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришлар пировард натижада онг феноменида аксини топади. Онгнинг инсон фаолиятига таъсири, ундаги тафаккурий ўзгаришларнинг омили ва маҳсули сифатида келиши ижтимоий фалсафий ва психологик тадқиқотларда тасдиқланган. Бизни бу ўринда инновацион тафаккурнинг ижтимоий когнитив таъсири, унинг ёшлар онгида ўз аксини топиши масалалари қизиқтиради. Бунинг учун аввало инновацион тафаккурнинг онг феноменига тааллуқли воқелик эканини очиб беришимиз зарур. “Тафаккур” объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги актив инъикос процесси, инсоннинг фикрлаш қобилияти, фикрлаш тарзини ифода этувчи тушунча ҳисобланади. У ўйлаш, фикр юритиш, мулоҳаза билдириш, у ёки бу воқеликни баҳолаш, хуллас, инсоннинг субъектив қарашлари, фаолияти ифодасидир[1.13]. Ўзбек тилидаги “Фалсафа энциклопедияси”да тафаккурга “объектив олам инъикосининг олий шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Онг жараёнида инсонда фикр мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунча, ҳукм, хулосалар шаклида ифодаланади” деб таъриф берилади[2.275]. Илмий фалсафий, гносеологияга оид адабиётларда “тафаккур услуби” тушунчаси ишлатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, “тафаккур услуби ҳиссий ва ақлий билимга асосланган, воқеликни воситали инкъикос этишдир”[3.215]. Ҳиссий ва ақлий жараёнлар билиш, ўрганиш, англаш жараёнларида уйғунлашади, объектив воқеликни маълум бир образлар, тизимлар тарзида тасаввурда шакллантиради. “Маълумки, инсон тафаккурида уни ўраб турган воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириш уларнинг мантиқий образини ўзида ифодалаган тушунчалар ёрдамида амалга оширилади.

Инновацион тафаккур “тафаккур” тушунчаси ёки тафаккур услубининг юқоридаги умумий хусусиятларини ўзида акс эттиради. Аммо у шунчаки оддий, кундалик тасаввур эмас, ҳатто объектларнинг бир макондан бошқа маконга ўтишида, сижишида кузатиладиган янгилик ҳам эмас, у ён атрофни, муҳитни ва улардаги тааввурларни ўзгартиришга қаратилган ижодий муносабат ифодасидир. Масалан, стол устида, дейлик, чойнак ва иккита пиёла турибди. Чойнак ўнг қўл томонингизда, пиёлалар чап қўл томонингизда. Агар сиз пиёлалардан бирини ўнг қўлингиз томон силжитсангиз, олиб қўйсангиз предметларнинг макондаги ўрни ўзгаради, янги кўриниш юзага келади. Бу кўриниш олдинги кўринишга нисбатан янгиликдир. Бундай ўзгаришни, янгиликни инновация дейиш қийин. Объектив нарсаларнинг, предметларнинг маконда силжиши, турар жойини ўзгартириши ҳали инновация эмас. Агар стол устидаги предметлар моҳиятига бирор ўзгартириш

киритилса, бу инновция бўла олади. Масалан, чойнакнинг қопқоғи тушиб кетмаслиги учун унга “тилча” жорий этиш, пиёланинг бадиий эстетик кўринишини янгилаш инновация бўлиши мумкин. Демак, иннновация объектнинг моҳияти ва функциясини такомиллаштиришга, гўзаллаштиришга, замонавийлаштиришга қаратилган янгиликни жорий этишдир. Бу объект инсон онги, тасаввурлари, қарашлари ҳам бўлиши мумкин. “Инновацион тафаккур”, “инновацион онг”, “инновацион ғоя” ва “инновацион фикр” каби субъектив воқеликлар шулар жумласидандир. Инновацион тафаккур махсус фикрлаш тури. Уни умумий, фалсафий тафаккур ва хусусий, илмий техник тафаккур услубларига ажратиш мумкин. Умумий, “фалсафий тафаккур услубида моддий олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш ҳамда англаб олиш, муайян дунёқараш ва методологик принциплар асосида амалга оширилади. Бинобарин, илмий тафаккур асосида ётган хусусий илмий ғоя, назариялар қатъиян белгиланган соҳа ва чегарага эга эмас. Моддий олам тараққиётининг энг умумий қонуниятларини акс эттирадиган фалсафий принциплар, қонун ва категориялар умумийлик характерига эга. Шунинг учун ҳам улар оламни билиш ва қайта ўзгартиришнинг умумий методи сифатида намоён бўлади”[5.218]. Хуллас, умумий, фалсафий тафаккур оламни англаш, “қайта ўзгартириш”да ҳиссий ва ақлий билиш, метафизик мушоҳада жараёнларининг маҳсулидир. У илмий бўлиши учун, Н.А.Бердяев айтганидек, дунёвий заруриятдан келиб чиқади. “Дунёвий зарурият англаниши учун инсон тафаккурида унга мувофиқ келувчи зарурият яратилиши даркор”[6.31-32]. Ушбу зарурият фалсафий мушоҳадаларни реал ҳаёт қўяётган муаммолар, бу муаммолар ечимини излайдиган фанлар, назариялар ва технологиялар билан боғлайди.

Хусусий, илмий техник тафаккур ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнат қуроллари ва технологиясини такомиллаштиришга қаратилган креатив изланишлар, фикр ва ғоялар ифодасидир. У инсон фаолияти ва меҳнатини енгиллаштириш, янада самарали қилишга қаратилади, унда моддий оламни янги техника воситалари асосида инсонийлаштириш мақсади устуворлик қилади. Ушбу мақсад унга умумий, фалсафий тафаккурга яқинлашиш имконини беради.

Фалсафада “умумий метод” бўлишга даъвогар бўлмаган оқим, мактаб, таълимот йўқ. Уларнинг қайси бири мавзумиз учун муҳимлигини, зарурлигини айтиш қийин. Инновацион тафаккур онг феномени билан боғланаётган экан, субъектив қарашларнинг имманент хусусиятлари, инсон онгининг ижтимоий борлиқ билан диалектик алоқалари, янги ғояларнинг шаклланишига таъсир этадиган детерминистик омиллар тилга олиниши табиий ҳолдир. Ушбу детерминистик омиллар қуйидагилардан иборат:

-инсоннинг янгилик яратишга, креатив изланишларга, ижодга ташналиги;

-ижтимоий борлиқнинг, жамият тараққиётининг динамик хусусияти ва талаблари;

-реал ижтимоий борлиқ билан идеал ижтимоий борлиқ ўртасидаги зиддиятларнинг англаниши;

-тафаккурнинг мусобақага, рақобатга ўчлиги;

- ижтимоий когнитив омиллар таъсирига бўлган ишончнинг ортиб бориши.

Янгиликка, изланишларга ва ижодга ташналик инсонга хос хусусиятдир.

Айнан ушбу хусусият инсонга ижтимоий борлиқнинг ва ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида қарашга ундайди. Фалсафа фанлари доктори С.Норқулов ёзади: “Дунёни, оламни билишга қизиқиш инсонга хос хусусият. Гносеологик тажрибаларни умумлаштириш ва ён атрофни ўзгартиришда улардан фойдаланиш хусусияти туфайли инсон ижтимоий тарихий жараёнларнинг субъекти, цивилизация яратган. Мазкур жараёнлар тафаккур, онг, онгга хос билиш, билим олишга интилиш билан боғлиқ”.[7.33] Тадқиқотчи индивидуал тафаккур ва онгнинг ижтимоий тафаккур ва онгга айланиш қонуниятларини очиб беради, биринчиси қанчалик муҳим, аҳамиятли бўлмасин, детерминистик омиллар, айниқса ижтимоий талаблар, жамият эҳтиёжлари орқали Н.А.Бердяев назарда тутган “зарурият” маҳсулига айланади. Демак, инсоннинг янгиликка, яратишга ва ижодга ташналиги фақат индивидуал ҳодиса эмас, улар ижтимоий зарурият билан боғлиқдир. Бу ўринда жамият тараққиёти талаблари детерминистик таъсир этади. Ижоднинг ички детерминистик омиллари ҳам борлигини унутиб бўлмайди. Ижодий тафаккур тўғрисида гап кетганида кўпинча ушбу ички детерминизмни назарда тутадилар. Ички детерминистик омилларга қобилият, илҳом, фикрлаш ва яратиш дарди, ён атрофни ўзгартириш, янада гўзаллаштириш ва инсонийлаштириш иштиёқи, онгда шаклланган идеал каби ижодий психологик феноменлар киради. Бу феноменлар айниқса ёшлар тасаввурларида, ҳаётида етакчи рол ўйнайди. Респондентларимизнинг 82 фоизи Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ёшлардаги янгиликка, инновацион изланишларга бўлган қизиқишларни қўллаб қувватлаётганини ижобий воқелик сифатида баҳолайдилар, иложи борича бу имкониятлардан фойдаланиб қолишга ўзини тайёрлаётганларини билдирадилар. Уларнинг 78 фоизи мактаб, ўқув юртлари ва оила институтлари ёшлардан ижодкор шахслар бўлиб етишишни талаб этаётганини, бу борада энг аввало ота-она катта ёрдам бераётганини, оиладаги маънавий ахлоқий муҳит, олийжаноб фазилатлар, бир бирига ёрдам, альтуризм, каттани ҳурмат ва кичикни иззат қилиш анъаналари руҳий мадад, далда бўлаётганини таъкидлайдилар. Шахсдаги ижодга бўлган меҳрда оила ва мактаб катта рол ўйнашини респондентларимизнинг 69 фоизи, дўстлар таъсири етакчи ўринда туришини 51 фоиз, ҳамкасблар, курсдошлар 32 фоиз, китоб ва ёшлар уюшмаларининг махсус маданий маънавий тадбирларини 21 фоиз респондентлар қайд қиладилар. Шу билан бирга, респондент ёшларнинг деярли 94 фоизи у ёки бу ижодий фаолият тури билан шуғулланиши ёки қизиқишини билдиради. Тўғри, улар ичида бадиий ижод етакчи ўринда (78 фоиз) туради, илмий техник ижод билан қизиқувчи ёшлар атиги 3 фоиз атрофидадир. Биз илмий техник ижод билан қизиқувчи ёшларнинг бошқа саволларимизга берган жавобларини махсус ўргандик. Ушбу ёшларнинг оиласида ё отаси ёки акаси илмий техник ижод билан шуғулланишини аниқладик. Улар ичида дўстлар ёки бошқалар таъсир қилган ёшлар бармоқ билан санарлидир. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, илмий техник ижод билан шуғулланиш истагини оиладаги катталар уйғотар экан. Ёшларда илмий техник ижодга қизиқиш ўзидан ўзи шаклланмас экан, бу ўринда ташқи детерминистик омиллар оила, дўстлар таъсири етакчи ўринда туради. Махсус билимлар ва ўқув юртларининг таъсири аксиомадир. Ёшлик оламга, ҳаётга, уларни англашга қизиқишларнинг

шаклланадиган палласидир. Туғма қобилиятлар борлигини инкор қилиб бўлмайди. Масалан, машҳур композитор Моцарт 4 ёшида опера ёзган, рус композитори Прокофьев 9 ёшида, Мендельсон эса 14 ёшида мусиқа басталаган.[8.7] Алишер Навоий ёшлигидаёқ Атторнинг "Мантиқ ут тайр" асарини ёддан билган, Беруний ва Ибн Синонинг ёшликдан илм фанга қизиққани, нодир қобилият эгаси бўлгани маълум.[8.298-299] Мазкур қобилиятлар, албатта, ташқи детерминистик таъсирлар туфайли камол топган, ноёб воқеликка айланган. Агар ушбу даҳолар ўз устида ишламаганида, изланишни ҳаёт ва фикрлаш тарзига айлантирмаганларида етуклик даражасига чиқиши амри маҳол эди. Тан олиш керакки, баъзан табиатда истиснолар учраб туради. Масалан, Бурденко номидаги машҳур илмий тадқиқот институтига 16 яшар йигитча ташҳисга келади. Таҳлил пайтида бош мия ҳеч қандай ишлаш аломати бермаётгани аниқланади. Теширишдан маълум бўладики, йигитчада ўнг мия йўқ, чап томон эса арзимас даражада сақланиб қолган. Шунга қарамасдан, йигитча фаол яшаган, аъло ўқиган, спорт билан шуғулланган, интеллектуал нуқтаи назардан тенгдошларидан анча юқори. Бу аномал ҳодиса барчани ҳайратга солган.[10.№5] Бу истисно, оддий табиий ҳодиса эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон мияси 35 км. га жой бўладиган ахборотларни ўзига жо этиш хусусиятига эга. Бутун рисолани бир ўқиганида ёдлаб қоладиган, икки қўлида ҳам бемалол ёзадиган, ўттиз рақамгача ёдида сақлаб қолиб, шу заҳоти уларни кетма кетликда айтиб бероладиган вундеркиндлар етарлича топилади. Демак, инсонни, айниқса ёшларни истаган ижод турига ўргатиш мумкин. Замонавий таълим тарбия, педагогика ушбу тамойилга асосланган. Респондентларимизнинг юқоридаги жавоблари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Инновацияни илмий техник ижод тури билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас, у инсон фаолияти ва қизиқишларининг барча томонларига, йўналишларига тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам адабиётларда "социал инновация", "юридик инновация", "агроинновация", "эстетик инновация", "бошқаришдаги инновация", "педагогик инновация" каби атамалар учрайди. Баъзан уни илмий техник изланишлар, янгиланиш билан боғлашганда соҳага илмий техник янгиликларни олиб кириш, технологик модернизациялаш назарда тутилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат турларини замонавий техника воситалари билан алмаштириш инновация сифатида талқин қилинади. Бу талқинда инновацияни ҳар қандай янгиликка ўхшатиш кўзга ташланади. Бизнинг фикримизча, уни соҳани, объектни, жараённи моҳиятан янги йўналишга солишга қаратилган ижодий фаолият тури, деб билиш ўринлидир. Ижтимоий борлиқнинг, жамият тараққиётининг динамик хусусиятлари, талаблари инновацион тафаккурга таъсир этувчи ташқи детерминантлардан биридир.

Умуман, инсон онги ва тафаккурида кечадиган когнитив ҳодисалар ана шу детерминатларнинг таъсири туфайлидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тафаккурнинг ижтимоий когнитив хусусиятлари инновацияда ўз ифодасини топмай қолмайди. Бу илмий техник тараққиётнинг инсон ҳаётига таъсири туфайли рўй бермоқда, инсон руҳияти нозиклашиб, ҳар бир турткига реакция қиладиган даражада иммерсиялашиб бормоқда. Бизнинг фикримизча, бу бир томондан стресс ва депрессив оқибатларга олиб келса, иккинчи томондан, когнитив имкониятларни

фаоллаштиради, янги янги илмий техник воситаларни кашф этишга олиб келади. Агар иммерсиялашиш ижод, яратиш билан уйғунлаштирилмаса, инсоният глобал депрессияга дучор бўлади. Демак, инновацион изланиш инсонни салбий руҳий ҳолллардан асраш омили ҳамдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.4 жилд. Тошкент; Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2008. 13 б.
2.Фалсафа энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат миллий нашриёти, 2000. 275 б.
3. Билиш фалсафаси (гносеология). Тошкент: Университет, 2005. 215 б.
4. Билиш фалсафаси (гносеология). Тошкент: Университет, 2005. 215- 216 б.
5. Билиш фалсафаси (гносеология). Тошкент: Университет, 2005. 218 б
6. Бердяев Н. Фалсафа эркин ижоддир // Тафаккур, 2018, 3 сон. 31 32 б.
7. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. Тошкент: Navro z, 2015. 33 б.
8.Пешкова В. Феномен гения. Ростов на Дону, Феникс, 2006. С.7.
9. Қаюмов А. Асарлар. 3 жилд. Тошкент: MUMTOZ SO`Z 2009. 106 107 б.;
10. Нервные клетки всё таки восстанавливаются // Аргументы и факты, 2015, №5.

ЖАМИЯТДА ЗИДДИЯТНИНГ РОЛИ

Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Анотация. *Мақолада зиддиятлар келиб чиқиш сабаблари ва омиллари, жамиятда зиддиятларнинг кенг тарқалиши, зиддият-низо-тўқнашув муаммоси, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар ҳақидаги қарашлари ўрганилган.*

Калит сўзлар: *қарама-қаршилик, маънавий қарама-қаршиликлар, ижтимоий зиддият, кураш, муносабатлар, ички зиддиятлар, ташқи зиддиятлар.*

РОЛЬ КОНФЛИКТА В ОБЩЕСТВЕ.

Хасанов Шарофиддин Шамшурович
Преподаватель кафедры социально-экономических наук
Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

Анотация. *В статье изучены причины и факторы возникновения противоречий, широкое распространение противоречий в обществе, противоречие-конфликт-столкновение, взгляды об основных и неосновные конфликты*

Ключевые слова: *противоположности, духовные противоположности, социальные противоречия, борьба, отношения, внутренние и внешние противоречия.*

THE ROLE OF CONFLICT IN SOCIETY.

Khasanov Sharofiddin Shamurovich

Lecturer, Department of Social and Economic Sciences,
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Anotation. *The article examines the causes and factors of the emergence of contradictions, the wide spread of contradictions in society, contradiction-conflict-collision, views on the main and minor conflicts.*

Key words: *opposites, spiritual opposites, social contradictions, struggle, relations, internal and external contradictionsp*

Дунёдаги барча воқеа-ҳодисалар, нарсалар ривожланишининг манбаи ва сабаби *қарама-қаршиликлар*дир. Табиат, жамият ва онгдаги қарама-қаршиликлар – табиий ва ижтимоий жараёнлар ривожида асосий манба ва сабабдир. Диалетиканинг энг муҳим қонуни – қарама-қаршиликлар бирлиги ва ўзаро кураши қонуни – *якка*нинг қарама-қарши тарафларга, яъни иккига бўлиниши сифатида талқин қилинади. Бўлинган қарама-қарши томонлар ўртасида кечадиган тўхтовсиз *кураш* бутун оламдаги тараққиётнинг манбаси ва сабабидир. Қарама-қаршиликлардан туғилувчи «кураш» тушунчаси эса зиддият-низо-тўқнашув муаммоси билан узвий боғлиқ. Қарама-қаршиликлар табиий, ижтимоий ва маънавий турларга бўлинади. Қарма-қаршиликларни таҳлил қилиш ижтимоий зиддиятларнинг жамиятдаги ролини тушуниб олишга имкон беради. Бироқ, кўпгина тадқиқотчилар зиддиятларни ўрганишда уни қарама-қаршиликлар билан боғлашни рад этадилар. Масалан, инглиз социологи Э.Гидденс «зиддият» (конфликт) деганда, томонлар фойдаланадиган кураш манбаси, восита ва усулларидан қатъи назар, аниқ (реал) курашни тушунишини, «зиддият»дан фарқли ўлароқ «қарама-қаршилик» тушунчаси муайян тузилмага хослигини,. бу иккала тушунча бир-бирига яқинлигини, чунки қарама-қаршилик ижтимоий тизимнинг заиф бўғинини ифодалашини [1] алоҳида таъкидлайди

Зиддият ва ҳодисалар характеридан келиб чиқувчи қарама-қаршиликлар *табиий, ижтимоий ва маънавий* турларга бўлинади. *Табиий қарама-қаршиликлар*: электрон ва позитрон, ҳаёт ва ўлим, ҳар хил ҳис-туйғулар ўртасида пайдо бўлади ҳамда улар онгсизлик характерига эга. *Ижтимоий қарама-қаршиликлар* (зиддиятлар) бир-бирига зид ижтимоий ҳодисалар: ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, антагонистик синфлар, давлатлар ўртасида келиб чиқади ва онгли равишда рўй беради. Чунки унда қатнашувчи субъектлар ўз олдларига муайян мақсадлар қўйиб, онгли равишда ҳаракат қиладилар. *Маънавий қарама-қаршиликлар* эса маънавий жиҳатдан бир-бирига зид тарафлар: христианлик ва мажусийлик, христианлик ва ислом, коммунистик ва диний мафкуралар ўртасида келиб чиқади.

Сўнгги зиддиятлар онгли (назарий) характерга эга бўлиб, илмий-мафкуравий баҳс, мунозара, тортишувлар фонида кўзга ташланади.

Ўз навбатида, ижтимоий зиддиятлар социал ва шахс ички дунёсига оид турларга ҳам бўлинади. *Социал* зиддиятлар бир-бирига зид манфаатлар эгалари бўлган ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий ташкилотлар ўртасида пайдо бўлади. *Шахслараро* зиддиятлар алоҳида индивидларнинг ўзаро бир-бирига номувофиқ эҳтиёж, манфаат, мақсад ва ғоялари туфайли келиб чиқади.

Социал зиддиятларни ички ва ташқи, бош ва иккинчи даражали, муҳим ва номуҳим, антагонистик ва ноантагонистик каби турларга бўлиш мумкин. *Ички зиддиятлар* бир ҳодисадаги қарама-қарши томонлар туфайли, *ташқи зиддиятлар* эса турли ҳодиса-жараёнларнинг ўзаро зид тарафлари сабабли келиб чиқади. Ички зиддиятлар воқеа-ҳодисалар ривожида ҳал қилувчи, ташқиси эса тасодифий аҳамиятга эга бўлади. Одатда ташқи зиддиятлар ички зиддиятлар оқибатида келиб чиқади ва тирик организм, мамлакат, маданият ва бошқаларни тараққиётга, ёки аксинча, ҳалокатига олиб келади.

Асосий ёки муҳим зиддиятлар ҳодисанинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди ва ҳодиса қанча мавжуд бўлса, шунча вақт у ҳам мавжуд бўлади. *Номуҳим ёки асосий бўлмаган зиддиятлар* муайян ҳодисанинг айрим аҳамиятсиз томонларининг ҳолати ва ривожланишини ифодалайди ҳамда ҳодиса мавжудлигининг муайян бир даврида мавжуд бўлади. Масалан, ҳайвонот дунёсида ассимиляция ва диссимиляция, антагонистик жамиятдаги синфий кураш – асосий зиддиятдир. Муҳим бўлмаган зиддиятларга тирик организм овқат ҳазм қилиш тизимидаги оқсил ва углеводлар, жамиятнинг асосий бўлмаган синфлари, масалан, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги зиддиятларни мисол сифатида қайд этиш мумкин.

Бош ёки энг муҳим зиддиятлар социал бирлик ёки ҳодиса мавжудлигининг муайян даврига хос бўлган қарама-қаршиликларни ўзида ифода этади. Қолган барча зиддиятлар – ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаганлари унга нисбатан бош зиддият ҳисобланади. Юқоридагилардан ташқари барча зиддиятлар бош ёки энг муҳим зиддиятлар қаторига кирмайди.

Антагонистик зиддиятлар социал бирликлар (синфлар, миллатлар), ижтимоий институтлар (оила, таълим тизими), ижтимоий ташкилотлар (армия, фан, черков ва ҳ.к.)лар ўртасидаги манфаатлардаги ихтилофлар туфайли келиб чиқади. Давлат ва жиноятчилик, аҳоли ва наркомафия ўртасидаги зиддиятлар ҳам шундайдир.

Ноантагонистик зиддиятлар эса ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтлар ва ижтимоий ташкилотлар ўртасидаги зиддиятлар бўлиб, улардаги субъектлар манфаатлари ўзаро бир-бирига мувофиқ келади. Шунингдек, ота-оналар ва фарзандлар, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги зиддиятлар ҳам ноантагонистик саналади.

Ижтимоий зиддиятларнинг тарафларида қуйидаги ижтимоий субъектларни кўрамиз:

- ижтимоий бирликлар (деҳқонлар, зиёлилар);
- ижтимоий институтлар (оила, таълим, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.);
- ижтимоий ташкилотлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, давлат органлари ва ҳ.к.)
- миллатлар, жамиятлар, цивилизациялар.

Муайян зиддиятнинг бир тарафидаги ҳар қандай социал субъект ўз манфаати ва фаолият усулларига эга. Ўзаро зид манфаатлар эгалари гоҳо бир-бирларига хайрихоҳлик кўрсатишса, гоҳида бир-бирларини рад этадилар. Ўзаро бир-бирига ён бериш шуни исботлайдики, жамият бир-бирига зид манфаатларга эга ижтимоий

субъектларнинг бирлигисиз мавжуд бўла олмайди, яъни жамият фақат бойлар, қонунга сўзсиз итоат қилувчилар, зиёли, меҳрибон ва уларга ўхшаш фақат «яхшилар» ёки фақат камбағал, безори, маргинал, шафқатсиз ва бошқа хил «ёмон»лардан иборат бўлса, бундай жамият узоқ вақт яшай олмайди. Шу тариқа табиат , жамият ва онгдаги ҳар бир ҳодиса, жараён кўплаб зиддиятларни қамраб олади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қарама-қарши манфаатларга эга субъектлар ўртасида кечадиган *кураш* жамият ва унинг ижтимоий гуруҳлари, институтлари, ташкилотлари тараққиётининг асосий манбасидир. Ижтимоий зиддиятлар ўртасидаги кураш, ўзаро тўқнашув боис фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, сиёсатда муайян муаммолар ечимига йўл очилади ва натижада жамият ривожланади, айрим ижтимоий бирликлар ўрнига янгилари пайдо бўлади, пировард натижада инсоният мукаммалллашиб боради.

Қайд этиш лозимки, ижтимоий зиддиятларнинг *пайдо бўлиш* босқичига ўз манфаат ва хатти-ҳаракатларини англай олиш ҳолати хосдир. Бунда субъект бошқалар манфаатларига зарар етказаётганини гоҳо англаши, гоҳо англамаслиги ҳам мумкин. Агар англаса, демак, субъект бошқа субъектлар манфаатларига зарар етказиб бўлса-да, ўз манфаати учун онгли равишда ижтимоий зиддиятни келтириб чиқариш йўлидан бораётган бўлади. Бунда ўз рақибларига нисбатан душманлик, ўз иттифоқчиларига нисбатан эса хайрихоҳлик туйғулари англанади. Иккинчи ҳолатда эса зиддият стихияли бўлиб, унда субъект бошқалар манфаатларига зарар етказаётганини англамаган тарзда, шунчаки ўз манфаатларини қондириш учун ҳаракат қилаётган бўлади. Турли манфаатларга эга субъектлар манфаатлари ўзаро зидлигини турли даврларда ва турли даражада англаб оладилар.

Жамиятда зиддиятларнинг *кенг қулоч ёйиши* ғоявий, иқтисодий, сиёсий курашлар, жанговар ҳаракатларнинг кучайиши жараёнида намоён бўлади. Унинг характери зиддиятларнинг (иқтисодий, сиёсий ва ҳ.к.) турига ва субъектларига (миллатлар, давлатлар, ижтимоий гуруҳлар) боғлиқ. Синфий кураш, урушлар, (хусусан, жаҳон урушлари, инқилоблар) ижтимоий зиддиятларнинг энг юқори кўриниши бўлиб, унда томонлар бир-бирларига нисбатан ижтимоий зўрликнинг турли шаклларини амалга оширадилар.

Ижтимоий зиддиятлар ижтимоий жараёнларга манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, Э.Гидденснинг фикрича, зиддиятларнинг можароларга айланиши манфаатларнинг ўзаро зидлигини ва субъектларнинг шунга мувофиқ хатти-ҳаракат мотивациясини англаб олиши учун зарурдир. Томонлар ўз манфаатлари ўзаро зидлигини англаб етмагунларича можаро бошланмайди. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий зиддиятларни ижтимоий можароларнинг негизи, дастлабки шарти, замини деб ҳисоблаш мумкин[2].

Бироқ, ижтимоий зиддият пайдо бўлиш, ривожланиш ва ечим жараёнларидан иборат бўлганлиги боис, унга ижтимоий зиддиятларнинг тарафи деб эмас, балки *бир қисми* деб қарайдиганлар мавжуд. Масалан, А.Г.Спиркин можарони зиддиятнинг охирги даражаси, чўққиси деб ҳисоблайди. Бироқ, ижтимоий можаронинг яширин даврини тўғри таҳлил қилиш уни башорат қилиш ва олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий ижтимоий зиддиятда «тўқнашув « ва «ижтимоий тўқнашув» категорияларига нисбатан бир хил таъриф мавжуд эмас. Бу масаланинг моҳияти хусусида олимлар ўртасида якдилликнинг йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, адабиётларда кўп ҳолларда «зидддият» ва «ижтимоий зиддият» тушунчалари синоним сифатида ишлатилади. Қуйида бу борада кенг тарқалган таърифларни келтирамиз:

«Зиддият – объектив (яширин) ва субъектив (аниқ) қарама-қаршиликлар орқали ифодаланадиган элементларнинг ҳар қандай алоқаси» (Р.Дорендорт.)[3]

«Зиддиятлар – одамларнинг жамиятдаги ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хужайраси, ижтимоий ҳаракатларнинг потенциал ёки фаол субъектлари ўртасидаги муносабатлар шаклидир. Уларнинг мотивацияси қарама-қарши қадрият, манфаат ва эҳтиёжлар билан боғлиқ» (А.Г.Здравом)

«Зиддиятлар ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг кескин усули бўлиб, одатда низолашувчи томонларнинг салбий ҳис-туйғуларини ҳам қамраб олади» (А.Я.Анцупов, А.И.Шипилов) [4].

«Зиддият – мақом, ҳокимият ёки чекланган ресурсларга даъвогарлар ўртасида кечадиган кураш бўлиб, унда низолашувчи тарафлар нафақат кўзланган мақсадга эришишни, балки рақибни зарарсизлантириш, зарар етказиш ёки йўқ қилишни кўзлайдилар» (Л.Козер) [5].

«Зиддият – ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, ривожланиш тенденцияларидаги қарама-қаршилик ёки сезиларли фарқ туфайли турли хил ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар ўртасидаги зиддиятларда намоён бўладиган экстремал, энг авж нуқтага чиққан ҳолатдир»(Социологический словарь,1991).

«Зиддият – бу томонлар ҳудуд ёки ресурсларни эгаллашга интиладиган қарама-қаршилик бўлиб, унда мухолифат аъзолари ёки гуруҳлари, уларнинг мол-мулки ёки маданиятига таҳдид юзага келади ва кураш ҳужум ёки мудофаа шаклига ўтади» (А.В.Дмитриев) [6].

Шундай қилиб, кўпинча зиддиятлар ўзларининг мақсадларини рўёбга чиқариш учун кучли ҳиссий кечинмалар билан бўялган, фаол ва ўзаро мухолиф ҳаракатлар сифатида баҳоланади. Лекин ижтимоий зиддият – икки ёки ундан ортиқ субъектлар ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа иштирокчиларининг ўзаро мос келмайдиган эҳтиёжлари, манфаатлари ва қадриятлари ўртасидаги очиқ қарама-қаршиликдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Соколов С.В. Социальноя конфиктология. – Москва, 2001.
2. Соколов С.В. Социальноя конфиктология. – Москва, 2001.
3. Ральф Дарендорф. Современный социальний конфликт. Очерк политико свободы (перевод с немецкого. Л.Ю.Пантиной). – Росспэн, 2002.
4. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфиктология. – Москва, 2000.
5. Ратникова В.П. Конфиктология. – Москва, 2012.
6. Дмитриева А.В. Конфиктология. – Москва, 2000.

ҒАРБ ВА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ СТРАТЕГЕМАЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Давлатжон Ўринбоев
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада стратегемалар назарияси, уларнинг пайдо бўлиши, давлат ва жамиятни идора этиш, барқарор ривожланишида тутган ўрни тўғрисида Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг қарашлари баён этилган.*

Калит сўзлар: *Стратегема, стратегемалар назарияси, замонавий стратегеология, Шарқ тарихи,"Темур тузуклари","Бобурнома".*

МЫСЛИ О СТРАТАГЕМАХ ЗАПАДНЫХ И ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ

Давлатжон Ўринбоев
Преподаватель в Коканском государственном
педагогическом институте

Аннотация: *народный, народный, религиозный, религиозный, религиозный, гуманитарный, гуманитарный, гуманитарный.*

Ключевые слова: *Стратегема, стратегемалар назарияси, замонавий стратегеология, Шарқ тарихи, «Темур тузуклари», «Бобурнома».*

THOUGHTS ABOUT STRATAGEMA OF WESTERN AND EASTERN THINKERS

Davlatjon Urinboyev
Lecturer in Kokansky State Pedagogical Institute

Annotation: *national, national, religious, religious, religious, humanitarian, humanitarian, humanitarian.*

Key words: *Strategy, strategic Nazariyas, Zonaviah strategology, Shartiarikh, Temur Tuzklari, Boburnoma.*

Илм-фанда стратегемалар назарияси тарихи ҳам Қадимги Хитой мутафаккирлари Лао-цзи, Конфуций, Мэн-цзи ва бошқалармероси билан боғланади. Гарчанд Хитой тилида "Стратегема" тушунчаси йўқ бўлсада, уни хитойча "цзи" иборасида назарда тутилган мазмун тўғри ифодалайди, деб ҳисобланади.Бу борада Қадимги Хитой мутафаккири Лао-цзи қарашлари асосида шаклланган дао фалсафаси стратегемли фикрлашнинг ёрқин намунасидир.

Бу йўналишдаги билимларнинг бошқа Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўтмиши билан боғлиқ илдизлари мавжудлиги ҳам инкор этилмайди.

Баъзи мутахассислар таъкидлаганидек, ислом оламида ҳам стратагемаларга эътибор қаратилган ва ўрганилган. Хусусан, XII асрда сицилиялик араб олими ибн Зафарнинг стратегемаларга доир асари Майкл Амари томонидан "Solwan or Waters of Comfort" ("Сокинлик ёки таскин сувлари") сарлавҳаси остида инглиз тилига таржима қилинган. Макиавеллидан 100 йил олдин араб тилида номаълум муаллиф томонидан ёзилган "Рақоиқ ул-ҳилал фи дақоиқ ул-ҳиял" ("Уддабурон

ҳийлаларнинг юпқа матосидан тўқилган ёпинчиқ") асари пайдо бўлган ва бу асар 1976 йилда француз тилига таржима қилиниб нашр этилган.

Шу қаторда мусулмон ҳуқуқи ва амалиётининг бир қисмини ташкил қилувчи фиққа доир стратегемалар ҳам мавжуд. 1946 йил Қоҳирада Абдуссалом Диҳнийнинг "Ал-ҳиял фил-муомалат ал-малийя" ("Мулкий муносабатлардаги ҳийлалар"), 1974 йилда Муҳаммад Абдулваҳҳоб Бухайрийнинг "Ал-ҳиял фиш-шариат ал-исламия" ("Ислом ҳуқуқидаги ҳийлалар"), 1983 йилда Тунисда Муҳаммад ибн Иброҳимнинг "Ал-ҳиял ал-маҳзур минҳа вал-масру" ("Рухсат этилган ва этилмаган ҳийлалар") асарлари чоп этилган.[1]

Шарқ тарихи ва жаҳон сиёсатшунослигида ўчмас из қолдирган салжуқийларнинг доно вазири Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018-1092) томонидан 1091 йилда ёзилган "Сиёсатнома" ёки "Сияр ул-мулук" ("Подшоҳлар турмуши") асари ҳам муҳим манбалардан биридир.

Салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳоланган ушбу асарнинг асосий стратегиялари шундан иборатки, муаллиф марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга, шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб қатьий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишини яхши тушунган муаллиф уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларга қўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Ҳар бир ишда амалдорлар маслаҳат билан иш кўришлари лозим. Муаллиф шоҳ ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оқсоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир.

Асардаги эътиборга молик стратегиялардан бири шуки, давлатда марказий ҳокимият жуда ҳам кучли бўлиши лозим, шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди. Бундаги асосий стратегема шуки: "Марказлашган давлат ягона бир стратегияга эга бўлмаса, ҳар хил стратегия ва фикрлар тарафдорлари ҳокимият учун курашадилар, бу эса кўплаб қон тўкишлар ва зулму ситамларга сабаб бўлиши мумкин."[2]

Амир Темурга нисбат бериладиган ва халқимизга хос кўплаб маънавий тамойиллар акс этган тарихий-сиёсий рисола "Темур тузуклари" асари ҳам замонавий стратегеологиянинг муҳим манбаларидан биридир. Ушбу рисола XIV-XV асрлар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўғуллардан ҳалос қилиши, ҳокимиятни қўлга киритиши, мустақил ва марказлашган давлат тузиши ҳамда Соҳибқирон олиб борган фаолият ҳақида сўз юритилади. "Темур тузуклари" она тилимизда ёзилган, кейинчалик

бошқа тилларга, хусусан, форс тилига ўгирилган, яна бошқа кўп тилларга, хусусан, француз, инглиз, урду ва рус тилларига таржима қилинган. Унинг нусхалари жаҳоннинг кўпгина кутубхоналарида сақланади.

“Темур тузуклари” да буюк Соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва миллий давлатчиликни тиклаш борасидаги фаолияти ҳақида муфассал сўз юритилади. “Темур тузуклари”да ёзилишича, Амир Темур салтанатни бошқаришда 12 та қоидага асосланган. Давлатни бошқаришда у ислом дини ва шариатга, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Энг аввало, олиму фузало, саййидлар, шайхлар ва фозилларга таянади, уларни ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи, деб билади.

“Темур тузуклари”да, айниқса, фуқароларнинг шариатга ва қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсуниши лозимлиги масаласига катта эътибор берилади. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳар бир вилоятда қозилар қонунларнинг тўла амал қилиниши, тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини қаттиқ назорат қилиб турганлар, тартиббузарларни жазолаганлар. “Темур тузуклари” да юқоридагилардан ташқари, сипоҳийлар ва аскарларни сақлаш, уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қоидаси, вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва бошқаларни тақдирлаш тартиблари, уларнинг бир-бирига муомаласи, бошқа ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича муфассал маълумот берилади.[3] “Темур тузуклари”даги ушбу фикрлар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улардан давлат ва жамиятимиз қурилишини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

“Темур тузуклари”дан кейин ёзилган Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Ахмад Донишнинг “Наводир ул-вақое” каби асарларида ҳам бизнинг мавзуимиз учун қимматли фикрлар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ғарб мамлакатларида ҳам замонавий стратегемалар назариясининг назарий асосларини таҳлил қилиш учун илмий манбалар яратилгани маълум. Қадимги Рим давлат арбоби Секст Юлий Фронтин (30-103 йил) томонидан ёзилган “Strategematon” асари, Қадимги Юнон файласуфи Платон (мил.ав. 427—347) қаламига мансуб “Давлат”, “Қонунлар”, “Сиёсат”, унинг шогирди томонидан ёзилган “Сиёсат” номли туркум рисолалар каби ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган асарлар ҳам бугунги кундаги стратегамалар назарияси учун муҳим манбалар бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, Платон ўз асарларида давлат ва уни бошқариш услублари тўғрисида фикр юритар экан, уларни шаклига қараб олигархия, демократия, тирания, теократияга бўлади. Платон аристократик давлат тарафдори эди. У мукаммал давлат тўғрисидаги утопик-хаёлий қарашларини баён этади. Алломанинг бу йўналишдаги энг асосий стратегемалари “Давлатни ақлли, ишбилармон, доно, қобилиятли кишилар идора қилиши керак” ва “Мукаммал давлатнинг муҳим хусусияти адолат қонун-қоидаларига амал қилишдир.” Ниҳоятда теран ақл эгаси бўлган аллома ўзи орзу қилган ва асарларида акс эттирган идеал давлатнинг воқеликка айланиши қийинлигини яхши тушунган ва қариган чоғида бу ҳақдаги “Давлат” ҳамда “Қонунлар” каби китобларини “Амалга ошмайдиган афсоналар

ҳақидаги асарлар" дея киноя қилган. Бироқ Платон асарларининг бу соҳадаги ижобий томонлари шундаки, аллома қадим замондаёқ ҳар бир шахсни жамиятга, индивид ва давлатнинг бир-бирига боғлиқ эканлигини англаган, идеал давлатнинг шакли-шамойили, мазмун-моҳияти ва тамойиллари қандай бўлиши лозимлигини, содда тарзда бўлса-да, ифодалай олган. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, нафақат, қадимги Юнонистон ва Рим, балки кейинги асрларда ҳам шу соҳадаги ғоялар такомилига катта таъсир кўрсатган.

Қадимги замоннинг буюк мутафаккирлардан бири, антик даврдаги Юнон фалсафаси ва илм-фани тараққиётида янги даврни яратган аллома Арасту (мил. авв. 384-322 йиллар) томонидан ёзилган "Сиёсат" номли туркум рисолалар ҳам замонавий "Стратегемалар назарияси"нинг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Асарда 158 та Юнон полисларининг конституцияларини таърифлаш баробарида, аллома ўз даври ва ундача бўлган сиёсий тизимларнинг назарияларини, шаклларини танқидий ўрганган, сиёсатнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, давлатларнинг вужудга келиши, турли хил кўринишлари, идеал давлат лойиҳаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилган.

Аллома фикрича, қонун ҳукмронлик қилмаган ерда сиёсий тизим йўқ. Лекин шунга интилиш керакки, қонунлар ўзгаравермасин. Чунки давлатда қонун бўйсунишига мажбур этадиган қонун кучидан бошқа куч йўқ. Фақат урф-одат қонунга бўйсунмайди, у узоқ вақт давомида шаклланади. Арастуга кўра, давлатнинг вазифаси ва мақсади оилаларга ва шунингдек, бир қанча авлодларга бахтли ҳаёт яратишдан иборат. Давлат тенг ҳуқуқли кишилар жамияти бўлиб, ҳаётнинг энг мукаммал шакли ва у энг олий фаровонликка ҳамда умумий адолатга хизмат қилиши лозим. Арасту идеал адолатни умумий бахт-саодат деб билади.

Бу соҳада аллома учун асосий стратегемалар қуйидагилардир: "Адолат сиёсатнинг мақсадидир", "Адолат умумий бахт-саодат калитидир", "Тенг адолатлилик бутун давлатга фойдали бўлиши билан бирга, унинг барча фуқароларига ҳам фойда келтиради", "Платон менинг дўстим, аммо қонун дўстликдан устун туради".

Арастунинг бундай қарашлари, идеал давлат тўғрисидаги ғоялари катта стратегик қимматга эга. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, нафақат қадимги Юнон жамияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди, улар фақатгина ўз замондошлари томонидан ривожлантирибгина қолмай, балки бутун дунё, хусусан осиёлик мутафаккирларнинг идеал давлат ва фозил кишилар тўғрисидаги қарашларига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Италия сиёсатшуноси Никколо Макиавеллининг (1469- 1527) асосий асари, 1513 йилда чоп этилган "Давлатпаноҳ» асари Европа уйғониш даври ижтимоий-фалсафий ва сиёсий тафаккури тарихида илк бор марказлашган давлат ғояси ҳамда унга асос бўлган стратегик тамойиллар асослаб берилган китоб эканлиги маълум. У ўз даврида бутун Европани ҳайратга солгани ҳам бежиз эмас.

XX аср охирлари ва XXI аср бошига келиб Ғарб олимлари айнан ана шу мавзуга алоҳида аҳамият қарата бошладилар. Немис олими Х.Ф.Зенгернинг "Strategeme. Band 1." ("Стратегемалар. 1 жилд", 1999 йил), "Strategeme.Band 2." ("Стратегемалар. Хитойча яшаш ва омон қолиш санъати", 2 жилд, 2004 йил) ҳамда

инглиз файласуфи Р.Гриннинг “The 48 Laws of Power” (“Ҳукмдорликнинг 48 қоидаси”, 1998 йил) ва “The 33 strategies of War” (“Урушнинг 33 стратегияси”, 2006 йил) асарларининг айнан икки аср оралиғида пайдо бўлгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Ушбу асарларда стратегемалар назарияси ва амалиёти, шаклланиши ва аҳамияти, уларнинг пайдо бўлишига оид маълумотлар берилади, классификация қилинади. Ана шуларни назарда тутган ҳолда, немис олими Х.Ф.Зенгер ва инглиз файласуфи Р. Грин ушбу атамани истеъмолга олиб кирган ва бу борадаги стратегемалар назариясининг асосий тушунча ва тамойилларини тавсифлаб берган етук мутахассислар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Қодиров Д. “36 Хитой стратагемаси: ҳарбий ҳийлалар ва иқтисодий муваффақият сирлари”. –Бухоро, БухДУ, 2016.
2.Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Тошкент: “Адолат”, 1997.
3. “Темур тузуклари”. - Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1991.
4. Зенгер Харро фон. Стратагемы. О китайском искусстве жить и выживать. Знаменитые 36 стратагем за три тысячелетия. - М.: Прогресс, Культура. 1995; Зенгер Х. фон. Стратагемы. О китайском искусстве жить и выживать. ТТ. 1, 2. - М: Изд-во Эксимо, 2004;
5. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 ва 2 жилдлар. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жмаяти, 2016-2017 й.й.
6. Алимасов В. “Стратегема – фикрлаш ва енгиш илми” // “Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати”. –Т.: “Ношир” нашриёти, 2008

УДК 165+111

ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ - ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР.

Ботирова Сайёра Якубжоновна
Наманган давлат университети, PhD

Аннотация: *Ушбу мақолада тизимли ёндашув фанлараро ёндашувнинг асосий омили эканлиги фалсафий таҳлил этилган. Муаллиф, бу мақолада тизимли ёндашув усули ўзининг муҳимлиги, ўрганилаётган предмет вақеа-ҳодисалардаги барча алоқадорлик ва боғланишларни ҳисобга олиши билан аҳамиятга эга эканлигига эътиборини қаратган.*

Калит сўзлар: *фалсафа, фан, тизим, тизимли ёндашув, элемент, структура, билим, компонент, методология, интеграллашув, фанлараро ёндашув.*

СИСТЕМЫЙ ПОДХОД – ОСНОВНОЙ ФАКТОР МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОГО ПАДХОДА

Батирова Сайёра Якубжоновна
Наманганский государственный университет, PhD

Аннотация: *В данной статье анализируется философский анализ системного подхода как ключевого элемента междисциплинарного подхода. В этой статье автор*

обращает внимание на важность системного подхода к его значению, с учетом актуальности и взаимосвязи изучаемого предмета.

Ключевые слова *философия, наука, система, структурный подход, элемент, структура, знания, компонент, методология, интеграция, междисциплинарный подход..*

SYSTEM APPROACH - MAJOR FACTOR OF INTERDISCIPLINARY APPROACH

Botirova Sayyora Yakubjonovna
Namangan State University, PhD

Annotation: *This article analyzes the philosophical analysis of a systems approach as a key element of an interdisciplinary approach. In this article, the author draws attention to the importance of a systematic approach to its meaning, taking into account the relevance and interrelation of the studied subject.*

Keywords: *philosophy, science, system, structural approach, element, structure, knowledge, component, methodology, integration, interdisciplinary approach .*

XIX аср охирларидан бошлаб табиат ва жамият муносабатларини яхлит ҳолда тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилди. Оқибатда билиш назарияси орқали нафақат азалий фалсафий муаммолар балки, конструктив-технологик бошқарув масаласини кенгроқ жабҳада ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, бу даврга келиб ижтимоий-гуманитар соҳалардан тортиб, то табиатшунослик фанларигача тизимли ёндашув методларидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Буларга табиий муҳит, ижтимоий ҳаёт, технологик ва ташкилий тузилмалар ва бошқаларни киритиш мумкин. Тизим тушунчасини илмий муомалага австралиялик биолог *Л*.фон Берталанфи (1901-1972), тизимли ёндашувни эса А.А.Богданов биринчи бўлиб киритган. Мазкур ёндашувнинг янада ривожланиши натижасида фалсафа ва фандаги мураккаб тизимларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, диалектик табиати ва кейинчалик синергетик асосларини ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Тизимли ёндашув ҳақидаги тасаввурлар Аристотель, И.Кант, Гегельнинг яхлитлик категориясидан бошланган бўлса-да, кейинчалик *Л*.фон. Берталанфининг умумий тизимлар назарияси ҳозирги замон мураккаб ва очиқ тизимларни ўрганувчи соҳаларни шаклланиши катта аҳамият касб этди. Бу эса турли мураккаб тизимлар моҳиятини чуқурроқ тушунишга асос бўлди. Жумладан, ўзининг узоқ йиллик изланишларидан келиб чиққан ҳолда Э.Б. Кондильяк «Хатто юқори тизим ҳам ўзининг қисмларисиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас»[1] деган хулосага келади. Кант эса «Тизим остида қандайдир кўп образли билимларни яхлит манзарасини бир ғоя атрофида бирлашганини кузатиш мумкин»[2] деб ёзади.

Тизимли ёндашув бевосита янги ўзига хос кўриш, ўзига хос тадқиқот «технологияси»дир, объектнинг бир бутунлиги, ташкилланиши, бошқарилиши ҳақидаги тасаввурларга йўналтиришдир»[3], - деган таъриф ҳам мавжуд. Бу тарифдаги зиддиятни англаш мумкин: агар у объектни ўзига хос кўришга ундар экан, албатта, янги билим беради. Муаллиф бу таърифни илгари сурган вақтда умумилмий тушунчалар, умумилмий принциплар сингари категориялар кенг

ўрганилаётган давр эди. Таъриф шу нуқтаи-назарнинг ёндашувидир. Фикримизча, тизимли ёндашув тизимни морфологик нуқтаи-назардан (яъни унинг ички тузилишини таҳлил қилиш), функционал нуқтаи-назардан (яни тизимнинг муҳит билан ёки компонентлари орасидаги ўзаро таъсир фаолиятини таҳлил қилиш), информацион ҳолатини (яъни унинг ҳолат аниқсизлигини ва унинг ўзгаришини таҳлил қилиш)имконини беради. Шундай экан, бу ёндашув янги билим бермайди, дейиш мумкинми?

Тизимли ёндашув тизимларнинг, уларнинг табиатидан қатъий назар, яшаши ва ўзгаришига, уларнинг ички моҳиятига тегишли қандайдир умумий принципларини очиб беради, уларни ўрганишда миқдорий ва мантиқий методларни қўллаш, техникавий воситаларни қуллаган ҳолда моделлаштиришга имкон беради. Демак, тизимли ёндашув янги тизимли ўлчамлар, воқеликнинг янги, ўзига хос параметрларини беради[4]. Албатта, янги методология, ёндашув илгари сурилганда уни ҳаддан ортиқ улуғлашга, ҳамма ва барчани қамраб олувчи қилиб кўрсатишга интилишлар ҳам бўлади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу ёндашув илгари сурилган даврда дунёдаги барча таббий ва ижтимоий ҳодисаларни фақат материалистик-диалектик методология асосидагина тушунтиришнинг ягона позициясида ўжарлик билан турган совет олимларида «нимаики ғарб олимлари томонидан илгари сурилган ёки яратилган бўлса, у албатта, тўла-тўкис эмас, унда бирёқламалик ва бўрттириш, чекланганлик ва шошма-шошарлик бор»- деб талқин қилиш ҳам одат эди.

Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда бу ёндашувга дунёқараш тарздаги умумий универсал принцип деб қараш, унинг ёрдамида муҳим методологик масалаларни тизимлилик, бир бутунлик нуқтаи-назаридан қаровчи «умумтизимли назария» сифатида баҳолаш ҳам мавжуд эди. Ўтган давр бундай қарашларни ижобий якунлади, деса хато бўлмайди. «Тизимларнинг умумий назарияси, - деб ёзади А. Рапопорт, - бу фандаги назария атамаси маъносида эмас, балки дунёқараш ёки методологиядир. Унинг номи айтиб турганидек, бу дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти – бу предметлар ва ҳодисаларнинг тизимларнинг конкрет мазмунларидан эмас, балки умумий хоссаларидан келиб чиқишидир»[5].

Аслида табиётшуносликнинг тараққиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан «тизимларнинг умумий назарияси» позитивизм, механицизм ва эмпиризмдан фарқли равишда фанлараро тўсиқларни енгиб ўтиб, предмет ва ҳодисаларнинг тизимлилиги, бир бутунлигига эътиборни қаратди. Яна бир илмий ёндашув – кибернетика билан биргаликда тизимлиликнинг интегратив (бирлаштирувчи), бошқарилувчи жиҳатларини ўрганишни олд вазифа қилиб кўрсатди, биология ва социологияда математика ва моделлаштиришнинг ўрнини кашф этди.

“Табиийки, тизимли ёндашув қандай бўлмасин узил-кесил ечим бермаса-да, тарихий ва замонавий баҳс-мунозараларни ягона мантиқий асосга олиб келади. Агар “фазо” ва “вақт” учун муайян мантиқий мавқе қабул қилинса, унда триада(учлик)нинг қолган тушунчалари учун талқин қилиб бўладиган моҳиятларни топиш зарур бўлади” [6].

Тизимли ёндашув мазмунан фан тараққиёти компонентларининг ўзаро таъсири муаммоларига кўпроқ эътибор қаратишни талаб қилади. Уларга батафсил

тўхталиб ўтамиз. Тизимли ёндашув фан муаммоларининг хилма-хиллигини, биринчи навбатда, мазмун ва шакллари жиҳатидан, юқори даражадаги фанлараро алоқаларни ривожлантириш масалаларига ҳам тааллуқлидир.

“Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ижтимоий-табиий тизим, нафақат жамиятни, балки атроф табиий муҳитни ҳам шакллантирувчи ва уларнинг ривожланиш манбаси хизматини бажарувчи, ўзига хос (специфик) алоқалар (боғланишлар) жараёни сифатида намоён бўлади” [7].

Шунингдек И.С.Хошимова фикрига кўра экологияда тизимли ёндашув ёрдами билан мураккаб тизим сифатида табиий муҳитнинг таҳлил қилинади. Бу тизимнинг турли компонентлари динамик мувозанатда бўлади, одамнинг табиий экологик тизимларга ўтказадиган таъсирини очиб беради, одам билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш ва рационализациялаш тўғрисидаги масалани ўртага қўяди[8].

Бизнинг замонамизда техника-технология муносабатлари, иқтисодий, маънавий, ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларнинг, ҳатто ижтимоий-психологик, ижтимоий-маънавий муносабатларнинг тобора интеграллашиб бориши кузатилмоқда. Умуминсоният, башарият миқёсида барча жараёнларнинг глобаллашуви, экологик, озиқ-овқат, сиҳат-саломатликни сақлаш, маънавий ва моддий қадриятларни, миллий-умуминсоний муаммолар иштирокчилари интеграллашуви ана шу руҳда рўй бермоқда.

Тизимли ёндашувни илгари сурилган таърифларини умумлаштириб унга қуйидагича таъриф бериш мумкин, тизим-бу бирор тарзда ўзаро таъсирлашаётган компонентларнинг йиғиндиси, комплексидир. Йиғинди деганда оддий йиғинди эмас, айнан ўзаро маълум муносабатлар асосида ўзаро таъсирлашаётган кичик тизимлар, компонентлар, элементлар йиғиндиси тушунилади. *Л.*Берталанфи: «Тизим-ўзаро таъсирда бўлган элементлар комплекси»[9] деб таъриф беради.

Бир бутун тизимда унинг қисмлари орасидаги ўзаро ички боғланишлари бу қисмларнинг ҳаракатига ва уларга бўлаётган ташқи таъсирга нисбатан катта бўлади. Агар тизим қисмларининг ҳаракат энергияси унинг ички боғланишлар энергиясидан катта бўлса, тизим парчаланиб (радиактив элементлар ядроларининг парчаланиши бунга мисол), бузилиб кетади. Бир бутун тизимда унинг қисмларининг ички боғланиш энергияси ташқи кўрсатиладиган таъсирлар йиғинди энергиясидан кичик бўлса ҳам, тизим бузилиб кетади. Атом ядроларини юқори энергияли зарралар билан бомбардимон қилинганда, ташқи таъсир натижасида парчаланади.

Бундай тизим ўз компонентларига фаол таъсир қилади ва уларни ўз табиатига мослаб ўзгартиради. Бунинг натижасида аввалги компонентлари сезиларли ўзгаради. Уларда тизим таркибига киргунча бўлган дастлабки ҳодисалар, хоссалар йўқолиши, янгилари пайдо бўлиши мумкин. Масалан, инсон организми ўзида механик, физик ва химиявий жараёнларни бирлаштирган мураккаб тизимдир. В.Н.Садовский таъкидлайди: «…тизимнинг хоссаси уни ташкил қилувчи элементлар хоссаларининг оддийгина йиғиндиси эмас, балки элементлар орасидаги ўзаро боғланишларнинг спецификаси (ўзига хослиги) билан белгиланади, яъни тизимнинг бир бутун тарздаги интеграллаштирувчи хоссалари вужудга келади.

Тизим элементлари орасида боғланиш ва муносабатларнинг мавжудлиги ва улар юзага келтирадиган тизимга хос интегратив бир бутун хоссалар тизимнинг мустақил мавжуд бўлишини (яшашини) ва фаолият кўрсатишини (баъзи ҳолларда ривожланишини ҳам) таъминлайди» [10]. Кўриниб турибдики, тизимнинг бир бутунлик (яхлитлик) сифати унинг ана шу интегратив хоссаларининг намоёнлиги билан ифодаланади. Шундай интегратив хоссаларга эга бўлмаган, вужудга келмаган тўпламлар янги бутунлик эмас, шунчаки механик, қуруқ йиғинди саналади.

Тизим таркибидаги компонентлар сифат ўзгаришлари билан бирга оз бўлсада, миқдорий ўзгаришларга ҳам дуч келади, яъни бир бутунликнинг у ёки бу хусусиятини унинг қисмларининг тегишли хусусиятлари йиғиндиси деб маълум маънода айтиш мумкин. Бир бутунликнинг бундай хоссалари аддитив хоссалар, деб аталади.

Фалсафада тизим тушунчасидан фойдаланиш борлиқнинг асосини ташкил этувчи унсурларни қидиришга чек қўйди. XX асрнинг бошларида тизим тушунчаси ва у билан боғлиқ бўлган тизимли ёндашиш, янги умумий методологик тамойил сифатида фаннинг турли соҳаларига тез суръатлар билан кириб келди. Хусусан, тилни тизим сифатида олиб қараш, тилшуносликда структурализмнинг пайдо бўлишига, математика объектларига тизимли ёндашиш турли хил формал тизимларнинг яратилишига сабаб бўлди. XX аср ўрталаридан бошлаб кибернетиканинг шаклланиши билан бирга "система" унинг марказий тушунчасига айланди.

Тизимларнинг турли хил шаклларининг табиатини ўрганиш,тизимга хос бўлган қатор умумий хусусиятларни аниқлашга имкон берди. Хусусан, ҳозирги пайтда тизим умумий ҳолда ўзаро алоқада бўлган унсурларнинг яхлит мажмуаси яхлитлик, бутунлик-холизм сифатида тушунилади. Ҳар қандай моддий ёки идеал объект тизим сифатида олиб қаралиши мумкин. Тизимда умумий ҳусусият шаклланади, бу ҳусусият тизимнинг ташкил этувчи элементлар компонентларга хос эмас. Бу тизимнинг эмерджемент хусусиятидир.

Тизим тушунчаси ҳозирги пайтда бутун ва қисм, тузилма, информация каби категориялар билан биргаликда илмий ва фалсафий билишда кенг қўлланилади.

Табиатда ва жамиятда баъзида таркибий ўхшаш элементлардан тузилган бир бутун тизимларнинг хоссалари турлича бўлади. Жумладан, биз ишлаб чиқариш муносабатларини мисол қилиб олсак, унда уч турли муносабат бор: мулк шаклига доир, фаолият алмашинуви ва тақсимотга доир муносабатлар. Уларнинг ҳар учаласи ҳам муҳим ва қонунийдир. Бироқ, улар ичида мулкка (ёки мулк шаклига) муносабат интеграллаштирувчи муносабатдир. Интеграллаштирувчи структура тизимнинг етакчи асосидир.

Элементлар ўртасида ўзаро боғланишлар муҳим ва номуҳим бўлиши мумкин. Структура элементлар орасидаги қонуний боғланишлардир. Улар орасида муҳим интеграллаштирувчи боғланишлар (ёки интеграллаштирувчи структуралар)дир. Улар объект томонларининг интеграллашувини таъминлайди.

Моддаларнинг кимёвий тузилиши ҳақидаги таълимот молекулада атомларнинг тартибли бирикиб боришни ҳам аниқлаб берди. Атомлар молекулада қай тартибда жойлашганлигига қараб атомларнинг турлича комбинацияси бошқа-

бошқа хоссаларни намоён қилувчи янги бирикмаларга олиб келиши ҳосил қилиш мумкинлиги маълум бўлди[11]. Масалан, ядро изомерлари, изомер кимёвий бирикмалар ва бошқаларда шу нарса намоён бўлади. Мисол тариқасида бутан ва изобутанни оладиган бўлсак, бир-бирига изомердир. Демак, бир бутун тизимларда, юқорида айтганимиздек, элементлар таркибидан бошқа яна қандайдир хусусият бор экан. Бирор бир бутун тизимнинг ўзига хослигини, хоссаларини унинг таркибидан ташқари структураси ҳам белгилайди.

Ҳар бир бутун тизимга ўз структураси мос келади. Бутун мураккаблашиб борган сари, унинг компонентлари сони ортиб боради, дифференциаллашиб борган сари унинг структураси ҳам мураккаблашиб боради. Шу маънода, юқори тур жониворлар структураси қуйи тур жониворларникига қараганда мураккабдир. Структура тушунчаси барқарор тартибланганликни билдиради. Структурада учта даражани кўрсатиш мумкин: тизим компонентларининг хоссалари орасидаги боғланиш, тизим компонентлари хоссалари билан тизимнинг хоссалари орасидаги боғланиш, тизимнинг тизимли интеграл хоссаларининг ўзаро бир-бири боғланишидир.

Хуллас, ҳозирги вақтга келиб, барча фан соҳаларида тадқиқот объектини чуқурроқ ўрганиш мақсадида тизимли ёндашув, структуравий анализ усуллари ишлаб чиқилди. Бу усулларнинг қўлланилиши уларнинг қанчалик даражада самарадор ва истиқболли эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, тизимли ёндашув усули ўзининг муҳимлиги, ўрганилаётган предмет вақеа-ҳодисалардаги барча алоқадорлик ва боғланишларни ҳисобга олиши билан алоҳида ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

[1]. Кондильяк Э.Б. Трактат о системах, в которых вскрываются их недостатки и достоинства. – М.: 1938. - 3 с.

[2]. Кант И. Соч. в шести том.т.3. – М.: 1961. – 680 с.

[3]. Системный подход и психиатрия / Под общ. ред. П. П. Волкова. — Минск: Вышэйшая школа, 1976. - 304 с.

[4]. Дружинин В.В., Конторов Д.С. Проблемы системологии (проблемы теории сложных систем). – М.: Советское Радио, 1976. – с.26 .

[5]. Исследования по общей теории систем. М.: Прогресс, 1969. –с. 23.

[6]. Имомалиева. Р.М. Природа связи и формы ее проявления; Дис… д-ра философ.наук.Тошкент.1990. С.238

[7]. Бердимуратова. А.К. Философско-методологические проблемы современной экологической ситуации.(на метериалах Приаралья). Афтореф. дис… д-ра.филос наук.Тошкент.2000.С. 66

[8]. Хошимова И.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар диалектикаси. -Тошкент. 1986.- Б.102.

[9]. Берталанфи Л. Общая теория систем - критический обзор. / В кн.: Исследования по общей теории систем. - М., 1969. - С.23.

[10]. Садовский В.Н. Основания общей теории систем. Логико-методологический анализ. – М.: Наука, 1974. - 279 с.

[11]. Толибов М. Табиий фанлар ва фалсафа.- Тошкент. Фан. 2006.- Б.39.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК МАЗМУНИ

Қурбонов Жасурбек Акмалжонович
Қўқон давлат педагогика институти Миллий ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация: *Мазкур мақола интеллектуал маданиятнинг бугунги глобал ўзгаришлар даврида пайдо бўлган муаммоларни бартараф этишдаги аҳамияти, уни ижодкор шахсда шакллантириш муаммолари ва ушбу тушунчани ижтимоий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилишга бағишланган.*

Калит сўзлар: *шахс, интеллект, маданият, фан, глобал муаммолар, интеллект механизми, интеллектуал капитал, интеллектуал саводхонлик, инновацион ғоялар, интеллектуал қобилиятлар, интеллектуал маданият, интеллектуал маданият тузилмаси, интеллектуал маданият функциялари.*

СОЦИАЛЬЮ – ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО КУЛЬТУРНОГО ПОНЕТИЯ

Қурбонов Жасурбек Акмалжонович
Соискатель кафедры национальной идеи, основы духовности и права
Кокандского государственного педагогического института

Аннотация: *Статья посвящена социально – педагогическому анализу понятия интеллектуальной культуры и проблемам формирования его в творческой личности, его знанию при устранении проблем, возникших в результате сегодняшних глобальных перемен.*

Ключевые слова: *личность, интеллект, культура, наука, глобальные проблемы, механизм интеллекта, интеллектуальный капитал, интеллектуальная грамотность, инновационные идеи, интеллектуальные способности, интеллектуальная культура, система интеллектуальной культуры, функции интеллектуальной культуры*

SOCIAL - PEDAGOGICAL CONTENT OF INTELLECTUALLY CULTURAL POINTH

Qurbonov Jasurbek Akmaljonovich
Applicant for the Department of National Ideas, Basics of Spirituality and Law of the Kokand State Pedagogical Institute

Annotation: *The article is devoted to the social - pedagogical analysis of the concept of intellectual culture and the problems of its formation in a creative person, his knowledge while eliminating the problems that have arisen as a result of today's global changes*

Keywords: *personality, intellect, culture, science, global problems, intelligence mechanism, intellectual capital, intellectual literacy, innovative ideas, intellectual abilities, intellectual culture, intellectual culture system, intellectual culture functions*

Бугунги кунда шахс маънавияти таркибида унинг интеллектуал тафаккури, ақлий фаолияти ва фан қадриятлари ижтимоий ривожланишга жиддий таъсир кўрсатмоқда, модомики, шундай экан, унинг ақлий-малакавий омилкорлиги, илмий тафаккури ва илм-фан соҳасидаги фаоллигининг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этиш ўта долзарб муаммо саналади. Зеро, айни вақтда биз ҳар қандай давлат ва жамиятнинг эртанги ривожи шубҳасиз унинг халқи интеллектуал савиясининг юқори даражаси билан ўлчанадиган даврда яшамоқдамиз. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, - "бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Бунинг боиси - аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидадир"[1].

Республикамизда замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, таълим муассасаларининг ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларини халқаро талаблар асосида янгилаш, ўқувчиларнинг иқтидори ва чуқур билимларни эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президент мактабларини ташкил этиш бўйича қатор ташаббус ва ғоялар илгари сурилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган синергетик таълим муҳитини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш" [2] вазифалари белгилаб берилди. Бу эса, таълимни ахборотлаштириш шароитида талаба-ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ҳозирги даврда табиий-ижтимоий муаммолар глобаллашиб, инсоният ҳаёти, аввалambор, умумбашарий ва планетар зиддиятларга айланиб бормоқда. Дарҳақиқат, кечаётган XX1 аср бошида жаҳонда нафақат молиявий-иқтисодий, шунингдек, энергетик инқирознинг чуқурлашуви ва кенгайиши ҳам кузатилмоқда, бу эса олимлар олдига янги энергия манбаларини излаб топиш, аҳоли сони ортиши, экологик, шунингдек, табиий шарт-шароит ўзгариши билан юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўймоқда. Шу маънода ҳозирги замон педагогика фани инқироздан чиқишнинг энг фаол иштирокчисидир. Айни илм-фангина шахсда интеллектуал қобилиятларни тарбиялаши, уларни ижтимоий тараққиётнинг даъваткор омилига айлантириш имкониятларига эгадир.

XX1 аср ижтимоий прогрессив тараққиётининг мазмунини ҳамкорлик ва "интеллект механизми", замонавий ахборотлашган жамиятда бойлик яратиш асосини илмий билимлар ва ахборотлар ташкил этади. Шу сабабли интеллектуал маданият масалалари, у тўғрисидаги қонунлар илмий билимлар ривожланишига эмас, балки бутун жамият тараққиётига дахлдор муаммога айланиб қолди.

Интеллектуал маданият масаласига фақатгина иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардангина эмас, балки ижтимоий-педагогик ёндашув ҳам зарурдир. Масаланинг ижтимоий-педагогик таҳлилида интеллектуал маданиятнинг асослари, унда билим турларининг ўзаро трансформацияси, билимларнинг объективация ва генерация жараёнларига бўлган таъсирига эътибор қаратилади.

Интеллектуал маданиятни фалсафа ва маданиятшунослик назарияси асосида ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, шахснинг интеллектуал маданияти муаммоси, бир томондан, жамият маънавий маданияти, иккинчи томондан, шахс структуравий элементлари билан узвий боғлангандир.

Интеллектуал маданият билан ахлоқий маданият ўзаро боғланган бўлиб, бу таъсир асосини ташкил этувчи инсон фаолияти тарихий шарт-шароит ва характерига боғлиқ бўлади. Бироқ, уларнинг ўзаро таъсир ва муносабатини илмий таҳлил қилишда маданиятнинг бу соҳалари ўзига хослигини аралаштириб юбормаслик тақозо қилинади. Бу нарса рационаллашувга ҳам, яъни ахлоқнинг ўзига хослигини, Аллоҳ мавжудлигининг илмий асосларини амалий инкор этишга, ҳақиқий санъат фақат реалистик бўлишини тасдиқлашга, бошқа томондан, фанни эътиқодлар тизими сифатида талқин қилиш, космик кенгликлар маъносини топиш, реалликка параилмий ёндашишга ҳам мос келувчи турли ноилмий фанларни яратишга олиб келиши мумкин. Бу ноўрин аралаштиришлар содир бўлганда ва унинг турли тармоқлари ўртасидаги реал алоқаларни белгилашда маданият ўз яхлитлиги билан ижтимоий маъно касб этади.

Интеллектуал маданият тараққиёти инсоният ривожланиши, ижтимоий (илмий-техникавий) равнақ таъсирида юз беради, конкретлашади. Интеллектуал маданият янги шаклларининг юзага келиши унинг тараққиётидаги узилиш, олдинги шакллар барҳам топиши ва маданий меросни инкор этиш дегани эмас, албатта. Ҳар бир кейинги босқич унинг амалиёт, ҳаёт синови тасдиғидан ўтган асл жиҳатларини ўзида гавдалантиради. Бинобарин, рус олими В.С.Библер фикрича, “антик тафаккур тарзи маданият тарзида юз беради”[3].

Интеллектуал маданият ўзагини диалектик қонунлар ва ижтимоий-педагогик маданият ташкил қилади. Ёлғиз методологик билимларнинг ўзи муҳим илмий функцияни амалга ошира олмайди, балки фақат тафаккур маданиятини шакллантириш, шунингдек, билимларни яхлит ташкиллаш билан чекланади. Интеллектуал маданият шаклланишида эса умумилмий концепцияларнинг алоҳида ўрни бор. Улар асосан илмий билишнинг умумий хоссалари, қонуниятларини очишга хизмат қилади. В.И.Вернадскийнинг ноосфера концепцияси, Н.Борнинг физик принцип сифатидаги умумилмий ва гносеологик мақомга эга бўлган тизимийлик принципи ана шундай хусусиятга эгадир. Ўз ичига муаммо қўйиш, уни шакллантириш ва ижодий ечимини топишни, методологик рефлекцияли билимларни олган методологик фаолият маданияти бу фаолиятнинг социал хотирадаги андозаларини ўзлаштиришга қаратилади. Бу билимлар нафақат ихтисослашган профессионал фаолият доирасидан чиқиш, шу билан бирга, қобилиятлар юзага чиқишида сифат ўзгаришлар рўй беришига ҳам кўмаклашади. Фаннинг эски қолипларидан ташқари чиқиш ва бу соҳада сифат ўзгаришлари

қилишнинг яққол намунаси сифатида Коперник, Галилей, Лобачевский, Эйнштейн ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

Цивилизация тараққиётида интеллектуал соҳада олимлар - интеллектуал салоҳиятли кишилар, таълим ва кутубхоналар учта муҳим манбани ташкил қилади. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра инсоният тарихида зиёлиларнинг камайиши, таълим даражасининг пасайиши, кутубхоналарнинг беркитилиши жамиятда турғунлик, бузилишни келтириб чиқарган ва ривожланишга салбий таъсир кўрсатган. Модомики, шундай экан, интеллектуал тараққиёт тизимининг бу компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик социумнинг барқарор ривожланиши, янги назариялар, билимлар, инновация ва технологиялар амал қилиши, интеллектуал тажрибаларнинг ўзаро алмашинуви учун ўта зарурдир.

Шубҳа йўққи, бугунги кунда жамият интеллектуал ривожланишида янги информацион технологиялар инсоннинг билиш имкониятларини кенгай-тиришда муҳим роль ўйнайди. Янги шаклланаётган информацион комму-никатив муҳит социал маконда интеллектуал капитал учун ранг-баранг имкониятлар яратади. Интерактив информацион маконнинг муҳим хусусияти шунда кўринадики, электрон воситалар орқали эълон қилинаётган китоб, газета ва журналлар, илмий анжуманлар, маълумотлар базаси ва банки тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шундай қилиб, электрон асосда бугунги кунда информацион ва интеллектуал ресурслар ишлаб чиқариш, қабуллаш ва сақлашда янги информацион муҳит шаклланмоқда, уларнинг айримлари эса электрон кутубхоналарнинг рақамли коллекциялари, анъанавий кутубхона, архив, музейлар билан бир қаторда жамият интеллектуал маданияти таркибидан муносиб ўрин олмоқда.

Самарали интеллектуаллашувни социумда амалга ошириш учун турли халқаро илмий мактаблар, умуман фан тараққиётини интеграциялаш ва дифференциация қилишда эришилган тажрибалардан фойдаланиш зарур. Жамият қурилишида билимлар учун фан, бизнес ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни ҳам давлат, ҳам кооператив бошқаришдаги уйғунликни кучайтиришга интилиш муҳим роль ўйнайди.

Бугунги замонавий илмий билимлар ақл бовар қилмас даражада ривож топиб, ўз имкониятлари чегарасини кенгайтириб бормоқда. Янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда, янги ҳодисалар кашф этилмоқда, янги назария ва билимлар, янги фанлар юзага келмоқда. Уларни тадқиқ этишнинг методологик қуроллари яратилмоқда. Илмий потенциалнинг бундай даражадаги тараққиёти жамиятнинг интеллектуал маданиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқдаки, социал маконда кашфиётлар ва тадқиқотлар, билимларни тарқатиш ва узатишнинг бутунлай янги технологиялари юзага келмоқда.

Бугунги кунда дунё интеллектуал ўзгаришлар остонасида турибди. Чунки айнан интеллектуал маданият шахс, ташкилот, социумнинг ривожи ва такомилини таъминлайди. Аввало, фан ва техника ривожланиши натижасида интеллектуал капитал бизнинг катта бойлигимизга айланиб бормоқда . Уни қандай кўпайтириш ва шакллантириш мумкинлиги тўғрисида эса барча давлат раҳбарлари бош қотирмоқда. Шу мақсадларда ҳар бир мамлакат интеллектуал элитани шакллантиришнинг энг самарали усул ва методларини қидириб ишга солмоқда.

Масалан, ҳатто миллий олимпия командалари 50% машғулотлар вақтини интеллектуал чидамлиликка сарфлайди. Йирик АҚШ, Япония компаниялари технологиялар билан шуғулланувчи юз миллионлаб долларни персоналнинг интеллектуал саводхонлигига сарфлашади. Интеллектуал маданият инсон интеллектининг ва унинг тузилмавий компонентлари хусусиятларини ва улар ҳақидаги билимни талаб қилади. Булар: хотира, эътибор, ижодий фикрлаш, интеграциялашган фан сифатидаги интеллектологиянинг ташкил бўлиши кабилардир. Интеллектуал саводхонликнинг зарурий компоненти бу фикрлаш операцияларининг ва рефлексив ҳаракатларнинг яхлитлигидир.

“Интеллектуал маданият”нинг ички тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- интеллектуал компетентлик, яъни ўз ичига кенг дунёқараш, социумда ҳаётий фаолият олиб боришга тайёр интеллектуал тайёргарлик, интеллектуал универсалликлар тизимини ўз ичига олади;

- интеллектуал лаёқатлар ва улар асосида ривожланган интеллектуал қобилиятлар тизими;

- ўз-ўзини рефлексия қилиш асосида шакллантирилган тушунчалар тизими;

- интеллектуал тизимда шахс адаптациясини таъминловчи муҳим сифатлар тизими.

“Интеллектуал маданият”нинг асосий функциялари эса гносеологик, гуманистик, коммуникативлик, информацион, тарбияловчи ва ижтимоий-нормативдан иборатдир. Методологик билимлар тизими нуқтаи назаридан интеллектуал маданият ривожи: аксиологик, технологик, шахсий-ижодий, когнитив компонентларига эгадир. Булардан кўринадики, шахс ижодий тафаккур воситасида янгилик яратади, хилма-хил муаммоларни қўяди ва ҳал қилади, уларнинг ўзига хос ечимларини, баъзан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усуллар, методлар топади. Шахс тафаккурининг ижодий характери унинг ижтимоийлашувини таъминлади.

Интеллектуал маданият ўз олдига билиш фаолиятини режалаштириб, уни турли усуллар билан амалга оширувчи, манба ҳамда турли воситалар билан ишлашни мақсад қилиб олувчи ақлий меҳнат маданиятидир. Адабиётларда интеллектуал маданият инсоний ва структуравий капиталдан иборат эканлиги кўрсатилади. Инсоний капитал билим, турли ижодий қобилият, малака, аҳлоқий қадриятларни ўз ичига олади. Структуравий капитал эса техникавий ва дастурий таъминот, ташкилий структура, офисдаги барча нарсаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда ижтимоий педагогика фани доирасида интеллектуал маданият масаласи гносеологик ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганилмоқда. Интеллектуалликнинг мантиқий гносеологик таҳлилида интеллектуал маданият ўзига хос маънавий “объект-субъект” сифатида қаралади. Яъни, бунда интеллектуал маданиятнинг инсоний капитал қисмига эътибор қаратилади. Бу мулкка эгалик қилувчилар эгалик қилувчи субъект сифатида қаралиб, мазкур субъектларнинг ўзаро муносабати таҳлил этилади. Билимлар генерациясида, ижод жараёнида ҳам интеллектуал маданият муносабатлари мавжуддир. Бу ижод жараёнининг натижасида эмас, балки ижод жараёнининг олдинги босқичларида ҳам намоён

бўлади. Яъни, янги билимлар вужудга келишида ижодкор албатта интеллектуал маданиятга эга бўлади. Ўз навбатида ўзбек олими А.Эркаев таъкидлаганидек, “Билим ижодкорлик салоҳияти билан қўшилгандагина тафаккур маданияти юзага келади”[4].

Ижтимоий билимларнинг объективация ва генерация қилиш асосида қуйидаги интеллектуал маданият турлари ҳосил бўлади: субъектга тегишли маълум билимларга асосланган интеллектуал маданият, субъектнинг янги яратилган билимларга асосланган интеллектуал маданият, объективация қилинган олдиндан маълум билимларга асосланган интеллектуал маданият ва объективация қилинган янги яратилган билимларга асосланган интеллектуал маданият[5].

Интеллектуал маданият институтлари фаолияти индустриал жамиятда капиталистик муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишига ёрдам берди, аммо замонавий жамият мезонларининг ўзгариши мазкур институтлар фаолиятининг салбий томонлари ҳам борлигини кўрсатмоқда. Булар яратилган янги билимларнинг сир сақланиши, улардан эркин фойдаланиш мумкин эмаслигидир. Капитал инсон билимини фойда олиш воситасига айлантириш асносида, нафақат ёлланма ишчиларнинг кучини балки, инсон шахсига тегишли бўлган барча қобилиятларни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, шахсда иқтидорлиликнинг шаклланиши кўпроқ юқори даражадаги билиш фаоллиги, тафаккур ва интеллектнинг ривожланганлиги билан боғлиқдир. Шу боис шахс камолотида ундаги қобилият ва иқтидор малакаларини олдиндан кўра олиш ва уларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтира олиши керак.

Иккинчидан, интеллектуал маданият инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланиб, унинг ёрдамида ёшлар онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, давлат, жамият, ташкилот, муассаса, жамоа, оила ва инсонларнинг замонавий ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бориш борасидаги янги моддий ва маънавий неъматларни, яъни шахс интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тўртинчидан, интеллектуал маданият тушунчаси мазмунини ёритишдаги ягона тўғри ёндашув - бу уни илмий тадқиқ этишдир, бинобарин, бундай қилинганда ҳар бир босқич муайян таъриф бериш билан якунланади, эришилган натижаларнинг йиғиндиси амалий муносабат ва алоқаларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот предмети бўлган муайян тушунчанинг таърифини ишлаб чиқади.

Бешинчидан, илмий адабиётларда интеллектуал маданиятнинг умумий моҳиятини акс эттирувчи таърифлар етарли эмас. Кўпинча интеллектуал маданият дейилганда ўзида тафаккурнинг турли томон ва хусусиятларини гавдалантирувчи қандай қурама ҳодиса тариқасида тушунилса, баъзи тадқиқотчилар уни шунчаки инсоннинг маънавий ва малакавий маданияти билан тенглаштиради. Ҳолбуки, бундай айнанлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Олтинчидан, шахснинг интеллектуал маданияти унинг ақлий қобилиятига асосланган гносеологик фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаш,

режалаштириш, ранг-баранг интеллектуал қадриятлар яратиш малакалари, билиш манбалари ҳамда информацион-техникавий воситалар билан ишлай олиш қобилиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б.170.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 70-модда. //www.lex.uz
3. Библер В. С. Век Просвещения и критика способности суждения. Дидро и Кант. - М. Русское феноменологическое общество 1997. – С. 46
4. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 41 б.
5. Орехов А.М. Интеллектуальная собственность как объект флософского исседования. Вестник Московского университета. Серия 7. Философия. №1. 1997. - С. 31-48

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES

ИЖТИМОИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ОВОЗ СИНТЕЗАТОРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Қурбонова Мунаввара Абдужабборовна
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
филология фанлари доктори, доцент

Аннотация: *Мақолада кўзи ожиз шахсларнинг ижтимоийлашув жараёнида нуттқ синтезаторларининг ўрни ва аҳамияти баён этилган.*

Калит сўзлар*: фонема, товуш, матн, овоз синтезатори, компьютер тилшунослиги.*

МЕСТО ГОЛОСОВЫХ СИНТЕЗАТОРОВ В ПРОЦЕССЕ СОЦИАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ

Курбанова Мунаввара Абдужаббаровна
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
доктор филологических наук, доцент

Аннотация: *Данная статья изложено место и значение речевых синтезаторов в социализации людей с ограниченными возможностями*

Ключевые слова: *фонема, звук, текст, голосовой синтезатор компьютерная лингвистика.*

PLACE OF VOICE SYNTHESIS IN THE PROCESS OF SOCIAL INTEGRATION

Kurbanova Munavvara Abdujabbarovna
Tashkent state university of uzbek language
and literature named after Alisher Navai
DSc in filologi, associate professor

Annotation: *The place and meaning speech sintezators in socialization of the blinds.*

Keywords: *phone, phoneme, text, speech sintezator, computational linguistics.*

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлидаги устувор вазифалардан бири ахборот жамиятини барпо этишдир. Республикамизда бу борада амалга оширилаётган аксарият чора-тадбирларда имконияти чекланган шахслар фаолиятини замонавий фан-техника тараққиёти натижасида қўлга киритилган сўнгги ютуқлар асосида ташкил этишга доир масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ногиронлиги бўлган

шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида овоз орқали бошқариш мақсадида компьютер операцион тизимлари учун махсус дастурлар яратиш, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча имкониятлар жорий этиш каби вазифалар қайд этилган. Мазкур вазифаларнинг амалий ифодаси уларнинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ муаммоларнинг инновацион ечими учун ниҳоятда долзарбдир.

Ҳозирда хорижий давлатларда имконияти чекланганлар, жумладан, кўзи ожиз шахсларнинг компьютер техникаси ва технологияларидан эркин фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида қатор махсус дастурлар тузилган [1], матнни овозли сигналга айлантирувчи нутқ синтезаторлари ишлаб чиқилган [2], овоз синтезаторининг инглиз, рус, француз, араб, форс ва бошқа тиллардаги талқинлари яратилган. Бироқ улар ёрдамида ўзбек тилидаги матнни таҳрирлаш жараёнида нутқни идрок этиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Шу жиҳатдан электрон матнни ўзбек тилининг адабий талаффуз меъёрларига мувофиқ тарзда ўқий оладиган миллий дастурий маҳсулот устида иш олиб бориш ёки хорижий давлатларда илғор тажриба усулларига таянган ҳолда тайёрланган юқори сифатли нутқ синтезаторлари базасига ўзбек тилини ҳам киритиш давр талабидир. Ўзбекча матнни овозли сигналга айлантирувчи дастурий маҳсулот учун лингвистик таъминот яратиш замонавий компьютер тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

А.Раҳимовнинг таъкидлашича, компьютер лингвистикасида қўлланиладиган ва яратиладиган лисоний воситаларни шартли равишда декларатив ҳамда процедура қисмларига ажратиш мумкин. Декларатив қисмга тил ва нутқ бирликлари луғати, грамматик маълумотномалар, матнлар корпуси кабилар киритилса, процедура қисми юқоридаги лингвистик таъминот базасини бошқариш воситаларини (алгоритмлар тузиш, дастурлар яратиш, компьютер анализи ва синтези кабилар) ўз ичига олади. Ўзбек тили материаллари асосида компьютер лингвистикасига оид тадқиқот олиб борган олимлар сифатида Ҳ.Арзиқулов, С.Ризаев, С.Муҳамедов, А.Пўлатов, С.Муҳамедова, Н.Жўраева, Н.Абдураҳмоноваларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг тадқиқотларида асосан статистик таҳлил, алгоритмлаш, ўзбек тилининг аксеоматик назарияси, феълларнинг компьютер анализи ва синтези [3], таржима дастурларининг лингвистик таъминоти [4] сингари йўналишларга эътибор қаратилган. Нутқ синтезатори учун ўзбек тилидаги лингвистик базани шакллантириш эса амалий ечимини кутаётган масалалардан бири саналади.

Овоз синтезатори компьютер лингвистикасининг текшириш объектларидан бири бўлса, тил тизимининг фонетик-фонологик сатҳига оид сегмент бирликлар нутқий синтезатор учун асосий тадқиқ объекти ҳисобланади. Мазкур муаммо ечимига оид тадқиқотларда компьютер тилшунослигида фаол қўлланилувчи аналогия, лингвистик моделлаштириш каби тадқиқ усулларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Дунё компьютер тилшунослигида ушбу муаммо талқинига бағишланган қатор ўқув-услубий адабиётлар, монографик тадқиқот ва илмий мақолалар мавжуд бўлиб, уларда нутқ синтезаторининг яратилиш тарихи, замонавий ҳолати, тузилишига кўра турлари [5], матн парчаларини автоматик синтезлаш технологиялари ва методлари [6], овоз синтезаторларининг ишлаш принциплари, имкониятлари, афзалликлари ва камчиликлари [7] қайд этилган. Жумладан, Sakrament Text-to-Speech Engine v2.0 рус тилидаги нутқ синтези тизими бўлиб, у Microsoft Speech API (SAPI) 5.1. стандартига тўлиқ мос келади, матнни эркак ва аёл овозида талаффуз этади, фойдаланувчининг истагига кўра интонацион паузалар қилади, нутқ тембри ва оҳангини ўзгартиради [3].

Кўринадики, бу дастурни тайёрлашда фонетик қоидаларга асосланган синтез методига таянилган. Бу метод овоз синтезаторининг дастлабки талқинини яратишда ниҳоятда муҳим ўрин тутади. eSpeak технологиясига асосланган дастурий маҳсулот ҳам шу усулда тайёрланган. Ҳозирги вақтда унинг турк, қозоқ, татар тилларидаги талқинлари ҳам мавжуд. Кичик сиҳимли бўлса-да, кўплаб тилларни ўз ичига олувчи мазкур дастур Windows учун NVDA ochiq manba ekranli ўқувчи, Ubuntu ва бошқа Linux ўрнатиш дискларига стандарт нутқ синтезатори сифатида жойлаштирилган. eSpeak нутқ яратувчи тил дастурида ишлайди. Товушлар халқаро стандартлаштирувчи ташкилотлар тилининг 639-1 коди орқали аниқлаб олинади ва уларга “овоз турлари ” дастури ёрдамида зарурий ўзгартишлар киритилади [8]. Биз eSpeak дастурига ўзбек тилини қўшиш борасидаги дастлабки тажриба-синов жараёнида унинг базасига ўзида мавжуд фонетик-фонологик воситалар, техник, лисоний имкониятлардан ижодий фойдаланган ҳолда айрим қоидаларни киритдик. Бу қоидалар адабий талаффуз меъёрларига мувофиқ бўлиб, улар асосида eSpeak тилида қайд этилган буйруқлар ўзбек тилидаги матннинг нутқ синтезатори орқали тўғри ифодаланишини таъминлади. Масалан, “d” фонемаси учун ёзилган қуйидаги қоидалар унинг турли ўринларда кучли ва кучсиз позицияда келишини англатади:

.group d
d d - матнда d фонемаси келса d деб ўқилсин (do‘st)
d (_ t - “d” фонемаси сўз охирида келса t деб ўқилсин (hid – hit, savod – savot)
d (k t - “d фонемасидан кейин k келса t деб ўқилсин (hududga – hudutka)
d (h t -“d” фонемасидан кейин h келса t деб ўқилсин (Adham – Atham)
d (x t - “d” фонемасидан kegin x келса t деб ўқилсин (badxat-batxat)
t) d t - “d” фонемасидан олдин t келса t деб ўқилсин (bekatda –bekatta)
k) d t - “d” фонемасидан олдин k келса t деб ўқилсин (katakda – katakta)

Юқоридаги каби ҳолатларда биринчи қаторга ҳамиша фонеманинг асосий оттенкаси, кейинги қаторларда унинг кучсиз позицияда қўлланилишини ифодаловчи буйруқлар қайд этилади.

Маълумки, ўзлашма сўзларда қўлланладиган тутуқ белгиси “а” ва “е” унлиларидан кейин келса, улар чўзиқроқ талаффуз қилинади. Қоидани компьютерга киритиш учун қуйидаги буйруқлар берилади:

phoneme : // Lengthen previous vowel by "length"
virtual // Used to represent a class of phonemes.

length 500
endphoneme

Бунда : (икки нуқта) унлидан кейин келса, у шу унлини чўзиқроқ талаффуз қилиш буйруғини ифодалайди. Мазкур ҳолат дастурда қуйидагича акс этади:

a (’ a: (ma’lu)

e (’ e: (ne’mat)

Буйруқларда “a” ва “e” дан кейин тутуқ белгиси келса, ушбу фонемалар чўзиқроқ талаффуз қилиниши кўрсатилган. Ўзбек тилидаги бошқа қоидалар ҳам дастурга шу тарзда киритилади.

Миллий тилимизга хосланган нутқ синтезатори кўзи ожиз ўқувчилар ва талабаларда ҳам соғлом тенгдошлари каби электрон адабиётлардан мустақил фойдаланиш, уларда илгари сурилган қарашларни қиёслаб ўрганиш, шу асосда интеллектуал, ижодий тафаккур салоҳиятини юксалтиришга муайян даражада ёрдам беради. Ўзбек тилига асосланган овозли модулни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мамлакатимизда инклюзив таълим тизимини ривожлантириш, кўриш имконияти чекланган ёшларнинг замонавий ахборот технологиялари воситасида бажариладиган фаолият турлари, хусусан, электрон ҳужжатлар билан ишлаш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу орқали уларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, жамиятда ўз ўрнини топган ҳолда, унинг тараққиётида фаол иштирок этиши, техник воситалар, хусусан компьютерда самарали иш олиб боришига қулай шароит яратишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. http://www.tiflocomp.ru
2.Синтез речи. https://www.bsuir.by/m/12_101945_1_116060.pdf
3.Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi asoslari. – Toshkent, 2011.
4. Абдураҳмонова Н. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти: Филол. фан. ... фалсафа д-ри (PhD) … дисс. – Тошкент, 2018. – 160 б.
5. Рыбин С. В. Синтез речи. Учебное пособие по дисциплине "Синтез речи - СПб: Университет ИТМО, 2014. - 92 с.
6. Лобанов Б.М. Исследование и разработка методов автоматического синтеза речи по фонемному тексту: Автореф. Дисс. … д-ра тех. Наук. – Минск, 1984. http://www.dissercat.com/content/issledovanie-i-razrabotka-metodov-avtomaticheskogo-sinteza-rechi-po-fonemnomu-tekstu
7. Соломенник А.И. Оценка качества селективного синтеза речи: методы и результаты: Дисс. … канд. филол. Наук. – М.: 2016. – 195 с.
8. https://github.com/rhdunn/espeak

IDIOMS MAKE YOUR ENGLISH SOUND MORE NATURAL AND INTERESTING

Namangan state University
Mirzaholova Nilufarhon Komildjanovna
English teacher of the department of foreign languages among faculties

Annotation: *This article includes the frequently encountered expressions and idioms in the Uzbek people's conversations, and interprets them with English equivalents of the idioms. It also shows good examples by focusing on their usage and their meanings. In addition, this article effectively points out some of the common English and Uzbek idioms and gives them sufficient explanation.*

Keywords: *culture, society, a figurative meaning, literal meaning, expressions, usage, laughter, trouble, conversation, punch line, coincidence, residents by surprise, language, messages, common idioms, fun, viewpoints, ancestors, manners, peculiarities, combinations, information.*

ИДИОМЫ ДЕЛАЮТ ВАШ АНГЛИЙСКИЙ ЗВУК БОЛЕЕ ЕСТЕСТВЕННЫМ И ИНТЕРЕСНЫМ.

Мирзахолова Нилуфархон Камилджановна
Наманганский государственный университет
Преподаватель английского языка кафедры межфакультетского иностранного языков.

Аннотация: *Эта статья включает часто встречающиеся выражения и идиомы в разговорах узбекского народа и интерпретирует их с английскими эквивалентами идиом. Это также показывает хорошие примеры, сосредотачиваясь на их использовании и их значениях. Кроме того, эта статья эффективно указывает на некоторые общие английские и узбекские идиомы и дает им достаточное объяснение.*

Ключевые слова*: культура, общество, образное значение, буквальное значение, выражения, использование, смех, беда, разговор, кульминационный момент, точное совпадение, жители удивлены, язык, сообщение, общие идиомы, веселье, точка зрения, прародители, образ действий, специфичности, соединение, информация.*

IDIOMALAR INGLIZ TILI OHANGINGIZNI TABIIY RAVON VA QIZIQARLI QILADI

Mirzaholova Nilufarhon Komildjonovna
Namangan Davlat Universiteti
Fakultetlararo chet tillar kafedrasi ingliz tili fani o'qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqola o'zbek xalqining suhbatlarida tez-tez duch kelgan so'zlar va iboralarni o'z ichiga oladi va ularni ingliz tilidagi ekvivalentlari bilan izohlaydi. Shuningdek, ushbu maqola ulardan qachon va qay tarzda foydalanish kerakligini ko'rsatib o'tadi va ularning ma'nolarini e'tiborga olib, namunali misollar keltiradi. Bundan tashqari, ushbu maqola ingliz va o'zbek tilidagi ayrim iboralarni samarali yoritib beradi va ularga etarli darajada izoh beradi.*

Kalit so'zlar: *madaniyat, jamiyat, majoziy ma'no, lug'aviy ma'no, iboralar, qo'llanishi, kulgu, tashvish, suhbat, kuliminatsion nuqta, muvofiqlik, halq hayrati, til, habar, odatiy idiomalr, vaqtichoqlik, nuqtai nazar, ajdodlar, tarz, xususiyatlar, birikma, axborot.*

Every language has its own collection of wise sayings. They offer advice about how to live and also transfer some underlying ideas, principles and values of a given culture / society. These sayings are called "idioms" - or proverbs if they are longer. These

combinations of words have (rarely complete sentences) a "figurative" meaning, they basically work with "pictures"[1].

*An **idiom** is an expression with a figurative meaning that differs from the literal meaning. We hear **idioms** every day – both in conversation and in the media **Used** correctly, **idioms** can amplify messages in a way that draws readers in and helps to awaken their senses*.[2]

English idioms, proverbs, and expressions are an important part of everyday English. They come up all the time in both written and spoken English. Because idioms don't always make sense literally, you'll need to familiarize yourself with the meaning and usage of each idiom. That may seem like a lot of work, but learning idioms is fun, especially when you compare English idioms to the idioms in your own language.

Uzbek people also like using idioms in their speeches. Because Uzbek people have been fun lovers and comedians since ancient times and they have tried to forget all troubles and sadness by making jokes. They used to overcome their sorrow with laughter in the past. For that reason you can see a lot of idioms in Uzbek language too. If you have a little chat with our people, sometimes you may come across some idioms running through their language. At times you might naturally find them hard to understand and try to search for their meaning and understand what they mean by those expressions. It is also an eternal tradition of our uzbek people to speak the language together with idioms. Besides that, these idioms and expressions can also give us some information about our ancestors' viewpoints, traditions, customs, speaking manners and peculiarities of their speeches.

Learning to use common idioms and expressions will make your English and Uzbek sounds more native, so it's a good idea to master some of these expressions. The statements below are organized by how common the idioms are in American English and in Uzbek language. You can start by learning the very common English idioms and their equivalent in uzbek language, since these are the ones you'll encounter regularly (English idioms) watching American movies or TV, or visiting the United States and (uzbek idioms) watching uzbek movies or observing uzbek people's conversations. When you've mastered those, move on to rest. None of the idioms on this page are unusual or old fashioned, so you can be confident using any of them(uzbek idioms) with native uzbek speakers and (English idioms) with English speakers from all English-speaking countries.

In the language of our uzbek people with such wonderful nature, it is possible to find the following expressions which have always been traditional and often repeated:

BO'RINI GAPIRSA QULOG'I KO'RINADI
KO'ZA KUNDA EMAS, KUNIDA SINADI
'TUYANI DUMI YERGA TEKKANDA'
'BITTA O'Q BILAN IKKI QUYONNI URMOQ'
"ODAMNI OLASI ICHIDA BO'LADI"
"KO'ZI TO'RT BO'LMOQ"
'HAMIR UCHIDAN PATIR'
'QALOVINI TOPSANG QOR HAM YONADI'
'BUKRINI GO'R TUZATADI'
"SULAYMON O'LDI DEVLAR QUTILDI"

‘ARAVANI QURUQ OLIB QOCHMOQ’
“BESHTALA BARMOG’INI OG’ZIGA TIQISH”
‘HOM HAYOL SURISH’
‘O’ZICHA YETTINCHI OSMONDA SUZIB YURIBDI’
“QULOG’IGA LAG’MONNI ILMOQ”

These English idioms are extremely common in everyday conversation in the United States. You will hear them in movies and TV shows and can use them to make your English sound more like that of a native speaker:

‘SPEAK OF THE DEVIL’
‘OUT OF THE BLUE’
‘WHEN PIGS FLY’
‘TO KILL TWO BIRDS WITH ONE STONE’
‘YOU CAN’T JUDGE A BOOK BY ITS COVER’
‘TO SWEAT IT OUT’
″ A DROP IN THE BUCKET (OR OCEAN)″
‘A GOLDEN KEY CAN OPEN ANY DOOR’
‘A LEOPARD CAN’T CHANGE HIS SPOTS’
‘BE GLAD TO SEE THE BACK OF’
‘BEAT AROUND THE BUSH’
‘BITE OFF MORE THAN YOU CAN CHEW’
‘BE/LIVE IN A WORLD DREAM’
***″BE LIVING IN* A FOOL’S PARADISE″**
‘PULL *SB’S* LEG’

Let’s look at some example sentences to make THEM clearer to understand.

1. ***BO’RINI GAPIRSA QULOG’I KO’RINADI*(when you talk about a wolf, its ears will show up) –** this means that the person you’re just talking about actually turns up at that moment. This phrase is used to acknowledge the coincidence of someone arriving at a scene just at the time that they are being talked about. Clearly, nothing sinister is implied by this and it is just a jokey way of referring to the person's appearance. And it is more popular among Uzbek people

For example: Ey, do’stim, hozirgina sen haqingda gapirayotgandim, bo’rini gapirsa qulog’I ko’rinadi deganlari rost ekan (“Hey, man, I was just talking about you, it’s true that they say “**when you talk about a wolf, its ears will show up”)**

.

English equivalent – **‘SPEAK OF THE DEVIL’.[3]**

Example:

1. “Hi Tom, speak of the devil, I was just telling Sara about your new car.”

2. Did you hear what happened to Anna yesterday - oh, speak of the devil, here she is.

2. ***KO’ZA KUNDA EMAS, KUNIDA SINADI* (a pitcher(jug) breaks not every day but on one day)** – it means an event that happens infrequently and not often. Many of

the things that happen to us are expected or even planned but some are not. Some of these unexpected events are welcome while others are less so.

Example:

A: -Hey og'ayni, nima bo'ldi shashting past?

(Hey man, you look upset, what's wrong with you?)

B: -Har doim uyida bo'lar edi, bugun esa yo'q, hayronman.

(she used to be at home, but today she isn't, I wander why…)

A: -O'zi shunaqa bo'ladi, **ko'za kunda emas kunida sinadi …**

(It is because all they say **a pitcher(jug) breaks not every day but on one day…)**

English equivalent **– 'OUT OF THE BLUE' - s**omething that happens out of the blue is completely unexpected: For example:

Then one day, out of the blue, she announced she was leaving.

Other equivalents:

An event that **catches/takes you by surprise** shocks or confuses you because it happens suddenly when you are not prepared for it: *The strength of the storm caught many residents by surprise.* A similar expression is to catch someone off guard: *Her remark caught me off guard and I didn't know how to respond.* The expression to catch/take someone unawares has a similar meaning, but sometimes has the additional meaning of 'to embarrass someone because they are not prepared': *A gust of wind caught me unawares and scattered my papers everywhere.*

In these situations Uzbeks use that idiom: **Ko'za kunda emas, kunida sinadi (a pitcher(jug) breaks not every day but on one day)**

3. ***'TUYANI DUMI YERGA TEKKANDA'*****(when a camel's tail touches the ground) –** refers to something that is highly unlikely to ever happen or something that will never happen.

*Eexample***:**

Tolib, u seni qarzingni berib bo'pti, hafa bo'lmaginu uka, qarzingni endi **tuyani dumi yerga tekkanda** olasan... **(**Tolib, he doesn't pay off your money, he pays back **when a camel's tail touches the ground,** but don't be upset about what I said…**)**

English equivalent is **'WHEN PIGS FLY' - "**it is so hard work for me, I'll do that by tomorrow when pigs fly!"

Example Sentences:

- Her crazy mother said that being so lazy, Megan is going to be rich one day for sure and without any hard working job. Come on, **when pigs fly!**
- I asked my boss if I could go on a two month vacation, he said yes, **when pigs fly**!
- I think he'll pay you back your money – **when pigs fly**.

Source: theidioms.com

4. ***'BITTA O'Q BILAN IKKI QUYONNI URMOQ'***(to kill two rabbits with one bullet of gun)– to solve two problems at once or achieve two things with one action.

Example:

A: -Seminarda qatnashayotganimda ham zo'r ma'lumotlarni qo'lga kiritdim ham domla bilan tanishib, telefonini ham oldim.

B: -Demak, bir o'q bilan ikki quyonni uribsizda, og'ayni?

A: -when I was attending the seminar I got great information and introduced my new teacher after that seminar and got her telephone number too.

B: -it sounds like as if you kill two rabbits with one bullet of gun, doesn't it, man?

English equivalent is **'TO KILL TWO BIRDS WITH ONE STONE'**

Meaning [4]

To accomplish two different things at the same time

To solve two problems with one single action

To achieve two things with a single action

To achieve two ends with a single effort

Example Sentences

1. I have to go to the bank, and on the way back, I'll pick up the groceries also, **killing two birds with one stone**.
2. He had gone to Mumbai on a business trip, while there, he **killed two birds with one stone** and visited his relatives also.
3. Cycling to work **kills two birds with one stone**. It saves money and gives you some exercise.
4. I read the newspaper while sipping my morning cup of tea, **killing two birds with one stone**.
5. When I went for the interview, I caught up with a few old colleagues who now work there, **killing two birds with one stone**.
6. He dropped his kids to school while going to work, **killing two birds with one stone**.[5]

5. ***"ODAMNI OLASI ICHIDA BO'LADI"*****(human's true color is always inside the body)**– it means *to not judge someone or something based solely on appearance.* One should not form an opinion on someone or something based purely on what is seen on the surface, because after taking a deeper look, the person or thing may be very different than what was expected.

Example:

A: Ko'rinishidan aqlli va ishbilarmon deb o'ylagandim va ishonib ish topshiribman unga. Lekin endi balsam, u hech narsani bilmas ekan. Hamma ishni pachavasini chiqardi…

B: shuning uchun ham odamni ko'rinishiga qarab hech qachon baho bermang, chunki **Odamni olasi har doim ichida bo'ladi,** do'stim

A: -I thought he's so clever, smart and punctual by looking at his appearance, manner and I gave some precious work to do believing that but now I know he doesn't know anything, he messed up all work…

B: - That's why never judge people by their appearance, my dear friend, because **human's true color is always inside the body.**

English equivalent is **'YOU CAN'T JUDGE A BOOK BY ITS COVER'**

Example:

1. Pineapple, a delicious fruit, never appealed to Jake because of its hard and spiky exterior. However, a friend of his cut a slice for him to eat the other day, and Jake quickly learned that **you shouldn't judge a book by its cover.**
2. *"Don't judge a book by its cover, see a man by his cloth, as there is often a good deal of solid worth and superior skill underneath a jacket and yellow pants."*

Other example sentences:

1. The candidate did not look very intelligent, but you **can't judge a book by its cover**.
2. The hotel looked attractive from outside, but the rooms were damp and not well maintained. You **can't judge a book by its cover**!
3. Do not form opinions of a person's character by looking at his appearance. You **can't judge a book by its cover**.
4. At first we did not want to go into the restaurant as it looked small and cramped; but the food was delicious – we realized that you **can't judge a book by its cover**.
5. The car was small and looked unsuited for a long trip, but packed a lot of power and was very solid. You **can't judge a book by its cover**.
6. That man may look very small and insignificant, but **don't judge a book by its cover** – he's a very powerful man in his circle.[6]

6. ***"KO'ZI TO'RT BO'LMOQ"***- (smb's eyes become four) means to wait anxiously; worry while waiting

Example:

Kecha ho'jayinim kelmadi. Bugun ertalab, havotirda ko'zim to'rt bo'ldi… (Yesterday my husband didn't come, this morning my eyes became four worryingly…)

English equivalent is " **TO SWEAT IT OUT".**

Example:

My exams finish next week, and then I'll be sweating it out for a month waiting for the results.

'HAMIR UCHIDAN PATIR' **(big bread from the tip of dough)**- A very small part of a bigger whole.

Example:

A: -Menga bugun 2 ta qo'l telefoni, yashash uchun chiroyli hona, 2 ta chetga chiqishga chipta berishdi, menga shuncha narsa berishdi, lol qoldim…(Today they gave

me 2 cellphones, a convenient flat to live and two tickets for going abroad, so many things they gave… I'm very impressed)

B: - Ehhe, do'stim, bu hali hamir uchidan patir holos! (hmm, this treat is just a big bread from the tip of dough (means that's not all), my dear friend!)

English equivalent is "**THE TIP OF THE ICEBERG**" or " **A DROP IN THE BUCKET (OR OCEAN)** " **-**

A tiny amount, especially when compared ***to a*** much larger one.

Example:

I'm glad Tony startedrepaying the money *he* borrowed from me, but the five dollars *he* gave *me* yesterday *is* just *a* **drop *in* the bucket** compared *to* what *he* still owes.

A very small quantity, especially one that ***is*** too small.

e.g. These contributions arejust *a* **drop *in* the bucket**; the new church wing will cost thousands more .

My letter of protest was just a drop in the ocean. [7]

Conclusion. Using idioms in a speech can make it more interesting and vibrant. We sometimes use some idioms in our oral speeches. Because somehow we find them true in some situations. And it can also give information about historical viewpoints of people about any situation. If you use idioms in your speech you can easily attract or draw your reader's / listener's attention.

This List of commonly used idioms and sayings (in everyday conversational English and Uzbek), can help to speak English by learning English idiomatic expressions and to translate your uzbek speeches into English in order to make it easier to understand. This is an article, which contains Some similar idioms in Uzbek and in English that are the most commonly used in Uzbek and the English speakers' everyday lives.

References:

1. https://www.ef.com>wwen>English- idioms
2. englishlive.ef.com
3. the oxford companion to the English language (1992:495f.)
4. Horn, George (2003). "Idioms, Metaphor, and Syntactic Mobility". Journal of linguistics. 39: 245-275.
5. Source: theidioms.com
6. Source: theidioms.com
7. https://www.smart-words.org.>idioms-manners-

THE MOST USEFUL IDIOMS AND THEIR MEANING-SMART WORDS

IS'HOQXON TO'RA IBRAT OLTI TILLI LUG'AT (لغات ستة السنة)I TUZILISHI VA UNDAGI FE'LGA OID SO'ZLARNING ZAMON SHAKLLARI, LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Rahmatullayev Yunusxon Ubaydullayevich
Namangan davlat universiteti katta o'qituvchisi
Zaripov Rafiqjon Ergashboy o'g'li
Namangan davlat universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya: *Maqolada Is'hoqxon To'ra Ibratning Olti tilli lug'at (لغات ستة السنة)i tuzulishi, tarkibiy qismlari va unda keltirilgan so'zlarning tartibi ko'rsatib o'tilgan. Fe'l turkumiga oid so'zlarning zamon shakllari, leksik-semantik xususiyatlari ochib berilgan. Lug'atda keltirilgan olti tildagi leksemalarning o'zaro munosabatiga to'xtalingan.*

Kalit so'zlar: *lug'at, olti tilli lug'at (لغات ستة السنة), fe'l zamonlari, hozirgi-kelasi zamon, infinitiv shakl, fors, arab, turk, sort(o'zbek), hind, rus, transkripsiya, leksik sath, leksik qatlam, leksikografiya.*

СЛОВАРЬ НА ШЕСТИ ЯЗЫКАХ ИСХОКХАНА ТОРА ИБРАТА, ФОРМЫ И ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГЛАГОЛА ПРИВЕДЁННЫЕ В НЁМ.

Рахматуллаев Юнусхон Убайдуллаевич
Старший преподаватель
Зарипов Рафикжан Эргашбай оглы
Преподаватель
Наманганского государственного университета

Аннотация: *в данной статье представлены материалы словаря на шести языках Исхокхона Тора Ибрата. Структура, основные части и порядок слов данные в словаре соответствуют требованиям предъявленным такого рода работам. Раскрыты лексико-семантические особенности глагола и его формы времени, а также взаимоотношение лексики на шести языках.*

Клучавой слова: *словарь, словарь на шести языках, времена глагола, ностоящее, будушее время, инфинитическая форма, персидский, арабский, турецкий, сарт(узбекский), транскрипция, лексическая сфера, лексический слой, лексикография.*

THE STRUCTURE OF IS'HOQXON TO'RA IBRAT "SIX LANGUAGES DICTIONARY" AND TENSE FORMS, LEXIC-SEMATIC FEATURES OF VERBAL WORDS.

Rahmatullayev Yunysxon Ubaydullayevich
senior teacher of Namangan State university
Zaripov Rafiqjon Ergashboy ugli
teacher of Namangan State university

Annotation: *The article shovs the structure of Is'hoqxon To'ra Ibrat "Six languages dictionary".Its components and the order of given words. Tense forms, lexic-sematic features of verb categorized words are revealed. The interaction of lexemes in six languages listed in the dictionary is pointed.*

Key words: *six languages dictionary, verb tenses, present- future tense, infinitive form , Persian, Arabic, Turkic, Sart (Uzbek), Indian, Russian, transcription, lexic base, lexsic layer, lexicography.*

Til insonlar fikr almashinuvining asosiy vositasi bo‘lib, u orqali turli xil kommunikatsiyalar amalga oshadi. O‘zaro aloqani samarali yo'lga qo‘yish uchun shaxs nutqida so‘z boyligi yetarli darajada bo‘lmog‘i lozim. So‘z boyligi tilning leksik qatlami miqdori bilan o‘lchanadi. Qaysi tilning leksik sathi qanchalik boy bo‘lsa, shu tilda so‘zlashuvchilarning nutqi shuncha xilma-xil va betakror bo‘ladi. Bunda esa leksik qatlam va leksikografiyaning ahamiyati katta.

Har bir davrda olimlar til masalalari bilan shug‘ullanib kelgan. Arab leksikografiyasi taraqqiyoti VII - VIII asrlarda o‘z yuksalish cho‘qqisiga erishgan bo‘lsa, O‘rta Osiyoda bu sohaning rivoji XI - XII asrlar va XV - XVI asrlarda avj oldi. Garchi O‘rta Osiyo hududida tuzilgan lug‘atlar ham asosan arab tilida yaratilgan bo‘lsa-da, ularning vujudga kelishi turkiy tilning taraqqiyotiga muayyan darajada xizmat qildi. Chunki bu lug‘atlarda turk lahjasidagi so‘zlar ham berilgan. Bu soha keyingi davrlarda taraqqiy etdi. Xususan, XIX - XX asrlarda yashab ijod qilgan tilshunos Is’hoqxon To‘ra Ibratning faoliyatida ham lug‘atchilik muhim ahamiyat kasb etganini kuzatishimiz mumkin.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning tashabbuslari bilan Is’hoqxon To’ra Ibratning hayoti, faoliyati, ijodi hamda avlodlarga qoldirgan bebaho meroslarini yangi bosqichlarda o’rganish va tadqiq etish ishlari boshlab yuborildi va bu borada salmoqli ishlar amalga oshirildi. Bizning ushbu kichik ilmiy izlanishimiz ham bu boradagi ishlarning bir qismi bo’lib xizmat qiladi desak mubolag’a bo’lmaydi.

Avvalo, lug’atning nomlanishiga e’tiborimizni qaratsak. Lug’at arab tilida nomlangan va uning birinchi sahifasida shunday so’zlar bitilgan:.

لغات ستة السنة من تصنيفات احقر الحاج اسحاق خان توره قاضى بن جنيد الله
توره قورغان
و فى تابع النمنكان حرسه الله عن الشر الدوران

Словарь
На сартовскомъ языке
съ объясненiемъ Русскихъ, Арабскихъ, Персидскихъ,Тюркскихъ и
Индийскихъ слов вь мусульманской транскрипции
Составилъ Казии Наманганскаго уъз, кишлака Тюря-Курганъ
Исхакъ-Ханъ-Тюря-Ходжа Джунайдулла. Ишановъ
Типо-Литография В. М. Ильина въ Ташкентъ.

شهر تاشكند
واسيلى ميفود ييويج ايلين نى باسمه خانه سيده باسيلميشدور
1901[1, 1]

Yani, olti tilli lug’at Junaydulla o’g’li Qozi Hoji Is’hoqxon To’ra To’raqorg’oniy tuzgan lug’at.

Bu lug’at sortcha, ruscha, arabcha, forscha, turkcha, hindcha so’zlarning sharhini musulmon transkripsiyasida aks ettirgan.

Ushbu lug’atni Namangan uyezdidagi To’raqo’rg’on qishlog’ining qozisi Is’hoqxon To’ra Hoji Junaydulla o’g’li Eshonov tuzdi.

Toshkent shahridagi V. M. Ilin nomidagi tipo-litografiyada bosilgan. 1901- yil deb bitilgan arab alifbosidagi yozuvlar mavjud.

Bundan ko‘rinadiki, ushbu lug‘at Is’hoqxon To‘ra Ibratning o‘zi tomonidan tuzilgan. Lug‘at o‘z nomi bilan olti tilda, birinchi fors tilidagi so‘z, keyin arabcha, turkcha, sortcha, hindcha va ruscha muqobil shakllarida tartib berilgan. Shuningdek, lug‘at Namanganning To‘raqo‘rg‘onida tuzilganligi hamda Toshkent shahridagi V. M. Ilin nomidagi tipo-litografiyada 1901- yil bosilganligi ma'lum bo‘ladi.

Ushbu lug‘atni tuzishda olim arab alifbosining forscha variantini asos qilib olgan. Ya'ni avvalo, fors tilidagi so‘z uning arab, turk, sort (o‘zbek tili nazarda tutilmoqda), hind va rus tillaridagi ma'nosi berilgan.

Maqolada kitobning bizda mavjud bo‘lgan nusxasining ا (alif) harfi bilan boshlangan so‘zlaridan foydalandik.

Ushbu lug’atni tuzishda asosiy e’tibor so’zning fe’l shakllariga qaratilgan. Lug’atda fe’lning o’tgan va hozirgi-kelasi zamon shakllariga to’xtalingan.

Arab tilida fe’llarning infinitiv shakli mavjud emas. Zamonaviy lug’atlarda o’quvchi foydalanishi oson bo’lishi uchun fe’lning uchinchi shaxs birlik muzakkar o’tgan zamon shakli sharqshunoslar tomonidan qabul qilingan. Masalan: درس(darasa)-o’rganmoq asl ma’nosi u(mz) o’rgandi. شرب(shariba)-ichmoq asl ma’nosi u(mz)ichdi.

Is’hoqxon To’ra Ibrat ham uchinchi shaxs muzakkar birlik variantini fe'lning infinitiv shakli deb bergan.

Fe’llarning hozirgi-kelasi zamon shaklini berganda uchinchi shaxs muzakkar shaklidan foydalangan. Masalan: ذهب(zahaba)-bormoq hozirgi-kelasi zamon variantida يذهب(yazhabu)-borar shaklida keltirilgan. Hozirgi kundagi lug’atlarda ushbu shaklni “u borayapti”, “u boradi” shaklida beriladi.

Biz quyida ushbu lug’atda keltirilgan ayrim fe’l so’z turkumiga oid so’zlarning leksik-semantik xususiyatlariga to’xtalib o’tamiz.

Lug’atdagi “kelgan” so’ziga e’tiborimizni qaratsak,

1. امد **(forscha),** جاء **(arabcha),** كيلگان **(sortcha)-Kelgan-(kelmoq)-gan** qo‘shimchasi shaklida **(kelgan)** ch. k. dagi so’z bilan qo‘llanib, shu so‘z bildirgan belgi, holatga moyillik, o‘xshashlik ma'nosini bildiradi [2, 1]. Ko’rinadiki, o’sha davrda kelgan so’zi hozirgi zamonaviy shakli kabi berilgan va fe’lning o’tgan zamonda ro’y bergan ish harakatini namoyon qilmoqda.

2. بيايد **(forscha),** يجيء **(arabcha),** كيلور **(sortcha)-Kelur-Kelmoq**(hozirgi kelasi zamon, badiiy shakl)

3. بيارد **(forscha),** يجيب **(arabcha),** اليب كيلور **(sortcha)-Olib kelur (olmoq+kelmoq qo’shma fe’l)**

4. اموختان **(fors),** تعليم **(arab),** اورگانمك **(sort)-O‘rganmoq.** Ushbu so’z quyidagicha ma’nolarni anglatadi.

a) Bilim, kasb, ish va h.k. ni o‘zlashtirmoq, egallamoq, bilib olmoq. *Birovdan ish o‘rganmoq. Shaxmat o‘yinini o‘rganmoq. Hunar o‘rganmoq [2, 2]. Oz-ozdan o‘rganib olim bo‘lar.* Maqol. Lug’atda keltirilgan o’rganmoq so’zi urganmak holida ham talaffuz qilingan bo’lishi mumkin. Va, o’sha davr til xususiyatlari bilan bog’liq yoki badiiy jihat bilan anglashiladi.

b) Ushbu so’zning 2-ma’nosi ham mavjud bo’lib, o’zbek tilining izohli lug’atida quyidagicha keltiriladi: Siri, mohiyati, mazmuni va sh.k. ni aniqlash, belgilash maqsadida tekshiruv, kuzatuv, tahlildan o‘tkazmoq [2, 3].

c) G‘ayritabiiy, noqulay kabi tuyulmaydigan holga aylanmoq, shunday sezilmoq, qabul qilmoq [2, 4].

d) Odat qilmoq [2, 5] *O‘rgangan ko‘ngil o‘rtansa qo‘ymas.* Maqol.

f) O‘zini yaxshi aloqada tutmoq, moslashmoq, bog‘lanib («o‘ziniki bo‘lib») qol-moq [2, 6].

Nazarimizda olim ushbu lug‘atda so‘zning fors tilidagi ma’nosiga asoslanganligi uchun ham bu so‘zning birinchi ma’nosinigina e’tiborga olgan.

5. بياموزد **(fors),** يتعلم **(arab),** اورگنه دور **(sort)-O‘rgatmoq so‘zini o‘rgatadur shaklini keltiradi Bu esa** ilm, odob va sh.k. dan ta'lim bermoq [2, 7]. O‘rgatmoq ma’nosini ifodalagan. **Shuningdek,** biror narsa yoki ish-harakat bilan doim shug‘ullanadigan qilmoq, shunga odatlantirmoq [2, 8] ma’nosini ham anglatadi.

6. انداختان **(fors),** وضع**(arab),** سالمك **(sort)-Solmoq** so‘zi solmak shaklida keltiriladi. **(sol+moq(mak-tarixiy shakl))- *solmoq*** Biror narsa ichiga yoki ustiga joylamoq, qo‘ymoq, tashlamoq [3, 1].

7. بيندازد **(fors),** يترك **(arab),** سالور **(sort)-Solur (sol+ur)hozirgi kelasi zamon fe’li**

8. اندوختان **(fors),** جمع **(arab),** كوبايتورمك **(sort)-Ko’payturmak -** ko’paytirmoq

9. اسودن **(fors),** مقيم **(arab),** اراميك **(sort)-Oromlik (orom+lik,orom oladigan payt nomi) *orom*** — tinchlik, xotirjamlik; dam olish, hordiq, jon-tan rohati; dam olishdan, tinchlikdan, osoyishtalikdan topiladigan rohat, huzur. *Orom bermoq. Orom olmoq [3, 2].*

10. بياساید **(fors),** يقيم **(arab),** ارام الور **(sort)-Orom olur (orom olmoq fe’lining hozirgi kelasi zamon shakli)** oromlanmoq *kam qo‘llanadi.* Orom olmoq, tinchlanmoq, rohat qilmoq [3, 3].

11. افزودن **(fors),** زيداً **(arab),** زياد ايتمك **(sort)-Ziyod etmak (ziyod etmoq; ravish+etmoq fe’li) ziyod** -ko‘p, ortiqcha; qo‘shimcha [2, 9].

12. بيفزايد **(fors),** يزيد **(arab),** زياده قيلور **(sort)-Ziyoda qilur (ravish+qilur) ko’paytirmoq ma’nosida.**

13. اراستن **(fors),** مزين **(arab),** اراسته **(sort)-Orasta – *orasta*** — (bezatilgan, ziynatlangan;) Tartibga solingan, oro berilgan, yasatilgan, bezatilgan [3, 4.

14. بيارايد **(fors),** يزين **(arab),** اراسته قيلور **(sort)-Orasta qilur (qo’shma fe’l)**

15. افتادن **(fors),** هبوط و نزول **(arab),** توشمك **(sort)-Tushmak (tushmoq)** Tushmoq yuqoridan, balanddan yoki biror narsa ustidan pastga tomon harakat qilmoq; yo‘nalmoq [4, 1] ma’nolarini anglatadi. Ta’kidlash lozimki, o’zbek tilining izohli lug’atida bu so’zning 24 ta ma’nosi keltiriladi.

16. بيفتد **(fors),** ينزل **(arab),** توشار **(sort)-Tushar (Tushmoq fe’lining hozirgi kelasi zamon shakli)**

17. ايستادن **(fors),** قايم **(arab),** تورمق **(sort)-Turmoq- Turmoq** *1* Oyoq uzra tik vaziyatda bo‘lmoq. *Oyoq uchida turmoq. Saf tortib turmoq [4, 2]. Tiz cho‘kib yashagandan tik turib o‘lgan yaxshiroq.* Maqol. O’zbek tilining izohli lug’atida turmoq felining 13 ta ma’nosi keltiriladi.

18. باستد **(fors),** يقوم **(arab),** ترار **(sort)-Turur (turmoq fe’lining hozirgi kelasi zamon shakli, tarixiy shakl).**

Quyida jadvallashtirilgan holda yuqorida keltirilgan leksemalar va boshqa so’zlarning lug’atdagi tartibi asosida berilgan qismlaridan namunalar keltiramiz:

№	Fors	Arab	Turk	Sort	Hind	Rus
	امد	جاء	كيلن	كيلگان	انا	بريشول

1	Omad	Jaa’a	Kilan	Kelgan		Пришёл
	بیاید	يجيء	كيليور	كيلور	ادی	بريدوت
2	Beyoyid	Yaji’u	keluyur	Kelur		Придут
	بیارد	يجيب	كيتورور	اليب كيلور	لادی	برينيسوت
3	Beyorad	Yajiibu	keturur	Olib kelur		Принесут
	اموختان	تعليم	اوگراتمك	اورگانمك	سيكهنا	اوجيتسه
4	Omuxtan	Ta’lim	ugratmak	Urganmak		Учиться
	بیاموزد	يتعلم	اوگرته يور	اورگته دور	سيكهی	بوديت اوجيتسه
5	Byomuzd	Yata’allamu	ugratayur	Urgatadur		Будет учиться
	انداختان	وضع وترك	سالمق	سالمك	دالنا	بولوجيت
6	Anduxtand	Vada’a, taraka	Solmaq	Solmak		Положить
	بیندازد	يترك	ساليور	سالور	دالی	بولوجيت
7	Beyandozad	Yatruku	Soliyur	Solur		Положить
	اندوختان	جمع	چوخيتورمك	كوبايتورمك	جمع كرنا	اومنوجيت
8	Onduxtan	Jama’a	Chuxiturmak	Ko’payturmak		Умножить
	اسودن	مقيم	راحتلو	ارامليك	ارام بانا	اتديحايوشی
9	Osudan	Muqiym	Rohatlu	Oromlik		Отдыхающий
	بیاساید	يقيم	راحت اولور	ارام الور	ارام بادی	بوديت اتديحات
10	beyosoyad	Yaqiimu	Rohat olur	Orom olur		Будет отдыхать
	افزودن	زيداً	زياد ايتمك	زياد ايتمك	زياده كرنا	برياويت ليشني
11	Ofzudan	Zayidan	Ziyod etmak	Ziyod etmak		Прибавить
	بیفز اید	يزيد	زياده اولور	زياده قيلور	زياده كری	نادباويت
12	beyfizoyad	Yaziidu	Ziyoda ulur	Ziyoda qilur		Надбавить
	ازمودن	إمتحاناً	امتحان	ازمايش	ازمانا	يگزامين
13	Ozmudan	Imtihanan	Imtihan	Azmoyish		Экзамен
	بیازماید	يمتحن	امتحان ايدر	ازماش قيلور	ازمادی	يگزامينماويت
14	Beyozmoyed	Yamtahinu	Imtihon edar	Ozmosh qilur		Экзаменовать
	اراستن	مزين	ارايش	اراسته	سنوارنا	چيستيت
15	Orastan	Mazin	Oroyish	Oresta		Чистить
	بیاراید	يزين	ارايش ايدار	اراسته قيلور	سنواري	ويچيستيت
16	beyoroyid	Yazinu	Oroyish edar	Orasta qilur		Вычистить
	افتادن	هبوط و نزول	دوشمك	توشمك	گرنا	اسليزات
17	Aftodan	Hubuut, nuzuun	Dushmak	Tushmak		Слезать
	بیفتد	ينزل	دوشر	توشار	گری	اسليزوت

18	Beyoftad	Yanzilu	Dushar	Tushar		Слезет
	ایستادن	قایم	دوران	تورمق	کهرار هنا	استات
19	Istodan	Qoyim	Duran	Turmoq		Стать
	باستد	یقوم	درویور	ترار	کهرارهی	استایوت
20	Bostad	Yaquumu	Duruyur	Turar		Станет

Umuman olganda, Is'hoqxon Ibratning **OLTI TILLI LUG'AT (**لغات ستة السنة**)i** o'sha davrda leksikografiyaning taraqqiyoti uchun muhim hissa qo'shdi. Ushbu lug'atning olti tilda ekanligi ajdodlarimizning naqadar ko'p til bilganliklari bilan birga, bu tillarda bemalol asar yaratish ko'nikmasiga ega bo'lganliklaridan dalolatdir.

Lug'atda keltirilgan so'zlarning katta qismini fe'l so'z turkumiga oidligiga e'tiborimizni qaratsak, o'sha davr til o'rganuvchilari uchun qulaylikni yuzaga keltirmoqchi bo'lganligi namoyon bo'ladi. Ushbu lug'atni tuzishda asosiy e'tibor so'zning fe'l shakllariga qaratilgan. Lug'atda fe'lning o'tgan va hozirgi-kelasi zamon shakllariga to'xtalingan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Is'hoqxon To'ra Ibrat ziyoli va o'ziga to'q oiladan bo'lganligi sababli, o'z zamonasining muammolarini yetarli darajada anglab yetgan va xalqni uyg'otishga harakat qilgan. Uning qimmatli asari nafaqat o'z zamonasi, balki, bugungi kun uchun ham dolzarbligini saqlab kelmoqda. O'sha davr til xususiyatlarini o'rganish lug'at va leksikografiya ishlarini kuzatishda hamda xulosa chiqarishda muhim manbaa hisoblanadi. Demak, aytishimiz mumkinki, bu asarning bizlarga beradigan hikmatlari beqiyosdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Исхакъ.Ханъ.Тюря.Ходжа Джунайдулла. Ишановъ Типо-Литография В. М.Илина въ Ташкентъ.1901. 18-бет.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугъати 5 жилдлик 2-жилд. "Ўзбекистон миллий энсиклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2006-йил. 408, 172-бетлар.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугъати 5 жилдлик 3-жилд "Ўзбекистон миллий энсиклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2007-йил. 590, 54, 148, 142-бетлар.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугъати 5 жилдлик 4-жилд "Ўзбекистон миллий энсиклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2008-йил. 228, 208-бетлар.

ШАХС НУТҚИГА ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Саидова Муҳаббат Шукруллаевна
Наманган давлат университети
филология фанлари номзоди, доцент

***Аннотация**: Мақолада шахс нутқига ёш хусусиятларининг таъсири, ўзаро фикр алмашиниши, алоқа-муносабат жараёнининг тадқиқи, ижтимоий нутқ табиати каби масалалар илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситалардан фойдаланиш коммуникантларнинг муомалавий коммуникатив актнинг таркибий қисмларидан бири сифатида талқин этилган.*

Калит сўзлар: *нолисоний воситалар, муомалавий коммуникатив акт, адресант, адресат, новербал воситалар, кинема, тасдиқ сема, коммуникант...*

ВЛИЯНИЕ ВОЗРАСТНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ НА РЕЧЬ ЛИЧНОСТИ

Саидова Муҳаббат Шукруллаевна
Наманганский государственный университет
Кандидат филологических наук, доцент

Аннотация: *В статье освещаются вопросы влияние возрастных особенностей на речь личности, а также их взаимоотношений, исследуется процесс общения и природа социального наречия. Анализируется части процесса использования коммуникативного акта при вмешательстве в качестве составной части общения в речи.*

Ключевые слова: *неязыковые средства, коммуникативный акт общения, адресант, адресат, невербальные средства, кинема, сема подтверждения, коммуникант...*

THE EFFECTS OF AGE PECULIARITY TO PERSON'S SPEECH

Saidova Mukhabbat Shukrullayevna
Namangan State University
Candidate of philological subjects, professor

Annotation: *In this article, issues such as the effects of age peculiarity to person's speech, mutual change of ideas, analysis of communication process, and nature of social speech are illuminated from a scientific side. Using nonverbal sources during communication process is shown as one of the components of communicators' connective statement)*

Key words: *non-lingual sources, connective and communicative statement, addressant, addressat, nonverbal sources, kineme, confirmation theme, communicator.)*

Шахс нутқига ёш хусусиятларининг таъсири хусусида ҳам атрофлича мулоҳаза юритиш мумкин. Шахс нутқига ёш хусусиятларининг таъсири деганда кўз олдимизда сўзлаётган бола, сўзлаётган ёш киши, сўзлаётган ўрта яшар эркак ёки аёл, сўзлаётган чол ёки кампир гавдаланади. Буларнинг ичида, одатда, болаларнинг нутқи маълум нутқий қолипларга солинмаганлиги, ўзгарувчанлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шахс нутқига ёш хусусиятларининг таъсирини бадиий асар қаҳрамонлари нутқида ҳам, кундалик турмушимизда ҳам кўп кузатамиз. Бу борада таҳлил этилаётган шахс нутқи тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабатини назарда тутиш ҳам ўта муҳимдир. В.В.Виноградов «Бадиий адабиёт тили ҳақида» (1959) номли асарида таъкидлаганидек, бадиий асар қаҳрамонлари тилининг тарихий ҳаракатини умумхалқ тили ҳамда унинг турли тармоқланиши тарихидан тамоман ажратилган ҳолда ўрганиш мумкин емас. Бадиий асар қаҳрамони бўлган шахс нутқининг икки турини фарқлаш мумкин:

1) замонавий шахс нутқи (бугун яратилган),

2) тарихий шахс нутқи (ўтмишда яратилган).

Замонавий шахс нутқининг ҳам ўз навбатида икки турини кузатиш мумкин, яъни: а) бугунги кун мавзусидаги замонавий шахс нутқи; б) тарихий мавзудаги замонавий шахс нутқи. Масалан, С.Аҳмаднинг «Қоракўз Мажнун» ҳикоясидаги асар қаҳрамонлари нутқи, Ў.Ҳошимовнинг «Томсувоқ» асар қаҳрамонлари нутқи бугунги кун мавзусидаги замонавий шахс нутқи, М.Алининг «Улуғ салтанат» романидаги Амир Темур нутқи тарихий мавзудаги замонавий шахс нутқи, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асаридаги Фарҳод, Ширин, Хусрав нутқлари ҳам тарихий шахс нутқларидир.

Киши баъзан сўзлаётган шахснинг ўзини кўрмай туриб ҳам (масалан, телефонда) унинг ёши ҳақида билиши мумкин.

Ёшларнинг нутқида баъзан уларнинг нутқ сифатини бузиб турувчи жаргонлар, арголар, варваризмларнинг учраб туришини кузатамиз. Одатда, бундай ҳолатлар аксарият кексалар нутқида учрамайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нутқларида катта ёшлилар нутқига хос жиҳатларни кўп кузатишимиз мумкин эди:

*«Ўзбекистондаги барча болалар **менинг фарзандларим. Барака топгурлар**, уларнинг келажагини, бахти-саодатини ўйлаш ҳар бир виждонли фуқаронинг бурчидир.»*

Матндаги «***менинг фарзандларим», «Барака топгурлар»*** каби бирликлар ката ёшлиларнинг нутқига хос.

А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида Отабек, Ҳасанали, Раҳмат образларининг ёшини уларнинг нутқиданоқ англаймиз:

Отабек меҳмонларни танчага ўтқузиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:

— Тузукмисиз, ота?

— Худога шукур, — деди Ҳасанали, — боягидан бир оз енгилладим. Мазмуни ис теккан экан.

— Баъзи юмушлар буюрсам…

— Буюрингиз, ўглим.

— Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб берсангиз-чи.

— Хўб, бегим.

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайтиб соғлиқ сўрашқандан кейин сўради:

— Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди.

— Қулингиз?

— Шундоғ.

Маълумки ўзбекларда “Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда” деган мақол бор. Бу хулқ-атворин тарбиялашга хизмат қилувчи мақолнинг мазмуни кичик ёшли коммуникантлар нутқидаги новербал ҳаракатларда ҳам ўз ифодасини топган. Қуйида келтирилган мисолда ҳам буни кўриш мумкин. *Эллик беш ёшлардаги*

салобатли кампир сидирга оқ атлас кўйлагини шитирлатиб дарсхонага кириб келаётганда Бобур ***дарҳол ўрнидан туриб,*** *бувисига салом берди. («Юлдузли тунлар»,, 36-бет).*

Кейинги йилларда тадқиқотчилар диққатини ўзаро фикр алмашиниши, алоқа-муносабат жараёнинг тадқиқи, ижтимоий нутқ табиати каби масалалар ўзига тортмоқда. Маълумки, мулоқот вербал ва новербал воситалар билан амалга оширилади. Алоқа-аралашувда шундай мураккаб жараён бўлиб, вербал воситалар етказиб беролмаган фикрни новербал воситалар ёрдамида тўлароқ етказиш имконини беради. "Алоқа-аралашув жараёнида нолисоний воситалардан фойдаланиш коммуникантларнинг муомалавий қусурлари бўлмасдан, коммуникатив актнинг таркибий қисмларидан бири саналади ва мулоқотнинг атрибути сифатида баҳоланади."[1] Новербал воситалар мулоқот маданиятида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, адресант ва адресатнинг ижтимоий мавқеини ҳам намоён қилади. Новербал воситалар нутқ шароити, воситаси, мулоқот жараёни, адресант ва адресатнинг руҳий ҳолати, бир-бирига муносабати миллий-маданий, ёш, жинс, мавқе каби омиллар билан боғлиқ. Алоқа-аралшувда нолисоний воситалар иштирок этар экан, у кишиларнинг жамиятда тутган мавқеига қараб ҳам ҳар хил ифодаланади. Буни, айниқса, тарихий дискурсда ўзига хос томонларини кузатиш мумкин. Бу ҳар хил ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Мавқеи юқори адресантга хос бўлган ҳаракатлар бошқа мавқедаги коммуникантдан фарқ қилади, яъни тарихий даврда мавжуд мавқе жиҳатидан баланд кишига мавқеи жиҳатидан паст кишилар ҳаракатида тавозенинг кучлилиги яққол намоён бўлади. Бу ҳар хил ҳолатдаги ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Айниқса, подшо (адресат) га нисбатан қўлланилган ҳамда подшо (адресант) қўллайдиган новербал ҳаракатлар бошқа мавқедаги коммуникантдан фарқ қилади. Яъни, подшо олдига келган сўзловчининг орқаси билан чиқиб кетиш ҳолатлари, кирганда таъзим қилиш ҳолатларида ҳам фарқлилик кузатилади. Бундан ташқари, иккала қўлни бир – бирига уриб чақириш ҳолатлари ҳам фақат подшога хос ҳолатлардан саналади. *Катта оқ салла, малла сақарлот делагай кийган Хўжа Яҳё Шайбонийхон ўтирган* ***тахтнинг олдигача таъзим қилиб борди.*** (*«Юлдузли тунлар»,165-бет)*

Ансорий ўрнидан тариб, Акбарга ***икки букилиб таъзим қилди****: - Илоҳо маҳдийларча улуғ адолат ўрнатиш сизга насиб бўлсин! – деди – да, энг зўр гапни ўзи айтгандай мамнуният билан ўзи илжайиб қўйди.* (Ҳумоюн ва Акбар 482- бет);

Хобгоҳ олдида Бобурни ***таъзим билан кутиб олган*** *ўн олти ёшли Ойиша бегим куёвга нисбатан кичкинагина, ингичкагина кўринади.* («Юлдузли тунлар», 147-бет);

Юқорида келтирилган мисолдаги "***таъзим қилиш***" билан боғлиқ ҳаракат асосан, тарихий романларда мавқе жиҳатдан юқори бўлган адресатга нисбатан қўлланилади. Бу кўпинча, юқори табақа вакилларига ҳурмат эҳтиром ифодаси ҳисобланади ва одат тусига кириб қолган. Таъзим қилиш билан боғлиқ бу ҳаракат ҳам мавқега қараб турлича бўлиши мумкин. Подшо (адресат) га нисбатан гавданинг эгилган ҳолати кўпроқ бўлса, бошқа мавқеи юқори кишиларга нисбатан эса

гавданинг хиёл эгилган ҳолатда бўлиши билан фарқ қилади. Чунки, бундаги асосий омил мавқе эканлиги билан характерланади. Юқоридаги мисолда подшога нисбатан қўлланилган. *Аҳмад Танбал чинни лагандаги гўштга энди қўл узатганда эшик секин очилди. Аҳмад Танбал лаганни бир четга суриб, эшикка қадалиб қаради. Бояги япасқи навкар хўжайининг тинчини бузгани учун* ***узр сўрагандай бўсағадан нарида туриб таъзим қилди****: - Бек жаноблари, севинчи беринг! – деди. – Бобур мирзо қўргонга кирмай қайтиб кетдилар. («Юлдузли тунлар»,,42-бет).*

Тарихий романлар лексикасида мавқеи баланд коммуникантга нисбатан таъзим қилиш ҳолатлари кўп кузатилади. Бу ҳам ҳар бир миллатда ўзига хослик касб этади. Пиримқул Қодиров тарихий романларининг асосини бобурийлар ҳукмронлиги даври ташкил қилган бўлиб, улар умрининг асосини Ҳиндистонда яшаган ва романларда ўша халқнинг ҳам урф – одат ва анъаналари акс этган. Бу ўз навбатида новербал воситаларда ҳам аксини топган. *Ҳозир подшо чақиртирганидан умидга тўлиб, шоша – пиша етиб келган Лаъл Чанд* ***қўлини жуфтлаб боши узра қўйганича таъзим қилди*** *– да: - Буюринг, ҳазратим! – деди.* (Ҳумоюн ва Акбар 130- *б);*

Азиз кўка эртаси куни пешинда Музаффаршоҳни тутиб келтирди. Бу шоҳ қирқ ёшлардаги, семиз, қора одам экан, ўзи шунча йил ҳукмронлик қилган саройни энди Акбар эгаллаб олганини кўриб, юзлари аламдан кўкариб кетди. Бироқ жони ширин туюлиб, Акбар ўлтирган тахт қаршисида ***таъзимга эгилди, ўнг қўлини орқасини аввал ерга теккизиб, сўнг боши устига баланд кўтарди – да, таслим бажо келтирди.*** (Ҳумоюн ва Акбар; 439-бет*);*

Хона тўридан Акбар билан Ҳамида бегим уларга пешвоз чиқдилар. Ака-сингил ***кафтларини жуфтлаб бошлари устига қўйган ҳолда уларга таъзим қилдилар***. (Ҳумоюн ва Акбар 370-бет); *Лаъл Чанд* ***кафтларини бир-бирига қўйиб, кўзи аралаш пешонасига теккизди-да, Бобурга таъзим қилди.*** («Юлдузли тунлар»,373-бет)

Юқоридаги мисолларда адресантнинг подшо адресатга нисбатан қўллаган новербал ҳаракатлари акс этган бўлиб, улар ҳиндларнинг мулоқот маданиятига хос. Бу ҳозиргача ҳиндларда мавжуд, яъни қўлини жуфт қилган ҳолатда таъзим қилиш. *Матвей Семёновичнинг ёнида ўн саккиз ёшлардаги барваста йигит ҳам бор эди. – Ўглим Аким! – деб уни Хумоюнга таништирди. Ота-бола иккови ҳам* ***мезбоннинг ҳурмати учун бошларидан қулочинларини олдилар.*** (Ҳумоюн ва Акбар 201-бет)

Тарихий асар матнидан олинган юқоридаги ҳолат ҳам бошқа миллат, яъни рус миллатига мансуб бўлиб, у ҳам подшога ҳурмат маъносини ифодалаган. Яъни, подшо олдида бош кийимини ечиб ҳурматини ифода этган. Кўринадики, нутқда фаол қўлланилувчи новербал воситалар ҳар бир миллатда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ўша халқнинг урф-одати, маданияти ва миллий менталитети билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Бундан ташқари, ялиниш, ёлвориш маъносида ***“тиз чўкиш”, “таъзим қилиш”*** каби ҳолатлар ҳам мавқеи юқори адресатга нисбатан ишлатилади.

Қосимбек эса унга интилди. Бобур қаршисида ***тиз чўкиб, бўғиқ ва илтимоскорона*** *овоз билан гапира бошлади: - Мирзом!.. Тангри сизга қувват берсин!Энди бизнинг пушти-паноҳимиз ўзингизсиз!* («Юлдузли тунлар», 39-бет)

Бундан аламзада бўлиб юрган Қорачахон пайтини топиб Комроннинг қароргоҳига келди, ***тиз чўкиб, ундан узр сўради****. (Ҳумоюн ва Акбар;246-бет);*

Совуқдан от чоптириб келгунча мўйловига қиров иниб, оқариб қолган Йўлчибек ўтов эшигидан кирди – ю, ***ерга ўзини ташлаб тиз чўкди****.* (Ҳумоюн ва Акбар 168- бет);

-Ҳақ гап айтдингиз, ҳазратим, - деди Турдибек ***таъзимга бош эгиб****.- Фармойишингизни бажонидил адо этгаймен! (*Ҳумоюн ва Акбар 55-бет*);*

Фақат ҳукмдорларга, яъни подшо ва малика адресатга нисбатан қўлланилувчи новербал воситалардан бири "таъзим қилиб орқаси билан чиқиб кетиш" ҳолати бўлиб бу ҳолатни бошқа мавқеи баланд адресатга қарата ишлатилганлиги кузатилмади. *Акбар Абулфазлни чақиртирди: -Жаноб вазир, фармон битинг: уста Пармоннинг оиласи билан бирга ватанига қайтиб келишига рухсат берилсин. Кўп йиллик меҳнати учун унинг ватанига етиб боргунича кетадиган йўл ҳаражатлари хазинадан тўлансин.*

- Бош устига, ҳазратим!-деб Абулфазл бу фармонни дарҳол бажариш учун ***орқаси билан юриб чиқиб кетди.*** **(**Ҳумоюн ва Акбар ,527-бет)

Бобур ўтовдан чиқиб ўз чодирига кирди. Орадан анча вақт ўтганидан кейин Мамадали китобдор айтилган китобларни ипак матога ўраган ҳолда ***икки қўллаб кўтариб кирди – ю, тўрдаги миз устига секин қўйиб орқаси билан юриб чиқиб кетди.*** (Юлдузли тунлар 239 бет);

- У ҳолда мактубларни қайтиб олиб келгайсиз, токи сургучлари бузилмаган бўлсин! – қатъий қилиб деди Ҳумоюн. – Жонимни гаровга қўйиб бўлса ҳам буйругингизни бажаргаймен! – деди лаъл ***Чанд ва орқаси билан юриб чиқиб кетди.*** *(*Юлдузли тунлар,131- бет);

Турдибек ***таъзим қилиб орқаси билан юриб эшикдан чиққач****, Ҳумоюн шоҳнишинга ўтиб ўлтирди. (*Ҳумоюн ва Акбар 46-бет)

Подшоларга хос бўлган новербал воситалардан бири икки қўлни бир – бирига уриш, яъни қарсак чалиш орқали чақириш. Бу ҳолат тарихий даврда подшо ва малика адресантлар томонидан фаол қўлланилган. *Кўпдан бери йўли тўсилиб, дам бўлиб ётган анҳорнинг олди очиб юборилса ўзанига сиғмай тошиб, лойқаланиб оқади. Шунга ўхшаб, Акбарнинг дилида қисилиб ётган туйғулари ҳам энди танасига сиғмай ёпирилиб чиқа бошлади. У* ***қарсак чалиб сармунши Ашрафхонни чақирди*** *– да, кетма – кет фармойишлар бера бошлади. (*Ҳумоюн ва Акбар 472 б-бет);

Акбар ***қарсак чалиб сармуншига буюрди****: - Мурод кирсин! (*Ҳумоюн ва Акбар 493-бет);

Сўнг секин ***қарсак чалиб, досторпечни*** *чақиртирди. (*Юлдузли тунлар, 108-бет)

Бобур кафтини кафтига қаҳр билан уриб, савдарбошини чақирди*: - Мен боя айвонда чоғир келтиришни буюрган эдим! Нечун келтирмади?* (Юлдузли тунлар 36 бет)
Юқоридагилардан кўринадики, бундай новербал ҳаракат, асосан, ҳукмдорларга хос.

Мавқеи баланд коммуникантларга нисбатан қўлланиладиган новербал воситалар сирасига *қўлини кўксига қўйиш, қўл қовуштириш, тиз чўкиш* каби ҳаракатларни ҳам киритиш мумкин. Ҳукмдорлар олдида қўлини кўксига қўйиш ҳолати ҳам ҳурмат маъносини ифодалайди. Бу ҳолат урф-одат даражасига кўтарилган. Асосан, эркак коммуникантлар подшо олдида қўлини қовуштириб ўтирганлар. Қўлини қовуштириш аёл коммуникантлар нутқида умуман учрамайди. Бу новербал ҳаракатлар ҳозирги мулоқот маданиятимизда ҳам ҳурмат маъносида қўлланилади. *Боя оломонга жаҳл қилиб қилич ялангочлаган қўрчибоши қиличини қинига*

қайтариб солди-да, фил устидаги Ҳумоюнга ***бош эгиб****, ундан узр сўраган каби* ***қўлини кўксига қўйди****. (ҲА 35б); Қосимбек* ***қўлини кўксига қўйиб, бош эгди****: - Кулингизнинг густоҳлигини афв этинг, бегим, мен амирзодамнинг ижозатлари билан дилимда борин сўзладим. (ЮТ 87)*

Манх синх ўрнидан туриб ***қўл қовуштирди****:- Узрингиз менга сари тож бўлсин, ҳазратим! (ҲА 453)*

Тоға-жиян саккиз бурчакли оқ ўтовдан берироқда отлиқ келаётган Қосимбекни кўрдилар ва унинг ҳурматига отдан ***тушиб қўл қовуштирдилар****. (ЮТ 97)*

- Ҳазратим! – деб Низом қаршисида ***тиз чўккан муширф қўйнига қўл солди.*** *(ҲА 112б)*

- Ҳазратим! – деб Низом қаршисида ***тиз чўккан муширф қўйнига қўл солди.*** *(ҲА 112б)*

У кўпчиликнинг олдида Бобирга тан бергандай бўлиб, аслида уни ёқлагиси келиб бош эгди: *- Подшо ҳазратлари, сиз ҳақсиз, қулингизни густоҳлигим учун авф этинг!* (П.Қодиров).

Бу кинема тасдиқ семаси билан боғлиқ маъно билдирувчи бош ҳаракатларидан фарқ қилиб, бунда калла пастга ҳаракатланади ва ўша ҳолда тўхташ амалга оширилади.

Ўнг қўлини юрак тепасига қўйиш “ҳурмат”, “эҳтиром” маъноларини билдиради ва чин юракдан, қалбан иззат қилиш мазмунини ифодалаб келади. - Боғда ҳам хилватхона бўлур, деди Бобир. Қуриб битирилса унга ҳам сиз қарагайсиз. Маъқулми?

Энди “йўқ” дейишнинг иложи қолмади. Бобирнинг сўзини икки қилиб ўрганмаган Тоҳир қўлини кўксига қўйди-ю, розилик берди (П.Қодиров).

Бу каби мисоллар ва таҳлилларни кўплаб келтириш мумкин

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Джураев А.Б. Теоритические основы ареального исследования узбекоязыгного массива . – Т.: Фан, 1991.
2. Колесов В.В. Язык города.-М.: Высшая школа, 1991
3. Колесов В.В. Язык и человек. Издательство Московского университета. -М.: 1970.
4. Сиддиқ Мўмин. Нутқ ва ижод услубининг ҳудудий хосланиши.- Т.: 1998.
5.Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002 йил, №4 71б

ЕДИНИЦЫ ИЗМЕРЕНИЯ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ В «БАБУРНАМЕ»

Самандаров Шерзод Султанович
Наманганский государственный университет
Преподаватель

Аннотация: *В статье рассматриваются единицы измерения, их история, появления и развития. На основе произведения «Бабурнаме» даны сведения о древних видах единиц измерения. Анализированы изучения, появления и развития единиц измерения,*

экономика и материальная культура стран, а также некоторые аспекты истории, коммуникации между различными народами.

Ключевые слова: *единицы измерения, значение, расстояние, ширина, обозначать, мера длины, система измерений, расстояние полета, масштабное мышление*

“БОБУРНОМА”ДА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Самандаров Шерзод Султанович
Наманган давлат университети
Ўқитувчи

Аннотация: *Мақолада ўлчов бирликлари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиши ҳақида фикр юритилган. Асос сифатида “Бобурнома” асарида келтирилган қадимги ўлчов бирликлари ҳақида маълумот берилган. Уларнинг вужудга келиш ва ривожланишини ўрганиш орқали ушбу ўлчов бирликлари қўлланилган мамлакатларнинг иқтисоди ва ҳуқуқи, моддий маданияти ҳамда турли ҳалқлар ўртасидаги алоқалар тарихининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *ўлчов бирлиги, қиймат, масофа, кенглик, англатмоқ, узунлик ўлчови, ўлчов тизими, парвоз масофаси, кенг кўламли фикрлаш*

THE UNITS OF MEASUREMENT PRESENTED IN “BABURNAME”

Samandarov Sherzod Sultanovich
Namangan state university
Teacher

Annotation: *The article discusses the units of measurement, their history, appearance and development. As the basis, the information about the ancient types of units of measurement is given in the work of “Baburname”. Analyzed the study, the emergence and development of units, the economy and the material culture of countries, as well as some aspects of history, communication between different nations.*

Keywords: *The units of measure, meaning, distance, width, designate, measure of length, measurement system, flight distance, inclusive thinking*

Одним из самых выдающихся исторических деятелей науки и культуры средневекового Узбекистана является Захириддин Мухаммад Бабур (1483-1530). Бабур — один из последних тимуридов, не снискавший успехов в борьбе за власть в Мавераннахре, который оставил заметный след в истории как основатель государства Великих Моголов в Индии и как незаурядный поэт и ученый. Его труд «Бобурнаме», помимо исторических сведений и биографии Бабура, передает подробное описание фауны, флоры, ландшафта Ферганской долины, откуда он был родом. Это уникальный труд, содержащий описание обычаев народов, населявших территорию Узбекистана, Афганистана и Индии.

Многие встречающиеся в «Бабурнаме» единицы измерения длины имеют тюркское происхождение и заслуживают отдельного внимания.

Так, в «Бабурнаме» встречаются все средневековые меры длины, находившие применение в Узбекистане в XV—XVI вв.: *газ, йагач, кари, кариш, курух, мил, шаг, шери, расстояние полета стрелы, длина копья, пядь, сажень*.

Для измерения расстояний между населенными пунктами в «Бабурнаме» используется йагач (йигач), что в переводе с тюркского буквально означает «столб». Например, «...Бухара от Самарканда в двадцати пяти *йигачах* пути на запад» [1, с.47] или «... между Маргиланом и Исфарой девять *йигачей* пути» [1, с.19].

Наряду с йагачем, встречаются такие наименования мер расстояний, как *фарсанг (фарсах), санг, тош, мил*. Точное значение их неизвестно, так как йагач записывался равным 12000 шагам (кадамам). Названия же мер зависели от того, как отмечали это расстояние – с помощью камней (фарсанг, санг, тош), металлических стержней (мил), деревянных кольев (йагач).

В сопоставлении с современными единицами измерения йагач, или фарсах составляет около 8,5 км. Но в некоторых источниках упоминается фарсах, равный 9000 кадамам, то есть 6 км. [2]. В частности, в источнике «Худуд-ул-олам» есть название *«огоч»* (т.е. *йагач),* который определяется равным 6 км [4].

При определении расстояния в «Бабурнаме» часто используется курух. По описанию самого Бабура: «В четверг, четвертого числа месяца Раби' второго, было приказано Чикмак беку с писцами Шахи Тамгачи измерить расстояние от Агры до Кабула. Через каждые девять *курухов* им надлежало поставить башенку высотой в двенадцать *кары,* а на башенку установить караульную будку. Через каждые восемнадцать *курухов* предписывалось устроить ям (т.е. почтовые станции, где для гонцов держали коней и фураж – *Ш.С.*) на шесть лошадей. ... В тот же день Чикмак и Шахи вышли из Агры. Курухи были определены длиной в один миль, как сказано в «Мубайине»:

Четыре тысячи шагов — один миль;
Знай, что жители Хинда называют
его курух.
Говорят, что один такой шаг —
это полтора кари,
А каждый кари, знай, — это шесть
пядей.
Каждая пядь — это четыре пальца,
А ширина каждого пальца — шесть ячменных зерен; знай эти сведения.

Измерительный *танап* был определен в сорок *кари,* считая каждый *кари* в полтора упомянутых *кари,* то есть в девять *пядей;* сто таких *танапов* составляют один *курух»* [1,с.244—245].

По этим сведениям, осуществим следующие вычисления: *палец (ангушт, бармак)* — единица измерения, обозначающая ширину среднего сустава согнутого пальца. Его канонический размер — 2,078 см, отсюда 1 *пядь* = 4 *пальца* = 8,132 см. 1 *кары* = 6 *пядей* * 8,312 ≈ 50 см. *Танап* = 40 *кары;* 1 *кары* =1,5 упомянутых *кары,* т.е. 50 х 1,5 = 75 см.

Отсюда 1 *танап* = 40 х 0,75 = 30 м; 100 *танапов* х 30 м = 3000 м = 1 *курух.*

И можно сделать вывод, что *курух* равен 3000 м (3 км).

Для измерения ткани среднеазиатскими торговцами использовалась мера длины, называемая кары и имевшая в разных регионах разное значение. Так, в Бухаре кары был равен 320,04 см, а в Ташкенте было известно два вида *кары*: базарный *кары* (2 базарных *газа),* равный 177,8 см и ханский *кары* (2 ханских *газа),* равный 213,36 см.

В Фергане использовались *кулач-кары*, или *узун-кары* (буквально «длинный *кары»),* равный 164,65 см и *калта-кары* (буквально — «короткий *кары»), который* равнялся 57,79 см (этот размер близок хорезмийскому *газу*). *Калта-кары* по происхождению, очевидно, *газ,* получивший узбекское наименование *«кары».*

В «Бабурнаме» упоминается *кары,* равный приблизительно 50 см, и *кары* в 75 см, который служил для измерения пути.

Для измерения длины в быту и в строительстве также служила единица измерения, называемая карыш и равная расстоянию между большим пальцем и мизинцем в раздвинутом до предела положении, т.е. около 20—25 см. Бабур упоминает ее при описании: «Вид у киюра довольно необычный; длина его цветка — полтора—два *карыша*» [1, с.212].

Для измерения небольших предметов использовалась пядь. В «Бабурнаме» она встречается редко: «У носорога один рог — на носу, длиною больше *пяди;* рогов в две *пяди не видывали». Приведем определение Бабура*: «Каждая пядь — это четыре пальца, А ширина каждого пальца — *шесть ячменных зерен». Как определяет М.Ш.Холов*, размер *пальца (ангушт)* равен общей толщине 6 зерен ячменя, положенных рядом, причем толщина каждого зерна равна ширине 6 волос из гривы рабочей лошади и составляет 2,078 см [3]. Отсюда пядь равна 4 * 2,078 = = 8,312 см [5].

Очень интересной особенностью «Бабурнаме» является то, что иногда при определении расстояний и размеров Бабур сравнивает их с животными и предметами, то есть устанавливает свою, относительную и тем самым весьма наглядную систему измерений. Приведем несколько примеров

«Крепость Ходженда стоит на возвышенном месте. Река Сейхун течет мимо Ходженда с северной стороны, на расстояние полета стрелы от крепости» [1, с.20].

Также это расстояние называется «один выстрел из лука»: «... Я поставил шатер на другом острове, в одном выстреле из лука ниже по реке, и расположился там» [1, с.253].

Относительной также является единица измерения *«полет большего камня»:* « ... Между Пагманом и Бектутом кусок земли шириной в полет большего камня оторвался и упал вниз на расстояние полета стрелы» [1, с.112].

Единицей измерения иногда служит длина или высота копья: «Один раз на охоте носорог отбросил своим рогом на *длину копья* лошадь одного оруженосца по имени Максуд» [1, с.198] или «Призыв к бою последовал, когда солнце поднялось на *высоту копья»* [1, с.187].

Поскольку Бабур был не только ученым и поэтом, но и полководцем, в «Бабурнаме» очень часто встречается единица измерения расстояния *переход.* Имеется в виду расстояние, пройденное за день или ночь: «Совершив пять переходов от Синда, мы после шестого перехода пришли к подножию горы Бали- нат-Джуги» [1, с.171], «Дорогой через Бадам-Чашме и Джагдалик с шестью ночевками на пути мы пришли в Адинапур» [1, с. 105].

Для указания размеров животных в основном используется сажень, приблизительно равная 2 м.

Кадам – редко встречающаяся в «Бабурнаме» единица измерения, определяемая Бабуром, равной в 1,5 кары [1, с.245]. Кары тогда было два вида: в 50 см и 75 см. Но для измерения расстояния пользовались только вторым, т.е. *кары* в 75 см.

Для измерения расстояния между городами также использовался шери (2 км).

Для мелких измерений в «Бабурнаме» упоминается палец (ангушт, асба) и газ. Палец равен приблизительно 2,252 см. *Газ (локоть)* был равен 81,28 см.

В целом, анализируя «Бабурнаме», который, как и любой описательный труд, отражает не только реальность, но и отношение автора к ней, можно сделать вывод о масштабном мышлении Бабура, его глобальном видении мира и стремлении познать его как с научной, так и с философской точки зрения.

Список использованной литературы:

1. *Бабур М.З.* Бабур-наме (Записки Бабура) / Сост. С.Азимиджанова, пер. М.Салье. — Ташкент, 1982. — Кн. 2.
2. *Ибрагимов И.* Некоторые заметки о хивинских туркменах и киргизах (Из записной книжки) // Военный сборник. — СПб., 1874. — Т. 98, № 9. — С. 135 (прим. 2).
3. *Хинц В.* Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии.— М.: Наука, 1970.— 143 с.
4. *Худуд ул-олам мин ал-машрик ва ил ал-магриб* / Тахиягари матн Н.Косимов. — Душанбе, 1983.
5. Холов М.Ш. Книга «Бабур-наме» как метрологический источник // Материалы международной конференции. 2007.

ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ИЖОДИНИ БИОРАФИК МЕТОД АСОСИДА ЎРГАНИШ

Сулаймонов Мўминжон Юсубжонович
Наманган давлат университети
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *Мақолада ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни ўрганиш масалалари ёритилган. Жумладан, бу соҳасида қўлланган биографик метод ҳақида баҳс юритилган.*

Калит сўзлар: *қўлёзма, девон, жанр, тахаллус, марсия, таржимаи ҳол*

ИЗУЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВО ХАФИЗА ХОРЕЗМИ В ОСНОВЕ БИОГРАФИЧЕСКОЕ МЕТОДЕ

Сулаймонов Муминжон Юсубжонович
Наманганский государственный университет
кандитат филологических наук, доцент

Аннотация: *В статье приводятся сведения о творчестве и жизни узбекского поэта Хафиза Хорезми. Более того, рассматривается биографический метод, который находится на этом области.*

Ключевые слова: *рукопись, диван, жанр, псевдоним, марсиа, биография*

STUDYING THE CREATIVITY OF HAFIZ KHOREZMI BASED ON THE BIOGRAPHICAL METHOD

Sulaymonov Muminjon Yusubjonovich
Namangan State University
PhD on philology

Annotation: *The article gives the information about the work and life of Hafiz Khorezmi who is a poet of Uzbek. Moreover, the biographical method which is on this field is considered.*

Keywords: *, manuscript, diwan (collection of poems) , genre, pseudonym, marcia, biography.*

Адабиётшуносликда бадиий асарларни таҳлил қилишнинг атоқли олимлар томонидан эътироф этилган бир қатор усуллари мавжуд. Жумладан, социологик, биографик, психологик, формал, структурал, лингвистик ва герменевтик каби методлардан унумли фойдаланиб келинмоқда. Бизнинг бугунги мавзуимиз ижодкорлан ҳаёти ва адабий меросини биографик метод асосида ўрганишга бағишланган. Бу методнинг илмга тадбиқ этилиши француз танқидчиси ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) номи билан боғлиқ. Олим "Суҳбатлар", "Адабий портретлар" каби тўпламларида айнан биографик методдан фойдаланиб катта натижаларга эришган. Жумладан, машҳур француз адиблари: Корнель, Расин, Мольер, Лафонтен, Вольтер, Гюго, Жорж Санд, Флобер сингари шоир ва ёзувчилар ижоди Сент-Бёв асарларида таҳлил қилинган. Бу метод ҳақида ўзбек олимлари ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар ва мазкур методдан унумли фойдаланиб, диққатга сазовор тадқиқотлар яратганлар. Хусусан, профессор Баҳодир Каримнинг "Руҳият алифбоси" номли китобида таъкидланишича, "... биографик методда ёзилган тадқиқотлар сирасига И. Султоннинг "Навоийнинг қалб дафтари", Н.Каримовнинг "Чўлпон", Д.Қуроновнинг "Чўлпон: ҳаёти ва ижоди" каби китобларини мисол қилиб келтириш мумкин[1]. Баҳодир Каримнинг ўзи эса Абдулла Қодирий ижодини биографик метод асосида таҳлил қилган.

Бу методдан XIV асрнинг охирги чораги XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва адабий меросини ўрганишда ҳам қўллаш самарали усул ҳисобланади. Чунки шоир биографияси ва ижодига оид маълумотлар бирор бир тарихий, илмий ва адабий манбаларда учрамайди. Шунинг учун бундай маълумотларни фақат унинг қўлёзма "Девон"ини тадқиқ этиш орқали аниқлашимиз мумкин. Ҳофиз Хоразмий "Девон"идаги айрим байтлар бевосита ҳасби ҳол характерига эгалигини кузатамиз, улар шоир фаолияти ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни айтишга имкон беради.:

Пўшида қайда қолгуси Ҳофизнинг аҳволи анга,

Чу шеър бирла дам-бадам айлади шарҳ ҳолини [4.183].

Ҳофиз Хоразмий таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида дастлабки маълумотларни профессор Ҳамид Сулаймон “Девон”нинг 1-китобига ёзган “Сўз боши”сида баён қилган [2].

Аввало шуни таъкидлаш керакки, шоирнинг тахаллуси Ҳофиз бўлган, чунки деярли барча шеърларида шу тахаллусини қўллаган. Унинг исми Абдураҳим эканлигини девондаги 1 та ўзбекча (199-ғазал) ва 6 та форсча ғазалда Абдураҳим, Раҳим исмларини тахаллус ўрнида ишлатилганлигидан билиб оламиз.

Хос ўз қулинга лутф этиб раҳм қилса ёр,
Мухлис қадимий қул анга Абдурраҳим эрур [3.200].

Бу ҳали ўзига муносиб тахаллус танламаган ёш шоирнинг дастлабки машқларидан бири ва форсча ғазалларининг машҳур шоир шеърларидан фарқланиб туриши учун атайлаб қўлланган усул бўлиши мумкин.

Девондаги олтинчи ва еттинчи қасидаларда Ҳофиз тахаллаусига Хоразмий нисбаси ҳам қўшиб қўлланган:

Вилоёту каромоту карам ўзиндин издаю,
*Бўлубдур **Ҳофизи Хоразмий** жони била Кирмоний*[2.78].
Иноят бирла сўз бобинда ёрий кўргузур бўлса,
*Ошурғай **Ҳофизи Хоразмий** шеърин фарқ шуародин*[2.82].

Ҳофиз Хоразмий туғилган юрти Хоразмда шоир сифатида анча танилган, деб хулоса чиқара оламиз. Буни қуйидаги байтдан яққол сезишимиз мумкин:

Қолмағил дарбанд Хоразм ичра, эй Ҳофиз, мудом,
Сўзларинг овозасидин тўлу чун Табриз, эрур [2.155].

Бу байтда шоирнинг ўз шеърий иқтидорига ишончи ҳам кўзга ташланади. Истеъдодли ижодкор Хоразмдан ташқарида ҳам “сўзлари” - шеърларининг машҳурлигини таъкидламоқда. Қуйидаги байт ҳам унинг Хоразмда машҳур бўлганлигига ишорадир:

Тенг бўла олмас эди Ҳофиз билан Хоразмда,
Туркий айта тирилур бўлса бу дамда Санжарий [2.543].

Гарчи Хоразмда “тенгсиз” бўлса ҳам шоир юртидан кетишга қарор қилади, аммо бунинг сабабини очиқ айтмайди:

Кеч бу Хоразмдин, равон Ҳофиз,
Тилар эрсанг Ироқу ҳам Шероз[2.278].

Ҳофиз Хоразмийнинг бундай дейишига бир қанча сабаблар бўлиши мумкин: Биринчидан, Ироқ ва Шероз Шарқнинг ўша даврдаги илм-фан, маданият ва адабиёт хийла ривожланган манзилларидан эди. Иккинчидан, шоир яшаган даврда санъаткорларнинг жаҳон сайрига чиқишлари - маълум даражада анъанага айланган. Сайфиддин Фарғоний, Саъдий Шерозий ва Камол Хўжандийлар ана шундай жаҳонгашта ижодкорлар бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Учинчидан, «Девон»да шундай байтлар ҳам учрайдики, уларда шоир юртидан кетиш сабабини қадамжойларни кўриш ва ҳаж сафари билан ҳам боғлайди:

Жамоли Каъбани кўрмоқ тилаган,
Ватан қилмади Хоразму Самарқанд [2.126].

Каъбани кўриш, яъни ҳаж қилиш мусулмончиликнинг фарзларидан бири эканлиги маълум, аммо шоир Каъбага борганми, йўқми - бу ҳақда қатъий бир фикр айтиш қийин. Тўртинчидан, Ҳофиз Хоразмийнинг Шерозга бориб қолишининг асосий сабабларидан бири, шубҳсиз, шоир устоз деб эътироф этган Ҳофиз Шерозийга бўлган эътиқотидир, чунки Шероз шоирлар - «булбуллар юрти» бўлиб, адабий марказга интилиш ҳам кучли таъсир қилган дея оламиз.

Қуйидаги байт ҳам шоир Хоразмдалигида битилган бўлиб, ундан устози Ҳофиз Шерозийга етишишни орзу қилганлигини англаймиз:

Ҳофизнинг кўрунг ушбу замон турк тилинда,
Гар кечди эса Форсда у Ҳофизи Шероз[2.279].

Ҳофиз Хоразмийнинг Шерозга боришининг яна бир сабаби, бизнингча, ўша даврда Шерозда туркий элатларнинг яшаганлигидир. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради.

Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,
Сўрдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе[2. 549].

Шерозда яшаган турк улуси ҳақидаги фикримизга Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги машҳур байти ҳам далил бўлади:

Агар он турки Шерози бадаст орад доли моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро [7.28-29].

Энди шу байт шарҳи ҳақидаги фикрларга диққатимизни қаратайлик. Профессор Нажмиддин Комиловнинг “Бу қадимий санъат» номли рисоласида Ҳофиз Шерозийнинг мазкур байти изоҳига оид қизиқарли факт келтирилади: «Муҳаммад Яқуб Ҳаррот таржима қилган Судий шарҳида Ҳофиз Шерозийда қандай бўлса шундай изоҳланган... Масалан: «Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро, ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро» байти мана бундай шарҳланган: «Туркон деб асл луғатда татар синфларига айтурлар ва булар золим**…?** шоирлар маҳбубларини аларга ташбеҳ этиб, турк дерлар. Ва баъзи шерозийлардан масмуъдурким (эшитдимки), Халаку лашкарларидан кўп киши Шерозда ватан тутуб, таваллуд ва наносул этдилар. Бас аларнинг авлодларига «Туркий шерозий» демак истиора ва ташбеҳсиз саҳеҳдур. Ҳожа айтур: агар ул турки шерозий баним кўнглим ола олса, ҳинду қаро бангина (холига – Н.К.) Самарқанд ва Бухоро икки шаҳарни бағишлаюрман[8].

Бундан кўриниб турибдики, Шерозда туркий элатлар Ҳофиз Шерозий даврида ҳам яшаган. Улар кейинроқ Ҳофиз Хоразмий Шерозда истиқомат қилган пайтида ҳам, айниқса, темурийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этганлар.

Шерозда туркий улуснинг яшаши, шунингдек, Иброҳим Султон (1494-1531) каби маърифатпарвар ва илмпарвар ҳукмдорнинг бўлиши туркий тилдаги шеъриятнинг давом этишига ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган, шунинг учун ҳам Ҳофиз Хоразмий Шерозда ўзбек тилида ижод қилишни давом эттирган.

Ҳофиз Хоразмийнинг «Шерозий» радифли ғазали устознинг машҳур ғазалига жавоб тариқасида ёзилган, деб бемалол айта оламиз.

Кўнгулни олди ол бирла ушул дилдори Шерозий
Бу хаста жонга солди ширинкори Шерозий.

Нечаким ишқда Бағдод таррори эрур Ҳофиз,
Вале алдар ўшул таррорни айёри Шерозий [2.565].

Аввало, шоир ғазални «Кўнгулни олди ол бирла ўшал дилдори Шерозий» мисраси билан бошлайдики, бу Ҳофиз Шерозийнинг машҳур ғазалининг матлаи мазмунига ҳамоҳангдир.

Ғазалнинг давомида шерозлик гўзал қизнинг портрети чизиб берилади: шоир гўзалнинг шакар лабини, лола юзини таърифлаб, унинг ички дунёси ҳақида ҳам куйлайди. Гўзал дийдори ошиқни ғафлат уйқусидан уйғотади, ошиқ учун маъшуқа сояси жаннат марварвди бўлиб туюлади.

Гўзалнинг маънавий дунёси ғазалнинг хулоса қисми мақтада аниқ баён қилинади: шоир ўзини ишқда фольклордаги машҳур Бағдод таррори - ўғрисига қиёслайди, аммо ана шу ўғрини ҳам алдаб кўнглини оладиган айёр бор, яъни шоирни алдаб кўнглини ўғирлаган шерозлик гўзалир. Бу байт ғазалнинг асл моҳиятини очувчи ёрқин хулосадир, десак муболаға бўлмас.

Ҳофиз Хоразмий ғазалларида ўнлаб ўринларда «турк», «туркий», «турки шўх», «турки хитойи», «турки паризод», «турки жафокеш», «турки чин», «турки кофир», «жафочи турк» каби сўз ва сўз бирикмалари ишлатилади. Бу атамалар айни вақтда икки маънода қўлланган бўлиб, биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, шўх гўзал маъносида қўлланган бўлса, иккинчидан, кўп ҳолларда шоир туркийларни назарда тутганлиги аниқ билиниб туради. Қуйидаги байтда эса шоир туркий халқлар одатига ишора қилиш билан маъшуқасининг туркий қиз эканлигини билдиради.

Кечди ғамза била қошини чотиб қошимдин,
Туркнинг одатидурким ўқу ёй бирла кечар [2.210].

Бу ўринда туркий халқларнинг жангарилигига ишора ҳам бор. Шоир таржимаи ҳоли ҳақида фикр юритар эканмиз, Ҳофиз Хоразмий салафи Ҳофиз Шерозий билан учрашганми? деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, бу икки Ҳофиз - устоз ва шогирд учрашмаган, чунки Ҳофиз Хоразмий ижодида бу ҳақда ҳеч қандай ишора йўқ, лекин девонда шундай байт мавжуд:

Ҳофиз бикин жаҳонда машҳур бўғгай эрдим,
Ёд айласа бу қулни султон Абулфаворис [2.287].

Абулфаворис - музаффарийлар сулоласидан бўлиб, 1385 йилга қадар Шероз ҳукмдори бўлган Шоҳ Шужоънинг лақаби эди.

Профессор Ш. Шомуҳамедов Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги рисоласида шундай ёзади: «...Форс ҳукмдори Жамолиддин Абулфаворис шоҳ Шужоъ Музаффарий (1358-1385) Ҳофизга ҳомийлик қилган ва илтифотлар кўрсатган Ҳофиз ҳам ўзининг баъзи шеърларида уни мадҳ этган" [5].

Ҳофиз Хоразмий бундан хабардор бўлган, менга ҳам султон Абулфаворис ёки унга ўхшаш ҳукмдор илтифот кўрсатганда, мен ҳам Ҳофиз Шерозий каби машҳур бўлишим мумкин эди, демоқчи бўлган.

Султон Абулфавориснинг Ҳофиз Шерозийга ҳомийлик қилганини машҳур шоир Камол Хўжандийнинг қуйидаги байтида ҳам кўрамиз:

Ғазал тариқида бизга етолмагай Ҳофиз,
Агарчи қамтуси Султон Абулфаворис экан[6.233].

Ҳофиз Хоразмий машҳур Камол Хўжандий ижодига ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қараган. Шоир шеърларида жуда кўп ўринларда Камол Хўжандийни эслайди. Ҳофиз Хоразмий эса Камолни «Шайхи Хўжандий» деб айтади ва ундан мадад олганини баён қилади.

Ҳофизга кўрунди бу замой ҳолу камоле,
Чун ҳол билан қилди мадад шайхи Хўжандий[2.125].

Шоир ишқ ўтини қалбига солган «нори Хўжандий» эканини таъкидлайди. Бу Камол Хўжандий ижодидан руҳланган, илҳомланган, унга эришган шоирнинг эътирофи десак, хато қилмаймиз.

Оташи ишқни Ҳофиз кўнглиндин изданг,
Чун анинг кўнглида бордур бу замон нори Хўжанд[2.125].

Ҳофиз Хоразмий Камол Хўжандий ижодидан илҳомланиб, унинг даражасига эришишга ҳаракат қилган, устозига етишни ўзи учун муваффақият деб билган. Қуйидаги фахрия - татаббу шоирнинг устозига ҳурматини англатади.

Ул туркнинг камолу жамоли сифатида,
Ҳофиз эмасдур ушбу Камол Хўжанд эрур[2.162].

Шоир туркий ғазалда Камол Хўжандий даражасига етдим, дейди.

Кўргали ҳусну жамолингни камолинг бирла,
Топти Ҳофиз ғазали туркийда бас таври Камол[2.357].

Тарихдан маълумки, 1409 йилдан бошлаб Шоҳрух Хуросонни, Улуғбек Самарқандни идора қила бошлайди. 1414 йилда Шоҳрух кичик ўғли Иброҳим Султонга Эронда Форс ўлкасини, аниқроғи, Шерозни идора этишни топширади. Иброҳим Султон Шерозни 21 йил идора этиб, 1435 йилда вафот этади. Ўша давр ҳукмдорларининг шуҳрати саройидаги адабий муҳитнинг нақадар кучли ва машҳурлигига боғлиқ бўлган десак, хато бўлмас. Шу жумладан, Иброҳим Султон саройидаги адабий муҳит ҳақида Ҳофиз Хоразмий ижоди орқали хабардор бўлишимиз мумкин. Шоир ҳам Иброҳим Султон даврида сарой муҳитида бўлганлиги табиий. Бу ҳақда у шундай ёзади;

Гулистон юзлу, эй соқий, санинг ишқинг манга жондур,
Ичалим боданиким, даври Иброҳими Султондур...[2.149].

Ҳофиз Хоразмий сарой муҳитидаги шоирлар сингари ўз ҳукмдорларига хайрихоҳлик билан қараган. Ўзига иноят кўрсатишидан умидвор бўлган.

Ҳеч турли шикоят йўқ эди даври замондин,
Чун дўст манга лутф ила фарёдрас эрди[2.480].
Мулки жааҳонни тутса бу султон гариб эмас,
Равшан эрур чу юзида нури вилояти.
Ўз вақтим ила шоҳи вилоят бўлур эдим,
Етишса эрди бандага айни иноятти[2.538].

Жаҳон мулкини тутади деб таърифланган бу султон шаҳзода Иброҳим эканлигини англаймиз. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бундан, шоир ҳаёти роҳатда, фароғатда ўтган, ҳукмдорлар доимо унга илтифот кўрсатган, деган хулоса келиб чиқмайди.

Ҳофиз Хоразмий замонасининг иқтидорли шоири, илғор зиёлиси сифатида ўз даврига танқидий кўз билан қарай оларди. Кўп ўринларда ҳаёт қарама-қаршиликлари, қийинчиликлари, бевафолик ҳақида ёзади:

Кишининг қадрини билган жаҳонда ёр кўрмадим,
Кўнгул асрагувчи ҳам нозанин дилдор кўрмадим.
Вафо сўзини кўп сўзлади олам ичра ёронлар,
Вале қилган вафо сўзинга бир дайёр кўрмадим[2.367].

Шоир Шерозда Иброҳим Султон саройида ижод қилганидан хабардор бўлганимиз ҳолда, умрининг сўнгги йиллари қандай кечганлигини билмаймиз. Афсуски, Ҳофиз Хоразмийнинг таваллуд йили маълум бўлмаганидек, унинг вафот этган йили ҳам аниқ эмас. Биз бу ўринда ҳам шоир ижодига мурожаат қиламиз. Маълум бўлишича, ижодкор 1435 йилда ҳаёт бўлган, чунки шу йил Шероз ҳукмдори Иброҳим Султон вафот этганда, шоир Султоннинг вафотига атаб марсия ёзади. Марсия жанр талабларига риоя қилинган ҳолда маҳорат билан битилган бўлиб, қуйидаги байт билан якунланади:

Мустажоб айлаб Ҳофизнинг дуосин, эй карим,
Раҳматингдан бер улуш сансан чу раҳмону раҳим[2.58].

Демак, Ҳофиз Хоразмий 1435 йилда ҳаёт бўлган. Шоир умрининг сўнгги йиллари ва шу йиллардаги ижоди ҳақида ҳозирча бирор маълумотга эга бўлмаганимиздек, унинг замондош туркигуй шоирларга муносабати қандай бўлганини ҳам билмаймиз.

Хулоса қилиб айтганимизда, Ҳофиз Хоразмий ижодини биографик метод асосида ўрганиш шоир ҳаёти ва адабий меросига оид муҳим маълумотларни умумлаштирш имконини беради.

Ҳофиз Хоразмий ижоди ўзбек мумтоз адабиётининг бебаҳо бойлигидир. Мумтоз адабиётимиз, шунингдек, она тилимиз тарихий тараққиётини, халқимиз маданиятини, урф-одатини ўрганишда шоир адабий мероси жуда катта аҳамиятга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Карим, Баҳодир. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. 166-178- б.
2. Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Б.567
3. Хоразмий, Ҳофиз. Девон. Икки китобда. – Т.: ЎзКП МК нашр., 1981. 1–китоб. 3-15-бет.
4. Хоразмий, Ҳофиз. Девон. Икки китобда. – Т.: ЎзКП МК нашр., 1981. 2–китоб. – 300 бет.
5. Шомуҳаммедов Ш. Ҳофиз Шерозий (Ҳаёти ва ижоди). - Тошкент: Фан, 1965. .35- бет.
6. Хўжандий, Камол. Девон. М. Васфий тарж. – Т., Ўзадабийнашр, 1962. - 332 бет.
7. Шерозий, Ҳофиз. Ғазаллар. - Т.:1958, - 285 бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди.
8. Комилов, Нажмиддин. “Бу қадимий санъат". - Т.: 1989. .190-бет.

“ЖАВОҲИР УЛ-АЖОЙИБ”НИНГ УЧ ГАВҲАРИ

Туйчиева Ойдин Сайфуллаевна
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
мустақил тадқиқодчи

Аннотация: *Мақолада Фахрий Хиравийнинг аёлларга бағишланган илк тазкираси “Жавоҳир ул-ажойиб”, ҳамда тазкирада келтирилган 3 нафар шоира: Офоқ бегим Жалоир, Биби Орзуи Самарқандий, Меҳрийлар ҳақида маълумот берилган.*

Калит сўзлар: *тазкира, тазкиранавислик, “Жавоҳир ул-ажойиб”, Офоқ бегим, Меҳрий, Самарқандий*

ТРИ ЖЕМЧУЖИНЫ ТАЗКИРЕ «ДЖАВИХИР АЛ-АДЖАЙИБ»

Туйчиева Ойдин Сайфуллаевна
Соискатель кафедры «Восточных языков» университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Аннотация: *Статья посвящена научной работе Фахрия Хирави «Джавихир ал-аджайиб», которая является богатым литературным наследием и первой тазкирой, посвященная женщинам Востока. Также приводятся интересные факты из жизни трех женщин: Офок бегим Жалоир, Биби Орзу Самаркандий, Мехри.*

Ключевые слова: *тазкира, тазкирописание, «Джавихир ул-аджайиб», Офок бегим Жалоир, Биби Орзу Самарканди, Мехри.*

THREE PEARLS OF THE TAZKIRE “JAVAHIR AL-AJAIB”

Tuychiyeva Oydin Sayfullayevna
Tashkent state University of Uzbek language and literature named after Alisher Navai

Annotation: *The article is dedicated to enlightening the scientific work of Fakhri Kharavi, “Javahir-ul-ajaib”, as a rich literary heritage and the first tazkire, meaningfully discussing the social life aspects of prominent women of Central Asia and the Middle East. In particular, the article presents interesting facts about following women: Ofok Begim, Zhaloir Bibi and Orzu Samarkandiy Mekhri.*

The key words: *tazkire, the writing of tazkire, Javahir-ul-Ajayib, Ofok Begim Jaloir, Mekhri, Samarkandi.*

Тазкиралар орқали биз ҳар бир давр адабий муҳити билан бир қаторда ижтимоий-маданий шароити, давр таржима мезонлари, сарой муҳити, анжуманларни ўрганиб чиқиш имкониятига эгамиз. Тазкирада муаллиф зикр, яъни эслаш, ёд олиш орқали, ўзи билган ёки бошқалардан эшитган маълумотларни, кўпгина ривоят, ҳикоят, хазил-мутойибали хабарларни бериб боради.

Тазкиранавислик ўрта шарқ халқлари адабиётида XII асрнинг биринчи чорагидан бошланган, деб ҳисобланади. Тазкиралар адабиёт тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиш билан биргаликда ҳар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий – маданий шароитини акс эттирадиган асарлардир. Тазкиранависликни Абу Мансур

ас-Саолибий (вафот.1037) ўзининг араб тилида ёзилган “Йатимат уд-дахр” тазкираси билан бошлаб берган. Бундай асарнинг илк форсий намунасини Бухоролик шоир ва адабиётшунос Муҳаммад Авфийнинг “Либоб ул-албоб” тазкираси мисолида кўрамиз. Сўнгра Шайх Ахмад Тарозийнинг туркий тазкираси “Фунуни балоға” юзага келди.

Кейинчалик Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Мутрибий Самарқандий, Хашмат, Нисорий кабилар ҳам тазкиралар ёзишган [6].

Аждодларимиз асрлар давомида яратган маънавий мерос шу қадар улкан, шу қадар бениҳояки, уни яхлит идрок этишга уринган ҳар қандай тадқиқотчининг ақлини шошириб қўяди [2]. Шу ўринда кўпгина олимларимиз, чунончи С.Ғаниева, М.Қодирова, Ж.Жабборов, Т.Файзиев ва бошқаларнинг тазкираларга оид кичик асарлари ва илмий мақолалари борлигини [7] эътироф этиш жоиз.

Шарқ адабиётида шоирлар ҳақида ёзилган тазкиралардан ташқари, шоиралар ҳақида ҳам тазкиралар ёзилган, лекин бу анъана яъни шоиралар ҳақида ёзиш бир мунча кейинроқ ривож топди. Бу турдаги тазкиралардан биз шоиралар, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотга эга бўламиз.

“Шамъи анжуман”, “Машоҳир ун-нисо”, “Рўзи равшан”, “Тазкираи Хусайний”, “Тазкират ун-нисо”, “Ништари ишқ”, “Матлаъ ул-улум”, “Тазкират уш-шуаро”, “Мирот ул-хаёл”, “Натоиж ул-афкор”, “Парданешиноне сухангуй” ва “Жавоҳир ул-ажойиб”лар аёлларга аталган тазкиралар сирасига киради.

Бу каби тазкиралар адабиётимиз тарихи учун катта аҳамиятга эгадир. Чунки аёллар давр муҳитида адабий жараёнларда бевосита иштирок эта олмаганлар, девон тузган шоиралар ғоят кам бўлган. Фахрий Ҳиравийнинг “Жавоҳир ул-ажойиб” (1554-1555) номли тазкираси аёллар ҳақидаги илк тазкиралардан ҳисобланиб, унда ўттиз бир гавҳар ҳақида маълумот ва уларнинг ижодларидан бир қанча намуналар келтирилган. Тазкира одоби таснифга кўра Аллох ҳамди билан бошланган. Асарда биз, шарқда етишиб чиққан ажойиб сўз санъаткор аёллар билан танишиб чиқишимиз мумкин, хусусан Меҳистий, Меҳрий, Офоқ бегим Жалоир, Балхий, Мўғул Хоним, Жахон Хотин, Нисоий , Бибича Мунажжима ва бошқалар.

Биз қуйида “Жавоҳир ул-ажойиб”дан уч гавҳарни, шарқ ғазалиёти маликалари бўлмиш шоираларни ҳаёт йўли ва ижодини таҳлил қиламиз.

ОФОҚ БЕГИМ ЖАЛОИР- “Жавоҳир ул-ажойиб”да келтирилишича Офоқ бегим Жалоир Амир бек Жалоирнинг қизи ва Илхони лақабли Дилшод Хотуннинг турмуш ўртоғи, султон Увайснинг отаси Мир Хасан Али Жалоирнинг синглисидир. Боғдодлик Султон Аҳмаднинг буваси бўлган ва Хожа Ҳофиз Шерозий уни ғазалида мадҳ қилган:

احمد الله على معدلت السلطانى احمد شيخ اويس حسن ايلخانى

Яъни:

Султонларнинг адолатли олий Аҳмади

Аҳмад шайх Увайс Ҳасан Илхоний.

Офоқ бегим Жалоир хуштабиат бўлиб, Амир Алишер Навоийнинг укаси Балх хокими Амир Дарвеш Али Китобдорнинг аёли бўлган ва бир неча йиллар Балхда истиқомат қилишган. Офоқ бегим Жалоир шеърларни жуда яхши айтган ва бой-у оддий халқ орасида катта шуҳратга эга бўлган. Қуйидаги матлаъ унга тегишлидир:

آه از ان زلفی ،که دارد رشتهٔ جان ،تاب از او
وای از ان لعلی، که هردم میخورم، خوناب از او

Яъни:

Оҳ азобдан бўлган жон ришгаси ўшал зулфдан,

Вой ҳар дам хуноб қиладиган ўшал лаълдан.

Тазкиралардан бизга маълумки, Хусайн Бойқаро даврида кўпгина аёллар ҳам май ичганлар, шу ўринда "Жавоҳир ул-ажойиб"да Офоқ бегим Жалоир шаробдан тавба қилган вақтларида май ичаётган Мирзо Бадиуззамон ёнида ўтирганида айтган:

من اگر توبه ز می کرده‌ام، ای سر و سهی
تو خود، این توبه نه کردی، که مرا می‌ندهی

Яъни:

Эй тик қоматли сарв! Мен агар майдан тавба қилган бўлсам,

Сен ўзинг, менга май бермасликка тавба қилмагансанку.

Тазкирада берилган ушбу қисм "Парданешиноне сухангуй" тазкирасида қуйидагича берилган: кунлардан бир кун Офоқ бегим Жалоир Султон Хусайн Бойқаронинг ўғли Мирзо Бадиуззамон йиғинларидан бирига таклиф қилинадилар. Бу йиғинда Офоқ бегимнинг шароб ичишни ташлаганидан хабардор эдилар. Шунинг учун уларга шароб ичишни таклиф қилмайдилар, шунда Офоқ бегим бу ҳолатдан ранжиб юқоридаги байтни бадиҳа сифатида айтади [4].

Бу икки манбада берилган маълумотда ҳам майдан тавба қилиш воқеаси зикр этилади. Шароб ҳақидаги маълумот *"Тазкират ул-хавотин"*да ҳам берилгандир.

"Мирот ул-хаёл", "Рўзи равшан" ва "Ахтартабон"да Офоқ бегим Оғо бека, Оқа бека, Опоқ бека ва Биги дея зикр этилади [5]. Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асарида Офоқ бегим Жалоир дея келтирилган ва биз шу маълумотга суянамиз, чунки юқорида таъкидлаганимиздек Офоқ бегим уларнинг келинлари бўлган.

"Мирот ул-хаёл"да Офоқ бегимга доир бир қизиқарли воқеа берилган, фақат тазкирада бегимнинг исми Оқа бека Обоқ Жалоир дея келтирилган: айтишларича унинг кўпгина хизматкорлари, сигир, от, туя, ва қўйлардан иборат подалари ва бир қанча дўконлари бор эди. Ҳар йили фузалою шоирларга бир неча миқдорда ўз ғаллаларидан топширишга белгилаб берганди. Бир йили ХожиОсофи ўз юкламасини топширишга кечикди ва шу ўринда Хожи бу қитъани Оқа бекага юборди.

ایا عروس خطا بخش جرم پوش ، بگو
که کی وظیفه ٔ مارا قرار خواهی دا د
بوقت غله، مرا گفتهٔ که: بار دهم
سرم فدایٔ درت، چند بار خواهی داد

Яъни:

Эй хатоларни кечиргувчи келинчак, айтгинки,

Вазифаларимизни қачон бўлажаксан.

Ғалла вақтида, юк топширишимизни айтдинг,

Бошим эшигинг фидоси, қанча хоҳласанг беражакман.

Оқа бека ўқигач, кулиб Ҳасан ўз юкламасини тушуниб белгиланган ҳосилни топширди деди [5].

Офоқ бегимнинг турмуш ўртоғи Дарвеш Али ҳақида Заҳириддин Мухаммад Бобур "Бобурнома"да шундай дейди: "ҳунарсиз бир курдимоқ одам эди" [1]

Хуллас Офоқ бегим ҳусн тарафидан беқиёс ва шеърлари эса унинг гўзаллигини янада оширганлигига гувоҳ бўламиз.

“Жавоҳир ул-ажойиб”дан танланган иккинчи гавҳар ***Биби Орзуи Самарқандийдир***. У шу диёрнинг хуш сўзловчиларидан эди. Тазкираларда кам куйланган бўлса ҳам, аммо яхши шеърлари бор эди. Қуйидаги матлаъ ҳам унга оиддир:

ماندہ داغ عشق او بر جانم از ہر آرزو آرزو شورست عشق و من سراسر آرزو

Яъни:

Жонимдаги ишқ доғи ҳар орзудан қолган,

Ишқ ва менда саросар бўлган орзу, хаяжондан қолган.

“Мирот ул-хаёл”да келтирилишича Биби Орзуи Самарқандда ёдда сақлангандир, хуш сўзловчи-ю ширин калом эди. Офтоб юзли ошиқларни куйдирувчи ноз-карашмали ва нозик сўзли бўлган. Қуйидаги машхур матлаъ ундан ёдгордир:

شدیم خاک رہت، گربدرد ما نرسی چنان رویم کہ، دیگر بگرد ما نرسی

Бу шеър “Натоиж ул-афкор”, “Райҳон ул-адаб”, “Субҳи гулшан”, “Тазкират ул-нисо”, “Ахтартабон” ва “Тазкират ул-хавотин”ларда ҳам келтирилгандир. [5]

Меҳрий –«Жавоҳир ул-ажойиб»да берилишича Гавҳаршодбегимнинг мулозаматида у билан яқин муносабатда бўлган, Хожи Абдулазиз Ҳакимнинг аёли, ҳусну жамолда тенги йўқ биби Меҳрий Шоҳруҳ Мирзонинг (1377-1447) ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган. Айтишларича, бир куни байрамда Гавҳаршодбегимнинг жияни Султон Масъуд Меҳрийга кўзи тушиб уни севиб қолган. Меҳрий Султон Масъуд билан Ҳирот шаҳрида жойлашган Ихтиёриддин қалъасидаги боғда ўтирганларида, ўша ердан ўтиб кетаётган Меҳрийнинг турмуш ўртоғи Ҳаким Абдулазизни кўриб қоладилар, Султон Масъуд кулиб уни Меҳрийга кўрсатади, у эса қуйидаги байтни айтади:

کردم بر اوج برج، مہ خویشتن طلوع ہان ای حکیم، طالع مسعود من، نکر

Яъни:

Ой буржи юксаклигида кўринган эдим

Эй Ҳаким, бахтли толеъимни кўргил. [5]

Ушбу ғазалнинг ёзилиши тўғрисидаги маълумотлар турли тазкираларда турлича берилган масалан, “Парданешиноне сухангўй” тазкирасида деярли “Жавоҳир ул-ажойиб” даги нусха таржимаси айнан бир хил берилган. Ҳаким Шоҳ Муҳаммад Қазвиний эса “Мажолис ун-нафоис” таржимасида келтиришича Меҳрий Шоҳрух Мирзонинг табиби Мавлоно Ҳакимнинг аёли бўлган ва у Султон Масъуд билан пинҳона учрашиб юрган, бир куни Мавлоно Ҳаким ўз кўзи билан уларни бирга кўриб қолади ва Меҳрий шу заҳотиёқ вазиятдан қутилиш илинжида юқоридаги ғазални айтган. “Рўзи равшан” тазкирасида эса, Меҳрий Хиравий Каримхоннинг хотини, Эрон салтанатига тегишли Жалоир қавмидаги аёлдир деб берилган. Унинг кекса ва заиф турмуш ўртоғи бўлиб, Шоҳрух Мирзо билан пинҳона учрашарди, бундан хабар топган турмуш ўртоғи уни ҳибсга олишларини сўрайди ва Меҳрий қамоқдан мазкур рубоийни турмуш ўртоғига жўнатади:

شه کنده نهاد سر و سیمین تن را زین واقعه، شیون است مرد و زن را
افسوس که، در کنده نباید کردن پائیکه، دو شاخه بود، صد گردن را

Яъни:

Кумуш тану бошимни кунда шохига қўйди,
Бу воқеадан эркаку аёл нола қилди.
Афсуски кундада қилиб бўлмас,
Икки оёқлик шох юз бўйиндадир.

Каримхонинг хотини бўлган Меҳрий ҳақидаги маълумотни “Тазкират ул-нисо”, “Ахтартабон”, “Эймоқе мўғул”, "Рўзи Равшан" тазкираларида хам учратиш мумкин [5].

Тазкираларда Меҳрий ҳақида турли хил маълумотлар учрайди. Масалан, улардан бирида Меҳрий Хаким Абдулазизнинг хотини ва Гавҳаршодбегимнинг ҳамсуҳбатларидан дейилади. Яна бирида Меҳрий Нуржаҳонбегимнинг ҳамсуҳбати бўлган дейди, яна бирида Меҳрий Каримхон Зендни завжаси деб юритилади. “Жавоҳир ул-ажойиб” тазкирасида келтирилган Меҳрий эса, Ҳаким Абдулазизниг аёли ва Гавҳаршодбегим ҳамсуҳбатларида бўлганидир.

“Парданешиноне сухангуй” тазкирасида Меҳрий Масъуд Мирзо билан учрашиб юрганидан хабар топган турмуш ўртоғи уни ҳибсга олдиртиргани ва зиндондан қутилиб чиққан Меҳрий саройдан бош олиб кетганлиги ҳақида маълумот берилади [4].

“Жавоҳир ул-ажойиб” тазкирасида Меҳрийга оид бир қатор қизиқарли воқеалар берилган. Масалан, Меҳрий Гавҳаршодбегим билан сухбатлашиб ўтирганларида, узоқдан Ҳаким Абдулазизни кетаётганлигини кўриб қоладилар, шунда Гавҳаршодбегим уни тезроқ етиб келиши учун ёнига бир кишини юборади, Ҳаким кексалиги сабаб қадам ташлашга қийналади, шунда бегим Меҳрийга юзланиб бирор нарса дегин дейди. Ҳаким етиб келгач Меҳрий бу назмни айтади:

مرا باتو سری یاری نمانده است دل مهرو وفاداری نمانده است
ترا از ضعف پیری قوت و زور چنانکه پای برداری نمانده است

Яъни:

Менда сен билан ёрлик қилиш майли,
Сенда эса қарилик ва заифлик, куч-қувват қолмади.
Меҳрийда вафодорлик, сенда эса,
Оёқни кўтариб босишга мадор қолмади.

“Тазкират ул-хавотин” тазкирасида ҳам бу қисса берилгандир [3]. Юқорида таъкидлаганимиздек Меҳрий ҳақидаги маълумотлар турли тазкираларда турлича берилган Ҳакимнинг кексалиги ҳақидаги қисса “Натойиж ул-афкор”, “Мирот ул-хаёл” “Хусайний”, “Шамиъ анжуман” тазкираларида ҳам келтирилгандир. “Натойиж ул-афкор” ва “Мирот ул-хаёл” тазкираларида Гавҳаршодбегим ўрнига Нуржахон бегим дейилган [5].

“Жавоҳир ул ажойиб”да келтирилишича Меҳрий фозила, хушчақчақ қиз, сергак, гўзал ва замонасининг ширинсухан аёллар қаторида бўлган. Бир куни баҳор пайтларида сайрга чиқиб, бир четда атрофга назар солиб ўтирган Меҳрий, хирмон атрофида қийинчиликдан кўйлагининг чоки узилган бир кекса, унинг жамолига

муҳаббат назари билан тикилаётганини кўрди. Меҳрий уни чорлаб аҳволини сўради, қария эса, эй дилбаржамол на дей: Онжо ке аён аст че хожат баён аст дейди, шунда Меҳрий кулиб унга ҳам рубоий айтади. Бу воқеадан биз Меҳрий хақиқатан ҳам гўзал ва ҳозиржавоб аёл бўлган деб хулоса қилишимиз мумкин. Меҳрийнинг хозиржавоблиги тўғрисида Муҳаммад Қазвиний "Мажолис ун-нафоис" таржимасида шундай деган: Бир куни Мирзо Шоҳрух Меҳрийга нимага доим ёшлар каби гўзал юрасан, нима учун биз қарилар каби оқ сочинг йўқ дейди. Меҳрий шу заҳотиёқ хозиржавоблик қилиб қуйидаги байтни айтган:

میلم همه باساده رخان چگل است یا رب که سرشت من چه آب و چه گل است
گر میل دلم ، بریش داری باشد از شوهر پیر قلتبانم چه گله است

Яъни:

Барча райхонлар каби майлим қандай лойдандир,
Ё раб, қандай сув у лойдан яралганман.
Гар юрагим майли соқолдорларга керак бўлса,
Яроқсиз қари эрим, қандай лойдандир.

Мазкур мисрадан биз Меҳрийнинг турмуш ўртоғи хақиқатан ҳам кекса одам бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

"Жавоҳир ул-ажойиб"да яна гўзал бир қисса берилгандир. Бир куни Меҳрий билан Ҳаким Бойсунқур Мирзонинг назму-насрга бағишланган кечасида қатнашиб, мажлис якунида шаробхўрлик пайтида, Ҳаким Мирзога Меҳрийнинг дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, ҳеч ҳам уйда ўтирмайди деб нола қилади! Мирзо ҳазиллашиб ҳозир уйга борганда унинг оёқларига кунда қўй деб айтди. Ҳаким мажлисдан сўнг уйга қайтгач мастликда унинг оёқларига кунда қўйди. Меҳрий эрта саҳардаёқ уйғониб бу рубоийни Мирзога юборди:

افسوس نه در کنده بخواهد سودن پای که دو شاخه بود، صد کردن را
شه کنده نهاد سر و سیمین تن ر ا زین واقعه، ماتم است مرد و زن را

Яъни:

Афсус на кунда қўйишни,
Икки шохлик оёқни юзга бўлишни билар.
Кундага танининг вужудини қўйди,
Эркак-у аёлга бу воқеа мотам бўлди.

Мирзо ўқиб кулиб юборди ҳар иккисини чақиртириб узр сўраб сарпо кийдирди. Биз бу рубоийни "Рўзи равшан"да ҳам учраганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Хуллас Меҳрий ҳусну латофатда тенги йўқ, ақлу заковатда беназир аёл бўлганлиги ва Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ёронларни нақл қилувчи "Мажолис ун-нафоис" тазкирасига киритганлигига гувоҳ бўламиз.

Фахрий Ҳиравийнинг "Жавоҳир ул-ажойиб" тазкираси жами ўттиз бир гавҳарлар билан безатилгандир. Улар ҳақидаги қизиқарли янги фикрлар, тазкираларда келтирилмаган шеърлари, шоиралар ҳақидаги маълумотлар, уларни аёлларга оид бўлган бошқа тазкиралар билан қиёсан ўрганиш адабиётимиз тарихини ўрганишда жуда аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Захириддин Мухаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – С. 78.
2. Имомназаров М. “Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари”. –Т.: “Шарқ”, 1996. – С. 9.
3. Мирзо Муҳаммад ибн Муҳаммад Рафиъ Малик ул-Куттуб. “Тазкират ул-хавотин”. ТошДШИ Беруний номидаги қўлёзмалар фондида № 3478 инвентар рақами остида сақланадиган қўлёзма нусха. – Т.: С – 165.
4. Мога Раҳмоний. “Парданешиноне сухангўй”. – Қобул.: “Негоҳе мўосер”, 1952. – С. 26, 24.
5. Саид Ҳисомиддин Рошидий нашри. “Равзат ус-салотин” ва “Жавоҳир ул-ажойиб”. – Ҳайдаробод.: “Вафоий”, 1968. – С. 294-295, 295, 300, 125, 292.
6. Хабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2000. – С. 9.
7. Ғаниева С. Навоий насри нафосати. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2000. – С. 48,161.

JOZEF ARCHIBALD KRONIN ASARLARI ORASIDA “UCH SEVGI” ASARINING O’RNI VA AHAMIYATI

Umrzaqov Islomjon Isroilovich
Namangan Davlat Universiteti
Ingliz tili va adabiyoti kafedrasi katta o`qituvchisi
Mirsadullayev Miravaz Mirmuslim o`g`li
Namangan Davlat Universiteti
Ingliz tili va adabiyoti kafedrasi o`qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqola J. A. Kronin tomonidan yozilgan ikkinchi roman, “Uch Sevgi” asariga bag’ishlanadi. U psixologik jihatlarga urg’u beradi va muallif ishlarida psixologiyani qanday muhokama qilish zarurligini ko’rsatib o’tadi.*

Tayanch so’zlar: *XX asr Ingliz adabiyoti, realism, ideologiya, avtobiografiya, yozuvchi, noodatiy psixologiya, kuchli sevgi, aqliy nosog’lomlik.*

РОМАН “ТРИ ЛЮБВИ” И ЕГО МЕСТО В ТВОРЧЕСТВЕ АРЧИБАЛЬДА ДЖОЗЕФА КРОНИНА

Умрзаков Исломжон Исроилович
Наманганский государственный университет
Кафедра Английского языка и литературы
старщей преподаватель
Мирсадуллаев Мираваз Мирмуслим угли
Наманганский государственный университет
кафедра Английского языка и литературы
преподаватель

Аннотация: *Статья посвящена второму роману Арчибальда Джозефа Кронина. Второй роман «Три любви» не имел успеха у читателей и критики, хотя сам А. Дж. Кронин был о нем высокого мнения. В противном случае поведение персонажей и их действия кажутся лишенными мотивации с точки зрения здравого смысла.*

Ключевые слова: *английская литература XX века, реализм, идиостиль, патопсихология, собственническая любовь, бредовые расстройства.*

THE PLACE OF "THREE LOVES" AMONG OTHER LITERARY WORKS BY ARCHIBALD JOSEPH CRONIN

Umrzaqov Islomjon Isroilovich
Namangan State University
Department of Englishlanguage and literature
senior teacher
Mirsadullayev Miravaz Mirmuslim o`g`li
Namangan State University
department of Englishlanguage and literature
teacher

Annotation: *The article is devoted to «Three Loves» – the second novel by A.J. Cronin. It underlines psychopathological aspect and shows how it should be taken into account while analyzing novels by A.J. Cronin.*

Key words*: English literature of the XXth century, realism, autobiography, abnormal psychology, possessive love, delusional disorders.*

XX asr Buyuk Britaniya adabiyotida o`chmas iz qoldirgan yozuvchi va shifokor Archibald Josef Kronin 1896 yilda Shotlandiyada tavallud topdi. U bolaligidan adabiyotga mehri baland edi. Noyob uslubga ega bo`lgan yozuvchi adabiy faoliyati davomida bir nechta nasriy asarlar yaratdi. Uning ilk romani, "Shlyapachining Qasri" (1931) takrorlanmas muvaffaqiyatga erishadi. Dastlabki muvaffaqqiyatdan so'ng, 1932 yilda, qobiliyatli yozuvchi Jozef Kronin o'zining ikkinchi romani "Uch sevgi" asarini kitobxonlar uchun taqdim etdi. Muallifning fikriga ko'ra, ushbu asar uning birinchi romani "Shlyapachining Qasri"dan mukammalroq chiqqan edi: "Aniq bilamanki bu avvalgisidan yaxshiroq kitob va aniq-ravshan oldinga siljishni ko'rish mumkin…". J. Kronin uchun adabiyot dunyosida yorqin yulduz sifatidagi obro'sini mustahkamlash zarur edi. Shunga qaramay, yorqin harakterlar va qiziqarli syujetga ega asar kutgan kitobxonlar yozuvchining bu romanini yaxshi qabul qilmadilar. Ammo ushbu asar Jozef Kroninning ijodiy faoliyatini tadqiq qiluvchilar uchun qiziqarli hamda muhim manba bo'lib qolaveradi. Kitobdagi avtobiografik ma'lumotlar yozuvchi tomonidan keyingi ishlarida ham ko'p bora takrorlanaveradi. Fikrimizcha, bunday takrorlanishning sababi g'oyalarning yetishmasligidan emas, balki bu ma'lumotlar, voqealarning yozuvchi hayotida tutgan muhim o'rnidadir. Shuni qo'shimcha qilish mumkinki, yozuvchi o'zining boshqa asarlarida yoki avtobiografik asari bo'lmish "Ikki dunyo sayohati" da ko'plab joy nomlarini o'ylab topadi.[1.-B.105]

Asarning syujeti XIX asr oxiri va XX asrning dastlabki yillari, ja'mi 19 yilni qamrab oladi. Mo'jazgina Shotland shaharchasi Ardfillanda (bu joy nomi ham muallif to'qimalaridan biri) baxtli oila istiqomat qiladi: 26 yoshli Lusi Mor, uning turmush o'rtog'i Frenk, 30 yoshda, hamda ularning 8 yoshga to'lgan o'g'li, Piter. Juda ham qaysar, qat'iyatli, kuchli xohish-istaklarga to'la bo'lgan Lusi Morning achchiq qismati asarning markazida turadi. Kitobning sarlavhasini Lusining so'zlaridan tushunib olish mumkin: "Mening turmush o'rtog'im, farzandim va dinim bor". Frankning jiyani, Anna Galton esa bu so'zlarni mazax qiladi: "Ota, O'g'il va Muqaddas Ruh. Omin".

"Bu kichkinagina farzanding uchun o'zingni qurbon qilishing mumkin ammo bir kun kelib u seni tashlab ketadi. Qalbning abadiyligi! Toki o'lguningcha kut- so'ngra umr bo'yi shishirilgan sharlarni quvib yurganligingni tushunib yetasan. Sen sharlarni shu darajada kattalashtirib yuborgan bo'lasanki, ular bir kuni aniq yoriladi va sen shundagina hayoliy orzularing osmonda sochilib ketganligini anglaysan". Anna haq bo'lib chiqadi. Uchta qism o'sha "sharlar" ning birin-ketin yorilishini ko'rsatadi: suyukli turmush o'rtoqdan ayrilish (birinchi qism), o'g'ildan ko'ngil qolishi (ikkinchi qism) va din borasida tushkunlikka tushish edi. [2.-B.107]

Rus adabiyotshunosi N.I.Veismenning fikrlariga ko'ra, asarda ko'tarilgan asosiy mavzular quyidagilardir: "xudbin burjua axloqining tanqidiy imidji, ayolning fojiali taqdiri, yosh yigitning shakllanib borishi, moddiy dunyodagi daxshatli darajadagi yolg'izlik va boshqalar." N.I.Veismen kitobning ijtimoiy jihatlariga e'tiborini qaratadi. Biz asarning bunday talqiniga qisman qo'shilishimiz mumkin. N.I.Veismen asosiy qahramonga achinish bilan qaraydi va uni "hayot girdobiga uloqtirilgan, adolatsiz dunyo bilan yuzlashgan" qurbon sifatida ko'radi. "Tezda omadsizliklar zanjiri burjua oilasining vaqtinchalik omadini buzib tashlaydi. Qahramonning sevgi, baxt, mukammal insoniy munosabatlar haqidagi tushunchalari atrofidagi olamning yolg'onlari, achchiq haqiqatlari bilan to'qnashganda barbod bo'ladi". Shunga qaramay, N.I.Veismen "omadsizliklar zanjirini, ayolning turmush o'rtog'ining xiyonati va o'limi bilan boshlangan, Lusining o'zi, har bir harakati bilan yuzaga keltirganligini e'tiborsiz qoldiradi. Lusi o'zi bilan sodir bo'lgan barcha narsa uchun yolg'iz o'zi javobgardir: u o'zi tanlov hamda qarorlar qabul qildi. Uni o'zga bir muqobil yo'l tanlashga yoki boshqalar qarashini o'ylab ko'rishga majbur qilish deyarli imkonsiz edi. [3.-B.58]

Asarning dastlabki qismida, erining e'tiroziga qaramay, Lusi jiyani Annani uyiga taklif etadi. Frenkning vafotidan so'ng esa, qarindoshlarning e'tirozlariga va o'zining shubhalariga qaramay, Xoking xonim saroyiga yashash uchun ko'chib keladi. Lusining sobiq xo'jayini Lennoks unga turmush qurishni taklif etadi, ammo u farzandi Piter bilan birga yashash orzusi tufayli uni rad etadi. Akasi Richardning qarshiligiga qaramay, o'g'lining shifokor bo'lishi uchun universitetga kirishini talab qila boshlaydi. To'g'risi, bu safargisi Lusining yagona to'g'ri qarori, qurbon qilishlik orqali erishgan g'alabasi edi. Bundan tashqari, Lusi Piterning hayotiga aralashishga va uning turmushini izdan chiqarishga urinib ko'radi ammo buning uddasidan chiqa olmaydi. Va nihoyat, rohib Edvardning monastir hayotining qiyinchiliklari haqidagi ogohlantirishlariga qaramay, Lusi Shveytsariyadagi cherkovga o'zining so'ngi umidsiz tajribasini topishga jo'nab ketadi.

Lusining barcha qaysarliklarining sababi bu uning xudbinligidadir. Hatto uning o'g'li Piterga qilgan jonkuyarliklari ham bu o'zining kelajagi uchun sarmoyasi hisoblanadi. Chunki o'g'li bilan shinam hayot umidi yo'qolganidan so'ng, Lusi tushunarsiz maqsad bilan "Hudoga xizmat qilish" uchun dinga berilib ketadi. Edvardning "Hudoga tashqi olamda xizmat qilish" maslahati Lusi tomonidan quyidagi munozara orqali rad etiladi: "Bu men uchun barcha yoki hech narsa. Menda shunchaki chaqiriq bo'ldi" Lusi bilan suhbatda rohib unga qisqa maslahat beradi: "Men faqat seni ahmoq bo'lib qolishingdan saqlab qolmoqchiman. Sen juda ham qaysarsan. Har bir aqlli inson buni senga aytishi mumkin".

Cherkovdagi uch yillik hayotidan so'ng, Lusi u yerni xasta holida, shifokor va rohibalarning uni olib qolishga bo'lgan urinishlariga qaramay, tark etadi. Londonga yetib kelgandan so'ng, stansiyada o'g'lini kutib turib, hushidan ketadi va shifoxonaga eltib qo'yiladi. U yerda yo'lg'iz holida, zotiljam kasalidan vafot etadi. N.I.Veismen Piterni "onasining o'lim to'shagidagi chaqirig'iga kech yetib kelishini" nohaq ayblaydi. Kitobda onasining tashrifidan o'g'il umuman bexabarligi aniq keltirib o'tilgan: bir-birlaridan olisda bo'lishgani va na biror xat va na bir telegramma olmaganligi aytiladi. Ammo, adabiyotshunos "u o'g'lining uyiga yolg'iz o'zi borishga qaror berganu holsizlikdan poyezd bekatida kutishga majbur bo'lganligi" ni ham qo'shimcha qiladi. Muallif esa Lusining xato tanlovini qoralaydi: "Holatdan kelib chiqib aytsak, barcha ayb uning o'zida. U shifoxonada qolishi kerak edi; toki kuchga to'lguncha; toki o'g'lidan xabar kelguncha; toki qaytishi uchun barcha sharoit yaratilguncha. Ammo u bunday qilmadi! Va mana u; u shu yerda va kutmoqda". Falokatli yakun esa oldini olib bo'lmas darajada mantiqiy nihoyadir.[4.-B.113]

Asar qisman muallifning o'z biografiyasiga asoslanadi va ba'zi qahramonlar real hayotdan olingandir. "Lusi Mor muallifning onasidan namuna qilib olingan. Ammo shukurki, Lusidan farqli o'laroq, Jessi o'g'lining muvaffaqiyatiga yakuniy baho bermasdan shunchaki undan rohatlanib yashagan, va hayotining so'ngida o'zining qurbonliklari o'g'li tomonidan qadrlanganiga ishonch hosil qilib vafot etgan". Jessi Montgomeri va Lusi Mor Shotland protestantlari bo'lishgan va oila a'zolarining Irland katoliklari bilan turmush qurishlariga qarshi bo'lishgan. Jozef Kroninning otasi Patrik va Piterning otasi Frenk sotuvchi bo'lishgan. Patrik Kronin o'g'li Archibald yettiga to'lganda sil kasalligidan vafot etadi. Lusining eri esa Piter sakkiz yoshida baxtsiz hodisada vafot etadi. Ikkalasi ham, Jessi va Lusi, o'zlarini va oilalarini ta'minlash uchun og'ir mehnatni boshlashadi. A. Kronin o'zining avtobiografiyasida oyisi haqidagi xotiralarini eslab o'tadi: "Oyim ikki yil qiyinchiliklarni yengib o'tish uchun tinimsiz mehnat qildi. So'ngra baribir ota yurtiga qaytishga majbur bo'ldi." Jessidan farqli o'laroq Lusi eng dahshatli holatlarda ham qarindoshlarinikiga qaytmaydi. Archibald Kronin va Piter Morlar Glazgo universitetiga o'qishga kirishadi va o'qish pulini to'lash imkoniyatini grant yutib qo'lga kiritadilar. "Uch sevgi" asaridagi muvaffaqiyatli urinishdan so'ng, A.Kronin o'zining adabiy ishlarida avtobiografik ma'lumotlarni harakterlar yaratishda qo'llashni davom ettiradi.

Kronin insonning psixologik holatiga professional tarzda qaraydi, ayniqsa insonning manmansirash kasalligiga uchrashini kuzatib boradi (Jeyms Brodi, "Shlyapachining Qasri" asarining bosh qahramoni, aynan shu kasallik bilan og'riydi). "Uch sevgi" asarida esa, yozuvchi kekkayish kasalligining o'zgacha turini ko'rsatadi.

Bunday aqliy muammolar mavzusi keyingi asarlarida ham uchraydi. Bu asar haqida "Manchestr Guardin" nashri quyidagilarni keltiradi: "Asarda biror yoqimli holat uchramaydi, chunki biror bir qahramonning ezgulik qilishiga yo'l qo'yilmaydi". Haqiqatda ham, "Uch sevgi" muallif tomonidan yozilgan ijobiy qahramonlar uchramaydigan yagona asardir (ba'zi birlarini neytral qahramon sifatida tasvirlash mumkin). Bu holatda Amerikalik adabiy tanqidchi Bezil Devinport so'zlariga qo'shilmay ilojimiz yo'q: "Janob Kronin xuddi g'ayrioddiy psixologik uyda turib barchani kuzatayotganga o'xshaydi".

Rostdan ham, Kronin aqliy nosog'lom holatlarni mahorat bilan tasvirlaydi. U xoh kekkayish, dimog'dorlik kasalligi bo'lsin, xoh o'ta beriluvchanlik bo'lsin, barchasini kichik ma'lumotlargacha keltirib o'tadi. Misol uchun, Xoking xonim (Uch sevgi) va Grevil xonim (Arzimas qo'shiq) obrazlarida o'xshashlik bor: ikkala ayol jismonan sog'lom va faol, badiiy san'at bilimdonlari, va ikkovlarining sevgan kishilari rohiblardir. Yoki muallifning Lusi Morning aqliy holatini tasvirlashini olaylik: Kronin bosqichma-bosqich ushbu ayolda o'sib borayotgan qaysarlik, xudbinlik, o'zini mulohaza qilib ko'rish kabi holatlarning kamligi va ko'plab boshqa salbiy xislatlarni namoyon bo'layotganini tasvirlab beradi. [5.-B.32]

Shunday qilib, "Uch Sevgi" asari bilan J.A.Kronin o'zining badiiy ijodida avtobiografik ma'lumotlarni ko'plab qo'llashni boshladi. Shuningdek, asar yozuvchining aqliy tartibsizlik va shifokorning har bir holatga professional yondashuviga qiziqishini ko'rsatib o'tadi. Birinchi asarda (Shlyapachining Qasri) manmansirash, kibrlanish kasalligi bosh mavzu bo'lgan bo'lsa, bu asarda esa aqliy kasalliklar asosiy o'rinda turadi. Bundan tashqari bu asar yozuvchi tomonidan yozilgan ijobiy qahramonlar mavjud bo'lmagan yagona asardir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Cronin. A.J. The Man Who Created Dr Finley. London: Alma Books, 2011. P.105.
2. Cronin, A.J. Three Loves. London, Victor Gollancz Ltd, 1956. P. 107.
3. Weissman N.I. A.J. Cronin – Romanist (Evolutsiya tvorchestva) [A.J. Cronin – novelist]: Dis.Cand. Philol. Moscow, 1966. (in Russian). P. 58.
4. Davies, Alan. Cronin A.J. The Man Who Created Dr Finley. London: Alma Books, 2011. P. 113.
5. Weissman N.I. A.J. Cronin – Romanist (Evolutsiya tvorchestva) [A.J. Cronin – novelist]: Dis. Cand.Philol. Moscow, 1966. (in Russian). P. 97.
6. Salwak, Dale. A.J. Cronin. Boston: Twayne Publishers,1985. P. 32.

КОНЦЕПТ «ОГОНЬ» В ПРОЗАИЧЕСКОМ ДИСКУРСЕ В.ЯНА (НА МАТЕРИАЛЕ ИСТОРИЧЕСКОЙ ТРИЛОГИИ)

Хайдарова Насиба Адхамовна

Преподаватель , PhD докторант кафедры русского языка и литературы

Андижанский государственный университет

nasiba1701@mail.ru

+998 93 630 59 19, +998 91 602 19 69

Аннотация. *В статье на материале исторической трилогии писателя-романиста В.Г.Яна (Янчевецкого) выводится концепт «огонь» и его трансформация в национальных картинах мира. Столкновение трех национальных картин мира приводит к образованию дискурсивно активной среды, благодаря которой реконструируется фрагмент национального образа мира.*

Ключевые слова. *Концепт, концептосфера, дискурс, дискурсивно активная среда, пространственные координаты, национальная картина мира, символ, образ, трансформация.*

В.ЯННИНГ НАСР ДИСКУРСИДА “ОЛОВ” КОНЦЕПТИ (ТАРИХИЙ ТРИЛОГИЯ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)

Хайдарова Насиба Адхамовна
Андижон давлат университети
Рус тили ва адабиёти кафедраси таянч доктаранти

Аннотация. *Мақолада В.Г.Яннинг (Янчевецкий) тарихий трилогияси материалида “олов” концепти ажратилиб, у оламларнинг миллий тасвирларидаги трансформацияси кўрсатилади. Уч турдан ташкил топган оламларнинг миллий тасвирлари ўзаро тўқнашиши натижасида дискурс-фаол муҳит юзага келади ва натижада оламнинг миллий тасвирининг фрагменти реконструкцияланади.*

Калит сўзлар. *Концепт, концептосфера, дискурс, дискурс-фаол муҳит, маконнинг координаталари, оламнинг миллий тасвири, рамз, образ, трансформация.*

THE CONCEPT OF "FIRE" IN THE PROSE DISCOURSE OF V.YAN (ON THE MATERIAL OF THE HISTORICAL TRILOGY)

Khaydarova Nasiba Adhamovna
Andizhan State university Teacher of the department of Russian language and literature
nasiba1701@mail.ru

Abstract. *The article on the material of the historical trilogy of the novelist V.G. Yan (Yanchevetsky) reveals the concept of “fire” and its transformation in national pictures of the world. The clash of three national pictures of the world leads to the formation of a discursively active environment, due to which a fragment of the national image of the world is reconstructed.*

Key words. *Concept, conceptual sphere, discourse, discursively active environment, spatial coordinates, national world view, symbol, image, transformation.*

Выявление отдельных, ментально важных и культурно значимых единиц, как например, концепт, а также их реконструкция в контексте авторской концептосферы, биографического и художественного дискурсов – одна из основных задач рассмотрения текста художественной литературы в свете проблем его когнитивных возможностей. Благодаря современным подходам в рассмотрении текста, как локализации (сосредоточие) концептов и их «потенций»[3,с.12] с использованием терминологического аппарата и теоретического базиса смежных с

литературоведением антропоцентических наук (конгитивная лингвистика, лингвокультурология), мы можем смоделировать фрагмент национальной картины мира, а также определить ценностную ориентацию того или иного народа, отраженную, сквозь призму индивидуально-авторского мировидения, зафиксированную в тексте произведения. В данной работе, на материале исторической трилогии - романов «Чингиз Хан», «Батый» и «К «Последнему морю» историка-романиста В.Г.Яна (Янчевецкого), мы рассмотрим концепт «огонь», значение которого в зависимости от того, в какой дискурсивно активной среде он находится, видоизменяется: расширяется, или наоборот, сужается [5,с.35]. Это зависит от следующих «факторов» текстового пространства:

а) национальная картина мира.

В трех романах автор моделирует фрагменты трех национальных картин мира: славянской, восточной и монгольской. Концепт «огонь» функционирует в каждой из перечисленных, но с разным «арсеналом» значений. Коннотации, ассоциации и слова - ассоциаты, приближенные к концепту «огонь», национально-культурные оценки и. т. д.- это все учитывается при рассмотрении концепта. Три картины мира – это три дискурса, т.е. активные пространства, в которых реализуется концепт «огонь»;

б) мифологический и религиозный контекст.

Огонь, как стихия-первообраз почти во всей мировой мифологии, религии и язычестве, связан с сакральным мировидением того или иного народа. Концепт «огонь» будучи «свернутым» текстом [6,с.46] предполагает расшифровку и декодирование, которое возможно благодаря привлечению дополнительных, сопутствующих контекстов;

в) пространственные координаты и место локализации.

Одна из особенностей исторической трилогии, как жанра, в том, что герои (а следственно и читатель) постоянно находится в каких-либо конкретных (реальных) или абстрактных (ирреальных) пространствах. Это могут быть как отдельно взятые города, так и страны, целые континенты. Учитывая то, что описываемое явление в романах – это военные действия средних веков, мы можем логически предположить, что одним из скрытых составных элементов этих действий будет концепт «огонь» (костер). Более того, концепт «огонь», или его динамическая реализация в тексте – разожженный костер – переходит в статус концепции, своеобразной философии в национальном мышлении.

Рассмотрим на конкретных примерах «дом бытия» [8,с.154] концепта «огонь»: *«Приходи к огню, садись! – пригласил хозяин. Гость, однако, не опустился на ковер… - Ты кто? - спросил, не подымая глаз, Джелаль эд-Дин – Степняк… - Кочуешь со скотом или промышляешь иным?... – Я стригу бороды караванным купцам… Такой ответ, по степным обычаям, был грубостью…»* [9,с.19]. Из примера видно, что место, где горит огонь, является священным и предполагает определенный, традиционно-канонический набор слов, жестов – этикета. Здесь же автор продолжает: *«…При встрече у костра с незнакомыми, даже бедно одетыми, все становятся равными, обмениваются вопросами вежливости: о здоровье, о состоянии стад, о дальности дороги. Туркмен, очевидно, искал ссоры…»* [9,с.19]. Вторая часть отрывка представляет собой

авторскую развернутую сноску-определение национальной специфики «Космо-Психо-Логоса» [1,с.54], акцентируя внимание на то, что *«даже незнакомые и бедно одетые»* становятся равными. «Власть огня», как первостихии, предполагает равенство. Грубый по *«степным обычаям»* ответ произносится после того, как Джелаль-эд-Дин (Мангуберды-*Х.Н.*) *«спросил, не подымая, глаз»*, что указывает на его небрежное отношение к вошедшему в юрту новому гостю, он забывает, что перед огнем *«все равны»* и ведет себя «не на равных». В то же время, вошедший гость *«не опустился на ковер»* перед огнем, как это принято *«по степным обычаям»*. Здесь мы можем обратить внимание на то, что огонь обладает «регулятивной» функцией. Это мы прослеживаем и в следующем примере: *«Все сидевшие вокруг огня насторожились, стараясь не проронить ни одного слова…»* [10,с.387]. *"Проронившееся слово"* у огня означает – слово чести и доброго имени, Слово, сказанное у огня (костра) должно в дальнейшем реализоваться в действие, иначе оно теряет свой статус, также, как теряет свое место и положение в обществе, герой, сказавший его. Экзистенциально важную причинно-следственную цепочку, с ключевой культурно-семантической ячейкой, концептом «огонь» мы можем встретить в следующем фрагменте: *«Где стоят верблюды, там отдыхают их хозяева, а слуги уже развели костер. А разве там, где у костра собрались десять человек, не найдется горсти рисовой каши и для одиннадцатого? Эй, кто здесь? Правоверные, отзовитесь!»*[9,с.12] или « *- Один бы сноп сухого клевера и несколько лепешек, - шептал всадник,- и тогда мы, проехав еще день, доберемся до зеленых гор, где найдутся и люди, и дружеская беседа возле костра…»* [9,с.318]. Костер (огонь) здесь представлен как желанная цель путника, как безопасное место, приют для отдыха души и тела. Еще одно значение концепта «огонь» - «дом». Мы его находим в примере: *«Хан вошел в юрту. Там было тепло. Посредине курился костер из смолистых корней…»* [9,с.16]. Аналогичные по содержанию отрывки в романной трилогии встречаются часто. Дом, как жизненно важный элемент человеческого существования, имеет различные формы и виды в зависимости от того, к какой ментальности он относится. Основа любого дома, вне зависимости от его местонахождения - это огонь, как в прямом смысле (костер, разжигаемый в середине шатра, юрты или пещеры в древности и у некоторых кочевых народах), так и в переносном, в современном истолковании (Ср. *«домашний очаг»*, *«домашний уют»*, *«домашняя теплота»* и т.д.).

Мифологическое пространство, связанное с концептом «огонь» наиболее ярко представлено в монгольской национальной картине мира. Это связано с языческим и архаическим мировидением героев: *«Субудай-багатур, кряхтя и прихрамывая, подошел к догоравшему костру. Возле него появились шаманы-один старый, седой, и несколько молодых. Они ударяли в бубны, звенели погремушками и выли заклинания. Субудай смотрел на огонь выпученным глазом и шептал молитву, предохраняющую от отравы, удара стрелы и злого глаза. Ветер подхватил клубы сизого дыма и окутал ими Субудая, осыпав искрами. – Счастливый знак!- сказали теснившиеся кругом монголы.- Дым отгоняет несчастье, священные искры принесут удачу!...»* [9,с.396] или *«-…проходите между огнями. Мы обкурим вас священным дымом. Он очистит сердца от злых помыслов, прогонит черных духов тьмы… Ханы и военачальники проходили медленно, останавливаясь около восьми жертвенников, сложенных из камней и глины. На них*

дымились костры… У входа в шатер двое дозорных поддерживали копьями дверную занавеску и, наклонившись, наблюдали, чтобы входившие не коснулись ногой священного порога…» [10,с.418]. Основываясь на текстовых фрагментах мы выделяем следующие значения концепта «огонь»: огонь (костер) как реализация жизненных ритмов героя вне зависимости от национального образа мира, которым он окружен: догорающий костер - старость: «*Субудай-багатур, кряхтя и прихрамывая, подошел к догоравшему костру …» (в монгольской национальной картине мира*); разожженный и ярко пылающий костер - молодость и сила: «*…Хаджи Рахим вместе с другими приблизился к ярко пылавшему костру… У костра на небольшом коврике сидел, подобрав под себя ноги, худощавый мрачный туркмен (*молодой и бесстрашный Кара-Кончар – *Х.Н)…Рядом на коврике лежал прямой меч-кончар…»* [9,с.20] *(в восточной национальной картине мира);* потухающий или уже потухший костер - смерть или спокойствие: «*…прошло много времени. Костер, в котором лежали с вечера большие жерди, почти совсем догорел. Последние огоньки перебегали по тлеющим в золе красным углям. Лагерь уснул. Не спал лишь Торопка… »* [10,с.489] (*в славянской национальной картине мира*) или «*…Посредине хижины, где обычно тлеет костер, потухшие угли покрылись пеплом. Крыша куполом уходила кверху, кончаясь отверстием для дыма. У стенки на корточках сидели четыре человека (*мертвецы - *Х.Н.)…»* [9,с.16]*(в восточной национальной картине мира).* Концепт «огонь», указывая на «немеркнущий свет» в человеке, соотносится с его душой. Если душа, как огонь, «потухает» то и дух покидает человека и в этот момент нужно разжечь костер, для его возвращения: «*…-Хан тяжело болен! Разжигайте огни! Пусть всюду горят костры! Пусть молятся и поют шаманы! Джихангира надо согреть – он уже остывает!...»* [10,с.234]. «*Подкидывать*» что-либо в огонь означает «*поддерживать*» его свет и теплоту, также как и не дать душе человека покинуть тело: «*…Она (*младшая и самая верная, честная среди всех жен умирающего Бату-Хана – *Х.Н.)…подбросила пучок можжевеловых веток на потухавшие угли маленького костра посреди юрты. Вспышки огня озарили все красноватым светом…»* [10,с.237]. Умирающий герой (Бату-хан-*Х.Н.)* именно у огня, у потухающего костра, понимает, кто на самом деле был искренним и верным ему: вся жизнь проходит вереницей перед глазами, поднятыми к вверху – в отверстие в куполе юрты, из которой выходит дым от потухающего костра, как душа героя, покидающая тело, но появление у догорающего костра друзей и верных помощников (Учитель Хаджи Рахим, «аталык» - Субудай-багатур, единственно любимый брат Орду, лекарь-табиб Дуда Праведный и провидица Дафни) возвращают силы и «огонь души» героя вновь пылает, а то, что Юлдуз-Хатун (младшая жена Бату-хана-*Х.Н*) «*…подбросила пучок можжевеловых веток на потухавшие угли маленького костра посреди юрты…»* возвращают героя к жизни.

«Зеркальное отражение» концепта «огонь» мы находим в его «небесном» эквиваленте: это заря (зарево, залитое кровью и огнем в контексте концепта «война»), солнце, Небесный Свет. Обратимся к следующим примерам: «*Два дня войско отдыхало, не разводя костров. Во вторую ночь на небе появился непонятный свет. Небо багровое, как раскаленные угли, не захотело окутаться мраком, и звезды не показывались. Казалось, вечерняя заря продолжалась до утренней зари. Шейх-уль-ислам, сопровождавший войско, объяснил это знамением Аллаха, предсказывающего сияние великой славы, которая ожидает Хорезм-шаха Мухаммеда…»* [9,с.82]. Религиозный

дискурс и коранический код, истолкованный и интерпретированный, как предзнаменование «Славы и Величия» выраженный сочетанием «Небесный Свет», указывает и на пространственные координаты: огонь, костер – на земле, свет и отблеск его – на небе. Аналогичную картины мы видим и в славянской национальной картине мира: «…- *Ужели пал Владимир? – Да, говорят, сожжен! Рассказывают, небо три дня было красным!...»* [10,с.157]. Новая семантика концепта «огонь», раскрывается благодаря его вхождению в этновитальное пространство - в славянскую национальную картину мира. Так, огонь, наделяется дополнительным признаком – «не захваченный, не порабощенный город, место, страна». Если город-это огонь, то не захваченный город – это *«не захваченный огонь»*, и наоборот, захваченный и уничтоженный город – это место испепеленное разожженными, многочисленными кострами. Подчеркивание автором того, что *«небо три дня было красным»* скрывает славянскую священно-религиозную цифровую символику (*три дня*), а то что *«небо было красным»* указывает на кровопролитие, на человеческие жертвы и их души, вознесенные к небу, которое окрасилось в «*красный*» цвет. В романной трилогии, в монгольской национальной картине мира, мы встречаем следующий пример: «*Вам было вверено великое счастье, кусок солнца – сын священного правителя. А как вы сберегли его?...»* [10,с.80]. Эта фраза, произнесенная Батыем, раскрывает контекст: скоропостижная смерть самого младшего сына Чингизова – Кюльхана и указывает на еще одно дополнительное значение концепта «огонь»: если великий человек, правитель-это солнце, то его сын – это «*кусок солнца*»- Небесного Светила. В то же время горящий огонь-это живой человек, огонь-это душа, смерть же его – затухание огня или «*куска солнца*».

Предположение того, что концепт «огонь» находясь в различных дискурсах - картинах мира, претерпевает ряд изменений, дополняется и «окрашивается» в окружающий его национальный Космос, раскрывает новые грани и в его функционировании. Мысль о том, что концепт «огонь» в исторической трилогии (в основном в монгольском миромоделировании) представляет собой фрагмент онтологической концептосферы, подтверждается в следующем отрывке: «*…Темными ночами монголы подолгу сидели на корточках вокруг пылающих костров, смуглые, неподвижные, уставившись пристальным взглядом в раскаленные докрасна угли, а за спинами некоторых жались их покорные жены, такие же неподвижные, узкоглазые, с будто окаменевшими скуластыми лицами…»* [10,с.396]. Уточнения автора в виде фраз «*подолгу сидели на корточках вокруг пылающих костров*» или «*неподвижные, уставившись пристальным взглядом*» указывают на внутренние, психологически динамичные мыслительные процессы, при внешней их «*неподвижности*».

Таким образом, обобщая материал, мы приходим к такому выводу, что концепту «огонь» в структуре, как национальной, так и индивидуально-авторской концептосферы, отводится особое место и с его помощью раскрываются ключевые вопросы, связанные с категорией «текст» на формально-содержательном уровне его рассмотрения.

Использованная литература:

1. Гачев Г. Д. Космос кочевника, земледельца. – М., 2001. – 353 с.
2. Гачев Г. Д. Ментальности народов мира. – М., 2009. – 458с.

3. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка\ Статьи. – М., 1988. – 25 с.
4. Маслова В. А. Когнитивная лингвистика. – Минск., 2004. – 266с.
5. Маслова В. А. Национальный характер сквозь призму языка \ Монография. – М., 2009. – 175 с.
6. Степанов Ю. С. Константы: словарь русской культуры. – М., 2004. – 296 с.
7. Трессидер Д. Словарь символов. М., 2000. 357 с.
8. Хайдеггер М. Время и бытие: статьи и выступления. – М., 1993. – 846 с.
9. Ян В. Г. Собрание сочинений в IV томах. Т. II. – М., 1989. – 543 с.
10. Ян В. Г. Собрание сочинений в IV томах. Т. III. – М., 1989. – 525 с.

“ФОНЕТИКА” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна,
филология фанлари номзоди, доценти,
Наманган давлат университети

Аннотация: *Жаҳон тилшунослигида тилнинг бошқа соҳаларидаги каби фонетик-фонологик тизимини ўрганишга бўлган эътибор ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бу масалага айниқса, бошланғич таълимдан бошлаб кенг эътибор қаратилиб келинмоқда. Шунинг учун бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари учун “Она тили ва болалар адабиёти” фанида берилган “Фонетика” модулини ўқитишда бу масалага атрофлича ёндашилади.Ушбу мақолада “Фонетика” модулини ўқитишда кенг қўлланаётган илғор хорижий тажрибалар хусусида фикр юритилган.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ПРИ ИЗУЧЕНИИ МОДУЛЯ “ФОНЕТИКА”

Хамидова Мухайёхон Обидовна
кандидат филологических наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация: *В мировой лингвистике наряду с другими разделами значетельное внимании уделяется фонетика-фонологическому строю языка. Также внимание наблюдается и в процеси начального образования. В связи с этим в статье представлено обобхение передового зарубежного опыта, применяемого в обучении модулю “Фонетика”.*

Ключевые слова*: Фонетика, фонология, технология, пласты языка, фоностилистические единицы, фоностилистические средства, инновация, передовой зарубежный опыт, интерактивные методы, работа в малых группах.*

USING OF FOREIGN EXPERIENCE IN THE TEACHING “PHONETICS” MODULE

Khamidova Mukhayyoxon Obidovna
Candidate of philological sciences, docent
of Namangan State University

Annotation: *Word language in other countries, such as phonetic language-learning system, phonologic a significant role in all spheres. This issue is wide learnt in primary schools. That's why during teaching students of Primary education faculty, we pay attention in subject "Mother tongue and literature" "Phonetics" module in this article "Phonetics" teaching module reflect the wide use of advanced foreign experience.*

Key words: *phonetics, phonology, technology, language-level, innovation, progressive foreign innovations, interactive methods, work in different groups, foreign experience.*

Жаҳон тилшунослигида тилнинг бошқа соҳаларидаги каби фонетик-фонологик тизимини ўрганишга бўлган эътибор ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Айниқса, Германия, Америка, Россия, Франсия, Чехия мамлакатларидаги фонология мактабларининг ўрни ниҳоятда катта. [5. 9.]

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида фоностилистиканинг алоҳида тармоқ сифатида шаклланишига замин яратилди. Масалан, кейинги йилларда мавзуга оид майдонга келган жиддий ишлардан бири Қ.О.Сапарованинг "Рус ва ўзбек тиллари фоностилистикасининг қиёсий-типологик тадқиқи" мавзусида ёзилган докторлик диссертациясидир.[3. 50.]

Ушбу диссертацияда рус ва ўзбек тиллари сегментал сатҳи илк бор лингвостилистик, когнитив-семантик, лингвокултурологик ва лингвостатистик аспектларда яхлит қиёсий-типологик тадқиқ этилган. Унда рус тили қаторида ўзбек тилининг ҳам фоностилистик бирликлари ва фоностилистик воситаларини фарқлаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, фоновариантлар қўлланишининг функционал-стилистик шарт-шароитлари ва частотаси аниқланганлиги ҳамда турли хил луғатларда акс этиш принципларининг ўрганилганлиги, уларнинг марказ-периферия аспектида тадқиқ этилганлиги, оғзаки нутқий фаолиятда қўлланишининг лингвокултурологик жиҳатлари асосланганлиги, стилистик бўёқдор фоновариантларнинг амал қилиш эволюциясидаги муҳим тенденцияларнинг тавсифланганлиги ва улар юзасидан олиб борилган кузатишларнинг луғат материаллари ҳамда жонли нутқ кузатуви асосида амалга оширилган.

Талаффуз усулларининг вазиятга кўра юқори, сўзлашув, бетараф характерда бўлиши функционал услублар доирасида янада қатъийлашади. Масалан, саҳнадаги актёрнинг талаффуз усули адабий тилнинг ёркин ифодаси сифатида тил истеьмолчилари учун эталон вазифасини ўтайди ва бадиий, публицистик ёки сўзлашув услубларининг меьёрлашувига, она тилининг маданийлашувига хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар таьлим тизими ва тадқиқотларида қўлга киритилган тил ярусининг фонетик-фонологик тизимига доир ушбу илғор тажрибалар таьлим жараёнида самарали қўлланилмоқда.

Инновациялар ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиб "Фонетика" модулини ўқитиш қулай муҳит яратади, бу эса "Фонетика" модулини талабаларнинг пухта ўзлаштиришларида қўл келади. Бизнингча, бундай яхши ташкил этилган ўқитиш муҳити орқали:

- талаба "Фонетика" модулини ўзлаштириш давомида ўқиш ва тадқиқотларга йўналтирилади;

- талабалар турли тадқиқотлар олиб бориш учун модул бўйича материалларга эга бўлади;

- талабалар ижодкорлик қобилиятига яраша рағбат (балл)га (хориж тажрибаларига кўра эса муайян кредитларга) эга бўлади;

- "Фонетика" модулини ўқитиш жараёнида фикрлар ва ахборотлар алмашинувига имкон яратилади;

- "Фонетика" модули бўйича маьлумотларни мустақил олиш кўникмалари шакллантирилади;

- олий таьлимда таьлим олиш кўникмаларини ривожлантиради.

Инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар, интерфаол методлар дастлаб, АҚШ, Англия, Франция, сўнгра Японияда, 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан Ўзбекистонда қўллаб келинмоқда.

Ана шудай илғор хорижий тажрибаларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

"Cooperative learning" (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш) – таьлим усулларидан бири бўлиб, ўрганиш тажрибаларини гуруҳ билан биргаликда амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган. Бу усулда талабалар шунчаки кичик гуруҳларга бирлашмайдилар, балки қатьий бир-бирига боғлиқ бўлган "структура"ни ташкил этадилар.

Моделнинг хусусиятлари:

- қатьий бир-бирига боғлиқ бўлган "структура";
- гуруҳда ва якка жавобгарлик;
- бир-бирига таьсир этиш (юзма-юз);
- талабаларни кичик гуруҳларда маҳоратларининг ошиши;
- гуруҳ фаолияти.

"Cooperative learning" (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш) моделининг бир қанча технологияларидан фойдаланилади. Бу технологиялар қўлланганда, талабалар жуфт бўлиб ёки 4-5 кишидан иборат гуруҳларда амалга оширилади. қуйида улардан намуналар келтирилади:

Бошқотирма (Jigsaw) – талабалар икки гуруҳга бўлинадилар: ишчи гуруҳ ҳамда эксперт гуруҳга. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аьзосига турли мавзулар ажратилади. Агар ажратилган мавзулар айнан бўлиб қолса, талабалар ишчи гуруҳни тарк этадилар. Улар янги гуруҳни ҳосил қиладилар ва берилган топшириқни биргаликда ўрганадилар. Ишчи гуруҳга қайтганларидан сўнг ҳар бир талаба ўзига ажратилган мавзуни тушунтириб беради.

Ички-ташқи айлана (Inside-outside circle) – бу "Cooperative learning" (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш) стратегияларидан бири бўлиб, бунда талабалар ички ва ташқи доирани ҳосил қиладилар. Ўқитувчининг берган саволини дастлаб ички ва ташқи гуруҳларда фикр алмашилади, ундан сўнг ички айланадаги иштирокчилар унинг ташқи айланасини ҳосил қилган гуруҳ аьзоларидан бири билан жуфт ҳолда саволларга ечим қидирадилар.

Ўзаро ўқитиш (Reciprocal teaching) – бунда талабалар жуфт ҳолда бирор матн ҳақида диалог ҳосил қиладилар. Қатнашчилар матнни ўқиши, бир-бирларига саволлар берадилар, таассуротларини ўртоқлашадилар. Мазкур усул талабаларнинг

бирор матнни аниқ тушуниши ва муайян хулосаларга эга бўлишларига имкон беради. Шу тариқа, талабалар бир-бири билан фикр алмашиш жараёнида билимга эга бўлади. [5. 65-66.]

Хусусан, барча таьлим муассасаларида инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар бўйича муҳим илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу борада кўплаб катта ютуқларга эришилган, десак муболаға бўлмайди [4. 27.]

Инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнида қўллаш таьлим тизимида кенг тарқалиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўқув жараёнини либерализация қилиш, демократлаштириш, ҳамкорлик ҳамда ижодкорликда ташкил этишни тақозо этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўқув жараёни марказида талаба бўлмоғи лозим ва ўқув жараёни унга қаратилган, йўналтирилган бўлиши талаб этилмоқда. Шахсга қаратилган таьлим талабанинг ўқув меҳнатини ташкил этишни ҳаракатлантирувчи, қизиқиш, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқарувчи куч бўлиб хизмат қилади. Бундай таьлим педагог ва талабада доимий ижодий изланиш, узлуксиз ўз устида ишлаш имкониятини беради. Мазкур ҳолатнинг ижобий кечиши эса таьлимда сифат ва самарадорликнинг кафолатидир.

“Фонетика” модули бўйича шакл ва воситалар ёрдамида дарсларни ташкил этишни қуйидаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар кафолатлайди:

- педагогик фаолият (таьлим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;

- педагог ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;

- талабалар томонидан “Фонетика” модули бўйича билимларнинг пухта эгалланишининг таьминланиши;


- талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларининг шакллантирилиши;

- талабаларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;

- таьлим-тарбия жараёнида демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Умуман, олганда ҳозирги кунда “Фонетика” модулини ўқитишда инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларнинг қуйидаги шаклларидан таьлим жараёнида кенг фойдаланилмоқда, десак муболаға бўлмайди:

“Кичик гуруҳларда ишлаш” усулидан фойдаланиш талабаларнинг дарсдаги фаоллигини таьминлайди, ҳар бир талабага мунозарада қатнашиш ҳуқуқини ва бир-биридан ўрганиш имконини беради. Бунинг учун аудиториядаги талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳда 5-6 та талаба бўлади. Кичик гуруҳлар қуйидагича номланади:



Хулоса қилиб айтганда, Inter (ўзаро) фаол методларда – ўқувчиларга дарс жараёнини яхши ташкил этишга қулай муҳит яратилади. Талабаларнинг ўзаро фикр алмашишларига имкон берилади. Модулни ўзлаштириш жараёнида ўзаро ахборот олиш ва бериш учун шароит туғдирилади. Ечимини кутаёган масалаларни талабалар ўзаро ҳамжиҳатликда муҳокама қиладилар ва ҳал этадилар. Вазиятдан чиқишда ҳамкорликда ечим топадилар. Олган ахборотлари асосида билимларини бир-бирларига намойиш этадилар.

Бугунги кунда хорижда оммалашган ўқитиш усулларига Credits-hots, Credits-Post, transcript, Blended learning (аралаш ўқитиш), vebinar методи, муаммоли метод, evristik ўқитиш методи лойиҳалаш, режалаштириш, йўналтирувчи матн усули, масофали ўқитиш, кредит тизими, Bolonya deklaratsiyasi, transferancy, aqreement каби методларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир модулни, жумладан, “Фонетика” модулини ўқитишда ҳам яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2009. -222 б.
2.Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси.- Тошкент: Фан, 2013.-424 б.
3.Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов). Автореф. дисс… д-ра филол.н. – Ташкент, 2009. – 50 с.
4. Саидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология: Ўқув қўлланма.-Тошкент, 2006; Толипоп И.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.-Тошкент, 2006; Йўлдошева Ж.Ф., Йўлдошева Т. Интерфаол таълим – сифат кафолати: Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2008; Ғаффарова Т. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар. -Т.: Ўқитувчи, 2011.
5.Саидахмедова О. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар модулининг ўқув методик мажмуаси.-Тошкент, 2017.- 83 б.

АДАБИЙ ЁР-ЁР

Шарипова *Лайло* Фрунзеевна
Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.д.

Аннотация: *Фольклорда маросим қўшиқларига дахлдор ёр-ёр жанри бор. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти шу жанрни ўзлаштириб, ёзма ёр-ёрлар яратди. Мақолада ёзма ёр-ёрни адабий ёр-ёр деб аташ орқали фольклор жанридан фарқлаш, оғзаки ва ёзма бу икки жанрнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари, бадиияти хусусида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *чинга, ёр-ёр, адабий ёр-ёр, жанр стилизацияси, бармоқ вазни, аруз вазни.*

ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЁР-ЁР

Шарипова *Лайло* Фрунзеевна
доцент Бухарского государственного университета, к.ф.н.

Аннотация: *Фольклор имеет жанр ёр-ёр, связанный с церемониальными песнями. Этот жанр изучался в узбекской поэзии во второй половинеXX в. Называя «писменный жанр как буквальный жанр», в статье обсуждается отличие этих двух жанров от фольклорного. Сходство и противопоставление аспектов как устного, так и писменного жанров, а также их положение в литературе.*

Ключевые слова: *чинга, ёр-ёр, литературный ёр-ёр, стилизация жанров, силлабический размер, размер аруз.*

LITERARY YOR-YOR

Sharipova Laylo,
dotsent of Bukhara State Universitu
Candidate of Philological Sciences

Annotation: *Folklore has yor-yor genre related to ceremonial songs. This genre was studied in Uzbek poetry in the second half of XX century. By calling "written genre as a literal genre "The article discusses the difference of these two genres from folklore. The similarity and contrasting aspects of both oral and written genres, their position in literature as well.*

Key words: *chinga, yor-yor, literaru yor-yor, stylization of genres, syllabic size, aruz (poetru metre) size.*

Ёр-ёр халқ қўшиқларининг маросим қўшиқларига дахлдор жанр бўлиб, тўй маросимида ижро қилиб келинади. Келин куёвникига олиб кетилиши жараёнида ижро қилинадиган бу қўшиқда тўй соҳибларини қутлаш, келинни куёвга, куёвни келинга таърифлаш, келинни ўзга хонадонга кетаётганидан қайғуриш, баъзи ҳолларда келиннинг ўз тақдиридан норозиликлари ифодаланади. Ҳазрат Навоий "Мезон ул-авзон" асарида "ёр-ёр" жанрига шундай таъриф беради: "Яна "чинга"дурким, турк улуси зифоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур боғоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва "ёр-ёр" лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар, андоққим, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр –
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр?
Муфтаилун фоъилон муфтаилун фоъилон" [1.582].

"Чинга" атамаси "Мухтасар"да ҳам учрайди. Кўринадики, илми арузда вазни сабаб тилга олинган "чинга" жанри бугун радифи асосида номланмоқда. Халқнинг аксарият ёр-ёрлари бармоқ вазнида, камдан-кам ҳолларда арузда битилганини қайд этиш лозим. Тўй қўшиқларидан бири саналган ёр-ёрларга фольклоршунос олим О.Собиров шундай таъриф беради: "Қиз узатар кечасида айтиладиган қўшиқлардан бири "ёр-ёр"лардир. "Ёр-ёр" қўшиқлари мусиқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда кўпчилик бўлиб куйланиши, нақаротлари билан ажралиб туради"[5.88.].

"Чинга" – ёр-ёр халқ тилидан тушмай куйлаб келингани сабаб шоирларга таъсир қилмай қолмади. Улар бу жанрга мурожаат қилдилар ва адабий "ёр-ёр"лар пайдо бўлди. Бу жанрнинг ўзлашуви мумтоз адабиётимизга тақалади:

Қойинини, янганинг қадрини бил, ёр-ёр:
Билиб анинг қадрини, шукрини қил, ёр-ёр.
Нуқтасига бу сўзнинг етмак керак, ёр-ёр,
Иззатини яхшироқ этмак керак, ёр-ёр [9.45.].

Бу сатрлар Қул Убайдий қаламига мансуб. Қул Убайдий – Убайдуллохон ибн Маҳмуд Султон шайбонийлар сулоласининг йирик вакили бўлиш билан бир қаторда XVI аср ўзбек адабиёти намоёндаси сифатида уч тилда ижод қилиб, ўзбек, араб, форс тилларида девон қолдирган шоир ҳамдир. "Вафо қилсанг" китобида Қул Убайдийнинг "Маснавийлар" сарлавҳаси остида иккита шеъри келтирилган. Шеърлар маснавий шаклида қофияланган. Гарчи ҳижолардаги қисқа-чўзиқлик мутаносиблиги мукаммаллик касб этмаган бўлса-да, шеър Навоий ҳазратлари келтирган мунсариҳи матвийи мавқуф баҳрида ёзилган. Асосийси, шеърда "ёр-ёр"

радифи бор. Мазмуни ҳам, вазни ҳам шеърнинг чинга – тўй қўшиғи эканлигини кўрсатиб турибди:

Меҳрки гулдин аён бўлғусидур, ёр-ёр,
Булбулу гул меҳрибон бўлғусидур, ёр-ёр[9.45.].

Бу шеърлар илк адабий ёр-ёрлар бўлиб, ўша даврда кенг тарқалмади. Умуман, мумтоз шеъриятда ёр-ёр намунасини бошқа учратганимиз йўқ. Халқ ёр-ёрлари, асосан, бармоқ вазнида яратилган бўлиб, аруз вазнида яратилган намуналари нисбатан кам учрайди. Навоий ҳазратлари бекорга чингани икки навъ деб таъкидлаган эмаслар. Бир тури мунсариҳи матвийи мавқуф баҳрида ёзилган бўлса, бобокалонимиз ҳеч вазнга рост келмайди деб билган чингалари бармоқ вазнида ёзилгани кўриниб турибди. Аруз вазнидаги ёр-ёрларни ўрганиш, фақат бир баҳрда яратилганми, бошқа баҳрларда ҳам ёзилганми ёки йўқлиги алоҳида тадқиқотдир.

Тўй қўшиғи саналган ёр-ёр XX асрнинг иккинчи ярмида ёзма шеъриятимизда кенг тарқалди. Бу шеърлар бармоқ вазнида ёзилгани билан ҳам, мотиви, образлар олами билан ҳам халқ ёр-ёрларига жуда яқин. Адабиётшунос олим Н.Каримов бу ҳақида шундай ёзади: “Ёр-ёр” радифи билан тугалланувчи тўй-маросим қўшиқлари фақатгина халқ оғзаки ижодида эмас, балки ёзма адабиётда ҳам кенг тарқалган. Аммо улар ёзма адабиёт вакилларида ҳам халқ шеърининг бевосита таъсири ўлароқ кўринади”[3.109.].

Аксарият адабий ёр-ёрлар ўтган асрнинг 70-80-йилларида яратилди. Уларда бахт мадҳи, лирик қаҳрамоннинг орзу-армонлари, кўп ҳолларда муҳаббатидан айрилган лирик қаҳрамоннинг изтироблари ифода этилган. Айрим ёр-ёрларда қарғаниш, иложсиз ҳолда ёрига бахт тилаш кайфияти устувор. Айрим ёр-ёрлар халқ ёр-ёрларига тақлид доирасида қолиб кетган:

Келинпошша попукдай,
Эсликкина, ёр-ёр, эсликкина.
Куёв тўра қиличдай
Кескингина ёр-ёр, кескингина [7.27-28.].

Одатда, халқ ёр-ёрлари “ҳай-ҳай ўлан” деб бошланади ва ҳар икки сатрда анъанавий радиф бўлади. Адабий ёр-ёрлар фольклор ёр-ёрларига хосликни баъзан анча тўлиқ, баъзан айрим хусусиятларинигина сақлаган.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр.

Муҳаммад Юсуфнинг “Ёр-ёр”шеъридаги бу тўртлик гўё нақаротдай такрор келган, қолган бандлар анъанавий ёр-ёр жанрига фақат оҳанг жиҳатидан монанд бўлиши мумкин:

Осмон олис, осмон жим,
Осмон юлдуз тўшайди
Билагингда бармоғим
Изи борга ўхшайди [4.50.].

Билагида севгилиси бармоқларининг изи бўла туриб, ўзга ёрга тегиб кетиш қисмати халқ ёр-ёрларида ҳам ифода этилган. Адабий ёр-ёрларда “ёр-ёр”

радифининг келтирилиши, “ҳай-ҳай ўлан”деб бошланиши ҳар бандга хос бўлавермайди.

Ҳай-ҳай ўлан,жон ўлан,
Жононадир ёр-ёр
Ҳар бир сўзи гавҳари
Якдонадир ёр-ёр[6.262.].

“Поэзиямизнинг қарийиб олтмиш йиллик тарихи давомида шоирларимиз бу шеър шаклига шу қадар кўп мурожаат этдиларки, натижада у қандайдир сийқалаша бошлади”[2]. Олимнинг бу фикри 80-йилларгача бўлган шеърият учун ўринли. Чунки устоз адабиётшунос олимнинг фикри ҳам айнан шу йиллар хулосаси сифатида айтилган. 80-90-йиллар ўзбек шеъриятидаги ёр-ёрлар эса бахтни куйлаш, келинни, куёвни таърифлаш ёки келиннинг мажбур узатилаётгани, қиз онасининг дардларини эмас, маъшуқаси ўзгага насиб қилаётган ошиқнинг туйғуларини ифодалаган, бевафолик, хиёнат акс эттирилган ёр-ёрлардир. Ўз-ўзидан кўринадики, ёзма ёр-ёрлар фақат аёл дардини ташиш билан чегараланиб қолмай, аксариятида ошиқ лирик қаҳрамон даражасига кўтарилди.

3.Мирзаеванинг “Омонёр”и “Ёр-ёр” радифли шеърлар ичида мафтункорлиги, айни дамда, ёр-ёр стилизациясининг ўзига хос кўриниши сифатида таассурот туғдиради.

Гул бандига банд бўлган, омон ёра, дўст ёр,
Ёрингнинг ёри бордир, омон ёра, дўст ёр.
Йиғлама қиз, йиғлама, омон ёра, дўст ёр
Жонимни берай ёр-ёр, омон ёра, дўст ёр [2.46.].

Бу ёр-ёрлардаги кайфият давр фожиаларига ҳамоҳанг бўлиб кетади. Негаки бевафолик, хиёнат ўша даврнинг бошқа иллатлари билан чатишиб, миллат фожиасини юзага келтирган эди.

Ойгул Суюндиқованинг “Ёр-ёр” шеърида эса имконият, дард, изтироб ифодаси билан бир қаторда бахт тараннум этилган, ўзига хосликка эга адабий ёр-ёр. Бу адабий ёр-ёрда фольклорга хос ифода усулидан, оҳангидан ўринли фойдаланилган:

Сирдарёнинг тўлқин урган мавжида
Олтин сандиқ сирғилайди, ёр-ёр.
Осмон бағрин тўлдирган куй авжида
Қорабайир йўрғалайди, ёр-ёр.
Олтин сандиқ зулфин тутдинг қўлингда,
Кўзим очсам, гулзор ўнгу сўлимда
Келинсалом қилишга ҳам улгурмай,
Қўлим тутиб бошлаб кетдинг йўлингда [8.21.].

2 Каримов Н. Шеърий шакллар ва услубий йўналишлар // Китобда: Ўзбек адабиётида жанрла типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 109.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеъриятида ривож топган адабий ёр-ёр давр руҳиятига уйғун эди ва аввало, жабрдийда аёл туйғуларини, севгисига етмаган ошиқ дардларини ўзида мужассам этди. Шеъриятнинг жанрий ранг-баранглигини таъминлашда хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 582.
2.Мирзаева Зебо. Тун маликаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.46.
3. Каримов Н. Шеърий шакллар ва услубий йўналишлар // Китобда: Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.109.
4.Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004. – Б.50.
5.Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. ва б. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.88.
6.Совет даври халқ қўшиқлари. ЎХИ, кўп томлик. – Тошкент: ЎзР ФАси нашри, 1983. – Б. 262.
7.Султон Акбарий. Довон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 27-28.
8.Суюндиқова О. Умр куйлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – Б. 21.
9.Қул Убайдий. Вафо қилсанг (туркий “Девон”дан намуналар). – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – Б.45.

ИНСОН, ТИЛ ВА МАДАНИЯТ

Муҳаббат Саидова, ф.ф.н. доц.
Умиджон Қўзиев, PhD, НамДУ

Аннотация: *Ушбу мақолада инсон ва унинг тана аъзолари номларини ифодаланган сўзларнинг қандай маъно ташиши ҳақида сўз кетади. Мазкур фикрлар “бош”, “кўз”, “соч” лексемалари мисолида изоҳланади.*

Калит сўзлар: *инсон, маданият, тил, лингвомаданият, тил бирлиги, лексема, мақол, метафора, “бош”, “кўз”, “соч”*

ЧЕЛОВЕК, ЯЗЫК И КУЛЬТУРА

Муҳаббат Саидова, к.ф.н. доц.
Умиджон Қўзиев, PhD, НамГУ

Аннотация.*В данной стате освещены слова называющие человека и его отражение в языке, а также лексические единицы обозначающие части тела. Данные соображения иллюстрируются примерами “бош”, “кўз”, “соч” .*

Ключевые слова: *человек, культура, язык, лингвокультурология, лексическая единица, лексема, пословица, метафора, «бош», «кўз», «соч».*

MAN, LANGUAGE AND CULTURE

Mukhabbat Saidova
NamSU Candidate of Philology
Umidjon Kuziyev PhD NamSU

Annotation: *This article highlights the words calling the person and his reflection in the language, as well as lexical units denoting parts of the body. These considerations are illustrated by examples of "bosh", "ko'z", "soch".*

Key words: *human, culture, language, linguoculturology, linguistic unit, lexem, proverbs, metathore, "head", "eye", "hair"*

Е. Бенвенист XX асрнинг 60-йилларида ёзган мақолаларида ва 1974 йилда рус тилида чоп этилган таржималарда, тил одамнинг ўзида жамланган бўлиши, шунинг учун у сунъий кашфиёт бўла олмаслигини таъкидлаган эди: "Инсон дунёда фақат тил воситасидагина яшайди, шунингдек, тил фақат одамнинг ўзига тегишли бўлиб унинг шу жиҳати бошқа мавжудотлардан ажралиб туради... Айнан тилда ва тил туфайли одам шахс сифатида шаклланади, зеро фақат тил реалликни белгилайди ва у мавжудлик хоссасини ўзидир".[3]

Немис файласуфи И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «нарса ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «нарса ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида юзага келади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «нарса ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.[4]

Инсон билиш ва тил орқалигина ўзини Олам марказида деб ҳис қилади. У оламни ўз тилига мос ҳолатда қабул қилади, тилида ва маданиятида акс этган даражадагина кўра олади. Инсон ўз танаси, қалби, нутқига эга шахс сифатида мавжуд бўлади, шунингдек, унинг инсоний ҳиссиётлари ва бойликлари, фикрлари ва сўзлари, хатолари ва ҳислари билан яхши одам, ёвуз одам, осий инсон, авлиё, аҳмоқ, даҳо сифатида гавдаланади.

Мифологик тафаккурда инсон онги олам тузилишининг маркази ҳисобланади. Аждодлар унда Оламнинг антропоморф аксини кўрадилар: унда жойлашган тик нарсалар осмонга интилиш сифатида "юқори" баҳоланган, инсон онгидаги горизонтал тушунчалар барчаси заминга хос, туб деб тушунилган.

Инсоннинг ташқи кўриниши уч унсурдан ташкил топади: 1) бош ва унинг қисмлари; 2) тана; 3) оёқ.

Замонавий тасаввуримизда бош – ахборотни қайта ишловчи марказ сифатида гавдаланса, қадимги дунё одамида бош билан боғлиқ барча тушунчалар осмон, унинг асосий унсурлари – қуёш, ой, юлдузлари билан боғлиқ. Бош мифологемаси

---

3 Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие. – Москва, 2001. С.90.

4 Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010. 8-б.

“қуёш” билан қуйидаги фразеологизмлар шаклланишига асос бўлган: боши айланмоқ, боши қизимоқ, мияси қайнамоқ, боши гир айланмоқ.

Қуёш бўлиб учди тилла бош (А.Орипов)

Бош –“Илоҳ, асосий, энг муҳим” мифологемаси қуйидаги фразеологик бирликларда акс этади: ишга бош бўлмоқ, давранинг боши, бош қонун, калласи катта, калласи пишган (ақлли, киноя билан нодон, аҳмоқ маъносида), каби.

Ўзбек тилидаги “бош” қисмли фразеологизмларнинг асосий қисми кейинчалик шаклланган ва юқорида кўрсатилган мифологемалар билан мазмуний алоқадорликни йўқотган. Ҳозирда мазкур ФБ(фразеологик бирикма) инсоннинг ўзига хос қобилиятларининг белгилаш, унинг сифатини, жисмоний ҳолати ва бошқаларни ифодалайди. Масалан, калласи қовоқ, қовоқ калла, товуқмия, норкалла, қўчқоркалла, калласи компьютер, калласи ишлайди,

“Бош” сўзи инсоннинг муҳим тана аъзосини билдирган ҳолда турли ФБларни ҳосил қилади, инсонни турли жиҳатлардан тавсифлайди: бошидан совуқ сув қуйгандек (кутилмаганда), эгилмас бош (қайсар), эгилган бош (тобелик, уят), боши қотган, мияси ғовламоқ, бошини ҳар тешикка тиқмоқ, бошини иккита қилмоқ, бош бўлмоқ, боши берк кўчага кириб қолмоқ, бошидан бошламоқ, калласига келганини қилмоқ, боши оққан томонга жўнамоқ, бошини оғритмоқ, бош оғриғи, балиқ бошидан, бошидан оёғигача каби. “Бош” компонентли ФБларнинг кўпчилигида бош – азиз, юқори, ақл каби ижобий коннотацияга эга. Рус менталитетида ҳам бундай бирликларнинг катта қисми ижобий коннотацияни сақлаб қолган, бу рус менталитетида “бош – қуёш, илоҳийлик” архетипи билан боғлиқлиги кўрсатилади.[5]

Инсон бошининг қисмлари – кўз, бурун, қулоқ, тил, тишлар ва бошқа аъзолар ўз шакли ва кенг, аниқ вазифаларга эгалиги, яъни кўриш, ишора қилиш, таъсир ўтказиш, ҳис қилиш, таъм билиш, сўзлаш, муносабат ифодалаш (масхара) функциялари балан мифологемаларга айланган.

Кўз – инсоннинг муҳим бош ва юз қисми сифатида қадимий мифологема бўлиб, бир неча метафораларнинг юзага келишига сабаб бўлган ва ҳозирда ҳам кўз “илоҳийлик” белгисини сақлаб қолган. Кўз қорачиқ, кўзгу, чашм каби парадигматик қаторда услубий бетараф аъзо сифатида иштирок этади.

Кўз – чиройли, катта, маънодор. Айнан кўзлар инсоннинг ҳодисаларнинг туб моҳиятига етишда нафақат жисмоний, балки унинг руҳий ҳолатини намоён қилади, яъни ички сезги – интуициянинг аъзоси ҳисобланади: нимани ўйлаётганини кўрмоқ, кўнгил кўзи, қалб кўзи, меҳр кўзи, жаллод кўз.

Тил кўзнинг, шунингдек, қорачиқларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ ифодалаб бера олади. Қорачиқларнинг ҳаракати билан боғлиқ ФБлар кўплаб учрайди: “нигоҳ ташламоқ”, “кўз қирини ташламоқ”, “кўзи билан ишора қилмоқ”, “кўзини сузмоқ”, “кўзини олиб қочмоқ”, “кўзини бақрайтирмоқ”, “кўзини мўлтиратмоқ”, “кўз тикмоқ”, “кўзини жавдиратмоқ”...

5Маслова В.А. *Лингвокультурология*. – Москва, 2001. С.103.

Кўз инсон ҳиссиётлари ва субъектив муносабатларини аниқ ифодалаб берувчи орган ҳисобланади. Қуёш ва Ой кўплаб халқларнинг мифологиясида қудратли илоҳий нигоҳ тимсоли ҳисобланган. Жумладан, кўздан ўтказмоқ, кўз тегмоқ, назарга тушмоқ, кўз нури кабиларда бу яққол намоён бўлади.

Яна бир "кўз – инсон" мифологемаси бир қатор ФБларнинг шаклланишига асос бўлган: кўзи яшнамоқ (хурсандчилик), кўзи пишган (тажрибали, кўпни кўрган), кўзи тўқ (бой-бадавлат), кўзи оч (хасис), кўзи олма-кесак термоқ (ёмон хаёлларга берилган), кўзи ёнмоқ (қувонмоқ, ҳирс билан қарамоқ), кўзи илинмоқ (мудрамоқ), кўзи соққасидан чиқмоқ, кўзининг пахтаси чиқмоқ (қаттиқ қўрқиш), ишнинг кўзини билмоқ, кўзини сузмоқ (ўзига жалб қилиш), кўзини олиб қочмоқ (уялиш, ноқулай ҳис қилиш)

Инсон олам ҳақидаги 80 фоиз ахборотни кўз орқали олади, шу туфайли у муҳим сезги аъзоси сифатида сеҳрли сирли илоҳий кучга алоқадор ҳисобланади. Масалан, қадимги Русда ғилай кўз "ёмонлик ва касофат" белгисини ифодалаган.Уларнинг эътиқодича, ғилай кўз дунёда иблислар тарқалган вақтда пайдо бўлган эмиш. Ислом эътиқодида ҳам, охирзамонда чиқадиган Дажжолнинг кўзи бўртиб чиққан бўлиши эслатиб ўтилади. Ҳозирга қадар ҳам бундай қараш ўз таъсирини сақлаб қолган: ёмон кўз билан қарамоқ, кўз тегмоқ, ёмон кўздан асрамоқ.

"Кўз" компонентли ФБларда инсонларнинг ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ стереотиплари сақланган. Масалан: кўзини узмаслик, кўзини сузмоқ, кўзини тикмоқ, кўзига тик қарамоқ, кўзини олиб қочмоқ, кўзини ёғ босмоқ, кўзига чўп суқмоқ, кўз бўямоқ,

Шуни таъкидлаш жоизки, рус менталитетига хос ФБларда кўзга тик қарамоқ ижобий баҳоланса, ўзбек урф-одатларида бу айрим ҳолларда салбий баҳоланади: аёлнинг эркакка, фарзанднинг ота-онага нисбатан ҳурматсизлиги белгиси ҳисобланади.

Қадимдан кўз тегиши – назарланишдан сақлаш мақсадида бешик, чақалоқлар, ёш болалар кўл ва оёқчалари, бош кийимларига кўз шаклидаги туморлар, мунчоқлар қадаб қўйилган.

Бу ҳолат ўз навбатида болаларни ёмон кўзлардан сақлаш, тани ва руҳини ҳимоя қилиш вазифасини бажарган. Ва шу асосида қуйидаги ФБлар ҳосил бўлган: кўздан асрамоқ, кўз тегмоқ, назар ташламоқ, назари тушмоқ, кўз-қулоқ бўлмоқ, кўзи ўткир, кўздан қочирмаслик,

Онг ости ҳолатида бу архетиплар ҳозирда ҳам айрим хатти-ҳаракатларимизни белгилаб беради: судланганларнинг сочи уларнинг иродасини синдириш мақсадида ва жазо белгиси сифатида олиб ташланади. Яна бир стереотип учрайди: сочнинг олиниши ҳаётдаги муайян босқичнинг бошланганини билдиради, жумладан, ҳарбий хизматга чақирилганда ўспиринларнинг сочлари қириб олиб ташланади.

Бошингдан бир тола тушмайди ФБи сенга зарар етмайди ёки етказишмайди деган маънони билдирган. Бу ерда "соч" архетипи соғлик, омонлик маъносини касб этган. Ўзбек менталитетида ҳам сочи узун қизлар соғлом, тўкис қаллиқ сифатида баҳоланган. Шеъриятда ҳам зулф, соч, кокил сўзлари кўп қўлланади. Ўзбек тилидаги сочи тақимига тушмоқ, сочи товонига тушмоқ, сочини қирқ ўрим қилмоқ каби ФБлар гўзаллик ва баркамоллик семасини ифодалайди. Достонларда қиз чоҳдаги ўз

ёрини сочи билан қутқаргани кузатилади (Навоий,“Сабъайи сайёр”), яна бир қаҳрамон Дилором эса ўз сочларига боғлаб чўлга ташлаб кетилади.

Ўзбекларда ёш боланинг сочининг асосий қисми олиниб, озгина бир қисмидан кокил қолдириш одати бўлган ва маълум вақтга бориб уни пир мақбараси олдида олдириб ташланган (Саид Аҳмад,“Қоракўз Мажнун”). Сочга бундай қараш туркий халқлар маданиятида ҳам сақланиб келаётганини кўришимиз мумкин.

Соч ва тирноқларни ножоиз жойларга ташлаш ҳам ҳозирга қадар қораланади. Уларни дуч келган жойда эмас, балки четроқ ерга бориб олиш ва ахлат бор жойлардан узоқроққа, кўпинча дарахтлар остига кўмиш одати ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Ўзбек халқ қўшиғи “Читтигул”да қуйидаги сатрлар учрайди:

Гул яхшию гул яхши, Гулнинг попуги яхши.

Ўртага тушган гўзалнинг Ҳайдар кокили яхши.

Демак, соч қадимги даврлардан ҳозирга қадар ўзбек маданиятида гўзаллик, кўркамлик, соғломлик рамзи сифатида эътироф этилиб келинади.

Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романида жужанглар асирга тушган душман аскарларини сочини қириши, тақир бошга туя териси кийдириб чўлга ташлаб кетишлари ва шу йўл билан хотираси ва ўзлигини йўқотган манқуртларни етиштириши тасвирланади. Шунинг ўзи ҳам туркийларда соч инсоннинг жисмоний ва руҳий қобилиятларига таъсир ўтказишига ишонч ётади.

Ўзбек мумтоз адабиётида эса соч бирмунча бошқача гавдаланади:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу

Масалдурким, чароғ туби қоронғу.

Байтда ёрнинг юзи чироққа, сочи эса чироқнинг тубига – зулматга ўхшатилади. Тасаввуфий руҳдаги адабиётда эса, соч солиҳнинг Аллоҳ висолига етишувида халал берувчи пардага ўхшатиладики, бу ўзбек менталитетида соч “ҳимоя воситаси” маъносига ҳам эгалигини кўрсатади.

Одам тимсоли фразеологизмлар, мақоллар, халқ оғзаки ижоди матнларида асрлар давомида сақланиб авлоддан авлодга ўтиб сайқалланиб боради ва кўплаб илмий тадқиқот ишлари учун манба вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1.Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие. – Москва, 2001. С.103.

2.Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010. 8-б.

TRANSITIVE AND INTRANSITIVE PHRASAL VERBS ON THE SHORT STORY “A COSMOPOLITE IN A CAFE” BY O’ HENRY

Shuhratjon Boykhanov

an English teacher, Namangan State University

Abstract: *This article is about the types of phrasal verbs according to transitivity on the short story “A cosmopolite in a cafe” by O’ Henry.*

Key Words: *syntactical and semantic peculiarities, verbal element, transitive verbs and intransitive verbs.*

АМЕРИКАЛИК ЁЗУВЧИ О ГЕНРИНИНГ “Қахвахонадаги шаҳарлик” ҲИКОЯСИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК ФЕЪЛЛАР ЎТИМЛИЛИГИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Шухратжон Бойханов
Наманган Давлат Университети Инглиз тилиўқитувчиси.

Аннотация: *Ушбу мақола фразеологик феъллар ва уларнинг ўтимлилигига кўра турлари ҳақида бўлиб, унда Американинг ёзувчи О Генрининг “Қахвахонадаги шаҳарлик” ҳикоясидаги фразеологик феъллар тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар*:синтактик ва семантик хусусиятлар, феъл, ўтимли ва ўтимсиз феъллар.*

ТИПЫ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ГЛАГОЛ, ИХ ПЕРЕХОДНОСТИ РАССКАЗА АМЕРИКАНСКОГО ПИСАТЕЛЯ О ГЭНРИ “КОСМОПОЛИТ В КАФЕ”

Шухрат Бойханов
преподаватель английского языка, НамГУ.

Ключевые слова: *синтаксические и семантические особенности, глаголный элемент, переходные глаголы и непереходные глаголы*

Аннотация*: В этой статье рассматриваются типы фразеологических глагол, их переходности и изучаются фразеологические глаголы рассказа американского писателя О Гэнри “Космополит в Кафе”*

In this article we are going to discuss transitive and intransitive phrasal verbs on the short story “A COSMOPOLITE IN A CAFE”. Before scrutinizing the main theme, we are giving some points of view of some linguists’ related to the topic.

Phrasal verbs are verbs that comprise a verb, a preposition and an adverb. As Smith states those kind of verbs have their specific syntactical and semantical peculiarities in the usage. If they are analyzed syntactically, the position of constitute elements are used differently or consistently. According to Smith, the syntactic peculiarities indicate that the constitute elements that are used to form the phrasal verbs are made up of verbal element and prepositions used as adverbs.**[1]**

Fraser deals with the verbal elements of the phrasal verbs from a syntactic point of view.**[2]** He claims that the second element of the phrasal verb which is the particle can be connected with both the transitive and intransitive verbs. He gives attention to these kinds of verbs and how they can be influenced when they are connected with the particles. The transitive
lexical verbs changes into intransitive verbs when they are phrasalized or on the contrary. For example: -After I explained the math problem, she began to catch on (= understand)

-She began to catch on the math problem. In the first sentence, ‘catch on’ cannot take an object, i.e., it is intransitive, whereas in the second sentence ‘catch on’ is transitive verb since it takes an indirect object (math problem).

When we discuss Transitivity and Intransitivity of English Phrasal Verbs they are divided into 6 types in Comprehensive Grammar of English Language.[3]

Table 1

		Lexical Verb	Direct Object	Particles		Prepositional Object
				Adverb	Preposition	
1. Type 1	A	come	-	in	-	-
Phrasal Verb	B	crop	-	up	-	-
2. Type II.	A	send	someone	away	-	-
Phrasal Verb	B	turn	someone	down	-	-
3. Type I.	A	come	-	-	with	+ me
Prepositional	B	come	-	-	across	+ a problem
Verb						
4. Type II.	A	receive	something	-	from	+ me
Prepositional	B	take	someone	-	for	+ a fool
Verb)						
5. Type I.	A	run	-	away	with	+ it
Phrasal-						
Prepositional	B	come		up	with	+ an answer
Verb)						
6. Type II. Phrasal	A	send	someone	out	into	+ the world
Prepositional Verb	B	put	someone	up	for	+ election

In comparison with above mentioned types of phrasal verbs, Lindsay Clandfield in her article divided phrasal verbs according to transivity into five types. **[4]** These are:

1. Intransitive (with no object):

Why are standing? ***-Sit down,*** please.

2. Transitive verbs whose object can come in two positions - af**ter the verb or after the particle:**

I think I'll put **my jacket** (Object) **on** (particle) OR I think I'll put **on** (particle) **my jacket**.(object)

If the object is a pronoun, however, it must come between the verb and the particle:

I think I put it (pronoun) on (NOT **I** think I put on it).

3. Transitive verbs whose object must come between the verb and the

particle/preposition:

Its high-quality designs sets **(verb)** the company (**preposition**) apart from its rivals.

4. Transitive verbs whose object must come after the particle:

The baby bikes after (**preposition**) his mother. (**Object)**

Why do you put up with the way he treats you?

5. Verbs with two objects - one after the verb, the other after the particle:

They put (**verb**) their success down (**preposition**)to(**preposition**) good planning

Investigating the phrasal verbs in the short story "A COSMOPOLITE IN A CAFE", I cipher them (that is (1*5)according to *Lindsay Clandfield's* division which was mentioned above.

1. My cosmopolite was named E. Rushmore Coglan, and he will be **heard from (1)*1 to receive news or information from someone***: **(1)**next summer at Coney Island.

2. He **mopped up**)(3) the high seas with his napkin. mop something/somebody ↔ up phrasal verb (*to remove liquid with a mop, a cloth, or something soft, especially in order to clean a surface)*(3)

3. When 'Dixie' was being played a dark-haired young man **sprang up. (meaning** - *suddenly appear or start to exist***(1)**

4. Why, I've seen Kentuckians who hated whisky, Virginians who weren't **descended from** (**meaning:** *somebody to be related to a person or group who lived a long time ago*(4)Pocahontas, Indianians

5. New Yorkers who were too busy to stop for an hour on the street to watch a one-armed

Адабиёт манбалари маълумотларини таҳлили кам сонли алоҳида координацион қобилиятларни (дифференциаллаш, ориентир олиш, ритм қобилиятлари ва бошқалар) ривожлантириш даражаси билан махсус координацион тайёргарлиги ва кондицион қобилиятлар, техник малакалар жумладан алдаб ўтиш ҳаракатларини боғлиқлик кўрсаткичи бўйича аҳамиятли эканини кўрсатади.

Ишнинг мақсади: Севинч жамоаси футболчи қизларини координацион қобилиятларини ривожлантириш орқали алдаб ўтиш ҳаракатлари самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотни ташкил этилиши. Тадқиқот Қашқадарё вилоятининг Севинч аёллар футбол жамоасининг 16-17 ёшли футболчи қизларида олиб борилди. Бунда назорат гуруҳи сифатида Тошкент вилоятини “Металлург” жамоаси олинди. Хар бир жамоадан 15 тадан шуғулланувчи кузатиб борилди. Тадқиқотда футболчи қизларнинг алдаб ўтиш ҳаракатлари кузатилди , тахлил қилинди ва такомиллаштиришга оид тавсиялар берилди. Тажриба гуруҳи ўқув-машғулот жараёнига 7 ой мобайнида махсус воситалар комплекси тадбиқ қилинди. Назорат гуруҳида эса амалдаги режалаштирилган машғулотлар ўтказилди.

Футбол техникасининг рақиб билан бевосита яккама-якка курашда бажариладиган усуллар гуруҳи алдаш ҳаракатларини ташкил этади. Финтлар рақиб қаршилигини енгиш ва ўйинни давом эттириш учун қулай шароит яратиш мақсадида ишлатилади. Финтлардан фойдаланиш ҳужумда ҳам, ҳимояда ҳам кўп тактик масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Алдаш техник ҳаракатларидан фойдаланиш ҳужумда ва ҳимоядаги кўпгина тактик масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради. Бизнинг тадқиқотимизда бир ўйин мобайнида турли амплуа футболчи қизларининг ўртача (Х) рақибни алдаб ўтиш техник ҳаракатлари ўрганилди. Тадқиқотдан олдинги

ўртача кўринишлари қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган бўлиб, унда тажриба гуруҳи сифатида "Севинч" жамоасининг ҳужумчилари жами 44 марта, самарали 66% (+29) алдаш ҳаракатларини бажарганлар. Ярим ҳимоячиларнинг кўрсаткичи жами 46 марта, самарали 57% (+26), ҳимоячиларнинг кўрсаткичи бирмунча паст даражада, яъни 8 марта, самарали 75% (+6) ни ташкил этди. Умумжамоавий алдаш ҳаракатлари кўрсатгичига эътибор берадиган бўлсак, ушбу жамоа жами 98 марта, самарали 62% (+61) ни бажарганлигини кўрамиз.

Тадқиқотимиздаги назорат гуруҳи сифатида "Металлург" жамоасининг алдаб ўтиш ҳаракатлари натижаларига тўхталиб ўтсак, ҳужумчилар жами 46 марта, самарали 72% (+33) ни, яримҳимоячилар жами 44 марта, самарали 66% (+29) ни ва ниҳоят ҳимоячилар жами 9 марта, самарали 89% (+8) ни ташкил этди. Умумжамоавий алдаш ҳаракатлари кўрсатгичи эса жами 101 марта, самарали 71% (+72) ни бажарганлигини кўрамиз.

1-жадвал

"Севинч" ва "Металлург" қизлар жамоасининг техник ҳаракатларнинг ўртача кўриниши (X=6) (тадқиқотдан олдин)

Жамоа	Амплуа	Ҳолатлар			
		+	-	Жами	СК%
Севинч тажриба гуруҳи	Ҳужумчилар	29	15	44	66
	Яримҳимоячи	26	20	46	57
	Ҳимоячи	6	2	8	75
	Жами	61	37	98	62
Металлург назорат гуруҳи	Ҳужумчилар	33	13	46	72
	Яримҳимоячи	29	15	44	66
	Ҳимоячи	8	1	9	89
	Жами	72	29	101	71

Ўйинларни кузатиш орқали равшан бўлдики, футболчи қизларда якка ҳолда рақибни алдаш қобилияти паст даражада экан. Уларнинг мусобақа шароитига тайёргарлигини шакллантириш, спорт маҳоратини ошириш ва албатта рақибни алдаш қобилиятини янада ошириш даркор. Футболчи қизларнинг махсус координацион қобилиятларини такомиллаштириш мақсадида махсус воситалар тадбиқ этдик. Бу машқлар асосида биз жамоа футболчиларнинг рақибни алдаб ўтиш ҳаракатлар самарадорлигини ошишига оид бўлган воситаларни ўқув-машғулот жараёнига жорий этдик.

Футболчи қизларнинг алдаш техник қобилиятлари кўрсаткичи меъёрий талаб даражасидан анча паст эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабабларидан бири деб биз шуни таъкидлашимиз мумкинки, ўқув-машғулот жараёнида футболчи қизлар билан индивидуал техник ҳаракатларга эътибор берилмайди.

Тадқиқотимизда тажриба гуруҳидаги қизларнинг ўқув машғулотларига турли координация билан боғлиқ воситалар қўлланилди ва бу жами режалаштирилган умумий соатларга таъсир этмасдан амалга оширилди.

Махсус воситалар комплекси жами 25 та машқдан иборат бўлиб барча машқлар ўйин вазиятларида кузатиладиган алдаб ўтиш харакатларини турли

мураккабликда координацион қобилиятларни талаб этувчи ўзгарувчан вазият кўринишларида тадбиқ этилди.

2-жадвал

“Севинч” ва “Металлург” қизлар жамоасининг техник ҳаракатларнинг ўртача кўриниши (X=5) (тадқиқотдан кейин)

Жамоа	Амплуа	Ҳолатлар			
		+	-	Жами	СК%
Севинч тажриба гуруҳи	Ҳужумчилар	34	10	44	77
	Яримҳимоячи	30	16	46	65
	Ҳимоячи	10	2	12	83
	Жами	74	28	102	73
Металлург назорат гуруҳи	Ҳужумчилар	32	14	46	70
	Яримҳимоячи	35	15	50	70
	Ҳимоячи	9	5	14	64
	Жами	76	34	110	69

Тадқиқотдан кейинги олинган натижалар 2-жадвалга эътибор берадиган бўлсак, унда тажриба гуруҳи, яъни “Севинч” жамоасининг ҳужумчилари жами 44 марта, самарали 77% (+34) алдаш ҳаракатларини, ярим ҳимоячилар жами 46 марта, самарали 65% (+30) алдаш ҳаракатларини, ҳимоячилар эса 12 марта, самарали 83% (+10) алдаш ҳаракатларини бажарганлигини кўрдик. Ўйин давомида футболчи қизларнинг умумий алдаш ҳаракатлар сони 102 мартани ташкил этиб, самарали 73% (+74) ни кўрсатди.

Назорат гуруҳида, яъни “Металлург” жамоасининг алдаб ўтиш ҳаракатлари: ҳужумчилар жами 46 марта, самарали 70% (+32) ни, яримҳимоячилар жами 50 марта, самарали 70% (+35) ни ва ҳимоячилар жами 14 марта, самарали 64% (+9) ни ташкил этди. Умумжамоавий алдаш ҳаракатлари кўрсатгичи эса жами 110 марта, самарали 69% (+76) ни бажарганлигини кўрамиз.

Тадқиқотдан сўнг олинган кўрсаткичлар футболчи қизларнинг мавсум давомида ўтказилган машғулотлардан сўнг махсус техник тайёргарлик бўйича қайд этилган натижалари текширувнинг дастлабки босқичига нисбатан сезиларли даражада ўсганлиги аниқланди. Аниқландики футболчи қизларнинг ўқув –машулот жараёнида алдаб ўтиш ҳаракатлари координацион қобилиятлар билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда воситаларни танлаш ўз самарасини беради. Бу эса футболчи қизларнинг жамоавий техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Лях В.И. Развитие координационных способностей у детей школьного возраста. Диссертация доктора педагогических наук. - М., 1990.

2.Лях В.И., Витковски З., Жмуда В. Специфические координационные способности как критерий прогнозирования спортивных достижений футболистов //Теория и практика физической культуры. - 2002. - № 4. - С.21 -25.

3.Соболев Д.В. Педагогические и физиологические аспекты отбора и тренировки футболистокдии. Автореф.дис. . канд. пед.наук.-1998. с 55-56
4. Glasauer G.J., Nieber L. Koordinationstraining im Basketball //Leistungssport. - 1999. - N6, - S.42-
5. Hirtz P. Die Komponente Koordination//Körpereziehung. - 1995. -N3. - S.102-106.

TA`LIM VA TARBIYA JARAYONIDA O`QUVCHILARDA TANQIDIY FIKRLASH MALAKALARINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

Mamadjanova Nozima Adxamovna
Namangan davlat universiteti doktoranti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada ta'lim va tarbiya jarayonida o'quvchilarda tanqidiy fikrlash malakalarini rivojlantirish omillari hamda tanqid, tanqidiy tahlil, tanqidiy fikrlash tushunchalarini keng yoritib tahlil qilingan.*

Kalit so'zlar: *tanqid, tanqidiy tahlil, tanqidiy fikrlash…*

ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ

Мамаджанова Нозима Адхамовна
Докторант Наманганского государственного университета

Аннотация: *В статье представлен анализ путей развития критического мышления в учебно – воспитательном процессе. Также раскрыто содержание понятий "критический", "аналитический", "критическое мышление".*

Ключевые слова: *критический, критический анализ, критическое мышление…*

FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF CRITICAL THINKING SKILLS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Mamadjanova Nozima Adhamovna
Doctor of Namangan State University

Abstract*: The article presents an analysis of the ways of development of critical thinking in the educational process. The content of the concepts of "critical", "analytical", "critical thinking" is also disclosed.*

Key words*: critical, critical analysis, critical thinking ...*

Milliy istiqlol tufayli taraqqiyotining barcha sohalarida jadal rivojlanib borayotgan mamlakatimizda bilim darajasi jahon andozalari talablariga javob beradigan, mustaqil tanqidiy fikrlay oladigan, hayotga o'z g'oya va fikrlarini qo'rqmasdan, dadillik bilan ifoda eta oladigan yosh avlodni barkamol qilib voyaga yetkazish dolzarb vazifalardan hisoblanadi. Mazkur vazifalarni amalga oshirishning bosh omillardan biri tanqidiy fikrlash tizimidir.

Ta’lim va tarbiya jarayonida o`quvchilarda tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish har bir pedagogning muhim vazifalaridan biridir. Avvalo tanqid, tanqidiy tahlil va tanqidiy fikrlash tushunchalarini sharhlash maqsadga muvofiqdir.

Tanqid biror bir narsaga baho berish maqsadida uni o`rganish, muhokama qilish, tahlil qilish, kamchiliklarni atroflicha asoslash va hal etish maqsadida bildiriladigan fikr mulohazalar yig`indisidir. Shu jihatdan tanqidga taraqqiyot omili sifatida qaraladi. Tanqid asosli bo`lsa uni mavjud kamchiliklarini bartaraf etishga olib kelib taraqqiyotga ijobiy ta’sir qiladi. Ilmiy manbaalarda, tanqid muhokama san’ati, baholashga bo’lgan qobiliyat sifatida qaraladi

Ta’lim jarayonida tanqidiy tahlil pedagog va o’quvchilar ta’limiy o’zaro bog’liqligidan iborat o’quv faoliyati natijalarini o’rganish usulidir.

Tanqidiy - tahlilning ta’lim va tarbiya jarayonidagi pedagogik vazifasi o’quvchining o’quv faoliyati natijalarini to’ldirish, chuqurlashtirish, to’g’rilash, tuzatish, mazmundor nazorat qilishdan iborat. Natijalarni tanqidiy - tahliliy baholash butun jamoaga o’rganilayotgan materialni o’zlashtirishga faol ko’maklashadi. O’quvchi tanqidiy - tahliliy fikrlashining jadal qaror topishi usulining rivojlantirish samarasidan iboratdir.

O’quvchilar tanqidiy fikrlashini o’rganishda zamonaviy didaktika hamda o’qish jarayonida o`quvchilar psixik tanqidiy fikrlashi bilan shug`ullanuvchi ta`lim psixologiyasi yutuqlaridan foydalanadi. O`quv materiali yosh va mazmunga bog`liq holda bu faoliyatning o`ziga xosligi ta`lim jarayoni psixologik qonuniyatlarini o`rnatadi, tanqidiy fikrlashida o`quvchilarning individual va tipik xususiyatlarini ko`rib chiqadi.

Tanqidiy fikrlash vaqt talab qiladi. Pirson, Xansen, Gordon (1979)lar ta`kidlashlaricha o`z fikrlarini shakllantirish go`yo avvalgi g`oya, tasavvur, uchrashuvlar va tajribalarni arxeologik jihatdan tadqiq qilishga olib keladi. Shuning uchun ham:

- fikrlarini o‘z so‘zlari bilan ifodalash;
- o‘zaro tanqidiy fikrlar almashish;
- o‘z g‘oyalarini ifodalay olish va konstruktiv takliflarga javob ola bilish;
- fikrlarni muayyan g‘oyalar qiyofasida, qulay muhitda amalga oshira olish va o‘z g‘oyalarini to‘la va aniq ifodalay olish.

Tanqidiy fikrlashda erkinlik bo`lishi uchun o’quvchilar ma`qul va noma’qul narsalarni aytish, ular haqida fikrlash, ijod qilish uchun ruxsat olishlari lozim. O’quvchilar mumkin bo’lgan holatlarni anglab olishgach, tanqidiy tahlil qilishga faol kirishadilar.[8]

Tanqidiy tahlilga izn olish didaktik tamoyillarning biri bo’lgan onglilik tamoyiliga asoslanadi.Bu tamoyil o’quvchilarga “nega?” degan savolni tinmay berish yo’li bilan ularda sabab va oqibat orasidagi bog’lanishni anglash uchun sharoit va izn yaratib beriladi. Bundan tashqari, pedagog o’quvchilarga tanqidiy tahlil va haddan oshish orasidagi farq aniqlab berilishi lozim. Tanqidiy fikrlashga izn berish fikrlash uchun maqsad bo`lib, do`stona hamda samarali sharoitda kechadi.

O’quvchilarning fikrlash jarayonida turli fikrlar va g`oyalar paydo bo`ladi.

Turli xil fikr va g`oyalar yakkayu-yagona javobdan voz kechilgandagina mavjudligi yuzaga keladi. Fikrlarni ifoda qilish chegaralanganda o’quvchilarning fikrlashiga chek qo`yiladi. Faqat birgina javob lozim bo`lgan taqdirda hilma-xil vosita va jarayonlardan foydalanish joizki, uning yordamida ular ana shu javobni topa olsin.

O`zlashtirish jarayonida tahliliy-sintetik faoliyat, shuningdek qiyoslash, mavhumlashtirish, umumlashtirish va aniqlashtirish kabi fikriy operatsiyalar muhim ro`l o`ynaydi. Ta'lim va tarbiya jarayonida bilim va tarbiya oluvchilarda tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish qiyin jarayondir. Bu jarayon inson umrining muayyan bir yosh davrida tugallanadigan va esdan chiqariladigan jarayon ham emas. Ta'lim va tarbiya jarayonida o'quvchilarcha tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish uchun har bir pedagogdan tanqidiy fikrlashning tuzilishlarini, aqliy faoliyatning umumlashgan usullarini qo'llash, bola shaxsining shakillantirilishini ta'minlash, uning qobiliyatlarini aniqlash, o'qishga istak va o'quvini uyg'otish, boshlang'ich sinf o'quvchilarini tanqidiy fikrlashining barcha komponentlarini egallashga yo'naltirish asosida tizim ta'limga tayyorlash, shaxsni har tomonlama faollashtirish maqsadida o'quvchilarni faol tanqidiy fikrlashini tarbiyalashning motivlarini va prinsiplarini ta'minlash zaruriyati talab etiladi. Shu bilan bir qatorda, tanqidiy fikrlash mohiyati g'oya va tajribalarning turli tumanligini pedagoglar tushungan va qadrlagan vaqtdagina amalga oshadi.

Tanqidiy fikrlashda "yakka yagona to'g'ri javob"ni talab etadigan aqliy faoliyat yuz bermaydi. Bunday holat bolaning fikrlash qobiliyatini bo'g'ib qo'yadi. Qachonki bolaga o'z fikrini erkin izhor etish uchun sharoit yaratilganda, g'oya va fikrlarni qabul qilish hissini uyg'otilganda, o'quvchiga ruhan qo'rqmasdan o'z fikrini bayon qilishda cho'chimaslikka olib kelinganda va ularning tanqidiy fikrlashning yuzaga kelishini qadrlanganda erkin va tanqidiy fikrlash qobilyatlari rivojlanadi.

Tanqidiy fikrlash talabalarning faolligi bilan bevosita bog'langan.Odatda, talabalar sustkash tinglovchilar bo'lishadi. Chunki ularda o'qituvchi bilimli yoki matnda uning bu bilimlari aks etgan, shu tufayli ularning bilim olishlariga o'qituvchi masul degan ishonch shakllanib qolgan. O'quv jarayonidagi talabalarning faol ishtiroki va o'qishlariga o'zlarining mas'ul ekanligiga tayyorligi tanqidiy fikrlashda kutilgan natijalarni beradi. Talabalarni fikr yuritishga, o'z g'oyalari va fikrlari bilan o'zaro o'rtoqlashishga da'vat etish kabi pedagogik yondoshuv ularning faolligini o'stiradi.

Mixali Chikjentmixaliy (1975) ta'kidlaydiki, talabalar o'sha murakkab darajadagi o'quv jarayonida faol ishtirok etishsa, bilish jarayonida qatnashganligidan katta bahra oladilar va o'zlarida chuqur qoniqish hissini sezadilar. [8]

Erkin fikrlilik tavakkalchilikka asoslanadi. Uning bilim faoliyatida qo'rqmay tavakkal qiluvchi insonlarni rag'batlantirib turish joizdir. Fikrlash jarayonida «ahmoqona g'oyalar» aql bilan tuzilmagan birikma va tushunchalar ilgari surilgan holatlar ham bo'lishi mumkin. O'qituvchi uni o'quv jarayonini tabiiy holati sifatida talabalarga tushuntirishi lozim. Talabalarni tavakkaldan holi bo'lgan, ya'ni g'oyalar qadrlangan, talabalarning fikrlash faoliyatida faol ishtirokini yuqori motivatsiyalash imkoni bo'lgan muhitda o'ylash lozimligi haqida ularda ishonch hosil qilish zarur.

Tanqidiy fikrlashning omillaridan yana biri talabalarning fikrlash jarayonini qadrlashdir. Tashkil etilgan fikrlash jarayonida talabalar o'z g'oyalari, tasavvurlarining o'qituvchi tomonidan qadrlanayotganini tushungan chog'dagina chuqur ma'suliyat va e'tiborga yarasha javob qaytaradilar. Talabalar o'z fikrlash jarayonini qadrlashni namoyish qilishga harakat qiladilar. Unga va uning oqibatlariga nisbatan jiddiy munosabatda bo'la boshlaydilar. [9]

Fikrlash jarayonini tashkil etish davomida talabalarning fikrlari, o‘z tanqidiy tahlili natijalari qimmatli ekanligini ularning ongiga singdirish zarur. O’qituvchi talabalardan muayyan materialni shunchaki qayta ishlashni talab qilganda tayyor qoliplardan, andozalardan holi bo’lishilozim. Bu esa talabalarda o‘zgalar g‘oyalarini mexanik tarzda qayta ishlab chiqish eng muhim va qimmatli ekanligiga ishonch hosil qilishga olib keladi.

Aslida talabalarga o‘z fikri, o‘ziga taalluqli bo‘lgan g‘oya va tasavvurlar qimmatli ekanligini ko‘rsata olish zarur. Talabalarning o‘zlari ham o‘z fikrlarining qimmatbaho ekanligiga ishonch hosil qila olishlari zarur. Ular o‘z fikrining tushuncha va masalani muhokama qilish jarayonida o‘ta muhim, shuningdek, katta-hissa bo‘lib hisoblanishini tan olishlari kerak. Fikrlash jarayoni talabalarning o‘zaro fikr olishuvini ko‘zda tutadi. Talabalarning o‘zaro fikr olishishi ularning bir-biridan o’rganishdagi o‘rtoqchiligiga asos soladi. Talabalardan fikrlovchi sifatida o‘zlarida bo‘lgan yirik fikr va oddiy xatoga bo‘lgan qobiliyatlarini boshqalarga ochib berish talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. J.Yo’ldoshev, S.Usmonov, “Pedagogik texnologiya asoslari”, T., 2004.
2. J.Yo’ldoshev, “Ta’lim yangilanish yo’lida”, T., 2000.
3. Ptiyukov V.Yu., “Osnov pedagogicheskoy texnologi”, M., 1999.
4. Хохлова Людмила Васильевна. Развитие критического мышления учащихся в процессе обучения философии : Дис. ... канд. пед. наук : Екатеринбург, 2003 158 с.
5. Шакирова, Д.М. Технология формирования критического мышления младших школьников. Начальная школа. – 2007.
6. Critical Thinking tools by Richard W. Paul, Linda Elder 2002
7. R.A.Mavlonova, N.H. Rahmonqulova “Umumiy pedagogika” T.,2018
8. N.N.Azizxo’jayeva “Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat” T., 2006
9. Mavzu:’’Tanqidiy fikrlash asoslari’’ S.Donayev.

UDK UDK 371+37-3+371.214

O’QUVCHILARNI TEST TOPSHIRIQLARIGA TAYYORLASHDA MUAMMOLI VAZIYATLARDAN FOYDALANISH

Asimov Alijon
Farg’ona davlat universiteti, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent
Mamasaidova Muhabbat Abdusalom qizi
Farg’ona davlat universiteti, o’qituvchi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada boshlang’ich sinf o’quvchilarini test yechishga tayyorlashda muammoli ta’lim va axborot texnologiyalardan foydalanish usullari yoritilgan.*

Kalit so’zlar: *muammoli ta’lim, test savollari, javob variantlari, axborot texnologiyalari, o’quv dasturi, bilim darajasi, yozma nazorat ishlari, o’quvchilarning o’zlashtirishlari, bilimlarini tekshirish, o’quvchilar tayyorgarligi, to’g’ri javob, noto’g’ri javob.*

ПРИМЕНЕНИЕ МНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ К ИСПЫТАНИЯМ

Асимов Алижон

Фарғона давлат университети, физика-математика фанлари номзоди, доцент
Мамасаидова Муҳаббат Абдусалом қизи
Фарғона давлат университети, ўқитувчи

Аннотация. *В данной статье освещены способы использования проблемного обучения и инновационных технологий при подготовке учеников младших классов к тестированию.*

Ключевые слова: *вопросы тестирования, варианты ответов, информационные технологии, учебная программа, уровень знаний, письменная контрольная работа, успеваемости студентов, проверка знаний, подготовленность студентов, правильный вопрос, неправильный вопрос.*

APPLICATION OF MUCH MUTUAL INSTRUCTIONS FOR PREPARING TEACHERS TO TEST DISCIPLINES

Asimov Alijon
Ferghana State University, PhD in physics-mathematics
Mamasaidova Muhabbat Abdusalom qizi
Ferghana State University, teacher

Annotation: *The article describes how to use problem-based learning and innovative technologies in preparing pupils in primary classes.*

Key words: *questions of tests, the answer options, information technologies, study program, degree of knowledge, writing control tests, the progress of students, control of knowledge, students preparation, true answer(right),false answer(wrong).*

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev 2018 yil dekabr oyidagi Oliy Majlisga murojatnomasida ta’lim tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish hamda ta’lim tizimiga innovatsion texnologiyalarni jalb qilish, hozirgi yosh avlodni innovatsion muhit bilan tanishtirish va innovatsion g’oyalar yaratish hozirgi zamonning eng muhim masalalaridan biri ekanligini ta’kidlab o’tdi. Ta’lim tizimini bundanda takomillashtirish hamda ta’limga innovatsion texnologiyalarni olib kirish uchun yangiliklarga chanqoq yoshlar bilan ko’proq shug’ullanishimiz, ular o’rtasida turli xil musobaqalar o’tkazishimiz va eng asosiysi esa ta’lim sifatini oshirishimiz darkor. Buning uchun darslarni va sinfdan tashqari mashg’ulotlarni tashkillash jarayonlarini zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish yaxshi natija berishi barchamizga sir emas. Xalqimizda “Yoshlikda olingan bilim toshga o’yilgan naqsh kabidir” degan maqol bejiz aytilmagan. Shunday ekan, yosh avlodni ta’limiy bilimlarini boshlang’ich sinflardanoq mustahkamlab borishimiz lozim. Boshlang’ich ta’limda axborot texnologiyalardan foydalanish hozirgi zamonda dolzarb muammolardan sanaladi. Boshlang’ich sinf ta’limini test texnologiyalar asosida tashkillash barobarida o’quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini o’stirishimiz mumkin. Hozirgi zamonda texnologiyalar juda ham tezlikda rivojlanib bormoqda. Boshlang’ich ta’lim matematikasini o’rganishda axborot komunikatsion texnologiyalardan foydalanishni yo’lga qo’yish

natijasida o'quvchilarni matematik bilimlarini mustahkamlaymiz, hamda axborot tizimlari borasidagi yangiliklar bilan ularni tanishtirib boramiz. Bundan tashqari, boshlang'ich matematika kursi sodda misol va masalalarni o'rganishda kompyuter texnologiyasi dasturlaridan foydalanib ta'lim sifatini oshirish mumkin. Test savollari yordamida dars o'tish shular jumlasidandir.Test varianti tushunchasini o'quvchilar ongida shakllantirish maqsadida dastlab boshlang'ich sinfini dastlabki davrida test savollarini ,,ha" yoki ,,yo'q" ko'rinishda berish maqsadga muvofiq.

O'quvchilarga quyidagi ko'rinishdagi savollar berish orqali muammoli vaziyatlar hosil qilish mumkin:

1. 8 soniga 5 ni qo'shsak 13 hosil bo'ladimi?

1) Ha 2) Yo'q

2. 5 soni 4 sonidan katta, to'g'rimi?

1) Ha 2) Yo'q

3. 11 soni 8 sonidan kichikmi?

1) Ha 2) Yo'q

4. Qo'shish belgisi "+" ko'rinishida belgilanadimi?

1) Ha 2) Yo'q □

5. 12+ =20 tenglikda katakchani o'rniga 8 soni qo'yilsa, tenglik to'g'ri bo'ladimi?

1) Ha 2) Yo'q

6. 30 sonini hosil qilish uchun 22 soniga 8 sonini qo'shish to'g'rimi?

1) Ha 2) Yo'q

7. 13< □tengsizlik to'g'ri bo'lishi uchun katakchani o'rniga 12 sonini qo'yish to'g'rimi?

1) Ha 2) Yo'q

Boshlang'ich sinfda test savollari turli xil didaktik talablarga va testlarni o'tkazishda o'ziga xos xususiyatlarga egadir.

Ma'lum bir test savollarini o'tkazib, o'quvchilar bilimidagi yo'l qo'yilgan kamchiliklar aniqlanadi va kelgusida o'quv jarayoniga o'qituvchi kerakli o'zgartirishlar kiritadi. Testlar odatdagi yozma nazorat ishalaridan farqli o'laroq qisqa vaqt ichida o'quvchilarni bilimini tekshirishga imkon beradi.

Birinchi sinfdagi matematikadan tuzilgan test savollari yordamida natural sonlar va natural sonlar qatori haqidagi tushunchalarni, qo'shish va ayirish amallarini o'zlashtirilishini, og'zaki xisoblash malakasini, jadval yordamida qo'shish va ayirishni bilishini, sodda arifmetik masalalarni yechish malakasini hamda eng sodda geometrik figuralar haqida tasavvurlarini aniqlash mumkin.

Boshlang'ich sinfda test o'tkazishda turli usullardan foydalanish yaxshi samara beradi. Dastlab mustaxkamlash darsida ikki yoki uchta test beriladi. Bolalarga "variant" tushunchasini shakllantirish maqsadida kompyuter yordamida nazorat o'tkazilganda quyidagicha ishni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi: test savoli matnidan so'ng monitoringda Ayiq, Bo'ri va Delfinning rasmlari beriladi va u xayvonlar oldida test savollarining javoblari ko'rinadi.

1. 5 va 3 sonini yig'inidisi:

 8 □  6□  5□

2. Qaysi sondan 5 ni ayirsak 4 soni hosil bo'ladi?

 7□  9□  10□

3. 10+5 1□ yozuvda katakka qanday belgi qo'yish kerak?

 =□  < □  > □

4. 11=*+3 yozuvda * o'rniga qanday sonni yozish kerak?

 8□  7 □  3□

5. Kamayuvchi 10 ayriluvchi 5 bo'lsa, ayirmani toping?

 6□  4 □  5

6. Qo'shiluvchilardan biri 5 ga yig'indi 10 ga teng bo'lsa, ikkinchi qo'shiluvchini toping?

 6□  5 □  2

7. 9 soni 11 sonidan nechta kam?

 2□  3□  4□

8. 13 kg un 6 kg undan necha kg og'ir?


 5□  8□  7□

9. 25 bilan 12 ning yig'indisidan 3 ta ortiq bo'lgan son nechiga teng?

 16□  34□  40□

10. 38 sonida nechta birlik bor?

 7□  8□  3□



O’quvchilardan berilgan masala yoki misolni kim to’g’ri yechgan deb so’raydi va kerakli tugmachani bosishini ko’rsatadi.

Bunday mashqlar bir necha marta o’tkazilgandan so’ng o’quvchilarga quyidagi muammoli vaziyat vujudga keltiriladi: o’quvchilar ayiq, bo’ri, delfin rasmlari o’rniga qisqacha qanday belgilarni qo’yishni lozim deb topasiz?

Bolalarning ba’zi birlari Ayiq rasmi o’rniga A), Bo’rining o’rniga B), Delfinning rasmi o’rniga D) qilib belgi qo’yishni taklif qiladilar.

Natijada o’quvchilar A), B), D) variantlar o’rnida yuqoridagi Ayiq, Bo’ri va Delfinni tasavvur qiladilar va ularda “variant” tushunchasi shakllantiriladi. Yuqoridagi aytilgan fikrlarning axborot texnologiyalaridan foydalanib quyidagicha tashkillash mumkin. Dastur easyQuizy dasturi asosida yaratilgan bo’lib,uning ko’rinishi quyidagicha.

Dasturning ishlash printspi quyidagicha:

1. Birinchi bo’lib easuQuizy dasturi faollashtiriladi, natijada 1-rasmdagi ko’rinish paydo bo’ladi.
2. Savollar bilan tanishgandan so’ng, qaysi rasmga (piktogrammaga) mos javoblar to’g’ri bo’lsa, o’sha doiracha belgilanadi.
3. Hamma savollarga javob berishgandan so’ng, to’g’ri va noto’g’ri javoblar soni ekranda namoyon bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Bikbayeva N.U “Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi-T.O’qituvchi 1996

2.M.E.Jumayev, Z.K.Tadjieva “Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi” O’qituvchi, Toshkent 2005 y.

БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЎСМИР БОКСЧИЛАРНИНГ ҲИМОЯ ТЕХНИКАСИДА ТИПИК ХАТОЛАРНИНГ ЁШГА ХОС КЎРСАТКИЧЛАРИ.

Матжанов Жасур Матякубович
ЎзДЖТСУ

Аннотация: *Мазкур мақолада 11-12 ёшли боксчиларнинг ҳимоя ҳаракати техникасини бажариш кўникмаларини ривожланишининг ёшга хос хусусиятлари аниқланган. Шунингдек, мазкур ёшдаги боксчиларнинг ҳимоя техникасида учрайдиган типик хатолар аниқланган.*

Калит сўзлар: *ўсмир боксчилар, бокс техникаси, оёқлар ёрдамида ҳимояланиш, гавда ёрдамида ҳимояланиш, қўллар ёрдамида ҳимояланиш.*

ПОКАЗАТЕЛИ ТИПИЧНЫХ ВОЗРАСТНЫХ ОШИБОК У БОКСЁРОВ ПОДРОСТКОВОГО ВОЗРАСТА, ЗАНИМАЮЩИХСЯ НА НАЧАЛЬНОМ ПОДГОТОВИТЕЛЬНОМ УРОВНЕ .

Матьжанов Жасур Матякубович
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

Аннотация: *В данной статье описываются возрастные особенности 11-12 летних боксерских навыков техники защиты. Типичные ошибки, встречающиеся в защитной экипировке боксеров этого возраста, также выявлены.*

Ключевые слова*: юные боксеры, техника бокса, защита с помощью ног, защита с помощью туловища, защита с помощью рук.*

INDICATORS OF TYPICAL AGE ERRORS OF ADOLESCENT BOXERS INVOLVED IN THE INITIAL PREPARATORY LEVEL.

Uzbek state university of physical culture and sport

Annotation: *This article describes age-related characteristics of the boxing skills of 11-12 years of defense technology. Defensive errors were also found in the defense equipment of this age group*

Key words: *young boxers, technology of the box, protection by means of legs, protection by means of trunk, protection by means of hands.*

Долзарблиги. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, ундан миллат генофондини соғломлаштириш, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашнинг кафолатли воситаси ва миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилишда стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим соҳа сифатида фойдаланилмоқда [2]. Бугунги кунда “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва

маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш" устувор йўналишлардан бирига айланди [1].

Спортчи ёшларимиз нуфузли ҳалқаро мусобақаларда қатор совринларнинг соҳибига айланиб боришмоқда. Айниқса, ёшларимизнинг эришган ютуқлари яккакураш спорти турларида сезиларли даражада кўпаймоқда. Шу жумладан, бокс спортида ҳам Ўзбекистон байроғини жаҳон спорт саҳналарида баланд кўтаришига ўз ҳиссаларини қўшган спортчиларимиз талайгина. Бу эса ёшларимиз орасида боксни кенг тарқалишига ва уларнинг бокс спорт турига қизиқишларини жадал ривожланишига туртки бермоқда.

Маълумки, ҳар бир яккакураш спортида шу жумладан боксда ҳам ғолиблик, асосан, спортчининг жисмоний, техник-тактик ва психик тайёргарлиги орқали таъминланади [3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10]. Мазкур ёшдаги спортчиларни техник тайёргарликларини оширишга қаратилган машғулотларда тренерлар томонидан типик хатоларнинг индивидуал бартараф этиш юзасидан мақсадли ишлар амалга оширилмаяпти.

Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўсмир боксчиларнинг техник тайёргарлигини оширишда уларда йўл қўйиладиган типик хатоларнинг мақсадли бартараф этиш юзасидан етарлича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Мазкур ҳолат тадқиқот ишимизнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади: бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг техник тайёргарлигининг ёшга хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ўсмир боксчиларнинг техник тайёргарлигида типик хатоларни аниқлаш;
- ўсмир боксчиларнинг техник тайёргарлигининг ёшга хос хусусиятларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, эксперт баҳолаш усули, математик статистик таҳлил.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Тажриба Яккакураш спорт турларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-12 ёшли боксчиларни жисмоний машғулотлари жараёнида ўтказилди.

Тадқиқот ишимизнинг вазифаларидан яна бири бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-12 ёшли боксчиларнинг техник кўникмаларини баҳолашдан иборат эди. Мазкур вазифани хал этишда 14 нафар юқори малакали мутахасислардан ташкил топган экспертлар гурнуҳи ташкил этилди.

Баҳолаш маъқуллаш йўли орқали амалга оширилди. Бунда экспертлар фикрларининг мувофиқлик даражасини гуруҳда баҳолаш учун конкордация (W) коэффициентидан фойдаланилди. У бизнинг тадқиқотларимизда етарлича юқори (W-0,841) ҳамда ишончли ($p<0,05$) бўлди. Бу экспертлар фикрларининг ҳақиқатдан ҳам ўзаро мос келганлигидан гувоҳлик беради. Олинаётган маълумотларнинг


объективлигини ошириш учун асосий квалиметрия ғояларига мувофиқ ҳолда экспертизани тайёрлаш ва ўтказишда барча зарур талабларга риоя қилинди.

Экспертлар гуруҳи томонидан яккурашчиларнинг техник ҳаракатлари қуйидагича баҳоланди: “аъло” – техник ҳаракатларнинг мутлақо тўғри бажарилиши – 5 балл; “яхши” – техник ҳаракатларнинг кичик хатолар билан бажарилиши – 4 балл; “қониқарли” – ҳаракатларнинг катта хатолар билан бажарилиши – 3 балл; “қониқарсиз” – бажарилган техник ҳаракатлар – 2 балл баллдан кам.

Боксда ҳимояланишлар боксчи тайёргарлигининг энг муҳим бўлими ҳисобланади [5, 8]. Боксчининг техник жиҳатдан қуроллланганлигининг асосий мазмунини ташкил этади. Агар техник маҳорат даражаси зарба вариантларининг кенг тўплами билан белгиланса, унда боксчининг жанговар қобилияти айнан ҳимояланиш ҳаракатлари тўплами билан белгиланади.

Тадқиқотлар давомида экспертлар томонидан боксчиларда кўп учрайдиган хатолар белгиланди: берилаётган зарбадан ҳимояланишни вақтидан олдин бажариш; ҳимояга ўтишда кечикиш; оғишлар ва шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш; гавда ва оёқлар ҳаракати ўртасидаги координациянинг бузилиши; орқага чекиниш билан ҳимояланишда масофани ҳаддан ортиқ узайтириб юбориш ва бошқалар.

Ёш боксчиларнинг гавда ёрдамида ҳимоя ҳаракатлари техникасини бажариш кўникмалари кўрсаткичлари 1-расмларда келтирилган.




1-расм. Ёш боксчиларнинг оёқлар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникасининг кўрсаткичлари

Оёқлар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникасини бажариш кўникмаси бўйича 11, 12 ёшли боксчиларнинг мос равишда 14%, 17%, - “яхши”, 35%, 35%, – “қониқарли”, 51%, 48% – “қониқарсиз” баллар билан экспертлар томонидан баҳоланган. Мазкур ёшдаги боксчиларнинг ҳимоя техникасини бажариш кўникмалари “аъло”, яъни 5 баллдан юқори баҳоланмади.

Ёш боксчиларда асосан оёқлар ёрдамида ҳимоя ҳаракатини бажаришда гавданинг умумий оғирлик марказининг орқа оёққа ўтказилмаганлиги, қўлларнинг пастга тушиб кетиши ва бошқа типик хатолар кузатилди.

Гавда ёрдамида ҳимоя усулларининг энг самаралиларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳимоя ҳаракатларини 11 ёшли боксчиларнинг 8% “яхши”, 33% “қониқарли”, 59% “қониқарсиз” бажарган.




2-расм. Ёш боксчиларнинг гавда ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникасининг кўрсаткичлари

11 ёшли боксчиларнинг гавда ёрдамида ҳимоя ҳаракатини бажариш кўникмалари (ўнгга ва чапга оғиш, ўнгга ҳамда чапга шўнғиш) экспертлар томонидан “қониқарли” баҳоланган [2-расмга қаранг]. Ушбу ёшдаги спортчиларда оғишлар ва шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш каби хато кўпроқ кузатилди.

12 ёшли боксчиларда гавда ёрдамида ҳимояҳаракатларини бажариш кўникмаси 13% “яхши”, 30% – “қониқарли”, 57% – “қониқарсиз” баҳоланган. Ушбу ёшдаги боксчиларнинг аксарияти ўнгга ва чапга шўнғиш билан ҳимояланиш ҳаракатлари кўникмаларини “қониқарсиз” бажарганлар. Ёш спортчиларда шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш каби хатолар кўп кузатилди.

Ёш боксчиларнинг қўллар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникаси кўрсаткичлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ёш боксчиларнинг қўллар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникасининг кўрсаткичлари

Қўллар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатлари техникасини бажариш кўникмалари 11, 12 ёшли боксчиларнинг экспертлар томонидан 12%, 12%, “яхши”, 31%, 30%, “қониқарли”, 55%, 58%, “қониқарсиз” баҳоланди.

Мазкур холат бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг техник тайёргарлигида қўлланилаётган восита ва усулларга ўзгартиришлар киритиш талабини юзага келтиради. Шу билан бирга қўллар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатларининг самарасизлиги уларнинг жисмоний тайёргарлигида ҳам камчиликлар борлиги билан тушунтирилади.

Хулосалар. 11-12 ёшли боксчиларнинг техник тайёргарлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажрибалар натижасида уларнинг ҳимоя ҳаракатини техникасини бажаришда қуйидаги хатоларга йўл қўйилиши аниқланди. Берилаётган зарбадан ҳимояланишни вақтидан олдин бажариш; ҳимояга ўтишда кечикиш; оғишлар ва шўнғишлар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш; гавда ҳаракати ва оёқлар ўртасидаги ёмон координация; гавда, бош ва қўлларнинг нотўғри ҳолати; силжиб юришларда оёқлар орасидаги масофанинг бузилиши; оёқлар учида эмас, балки бутун оёқ кафтида силжишлар; орқага чекиниш билан ҳимояланишда масофани ҳаддан ортиқ узайтириб юбориш ва бошқалар.

Оёқлар ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатини бажариш кўникмаси экспертлар томонидан 11 ва 12 ёшли боксчиларда “қониқарсиз” баҳоланган. Гавда ёрдамида ҳимояланиш ҳаракатларини бажариш кўникмаси 11 ёшли боксчиларда “қониқарсиз” баҳоланган. 12 ёшли боксчиларда ўнгга ва чапга оғиш билан ҳимояланиш ҳаракатлари кўникмалари “қониқарли”, ўнгга ва чапга шўнғиш билан ҳимояланиш ҳаракатлари кўникмалари “қониқарсиз” баҳоланган.

Спортчиларни тайёрлашнинг энг муҳим босқичи бошланғич тайёргарлик гуруҳи ҳисобланади. Мазкур босқичда шуғулланувчи ёш боксчиларда оқилона ҳаракатлар техникасини рационал шакллантириш билан бир қаторда уларни бажариш кўникмасини самарали ривожлантириш юқори малакали спортчиларни тайёрлаш гарови ҳисобланди. Шундай экан, юқорида қайд этилган натижаларга кўра, ушбу босқичнинг ўқув-машғулотлари жараёни тизимига ўзгартиришлар киритиш боксчиларнинг техник тайёргарлигида типик хатоларни бартараф этиш талабини юзага келтиради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 28 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) – Тошкент ш., 2015 йил 4 сентябр.

3. Basic reliability parameters of a boxing punch. Šiška, Ľ., Broďáni, J., Štefanovský, M., Todorov, S. 2016. Journal of Physical Education and Sport. 16(1),38, c. 241-244

4. Boxing Mastery Advanced Technique, Tactics and Strategies from the Sweet Science. Mark Hatmaker with Doug Werner. Tracks Publishing San Diego, California. Copyright 2004. 225 pg.

5. COACHES MANUAL. Prepared by: AIBA HQs Office. Coordinator: Adam Kusior, AIBA Coaches Comission Chairman Philip Jun. DATE:AUGUST 2011, 275 pg.

6. Isroilov Sh.X., Xalmuxamedov R.D., Tajibayev S.S. Bokschilarning sport-pedagogik mahoratini oshirish. Elektron multimedia darslik. – T.: 2015 y.

7. Samir Chadli, Noureddine Ababou, Amina Ababou. A New Instrument for Punch Analysis in Boxing. Procedia Engineering. Volume 72, 2014, Pages 411-416 https://doi.org/10.1016/j.proeng.2014.06.073

8. Tajibayev S.S., R.N.Abduhamidov Boks bo‘yicha ta’lim muassasalarida sport to‘garak mashg‘ulotlarini tashkil etish yuzasidan o‘quv dasturi va metodik tavsiyalar - T.: «Extremumpress», 2017.- 244 b.

9. Филимонов В.И. Бокс. Спортивно-техническая и физическая подготовка. -М.: МНСАН, 2000.-432 с.

10. Ширяев А.Г. Бокс. Учителю и ученику (изд. 2-е, перераб. и допол.)/ А.Г.Ширяев. СПб:Изд-во «ШАТОН», 2002.–192с.

MUHANDISLARGA INGLIZ TILINI O’RGATISHDA YUZAGA KELADIGAN MUAMMOLAR

Matkarimova Barno Habibullayevna, Farg’ona politexnika instituti
“Tillarni o’rgatish” kafedrasi o’qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada nofilologik yo’nalishda ta’lim olayotgan talabalarga ,asosan, bo’lajak muhandislarga ingliz tilini o’qitish jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo’lgan ayrim muammolar va ularning yechimlari haqida fikr yuritiladi*

Kalit so’zlar: *ESP, engineer, technical topics, abbreviations, engineering vocabulary, technician terminology.*

ПРОБЛЕМА ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ ДЛЯ ИНЖЕНЕРОВ

Маткаримова Барно Хабибуллаевна,
Ферганский политехнический институт
Преподаватель кафедры "Обучение языкам"

Аннотация: *В этой статье обсуждаются некоторые проблемы, возникающие при обучении нефилологических студентов английскому языку и их решения.*

Ключевые слова: *Инженер, технические темы, английский для особых целей, сокращение, инженерный словарь, техническая терминология.*

THE PROBLEM OF TEACHING ENGLISH FOR ENGINEERS

Matkarimova Barno Habibullayevna, teacher of Fergana Polytechnic Institute

Abstract: *This article discusses some of the problems and their solutions encountered when teaching English to engineers. The main purpose of this research is to present the teaching English for engineers with emphasis on the role of the communicative language teaching. In the global*

context, students of engineering need a specific set of language skills for their success in education and career.

Key words: *ESP, engineer, technical topics, abbreviations, engineering vocabulary, technician terminology.*

More and more people are using English in a growing number of occupational contexts. Harding stresses that the general skills that a general English teacher uses e.g. being communicative, using authentic materials and analyzing English in a practical way are also applicable to ESP. He also suggests that teachers should:

-Think about what is needed and don't just follow an off-the-shelf course or course book;

- Understand the nature of their students' subject area;
- Work out their language needs in relation to their skills;
- Use contexts, texts, situations from their subject area;
- Use authentic materials;
- Make the tasks as authentic as possible;

-Take the classroom into the real world and bring the real world into the classroom.

What is ESP exactly? People described ESP as simply being the teaching of English for any purpose that could be specified, as the teaching of English used in academic studies or the teaching of English for vocational or professional purposes.[1] It is rather difficult to decide what English to teach to engineers. First of all, “engineer” has two rather distinct meanings, one of which is close to “technician” or “mechanic” and another which is closer or “designer”. The needs of these two groups are likely to be different, but there are also people whose jobs and training fall somewhere in the middle. Another complication is that English for Engineers courses are also often for people still in full-time education, meaning no one has any idea which kind of job those people might end up in. Then there are the numerous different kinds of engineer (marine engineer, architectural engineer, genetic engineer, etc.) with wildly different fields of work and very specialist vocabulary…

Psycholinguistics presents the theories of language acquisition and language use and, therefore, some psycholinguists argue that “learning is entirely the product of experience” while others suggest that man “has an innate language learning mechanism which determines learning or acquisition of language” [2] Language is a marker of identity and a tool for representing local values and culture. On the one hand, the right to study one’s own language is now considered a basic human right. On the other hand, there is an urgent-felt need, particularly among the younger generation, to identify with the global world culture. The patterns of language use in Indian society point to the use of Hindi as the lingua franca in India. Hindi is used by most people in rural contexts mainly in addition to their local language. Similarly, while English is used for official written documentation and communication, Hindi and/or the local languages are mainly used for oral interaction in government offices. In the cities, only a small part of the population, the educated elite, uses English for their everyday communication, but, still as Prof. Jacob Tharu says, “English is no longer some remote but a powerful mystery, lying hidden in the world of textbooks and examination.”[3] The challenge is to maintain an appropriate

balance in the choice of language-in-education among individual, societal and national development needs.

Having said all that, engineers tend to be interested in technical topics even if they have little relation to their own specialization, and technical topics also tend to bring up language that can be used to describe other kinds of engineering. There are also things that most kinds of engineers need to be able to understand, including:

- Abbreviations
- Adjectives, e.g. positive ones like “reliable” and negative ones like “rusty”
- Consequences/ Cause and effect
- Countable and uncountable nouns
- Dimensions, plus other units of measurement like pressures and temperatures and other numbers
- Directions, e.g. “vertical” and “anticlockwise”
- Equipment and tools
- Language to describe health and safety requirements, e.g. modal verbs
- Manuals
- Materials
- Opposites, e.g. “loose”/ “tight” and “plug in”/ “unplug”
- Other parts of speech, e.g. “loose”/ “loosen” and “wide”/ “width”
- Parts of things, e.g. leg of a chair/ Components and how they are put together
- Positions, e.g. “in the top left corner”
- Presentations, e.g. of a design or to explain an engineering failure
- Processes, e.g. “First of all” and “After that”
- Reports
- Shapes
- Talking about projects, e.g. planning and progress checks
- Things those engineers do e.g. “check” and “measure”
- Things those machines and devices do and have done to them e.g. “pivot” and “break down”
- Troubleshooting conversations, e.g. helpdesk phone calls and using “enough” and “too”
- Words which are always plural, e.g. “scissors”, “overalls”, “premises”, “tweezers”, “pincers” and “pliers”
- Words which have different general and technical meanings

There will also be some differences between the grammar syllabus of English for engineering and some other ESP courses, for example putting passive tenses earlier in this kind of course, covering the zero conditional long before the first and second conditional, and covering imperatives (pretty much useless for most General English courses). Making uncountable things countable with words like “a piece of…” and “a tube of…” is also likely to be important. You’ll need to find out which kinds of language from the list above and which specific examples (e.g. which verbs would describe what they do) they need, by finding out more about the students before you meet them, through a needs analysis or by reading up about their industry and job. There are some great materials available for engineers, including the fabulous textbooks Tech Talk Elementary and Tech Talk Pre-

Intermediate, but they generally need a lot of livening up and making more specific to the studies/ jobs of a particular class of students. Both of those things are even truer if your students have a book that is mainly designed for self-study, even if it is a good book like Professional Engineering in Use: Engineering.

Engineering vocabulary can be presented and practiced all the usual TEFL ways such as trying to make true sentences about your partner using one or more words on the list, Pictionary, miming, Taboo, and the definitions game. Because suitable things like "spanner" and "spring" can vary a lot (making them difficult to describe, draw etc.), you might want to be more specific and give them "bed spring" and "adjustable spanner".

Of those typical vocabulary games, the Definitions Game (asking students to describe the thing they are thinking of without mentioning any part of its name until their partner guesses what it is) is the most language intensive. You can add practice of other things that they need from the list above to the definitions game by giving them suggested language to describe things with, e.g. shapes, dimensions, materials, adjectives, actions that those things do, and actions that are done to those things. You can also ask them to stick to just one of those categories as long as possible, e.g. using three or four adjectives before they move onto other kinds of description. A version of this that I use a lot is called the Dimensions Guessing Game and consists of the person thinking of an object such as "gear lever" and describing its weight, diameter, length etc. until their partner guesses. They could also be given dimensions of actual objects such as an iPod and the world's biggest cargo ship to read out to their partner until they guess what is being described.

A similar game which combines numbers practice with lots of suitable vocabulary is a Numbers Trivia Guessing Game. One student asks their partner(s) to guess a number that they have on their worksheet, e.g. "How much does the metal in the Eiffel Tower weigh?" They give clues like "much heavier" and "a tiny bit lighter" until their partner guesses the exact amount.

An activity which combines many more categories of vocabulary is a List Dictation. The teacher reads out a list of words until the students guess that the category is 3D shapes, man-made materials, or any of the categories above. They can then label the same categories on a worksheet and test each other in pairs or small groups. It is also possible to score points, with points off for wrong guesses. Perhaps before or after the List Dictation game, students can also be asked to brainstorm vocabulary into categories like those near the top of this article.

Perhaps after brainstorming and/ or a List Dictation, there are also plenty of other activities students can do in which they can use more than one category from the list of useful language above. Possibilities include asking them to combine words:

- As problems, e.g. dangers, and solutions
- Combining two things in unusual ways, e.g. a camera which is also a scanner
- Coming up with new production methods
- Comparisons, e.g. explaining why one thing is better than another, or giving similarities and differences
- Describing a picture combining shapes, positions, components etc. for their partner to draw

- Designing something with the functions or properties of two present things, e.g. both drilling and screwing
- Explaining how one thing could replace another
- Explaining possible interactions between two things
- Giving alternative ways of doing typical engineering actions, e.g. another way to bend metal
- Giving instructions for use, perhaps including warnings
- Giving reasons for doing something
- In zero or other conditionals
- Plans and how things actually turned out
- Predicting how something might change
- The same alternative use of two different objects

Particularly useful activities specific to some of the categories of language given at the top of the article include:

Abbreviations. Students can try to find what things stand for from a big list of possible words, find the endings of the words in the abbreviations from a list of words with their first bits missing, guess the meanings of unknown but useful words in the full forms of abbreviations from what the abbreviations mean, etc.

Adjectives. Students give a sales presentation or design an advert for a piece of engineering, imaginary material etc, using as many positive words as they can. The other teams should try to use negative words to describe that thing, with the group who are presenting defending their invention/ product.

Consequences/ Cause and effect. Students take turns blaming each other for a failure or try to think of a good unintended consequence of something bad that their partner accuses them of doing.

Countable and uncountable nouns. Students race to categories countable and uncountable nouns on scraps of paper (perhaps organized so that there are equal number of each) and/ or decide on how much/ many of those things they will take somewhere, e.g. to set up a polar camp.

Processes. Students explain how to do something until their partner guesses what the process or object is, try to add something to their partner's very detailed description of a process, or do only exactly what they are told to do when operating something, e.g. not moving their hand towards the object unless their partner mentions that.

Shapes. Students change the shapes of common engineering objects, components or inventions and try to explain why that shape is better than the shapes which are used now – for example designing the world's first triangular mp3 player.

Talking about projects. Students try to find good reasons for why they haven't done the things that they were supposed to or defend their predictions for future progress when their partner attacks what they say as being unrealistic.

Actions. Students race to categories verbs by their past tense pronunciation and/ or tell an imaginary story of an engineering project/ invention using as many of the verbs as they can.

Troubleshooting conversations. One student is given a role play card with an odd and/ or amusing reason for problems such as "You haven't plugged it in" or "You are

really short-sighted but won't wear glasses" and the helpdesk person should keep asking questions and suggesting things until they find out that reason. Students can also be asked to do more creative things with the language, e.g. designing machines using as many of the words that they have been given as they can, automating common everyday tasks like squeezing toothpaste, finding engineering uses for everyday objects, and thinking of low-tech ways to do things like fly to Mars. These kinds of topics can also be tied into reading and listening by finding related texts. There are also plenty of videos that have a connection to engineering or can be given one, e.g. What Did the Victorians Ever Do For Us, National Geographic's Engineering Connections programs, parts of the Wallace and Grommet films, the bits where the A Team make things out of random stuff in a barn, and Robot Wars. Other good topics for speaking, listening and/ or reading (perhaps also with a writing homework) include:

- A Noble Prize for engineering
- Chindogu ("unusualness" Japanese inventions)
- Clever low-budget engineering, e.g. reuse of discarded machine parts
- Defining engineering, e.g. in contrast to design and science
- Education for engineers, e.g. how practical it should be and how much English is needed nowadays
- Engineering in particular countries, e.g. why the Germans respect engineers more than the British do or famous people and companies from one place
- Examples of bad engineering
- Extreme testing, e.g. crash tests
- Famous engineers
- How respected engineers are, e.g. how high status a job it is
- Inventions
- Inventors who had their ideas rejected by everyone, e.g. Dyson
- Kinds of engineer which are in demand or likely to be in the future
- Long term space missions, e.g. designing the interior of the spaceship or space station or thinking about amounts of things to take (good for countable and uncountable nouns)
- Moving from engineering to management

In conclusion, there are particular methods of teaching foreign language to engineers and we can achieve the result if we will use these methods correctly. And our lessons will be more interesting to the member of any sphere.

Used literature:

1.Harding, K., (2007), English for Specific Purposes, Oxford University Press

1. Varshney, R. L., (2007-08), An Introductory Textbook of Linguistics and Phonetics. Bareilly: Students Store, Sixteenth Reprint., page -207-208.

2. Tharu, Jacob, (2006), "A second look at English as a window on the world that has changed," Communication Curriculum in Higher Communication: Challenges & Opportunities, page -1

“JAHONNING HOZIRGI ZAMON SIYOSIY XARITASI, JAHON MAMLAKATLARINING SOTSIAL-IQTISODIY GURUHLARI” MAVZUSINI O’QITISHDA ILG’OR INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH.

Maxmudova Manzura Jurayevna
Namangan davlat universiteti geografiya fanlar nomzodi, dotsent
Qo`ldasheva Mahmuda Nurmatjonovna
NamDU huzuridagi XTXQTMOH aniq va tabiiy fanlar metodikasi kafedrasi o`qituvchisi

Annotatsiya: *Maqolada jahonning hozirgi zamon siyosiy xaritasi, jahon mamlakatlarining sotsial-iqtisodiy guruhlari” mavzusini o’qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish orqali talabalarda mavzu bo’yicha bilim, ko’nikma va malakalarni shakllantirishning dolzarb masalalari, shuningdek, innovatsion metodlardan namunalar keltirilgan.*

Kalit so`zlar: *Jahonning siyosiy kartasi, Innovatsion metodlardan foydalanishning afzalliklari, innovatsion usullar orqali jahonning siyosiy kartasini o‘qitish, reproduktiv metodlar, “Galereya” strategiyasi.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРИ ИЗУЧЕНИИ ТЕМЫ «СОВРЕМЕННАЯ ПОЛИТИЧЕСКАЯ КАРТА МИРА, СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ГРУППЫ МИРОВЫХ ГОСУДАРСТВ»

Махмудова Манзура Джураевна
Наманганский государственный университет
Кандидат географических наук, доцент
Кулдашева Махмуда Нурматжоновна
Преподаватель кафедры методики точных и естественных наук регионального центра переподготовки и повышения квалификации работников народного образования Наманганской области при Наманганском государственном университете

Аннотация: *в данной статье рассматриваются вопросы использования современных инновационных технологий при изучении темы «Современная политическая карта мира, социально-экономические группы мировых государств», а также рассматриваются вопросы формирования у студентов знаний, умений, навыков, представлены образцы современных инновационных методов*

Ключевые понятия: *Современная политическая карта мира, преимущества использования современных инновационных методов, чтение современной политической карты мира с использованием инновационных методов и приёмов, репродуктивные методы, стратегия «Галерея»*

USING FROM THE LEADING INNOVATIONAL METHODS IN TEACING ON THE THEME “SOCIAL-ECONOMICAL GROUPS OF THE WORLD COUNTRIES”, THE POLITICAL MAP OF THE WORLD AT THE PRESENT TIME.

Mahmudova Manzura Djurayevna
Namangan State University

Doctor of geographical sciences, assistant professor
Quldasheva Mahmuda Nurmatjonovna
Teacher of chair of methodical exact and natural sciences

Annotanion: *In this article highlihted the political map of the world at the present time, using innovational technology in teaching the theme "Social-political groups of the world countries and relevent issues of organizing students' knowledge and skills on the theme and also given examples of innovational methods.*

Key words: *Economical map of the world, advantages of using innovational methods, teaching economical map of the world through innovation, the strategy of gallary, reproductive methods.*

Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar ta'lim sohasini jahonning rivojlangan mamlakatlarining ilg'or metodlari va texnologiyalariga asoslangan xolda tashkil etishni taqozo etmoqda

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyevning "Islohotlarning muvaffaqiyati, mamlakatimizning dunyodagi rivojlangan, zamonaviy davlatlar qatoridan munosib o'rin egallashi avvalo ilm-fan,ta'lim-tarbiya sohasining rivoji bilan,bu borada biz dunyoda raqobatbardosh bo'la olishimiz bilan uzviy bog'liq" [1. 123 b] degan so'zlari ta'lim sohasida bir necha chora tadbirlarni amalga oshirishimiz lozimligini yana bir bor takidlaydi.

Jahonning iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi fanini o'qitish jarayonida talabalarda jahon mamlakatlari haqidagi umumiy tushuncha shakllanadi va mamlakatlarga siyosiy geografik tavsif berish ko'nikmasi takomillashib boradi. Mamlakatlarga tavsif berishda talabalar siyosiy kartani o'qish asosida yirik tayanch guruhidagi va bir muncha kichikroq, ammo rivojlangan tayanch guruhidagi mamlakatlarni o'rganadilar.Geografiya fanni o'zlashtirishlarida karta bilan ishlash ko'nikmasini egallash katta ahamiyatga ega,bu borada bir necha mashqlarni muntazam ravishda bajarish kartani o'qishni osonlashtiradi.Karta jamiyatning siyosiy tuzumi, tabiiy sharoit, mamlakat yoki rayon iqtisodiyotini belgilashda katta rol o'ynaydi.Shu tufayli ham siyosiy geografiyadan nazariy tayyorgarliksiz talabalar u yoki bu ob'yektning siyosiy-geografik tavsifini tuzishda qiynaladilar. Kartani o'qishda ko'nikma va malakalarni talabalarda to'g'ri shakllantirish tabiiy, iqtisodiy va siyosiy kartalardan qiynalmay mo'ljal ola bilishini ta'minlaydi.

Shuningdek, Jahon geografiyasi fanidan "Dunyoninig hozirgi zamon siyosiy xaritasi, jahon mamlakatlarining sotsial-iqtisodiy guruhlari" mavzusini o'tishda dunyoning siyosiy kartasi muhim ahamiyatga ega, chunki mavzuning ob'eki siyosiy kartadagi mamlakatlar hisoblanadi.

Jahoning siyosiy kartasini o'rganishning asosiy maqsadi talabalarni jahon siyosiy kartasining shakllanish bosqichlari, ikkinchi jahon urushi va 1991 yildan keyingi bosqichlardagi o'zgarishlar, mamlakatlarning guruhlari va tarkibi, iqtisodiy rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar, jahon davlatlarining tuzumi, ularning ma'muriy hududiy tuzilish ,boshqaruv shakllari, xalqaro munosabatlar va boshqa xususiyatlar bilan tanishtirishdan iborat. [2.78 b]

Dunyo siyosiy kartasidagi o'zgarishlarni o'qituvchi rahbarligida talabalarning mustaqil ishlari va yangi innovatsion metodlardan foydalanib bajarish samarali natijalar berishi tajribalarda isbotlangan. Siyosiy kartadagi o'zgarishlarni tahlil qilish orqali ular turli tipdagi mamlakatlarni ajratadilar va ularning har biriga qisqacha tavsif beradilar.

"Dunyoninig hozirgi zamon siyosiy xaritasi, jahon mamlakatlarining sotsial-iqtisodiy guruhlari" mavzusini mazmunan boy manbalarga ega, talabalarga tushunarli va muammoni oson o'zlashtiradigan va unga mos metodlarni tanlashga alohida e'tibor berishi zarur. Hozigi vaqtda dars o'tishning innovatsion metodlari juda ham ko'p muammo har bir mavzuning mazmuni va o'ziga xos va mos bo'lgan metodni tanlay bilishda.

Jahon geografiyasi fanida mavzularni o'tishda turli takrorlanmas metodlarni qo'llashni taqozo etadi.


Mashhur didaktik olimlar I.Ya. Lerner va M.N.Skatkinlarning klassifikatsiyasini qo'llash yaxshi natijalar beradi. Ular quyidagi metodlar guruhini ilgari suradilar:

- izohli ilyustrativ (ko'rgazmali) metod;
- reproduktiv metodlar (o'tilgan materiallarni xayolan qayta tiklash asosida bilimlarni amalda qo'llash orqali ko'nikma va malakalar shakllantirish);
- dars materiallarini muammoli bayon etish;
- qisman izlanuvchan yoki evristik meto;.
- tadqiqot metodi (bunda talabalar faoliyati bilimlarni ko'proq mustaqil izlanish asosida amalga oshiriladi) kabilardir [3. 36 b].


Mavzularni o'tishda eng ko'p qo'llaniladigan metodlar guruhini izohli-illyustrativ metoddir. Bu metodning asosini o'qituvchi faoliyati tashkil qiladi. O'qituvchi asosan tayyor axborotlarni beruvchi hisoblanadi. Bunda u turli ta'lim vositalaridan foydalanadi.Talabalarga axborot asosan ma'ruza, hikoya, suhbat, savol-javob tarzida yetkaziladi. Izohli-illyustrativ metodda yetakchi o'rinni darslik matni, kartografik metodlar bilan ishlash tashkil qiladi. Ma'lumki jahon siyosiy kartasi asosini kartografik materiallar bilan ishlash va ularni tahlil qilish bilan bog'liq shakl etadi. Aksariyat materiallar lektsiya metodida olib boriladi. Tajribalar shuni ko'rsatmoqdaki, bu mavzularni o'rganishda suhbatning alohida o'rni bor. Ayniqsa darslik matni, undagi jadvallar, raqamli materiallar, kartosxemalar va boshqa ko'rgazmali materiallar bilan ishlashda uning o'rni katta.

Masalan,

1).Jahonda iqtisodiy rivojlanish darajasi bo`yicha dunyoning sakkizlik davlatlarini tasavvur orqali xaritada joylashishini toping .



2). 8. Quyidagi berilgan xarita orqali jahonning tayanch mamlakatlarini xaritada joylashishini toping, chalkashlikni aniqlang. 1). Braziliya; 2). Meksika; 3). Rossiya; 4). Xitoy; 5). Hindiston.



Javob: 1).Rossiya; 2).Hindiston; 3).Xitoy; 4). Braziliya; 5). Meksika

Dunyo siyosiy kartasida davlatlar joylashishi va rivojlanishiga ko'ra xilma-hilligi tufayli, kartani o'qish murakkab psixologik jarayon bo'lib, uni o'qishni ikki qismga ajratish mumkin. Birinchi qism – kartani tushuntirishni o'rganish, ikkinchi qism – kartani mazmunini o'rganish. Kartani o'qish deganda avval idrok qilingan narsa va hodisalarning tasvirini shartli belgilar asosida ongimizda aks etilishidir. Kartani o'qish borasidagi ko'nikma va malakalarni talabalarda to'g'ri shakllantirish o`quv yurtini tugatgandan keyin ham ularning tabiiy, iqtisodiy va siyosiy kartalardan qiynalmay mo'ljal ola bilishni ta'minlaydi. Tajribalar shuni ko'rsatdiki, agar dars jarayonida yuqoridagi elementlardan birontasi tushib qolsa, dars sifati ko'ngildagidek bo'lmaydi. Shu tufayli ham darslarni zamonaviy usullarda tashkil etilganda yuqoridagi elementlar albatta saqlanishi maqsadga muvofiq. Oliy ta`lim geografiyasining eng muhim xususiyati shundaki, barcha kurslardagi o'quv predmetlari mazmuni nazariy va amaliy tarzdagi bilimlar bilan to'ldirib tashlangan. Ammo bunday katta hajmdagi bilimlarni o'rganishga ajratilgan vaqt deyarli yetmaydi. Shu tufayli ham geografiya darslarida yuqoridagi elementlarning barchasi qatnashadi. Bu darsni rejalashtirishda aralash tipdagi darsdan unumli foydalanish taqozo etiladi, maqsad va mazmunga mos bo'lgan ta'lim metodlarini tanlash kerak. Masalan, agar dars ob'yektiv murakkablikka ega bo'lgan nazariy savollardan iborat bo'lgan yangi materialni o'rganishga bag'ishlangan bo'lsa, o'qituvchi hikoya yoki ma'ruzani qo'llagani ma'qul. Bu yerda albatta asosiy savollar mustahkamlanishi kerak.

Jahon geografiyasida faol metodlarni qo'llash dars shakllarini mutloq o'zgarishiga olib keladi. O'qituvchi materialni bayon qilishda, talabalar, bilimlarini tekshirishda, ayniqsa, faol metoddan unumli foydalanish maqsadga muvofiqdir. Hozirgi kunda keng qo'llanilayotgan dars suhbat, dars konferentsiya, har hil vazifali o'yinlar, shuningdek, noan'anaviy darslar talabalarni darsga tayyorlashda, darsning ayrim bosqichlarida o'qituvchining o'rnini bosa olish imkoniyatlarini yaratadi. Noan'anaviy darslar talabalarni nafaqat bilim, ko'nikma va malakalar bilan qurollantiradi, balki ularni ijodiy izlanishga, bu tajribalarni boshqa talabalarga berish yo'llarini o'rgatadi.

Darsning har bir shakli talabalarga ma'lum bilim ko'nikmalar tuzimini shaklantirishni asosiy maqsad qilib qo'yadi. Hozirgi vaqtda ilg'or pedagogik tajriba asosidagi bir qancha usullar bo'lib, ularning ko'plari ilg'or (yangi) pedagogik texnologiya asosida interfaol usullar sifatida qabul qilingan. Misol tariqasida quyida "Galereya" starategiyasini ko`rsatish mumkin.

"Galereya" strategiyasi

Strategiya o`quvchilarda kichik gurux asosida bir yo`la bir nechta masalani muxokama kilish qobiliyatini shakllantiradi. Uni qo`llashda guruxning xar bir ahzosi taklif etilgan barcha masalalar yechimini topishga o`z xissasini qo`shish imkoniyatiga ega bohladi.

Mashg`ulotlar davrida "Galereya" strategiyasidan foydalanish quyidagi tartibda amalga oshiriladi:

1-bosqich- masalani qo`yish (ohkituvchi kichik guruxlarga muayyan muammo (yoki masala)ni xal qilish topshirig`ini beradi

2-bosqich - xar bir gurux o`ziga topshirilgan masalaning yechimini topish ustida ishlaydi (bu jarayon 5-10 daqiqa ichida kechadi)

3-bosqich - xar bir gurux navbati bilan 2-, 3- va 4-guruxga topshirilgan muammoning yechimini topishga kirishadi (guruxlar xarakati doira tarzida soat strelkasi bo`yicha amalga oshiriladi; bir gurux boshqa guruxlarning yechimlarini o`rganadi, ularga nisbatan o`z munosabatini bildiradi;(qo`shimchalar kiritadi)

4-bosqich - gurux o`z o`rniga qaytadi.


5-bosqich - xar bir guruxdan bir nafar o`quvchi gurux ishi bilan jamoani tanishtiradi va ular asosida muxokama tashkil etiladi.

6-bosqich - muayyan guruh boshqa guruxlarning yechimlariga nisbatan o`zlari tomonidan bildirilgan muloxazalarni sharxlaydi.

7-bosqich guruxlarning fikrlariga ko`ra yakuniy xulosaga kelinadi.

Strategiyani qo`llash jarayonni sxema asosida quyidagicha ifodalash mumkin:

Chizma chiziladi



Izoh: doira ichiga 1-t, 2-t, 3-t- va 4-t ifodalari quyidagi mazmunni bildiradi: 1-t — 1-topshirq, 2-t—2-toshiriq, 3-t — 3-toshiriq, 4-t — 4-topshiriq.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, "Jahonning hozirgi zamon siyosiy xaritasi, jahon mamlakatlarining sotsial-iqtisodiy guruhlari" mavzusini o'qitishda innovatsion metodlarni unumli va to'g'ri tanlash hamda foydalana olish orqali quyidagi natijalarga erishiladi:

- talabalarlarni dars mavzusiga qiziqtirish;
- bilimlarni puxta o'zlashtirishga erishish;

- talaba tafakkurini rivojlantirish, ya'ni talabalarni kreativ ya'ni ijodiy fikrlashga o'rgatish;
- talabalarlarni o'zaro muloqot qilishga o'rgatish;
- ta'lim jarayoniga hamma talabalarlarning faol ishtirokini ta'minlash uchun sharoit yaratish;
- talabalarlar guruhida mo'tadil psixologik iqlim yaratish;
- talabalarlarni faollashtirish uchun dars jarayonida qo'llaniladigan usullarni to'g'ri tanlash va savollarni aniq tuzish katta samara beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1.Mirziyoyev Sh.Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz.O'zbekiston.-T.:2017.-123 b.
2.Abirqulov Q.Iqtisodiy geografiya. O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi "Adabiyot jamg'armasi" nashriyoti.-T.:2004. 78 b.
3. Abdullaev.O.Namangan viloyati (tabiati,aholisi,xo'jaligi). Namangan. "Namangan" nashriyoti,1995,36 b

НОТЎЛИҚ ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

НамДУ тадқиқодчиси М.Асранбоева

Аннотация: *Муайян ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи омиллар орасида мазкур жамиятнинг қуйи бўгини ҳиобланган оилаларнинг мустаҳкамлиги, уларда соғлом руҳий муҳитнинг қарор топганлиги, оилаларда жисмонан соғлом фарзандларнинг дунёга келаётганлиги, уларнинг маънавий етук шахс бўлиб тарбияланишлари йўлида ташкил этилаётган оила тарбиясининг самарадорлиги каби омиллар муҳим ўрин тутади*

ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ ДЕТЕЙ К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ В НЕСОВЕРШЕННОЙ СЕМЬЕ

Исследователь НамГУ М. Асранбаева

Аннотация: *Семейно-ориентированные мероприятия в контексте нездоровой семейной среды включают в себя: принципы брака и построения семьи, условия брака и семьи, семейные отношения, семейное благополучие и воспитание детей, домашнее и семейное управление, такие проблемы, как налаживание отношений, ответственность родителей и детей*

PROBLEMS OF PREPARING CHILDREN FOR FAMILY LIFE IN AN UNFINISHED FAMILY

Researcher of NamSU M.Asranbaev

Annotation: *Family-oriented activities in the context of an unhealthy family environment include: principles of marriage and family building, conditions of marriage and family, family relationships, family well-being and parenting, home and family management, problems such as building relationships, responsibility of parents and children*

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида **“Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш:** болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, нотўлиқ оила болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда мухим ахамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда “Оила” илмий-амалий Маркази, “Соғлом авлод” нодавлат жамғармаси ташкил этилиши мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганки бу вазифаларни амалга оширишда муайян имкониятлар яратади.

Оилада болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган фаолиятнинг самарали ташкил этилиши бир қанча ижтимоий муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига ўз таъсирини кўрсатади.Айниқса, нотўлиқ оила шароитида болаларни мустақил нотўлиқ оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган фаолият: никоҳ ва оила қуриш шартлари, оилавий муносабатлар мазмуни, оила мустаҳкамлигини таъминловчи ҳамда нотўлиқ оилада соғлом психологик муҳитни юзага келтирувчи омиллар, шахсий, шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари саломатлигини сақлаш, оила бюджетини шакллантириш, ундан оқилона фойдаланиш, нотўлиқ оила муҳитида фарзандлар тарбиясини ташкил этиш, уй рўзғор юмушлари ва нотўлиқ оила хўжалигини бошқариш, болаларнинг бурчлари каби муаммолар ижтимоий ҳаётга тайёрлашга асосдир.

“Болалар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари”, “Болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида нималарга эътибор бериш лозим?”, “Гинекологик касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар”, “Балоғат даври мураккаб жараён”, “Комилликнинг маънавий асослари”, “Муомала маданияти ва уни шакллантириш шартлари”, “Оила анъаналари муқаддасдир”, “Оилавий ажримларнинг олдини олиш”, “Халқ педагогикасида болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларининг ёритилиши”, “Болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида жамоатчиликнинг иштироки” каби мавзуларда маърузалар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

“Болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда нималарга эътибор бериш лозим?”, “Тўкис бахтнинг мезони моддий фаровонликми?”, “Ибратли оила қандай бўлмоғи керак?”, “Намунали қайнона (келин) ўзида қандай хусусиятларни акс эттира олиши лозим?” каби мавзуларда ўтказилган баҳс мунозаларда нотўлиқ оила отаси ёки онаси иштирокини таъминлаш.

Нотўлиқ оила аъзолари иштирокида “Болалар давраси”, “Энг намунали келин”, “Ибратли оила”, “Тадбиркор аёл”, “Ижодкор аёл” каби мавзуларда ташкил этилган кўрик (танлов)лар ўтказиш.

“Оилавий бюджетни қандай шакллантирмоқчисиз?”, “Оила хўжалигини қандай йўлга қўймоқчисиз?”, “ Оилавий муносабатларда юзага келган зиддиятларни бартараф эта оласиз?” мавзуларидаги семинар-тренинглар ташкил етиш.

Болаларни нотўлиқ оила шароитида мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида юқорида қайд этилган шаклларда ташкил этилган фаолият самарадорлигини мазкур жараёнда қўлланилган қуйидаги методлар таъминлайди: кузатиш методи (фаолиятни ташкил этишда ушбу методдан фойдаланиш нотўлиқ оилада тарбия топаётган болаларнинг ҳатти ҳаракатларини кузатиш уларда ҳосил бўлаётган маънавий ахлоқий сифатлар тўғрисида муайян маълумотларга эга, шунингдек, болаларнинг физиологик ҳамда руҳий ҳолатида рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиш имконини беради); суҳбат методи (мазкур метод ёрдамида болаларнинг ўй фикрлари, ички руҳий кечинмалари, ҳис туйғулари, орзу ниятлари, ҳаётий интилишлари, мақсадлари, уларнинг ҳаётларида содир бўлаётган ўзгариш ёки ҳодисалар (янги танишлар орттириш, дугоналари билан хафалашиб қолиш, ўзи танлаган касбни ўзгартириш тўғрисидаги фикрнинг пайдо бўлиши, ўзи ёқтирган тўгарак (курс)га єатнашиш истагидан воз кечиш ва ҳоказолар), ҳаётий идеаллари, нотўлиқ оиланинг бошқа аъзолари, дўстлари, тенгдошлари ҳамда синфдошлари билан бўлган муносабатларининг мазмуни, ўқув предметлари асосларининг ўзлаштиришдаги муваффаєиятлари ёки муаммолар ва ҳоказолар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, маълум маълумотларга эга бўлишни таъминлайди); тушунтириш методи (ушбу метод ёрдамида болаларга мустақил нотўлиқ оилавий ҳаётни йўлга қўйиш жараёнида қўл келадиган ва оилавий муносабатларни ташкил этиш, оила хўжалигини бошқариш, турли таомлар тайёрлаш, бичиш тикиш ишларини бажариш, ўзининг ҳамда оила аъзоларининг саломатликларини сақлаш, эр хотин муносабатларини йўлга қўйиш, оила бюджетини яратиш, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, фарзандлар тарбиясини ташкил этиш чоғида билиш зарур бўлган назарий ва амалий маълумот (билим)лар берилади);

баҳс (мунозара) методи (мазкур метод ёрдамида болаларда оммавий ахборот воситалари саҳифаларида нотўлиқ оилавий турмуш ва уни ташкил этиш, мустаҳкам нотўлиқ оилани шакллантириш, нотўлиқ оилавий муносабатларни йўлга қўйиш, нотўлиқ оилавий можаро ҳамда ажримлар, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар, фарзандлар тарбиясини йўлга қўйиш, саломатликни сақлаш, пазандалик ҳамда бичиш тикиш сирлари хусусида ёритилган материаллар мазмуни билан танишиш, улар тўғрисида фикр алмашиш, шунингдек, атрофда содир бўлаётган ҳамда нотўлиқ оилавий муносабатлар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар моҳиятидан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олиш, уларга нисбатан шахсий муносабат билдириш кўникмаларини ҳосил қилиш мумкин. Нотўлиқ оила аъзолари даврасида ташкил этилаётган суҳбатлар чоғида баҳс (мунозара) методидан фойдаланиш янада самаралидир. Рағбатлантириш методи (бизга яхши маълумки, рағбат шахсга истиқбол фаолиятини ташкил этиш учун маънавий руҳ, куч бағишлайди. Шу боис нотўлиқ оила шароитида болаларни мустақил нотўлиқ оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида улар томонидан амалга оширилган, маълум маънода муваффаєиятли бўлган хатти ҳаракат, фаолият тўғрисида нотўлиқ оила аъзолари даврасида қайд этиб ўтилиши, бундай ҳаракатларнинг маъқулланиши, чунончи, “баракалла”. “бунинг уддасидан чиқишингга ишонар эдим”, “мен ҳам буни (муайян ҳаракат, фаолиятни) бажара олишингга кўзим етган эди”, “бу юмушни сифатли

бажарилиши учун астойдил ҳаракат қилганинг кўриниб турибди, яша" ва ҳоказо каби сўзларнинг эътироф этилиши болаларда ўз кучлари, лаёқатларига ишончни туғдирибгина қолмай, балки уларни ўз устиларида тинимсиз изланишга ундайди. Рағбатлантириш методи ёрдамида болаларда ижобий сифатлар шаклланади). Жазолаш методи (болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида жазолаш методидан самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳам педагогик жиҳатдан тўғри саналади. Бироқ жазолаш методининг моҳияти болаларга жисмоний азоб беришдан иборат эмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Жазолаш методидан фойдаланиш нотўлиқ оилавий муносабатларни ташкил этиш, нотўлиқ оила хўжалигини бошқариш чоғида болалар томонидан бажарилган, бироқ муваффақиятсиз ҳатти-ҳаракат ёки фаолиятлар юзасидан ўз фикрларини билдириш, қониқмаганлик ёки норозилик туйғуларини билдириш, танбеҳ бериш, йўл қўйилган хато ёки камчиликларни уларнинг ўзларига кўрсатиш, оила аъзолари ўртасида изза қилиш, уялтириш каби ҳаракатлар асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир).

Муаммоли вазият методи - болалар томонидан улар эътиборига ҳавола этилган оилавий-ҳаётий вазиятлар (хусусан, қайнона ва келин ўртасида юзага келган муаммонинг олдини олиш, фарзанднинг отаси томонидан инкор этилган буюмни сотиб олишга бўлган иштиёқнинг сўниши ёки бунинг оқибатида унинг характерида юзага келган қайсарлик, атрофдагиларга нафрат билан қараш туйғусини бартараф этиш, нотўлиқ оилавий бюджетнинг кўтармаганлиги боис болани туғилган кунини дугоналари билан ўтказа олмасликка тайёрлаш ва ҳоказо вазиятларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топишга асосланган методдир.

Нотўлиқ оилада болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш мураккаб, узоқ муддатли ҳамда ўзига хос хусусиятларни намоён этувчи фаолият жараёни бўлиб, мазкур жараён қуйидаги йўналишларда йўлга қўйилувчи ижтимоий оилавий муносабатлар негизида амалга оширилиши кўзда тутилади.

Нотўлиқ оиланинг моддий таъминотини йўлга қўйиш (нотўлиқ оила бюджетини яратиш, нотўлиқ оилага тегишли шахсий хўжалик (томорқа ҳамда чорвачилик)ни барпо этиш, ундаги ишларни юритиш, қўшимча даромад манбалари (ҳунармандчилик, ижара деҳқончилиги ёки чорвачиликни ташкил этиш)ни излаб топиш, касбий фаолиятни олиб бориш ва ҳоказолар).

Нотўлиқ оила аъзолари (кекса, ўрта ва ёш авлод вакиллари) ўртасида муомала муносабатларини йўлга қўйиш.

Нотўлиқ оилавий ҳордиқ (маиший ҳамда маънавий мазмундаги)ни ташкил этиш (бўш вақт ҳамда таътил даврларини биргаликда ўтказиш).

Нотўлиқ оилавий тадбирларни уюштириш (туғилган кун, бешик, суннат, мучал, никоҳ, кумуш ва олтин тўйлар, турли ўқув юртларини тамомлаганлик, биринчи маошни олганлик, ҳукумат мукофотлари билан тақдирланганлик, хизмат ёки илмий соҳада муайян ютуққа (хусусан, илмий даража ёки унвонга эга бўлганлик муносабати билан ташкил этилувчи тадбирлар, аза билан боғлиқ маросимлар).
Фарзандлар тарбиясини ташкил этиш, уларга илм ва ҳунар сирларини ўргатиш.

Нотўлиқ оила аъзоларининг ижтимоий муносабатлар жараёни (қўни қўшни, қариндош уруғ, ҳамкасб ҳамда дўстлар билан ижтимоий алоқани ташкил этиш)даги қатнашуви.

Мазкур йўналишларда олиб бориладиган нотўлиқ оилавий ҳаётнинг бир маромда кечишини таъминлаш бир қатор омиллар мавжудлигини тақозо этади. Хусусан:нотўлиқ оила аъзоларининг маънавий ахлоқий қиёфаси, муайян ахлоқий эътиқодга эгаликлари, уларнинг дунёқараш ҳамда тафаккурлари кўламининг кенглиги;

Нотўлиқ оила аъзолари ўртасида бир бирини тушуниш, шахсий истаклардан ўзгалар хоҳиш истакларини юқори қўйиш, уларни қадрлаш, ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамни ташкил этиш туйғуларининг қарор топганлиги;

Нотўлиқ оила аъзоларининг ижтимоийлашув (ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироклари) даражаси.

Нотўлиқ оилалар билан иш олиб бориш чоғида биз болаларни нотўлиқ оила шароитида мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш оила тарбиясининг асос бўлиши лозим деган хулосага келдик. Зеро, болаларда дастлабки маънавий ахлоқий сифатлар, меҳнат ҳамда ўқиш фаолиятини ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг шаклланиши уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёни учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. М.Инамова "Фарзанд-нихол, ота-она боғбон" Т "Ўқитувчи" 1997 йил.
3. Асқарова Ў.М. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими.\ Монография.-Т.: “ Фан” нашриёти 2010.-121 б.

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МАШҒУЛОТЛАР- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Абдусаматова Наргиза Жамолидиновна
НамДУ мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада мактабгача таълим ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда интеграциялашган машғулотларнинг муҳим омил эканлиги таҳлил этилган ва мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни интеграциялашда учрайдиган педагогик муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ёритилган.*

Калит сўзлар*: маънавий-ахлоқий тарбия, интеграция, умуминсоний сифатлар, дедкуция, синтез, умумий хулоса, аниқламоқ…*

ИНТЕГРАЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ ДОШКОЛЬНИКОВ

Абдусаматова Наргиза Жамолидиновна
НамГУ преподаватель кафедры
методики дошкольного образавания

Аннотация: *В данной статье анализируется роль комплексного обучения детей дошкольного возраста, обсуждаются педагогические проблемы, которые встречаются в интеграции обучения в дошкольных образовательных учреждениях и способы их устранения*

Ключевые слова: *патриотизм, духовно-нравственное воспитание, гуманизм, общечеловеческие ценности, интеграция, дедукция, синтез, обобщение, конкретизация…*

INTEGRATED TRAINING AS AN IMPORTANT FACTOR OF SPIRITUAL AND MORAL UPBRINGING OF PRESCHOOL CHILDREN

Abdusamatova Nargiza Jamoliddinova
Teacher at the Department of preschool
Education at Namangan State Universiteti

Abstract: *This article analyzes the role of integrated training in the upbringing of children of preschool age, and discusses the issues of pedagogikcal problems fasedbu integration of training in preschool educational institutions.*

Key words: *patriotism, spiritual-morality upbringing, humanism, common humanity value, integration, deduction, induction, synthesis, generalization, concretization…*

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳукумат томонидан барча эътибор миллий қадриятлар ва маданиятни қайта тиклашга, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга, миллий тарбияни тўғри йўлга қўйишга қаратилди. Тарбия миллий қадриятларимиз, маданиятимиз ва халқ анъаналари таъсири остида самарали бўлади, ёш авлод тарбиясида маънавий-ахлоқий баркамолликка эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида ҳам илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш вазифаларининг кўрсатиб ўтилгани ҳам бу соҳага давлат ғамхўрлигининг алоҳида наъмунасидир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, жамиятдаги воқеликлар билан уйғунлаштирган ҳолда интеграциялашган машғулотларини ташкил этиш, ҳар бир машғулотни ўзаро уйғунлик, узвийлик ва мужассамлашган ҳолда олиб бориш мактабгача таълим муассасалари дидактикасининг бош масаласидир.

Ўзбекистон Республикисининг “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” нинг мақсади мамлакатда

ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш, вазифаси сифатида миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масалалари белгилаб қўйилган.

Давлат талабларининг 2-боб 3-бандида интеграция тушунчасига алоҳида тўҳталиб, интеграция-бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи жараён эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Илмий-тадқиқот иши мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграциялашган машғулотларда маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммосинини тадқиқ этар экан, аввало “Маънавият”, “Ахлоқ” ва “Интеграция” тушунчаларига тўҳталиш лозим.

Фалсафа, тарих, этнография, фольклор, адабиёт ва педагогика фанларида “маънавият-маънавий”, “Ахлоқ-ахлоқий” каби атамалари жуда кўп қўлланилади. Зеро, улар инсоннинг ҳаёт ва турмуш тарзини, жамиятнинг ривожланганлиги даражасини белгилаб беради. Шунинг учун дастлаб бу атамаларнинг фалсафий, педагогик маъно-мазмунини билиб олиш зарур.

Маънавият-руҳ (дил) нинг бевосита ва фаол таъсири остида рўй берадиган инсоннинг барча хатти-харакати, юриш-туриши, муомала муносабати, турли-туман холати ва фаолиятнинг мажмуаси (йиғиндиси)дир [6].

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, маънавият ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра интегратив соҳалар сирасига киради. Зеро, унинг таркибий компонентлари сифатида;

-биринчидан, ахлоқий меъёрлар эътироф этилди;

-иккинчидан, “Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний ва шу каби тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи” [7] бўлганлиги боис ҳам кенг тармоқли, кенг қамровли, бир сўз билан айтганда интеграцион соҳа ҳисобланади.

Ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний маънавий-ахлоқий тарбияда болалар табиат ва жамият қонун-қоидаларини, табият ҳодисаларини, уларнинг ўзаро узвийлигини билиш кераклиги, шундагина улар жамият ва халқ фаровонлиги учун ҳизмат қиладиган бўлиб етишишлари мумкинлиги ҳақида фикр билдиради.

Демак ана шу сифатларни мактабгача таълим ёшидаги болаларга мужассамлаштириб, яъни интеграциялаган ҳолда етказиш мактабгача таълим тизимининг долзарб муаммосидир.

Интеграция сўзи луғатларда турлича талқин қилиниб, интеграция лотинча “integratsio”–жамлаш, умумлаштириш, “integer”, яхлит тушунча;

Интеграция тушунчаси биринчи бўлиб, XVIII асрнинг 20-йилларида инглиз олими Г.Спенсер томонидан таълим жараёнига киритилган [7]

У “Интеграция” сўзини иккита тушунчага эга эканлигини исботлаб берган:

1. Тизим, организмнинг алоҳида қисм ва вазифаларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ва шу ҳолатга олиб борувчи жараённи ифодаловчи тушунча.

2. Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни.

Интеграциялаштирилган машғулотлар болалар дунёқарашида бир бутунликни, воқеалар узвийлигини тушунишни ва табиатан англаб етишга ўргатади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мактабгача таълим муассасаларида машғулотларнинг интеграцион боғланишлари илмий жиҳатдан турли фикрлар ва қарашлар эса бир-бирига зид ва узвий бўлмаганлиги сабабли интеграция муаммоси ҳамон олимларимиз ўртасида баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграл тарзда маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ мақсадга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, т ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳамда ахлоқий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ижтимоий жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маълумот берилади.

2.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий тушунчаларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, маънавий-ахлоқий онгни қарор топтириш.

3. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатлар (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, гўзалликни хис қилиш, гўзаллик яратишга интилиш, ростгўйлик, озодалик, орасталик, ўзаро дўстлик, ахиллик, ширинсўзлик, сахийлик, жасурлик ва ҳокозоларни) қарор топтириш.

4.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий мазмундаги хулқ-атвор, характер ва иродани шакллантириш.

5.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда мактабгача таълим муасссаларидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий муаммолар, мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграциялашган машғулотларда маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимига хизмат қилувчи ижобий омиллар билан бирга ундаги педагогик муаммоларни ҳам аниқлашга имкон беради.

Мактабгача таълим муассасаларида машғулотларни интеграциялаш орқали мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қуйидаги педагогик муаммоларга дуч келиш мумкин:

-мактабгача таълим муассасаларида ўзига хос интеграл педагогик муҳит яратиш эҳтиёжи ва унга ташқи–ижтимоий стихияли таъсири;

-тарбиячиларни касбий компетентлиги, креативлиги ва касбий маҳоратини ошириш тизими олдида турувчи вазифалар ва ушбу вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий ва дидактик таъминотнинг даражасининг етарли эмаслиги;

-тарбиячиларнинг Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури ва “Илк қадам” давлат ўқув дастурларидан фойдаланишда машғулотлар мавзуларини интеграциялаш малакасига эга эмасликлари;

-мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимидаги интеграция (яхлитлик) ва дезинтеграция (бўлиниш, парчаланиш) жараёнлари ўртасидаги зиддиятлар;

-мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг анъанавий шакллари, методлари ва инновацион методларини жорий этиш ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги;

-мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий, тарбия жараёнининг ташкилий қисми, мазмуни ва тарбия жараёнини методикаси ўртасидаги номувофиқлар;

Юқоридаги педагогик муаммоларни ҳал этиш учун мактабгача таълим муассасаларида интеграциялашган машғулотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бунда:

- мактабгача таълим муассасаларида интеграциялашган таълимни ташкил этишда гуруҳ тарбияланувчиларининг ёши ва билим савиясини ҳисобга олиш;

-интеграциялашган таълимга машғулотлар самарадорлигини оширишда ривожлантирувчи характерни шакллантирувчи восита сифатида қараш;

-барча тарбиявий тизимлар марказига бола шахсини қўйиш;

-тарбияга инсонпарвар ёндошув, умуминсоний қадриятларни шакллантириш;

-боланинг ижодий қобилиятларини, унинг индивидуаллигини ривожлантириш;

-индивидуал ва жамоавий тарбияни ҳисобга олиш;

Мухтасар айтганда, мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Т: . 2016 йил 29 декабрь
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1998 йил.
3. Илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари - Т.: 2018 йил.
4. Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури. - Т.: 2016 йил.
5. “Илк қадам” давлат ўқув дастури - Т.: 2018 йил
6. Сафо Очилов. Независимость: духовность и основы воспитания. Диссертация на соискание учёной степени доктора педагогичиских наук в форме научного доклада.Т:.1998, 34-35 бетлар.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II.-Т.: “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 672- бетлар.

8. Ш.Р.Николаевич.”Возможность и пути реализация интеграции изобразителного искусство и развитие речи в начални”.

BOSHLANG’ICH SINFLARDANOQ MATEMATIKAGA QOBILIYATI BOR O’QUVCHILAR BILAN ISHLASH.

Nabiyeva Mu’tabar Maxammadayup qizi
NamDU pedagogika fakulteti 5111700-Boshlang'ich ta'lim va sport tarbiyaviy ish yo'nalishi BT47-16-guruh talabasi.

Annotatsiya: *Ushbu maqolada boshlang’ich sinflarda matematikaga iqtidori bor o’quvchilar bilan kichik maktab yoshidanoq ishlash usullari haqida fikrlar yuritilgan. Matematikaga qobiliyati bor o’quvchilarni qancha tez aniqlansa va ular bilan ishlashni yoshlikdanoq boshlashning ahamiyati katta ekanligiga to’xtalib o’tilgan. Bunday o’quvchilar iqtidorini so’ndirmaslik, balki ularni yuksaltirishda boshlang’ich sinf davrining o’rniga e’tibor qaratilgan.*

Kalit so’zlar: *iqtidor, qobiliyat, masalalar, misol, tenglama, tengsizlik.*

РАБОТА С УЧЕНИКАМИ С МАТЕМАТИЧЕСКОЙ СПОСОБНОСТЬЮ В НАЧАЛНЫХ КЛАССАХ.

Набиева Муьтабар.
НамГУ факультет педагогики направления Начального образование и спортивно воспитательной работы Студентка BT47-16 группы

Аннотация: *В данной статье даются мнения о способах работы с детьми школьного возраста с математическим уклоном. Обращается внимание на выявление таланта детей к математике и работа над этим с раннего детства. В этой статье говорится об обращении внимания на детей в ранний школьный период и о таланте, который нельзя сгубить в ребенке.*

Ключевые слова: *талант, задачи, пример, уравнение, неравенства.*

IN THE OPINIONS WHICH DENOTES WORKING ON EARLY AGES AT SCHOOLS WITH DELETED PUPILS AT MATHEMATICS AT PRIMARY CLASSES.

Nabiyeva Mu’tabar Maxammadayup qizi
student of the group Bt47-16, in Primary education and sport education work specialty 5111700,fakulty of pedagogy of NamSU.

Abstract: *In the opinions which denotes working on early ages at schools with deleted pupils at mathematics at primary classes. The ideas shows it is the most important that working with the pupils who has ability on math’s and begin to work as soon as possible in early ages. Must not cancel ability of these pupils, but to pay attention to develop at place of primary classes.*

Key words: *fairy-tale, education, educate courteousness, morals, friendship, industrious.*

Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov “Dunyoga umid bilan qadam qo’yib kelayotgan navnihol inson hayotdan munosib o’rnini topsa, turmushidan, taqdiridan, Vatanidan rozi bo’lib yashaydi, umr bo’yi bunyodkorlik faoliyati bilan mashg’ul bo’ladi.”- deb

ta'kidlagan edilar.[1] Darhaqiqat, hayotda o'z o'rnini topgan baxtiyor insongina xalqi, Vatani uchun buyuk ishlar qilishga qodir. Bugungi kunda ham Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev o'g'il-qizlarning o'zlarida mavjud iste'dod, iqtidor imkoniyatini yuzaga chiqarish uchun ko'plab ishlarni amalga oshirmoqdalar. Sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash, ularning o'z ijodiy va intelektual salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun sharoit va imkoniyatlar yaratilayotganligi buning yaqqol dalilidir. Bugungi kunda o'z iqtidori va iste'dodi bilan ilm-u ma'rifat bobida dunyo bilan bo'ylashayotgan yoshlarimiz talaygina.

Inson hayoti to'rt faslga o'xshaydi. Yoshlik davri –bahor, o'smirlik davri- yoz, o'rta yosh davri- kuz, qarilik davri- qish. Agar dehqon bahor faslida kerakli saralangan urug'ni eksa, yozda yaxshi parvarishlasa, kuzda isrof qilmasdan yig'ib-terib olsa, qishda rohatini ko'rib, hech narsaga muhtojlik sezmasdan yashaydi. Inson ham yoshlik davrida yaxshi parvarishlansa , ya'ni boshlang'ich sinf davrida unga kerakli yaxshi xususiyat urug'ini qalbiga eka olsak va parvarishlasak, u kelajakda hech ham qiynalmasdan, mustaqil hayotda Vatanimiz rivojiga hissa qo'sha oladigan inson bo'lib o'z maqsadiga erishib, yaxshi yashay oladi.[2] Inson hayotining dehqoni, bu o'qituvchi hisoblanadi. Ta'lim va tarbiyaning poydevori bu boshlang'ich sinfdir. Bu davrda bolalar qanchalik tirishqoq, ishbilarmon bo'lsa, keyingi hayotida ham o'zini shunday tutadi. O'quvchilar qobiliyatini, iqtidorini rivojlantirishda boshlang'ich ta'lim davrining ahamiyati beqiyosdir. Ijodkor o'qituvchi har bir fanni o'tayotgan davrda faqat dars mavzusi bilan cheklanib qolmaydi. U o'quvchilarni qobiliyati va iqtidorini ham aniqlay oladi. Buni qancha erta aniqlansa shuncha yaxshi. Bolaning iqtidorini bilgan kundan boshlab uni o'stirishga kirishish katta natija beradi.

Qobiliyat-shaxsning turli xil faoliyatlardagi ko'rsatkich, yutuqlar va qiyinchiliklarni sabablarini tushuntirib beradi. Qobiliyat 2 xil bo'ladi: umumiy va maxsus. Umumiy qobiliyat-bu bolaning bir necha vazifalarda ham muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatishi, natijalarga erishishi. Masalan: O'quvchi ham ijtimoiy gumanitar, ham aniq fanlar, ham texnika fanlarini birday o'zlashtiradi. Maxsus qobiliyatli bola ma'lum bir sohada yutuqlarga erishadi va yuqori natija beradi. Misol uchun: hisobchi yoki sportchi. Qobiliyat yoshlikdan ko'rinadi. Faqat uni ota-ona, ustoz aniqlay olsa bo'ldi. Agar bola yoshligidan qo'liga temir ushlab, biror narsani ta'mirlashga urinayotgan bo'lsa, undan yaxshi muxandis yoki konstruktor chiqsa ajab emas. Texnik qobiliyati bor bola mashina dastgohlari, asboblari bilan ishlashga qiziqadi. Chizma, sxema, jadvallarni tushunadi, fazoviy tasavvuri rivojlangan bo'ladi. Matematika, fizika, kimyoga qiziqadi. Adabiy lingvistik qobiliyat egalari so'zlashi yaxshi, lug'at zaxirasi keng, adabiyot bilan shug'ullanadi. Pedagogik qobiliyat egalari o'zidan kichiklar bilan ishlashni yoqtiradi. Bolalarni sevadi, odobli, talabchan, o'zini tutishni biladi. Aniq va ishonarli so'zlaydi. Tashkiliy qobiliyat egalari boshqalar bilan tez muloqotga kirishadi, topshiriqlarni taqsimlashni biladi, o'rtoqlari fikrini tinglay oladi, o'zini ham tanqid qiladi. San'atga qobiliyati borlar musiqa tinglashga qiziqadi, ritm sezgisiga ega, rang va shakl sezgisiga ega, mimikasi o'tkir, rolga kira oladi. Matematik qobiliyat egalari fikrlashni, taxlil qilishni, umumlashtirishni uddalaydi, tabiiy fanlarni tez o'rganadi, misol va mtashaasala yechishni yaxshi ko'radi.

Yoshlarning iqtidorlari o’z-o’zidan yuzaga chiqmaydi. Har bir nihol e’tibor va parvarish natijasida ulg’ayib meva bergani kabi yoshlar ham kimningdir tashabbusi, e'tibori tufayli o'zini namoyon qiladi. Bu e’tiborni qanchalik erta boshlansa, iqtidor qanchalik erta aniqlansa shuncha ko’p natija beradi[3].Bu boradi oila va maktabgacha tarbiya muassasasidan keyin boshlang’ich ta’lim o’z zimmasiga vazifa olishi kerak. Maktablarda iqtidorli o’quvchilar bilan ishlash asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Har bir fan o’qituvchisi o’z fani bo’yicha iqtidorlilarni aniqlaydi va ular bilan alohida ish olib boradi. Ayniqsa, boshlang’ich sinf o’qituvchisi erta aniqlagan bola iqtidori har jihatdan muhim ish hisoblanadi. Maktabning 1-sinfiga bolalar bog’chasidan tashqari uydan ham ko’p bolalar keladi. Ularning ichida umumiy va maxsus qobiliyat egalari ko’plab topiladi. O’qituvchi dastlabki kunlardanoq ularni ichidan iqtidorli o’quvchilarni aniqlab oladi. Umumiy qobiliyat egalari hamma fanga birdek iqtidorli bo’lsalar, maxsus qobiliyat egalari matematika yoki ona tili yoki adabiyot yo’nalishiga qobiliyatli bo’lishlari mumkin. Boshlang’ich sinf o’qituvchisi 4 yil davomida ular bilan qobiliyatiga qarab ishlab borsa, iqtidorini rivojlantirsa faqat shu bola uchungina emas, xalqimiz, yurtimiz rivoji uchun kerakli bir insonni ulg’aytirgan bo’ladi. Bugungi kunda yurtimizda umidli yoshlarni tarbiyalayotgan, ularga yurak haroratini bag’ishlayotgan ustozlar kam emas. Ularning sharofati bilan dunyoda rivojlangan mamlakatlari ichida musiqa bo’yicha o’ntalikka kirganimiz e’tirofga loyiq. Sport sohasida ko’plab farzandlarimiz jahonni lol qoldirmoqdalar. Ayniqsa, ”shaxmat” bo’yicha Jahon va Osiyo chempionatlari g’olibi, Xalqaro shaxmat ustasi Javohir Sindorov kabi farzandlarimiz bilan nafaqat Prezidentimiz, butun xalqimiz faxrlanadi. Shu kichik yoshida yurtimiz nomini jahonga tanitayotgan farzandlarimizning ota-onalari, ustoz va murabbiylariga tasannolar aytamiz.

Ключевые слова: *проектирование, проектное образование, интерес, способность, деятельность, профессиональное качество, воля, склонность, субъект.*

PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF FORMATION OF PROFESSIONAL INTEREST TO FUTURE TEACHERS

Shabon Farmanova
Bukhara state University The Department of education
Basic doctoral student of the 2nd course

Abstract: *The article deals with the psychological component of professional interest in the development of communicative culture of future teachers. The practical orientation of the study of professional interest is associated with the search, formation and maintenance of psychological conditions of professional interest in a particular activity. When developing a model of professional interest, the author relies on the situation when professional interest can be described as a personal development of the teacher, which arises and manifests itself in the interaction between the subject and a certain activity.*

Key words: *design, project education, interest, ability, activity, professional quality, will, inclination, subject.*

Педагогик таълим назариясида лойиҳалаш муаммосини ишлаб чиқишда у “фаолият” тушунчаси билан узвий боғланган ва фаолиятнинг тахминий вариантларини яратиш ҳамда унинг натижаларини ташхислашдан иборат, деб қаралган тадқиқотлар (А.Н.Леонтьев) алоҳида ўрин тутади. Мазкур фаолиятда асосан лойиҳалаш ғоялари ва унинг ечимларини генерациялаш, ишлаш ва интеграциялаш, лойиҳалашнинг ижобий натижаси саналади.

Лойиҳалашда муайян педагогик-технологик вазифаларни ҳал қилиш натижаси ифодаланган бўлиб, муайян ғояни яратиш, конструкциялаш ва амалиётда фойдали натижагача етказишни кўзда тутади. Шунга кўра, лойиҳалаш таълимнинг технологик жараёнини лойиҳалаш, ташкил қилиш ва таҳлил этишни ўз ичига олган касбий-педагогик фаолият тури сифатида тавсифланади. Аёнки, лойиҳалаш

фаолияти тузилмасида фаолиятнинг икки даражаси кузатилади: лойиҳалашнинг лойиҳа кўринишидаги янги билимларни яратишни кўзда тутадиган ижодий характери; илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш асосида яратилган лойиҳада педагог шахсини акс эттирадиган лойиҳалашнинг индивидуал характери.

Лойиҳалаш фаолиятини педагогнинг касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайдиган ва касбий сифатини тавсифлайдиган қисми сифатида қараш зарур.

Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлигини белгилайдиган компетенциялар мажмуига педагогик фаолиятни ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи рефлексив; ўзининг методик даражасини ошириш қобилиятини ривожлантирувчи когнитив; ахборот олиш ҳамда уни қўллашга оид кўникма ва малакаларни шакллантирувчи маърифий; оғзаки ва ёзма мулоқот технологиясини ривожлантирадиган коммуникатив; ўзининг касбий компетентлиги моҳиятини англашга йўналтирадиган ижтимоий компетенцияни киритади.

Лойиҳавий таълимда бўлажак ўқитувчининг касбий қизиқиши унинг истиқболдаги фаолиятининг «билим» – «билим + тажриба» – «билим + тажриба + мустақиллик» каби уч босқичда кечадиган малака даражасининг ривожланиш имконини беради.

Қизиқишлар ва қобилиятлар ўртасидаги ўзаро алоқани таҳлил қиларкан С.Л.Рубинштейн [1] уларнинг ўртасида маълум бир боғлиқлик бор деган тўхтамга келди. Муаллиф мойиллик, қизиқиш ва қобилият ўртасида зиддиятлар бўлиши ва бунинг устига бу ҳолат унчалик ифодаланмаган қобилиятлар билан учрайди деб ҳисоблайди. Мойилликлар ва қобилиятларнинг мос келмаслиги қўшимча ҳолатларнинг борлиги тўғрисида гувоҳлик беради [2]. Қизиқишлар қобилиятларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Лекин қизиқиш фақатгина агар у эпизодик эмас, балки янада доимийроқ характерга эга бўлса, агар у ўз навбатида қизиқишнинг ҳаракатини, унинг чуқурлиги ва кенглигини белгиловчи мураккаблашиб борувчи билимлар тизими билан мунтазам “бойитилиб” борилса, қобилиятларнинг ривожланишини харакатга келтирувчи кучга айланади. Бу ерда бўлса қизиқиш ва қобилиятлар ўртасидаги ўзаро алоқа кўрсатилган бўлиб, бу қобилиятларни ривожлантирган ҳолда қизиқишнинг шаклланишига бўлган услубий ёндашувларни очиб беради. Одамнинг қатъий қизиқишлари унинг қобилиятларининг ўзига хос "лакмус қоғозчаси" ҳисобланади [3], лекин бу ҳар доим ҳам бундай эмас. Кишида шу фаолият тури билан шуғулланишни бошлашига қадар махсус қобилиятларсиз ҳам бирор бир фаолият турига нисбатан касбий қизиқиш пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин. Баъзи манбаларда касбий қизиқишнинг ирода сифатлари ва рағбатлар билан алоқаси ҳам кўрсатилади [4]. Рағбатлар (касб билан боғлиқ) ташкил қилувчи қисм саналадиган мураккаб шахсий шаклланиш сифатидаги касбий қизиқишдан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда уларнинг ўзаро алоқаси тўғрисидаги масала ўз-ўзидан олиб ташланади. Шундай қилиб, касбий қизиқиш шахснинг тузилишида алоҳида ҳолатда турмайди, балки бошқа таркибий унсурлар (қобилиятлар, мойилликлар, ирода жихатлари) билан узвий бирдамликда

бўлади. Мойиллик ва қобилиятлар билан узвий бирликда бўлган ҳолда, касбий қизиқиш касбий истеъдодга айланади.

Касбий қизиқишнинг адабиётларда учрайдиган таърифини ўзига хос модел деб қабул қилиш мумкин.

Касбий қизиқиш моделини ишлаб чиқишда, биз шу нарсадан келиб чиқамизки, бу шахсий шаклланиш субъект билан танланган касб ўртасидаги ўзаро алоқада намоён бўлади. Касбий қизиқишни динамик шахсий шаклланиш сифатида тушунган ҳолда уни касб ва ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсирда қараш мумкин.

Ҳар қандай қизиқиш субъектив ва объектив бирликдан иборат эканлигини тўғрисидаги энг муҳим мулоҳаза [5] касбий қизиқиш моделни яратишда янги имкониятларни очиб беради. Лекин касбий қизиқишни ўрганишда тадқиқотчилар томонидан касбга бўлган субъектив муносабат кўриб чиқилади. Ўз навбатида биз битта нарсага мойилмизки, касбий қизиқиш субъектда унга ташқи муҳитнинг таъсирида пайдо бўлади ва танланган касб ижобий туйғуларни уйғотган ҳолда маълум таъсир кўрсатаётган пайтда намоён бўлади. Шу муносабат билан касбий қизиқишни шахснинг у танлаган касб билан у орқали юзага келган ўзаро таъсири сифатида тушуниш тўғри бўларди. Бундай ҳолатда, касбий қизиқишни ўрганган ҳолда, касбнинг субъектга нисбатан таъсирини ҳам кўриб чиқиш лозим. Бўлажак ўқитувчи фаолиятига бўлган касбий қизиқишнинг моделини ишлаб чиқишда биз қуйидаги шароитлардан келиб чиқдик. Биринчиси шундан иборатки, қизиқишнинг моҳиятини, унинг пайдо бўлиши ва кейинчалик ривожланишининг механизмларини англашга имкон берадиган битта модел яратиш зарур. Иккинчидан, касбий қизиқишнинг ишлаб чиқилган модели унинг кишида шаклланиши учун тарбиявий ишнинг ташхиси ва истиқболларини очишга имкон бера олиши керак. Шундай моделни яратишда биз субъектнинг у танлаган касб билан ўзаро таъсирининг жараёни ва шаклларини асос қилиб оламиз. Ўзаро таъсирнинг жараёни деганда биз ташқи шароитнинг ички ва ички шароитнинг ташқи шароит билан доимий равишда воситаланишини тушунамиз. Биринчисининг натижаси субъектда касбга бўлган ҳис-туйғу муносабатнинг пайдо бўлиши ва уни танлашнинг сабабларининг шаклланиши ҳисобланади. Иккинчиси воситаланишнинг натижаси эса субъект томонидан касбга нисбатан ақлий ва иродавий фаолликнинг намоён қилиш ҳисобланади. Субъектнинг у танлаган касб билан шундай икки томонлама ўзаро таъсири жараёнида улар ўртасидаги мувофиқлик даражаси аниқланади. Касбий қизиқишнинг тузилишини асослашда биз воситалаш ва акс этиш жараёнлар бирликда бўлганлигидан келиб чиқамиз. Шу муносабат билан субъект томонидан танланган касбга нисбатан алоқанинг акс этиши маълум шаклларда намоён бўлади. Психологик тадқиқотларда белгиланган ҳолатга кўра, психика учликда, яъни ҳис-туйғу, ақл, иродада намоён бўлади ва кейинчалик бу учлик субъект ва танланган касб билан ўзаро алоқада ҳам содир бўлади [6]. Касбий қизиқиш тузилишига кўра, унинг таркибига қуйидаги қисмлар киради: ҳис-туйғу, рағбатлантирувчи, ақлий ва ирода.

Ҳис-туйғу компонент. Ички таъсирлар ташқи таъсирлардан интериоризация йўли орқали келиб чиқади. Бу ҳолат касбий қизиқишнинг пайдо бўлишининг механизмида жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг барчаси касбий қизиқишнинг унинг

кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган ҳис-туйғу компонентини ташкил этади. Ҳис-туйғу компоненти ўз ичига қуйидагиларни олади: 1) касбнинг жозибадорлик даражаси ва характери; 2) тўғри касбни танлаганлигига ишонч ва уни алмаштириш истагининг йўқлиги; 3) танланган касбдан қониқиш.

Мотивацион компонент. Касбга нисбатан ижобий ҳис-туйғулар субъект касбни танлашда ва кейинчалик ишда асосланадиган рағбатларнинг пайдо бўлишига олиб келиб, бу мотивацион компонентни ташкил этади. Касбий қизиқишни шакллантиришнинг ҳар бир босқичига ўзининг рағбатлар гуруҳи мос келади: 1) ҳис-туйғу босқичига (мактаб йилларида) – касбни танлашга рағбат; 2) энг маъқул босқичига (касбий тайёргарлик даврида) – касбни эгаллашга бўлган рағбат; 3) эмпирик босқичга (ёш мутахассиснинг иши даврида) – касбий фаолиятни такомиллаштиришга бўлган рағбат.

Ақлий компонент касбий қизиқишда касб танлашнинг рағбатлари долзарб бўлган пайтдан бошлаб намоён бўлади. Шахснинг ақлий фаоллигининг манбаси рағбатдир. Ўз навбатида касбни англаш, унинг ички қабул қилиниши ва унинг ўз мувофиқлигини топишини рағбат мустаҳкамлайди. Ақлий компонент касбий қизиқишни шакллантиришнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳис-туйғу босқичида ақлий компонент касбни англаш, ўз мувофиқлигини излаш орқали; рационал босқичда касбни эгаллашда; эмпирик босқичда эса касбий фаолиятни такомиллаштириш ва ўз-ўзини шакллантиришда намоён бўлади.

Ирода компоненти. Ирода компоненти функцияларига касбий қизиқишни шакллантиришнинг турли босқичларида пайдо бўладиган салбий туйғулар ва ноқулай шароитларни енгиб ўтиш киради. Рағбат ва ижобий туйғулар билан пайдо бўлувчи кишининг фақат ривожланган соҳасигина субъектни касбни фаолроқ эгаллашга ва ўзининг касбий фаолиятини такомиллаштиришга ундайди.

Касбий қизиқиш моделининг функция бажаришида таркибий қисмларнинг пайдо бўлишининг кетма-кетлигини, уларнинг фаолиятини, ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини ажратиш лозим.

1. Таркибий қисмларнинг пайдо бўлишининг кетма-кетлиги. Касбий қизиқиш субъектга атроф муҳитнинг ва маълум касбнинг таъсири оқибатида пайдо бўлади. Таркибий қисмлардан биринчилардан бўлиб субъектнинг жозибадорлиги асосида касбга бўлган муносабатини белгиловчи туйғуларни ўз ичига олувчи ҳис-туйғу компонент пайдо бўлади. Шундай қилиб, касбий қизиқишнинг биринчи ва белгиловчи компоненти бу ҳис-туйғу компоненти бўлиб, у рағбатлантирувчига таъсир ўтказади. Мотивацион компонент ақлий ва ирода компонентларининг функция бажаришини белгилаб беради.

2. Таркибий қисмларнинг аҳамияти. Ҳис-туйғу компонентини касбий қизиқиш моделидан чиқарилишини тасаввур қилиб кўрайлик. Бундай ҳолатда муайян касб ижобий туйғуларни уйғотмайди ва шахс томонидан қабул қилиниши мумкин эмас. Касбий қизиқишни шакллантиришнинг кейинги босқичларида ҳис-туйғу компоненти салбий бўёққа эга бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий қизиқиши унинг келажакда етук кадр бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии -М.: "Педагогика", 1976, 416 с.
2. Ковалев А.Г. Психология личности: Учебное пособие для студентов пединститутов. - 3-е изд. перераб. - М.: Просвещение, 1969. - 391 с.
3. Куравлева В.И. Методы педагогических исследований: Учебное пособие для студентов пед. институтов - М.: Просвещение, 1972. - 159 с.
4. Архангельский С.И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М.: Высшая школа, 1980. - 367 с.
5. Крегжде С.П. Психология формирования профессиональных интересов; Дис. д-ра психол. наук. - Вильнюс, 1982. -343 с.
6. Леонтьев А.Н., Гиппенрейтера Ю. Практикум по психологии - М.: МГУ, 1972. - с. I0I-I04.
7. Здравомыслов А.Г. Теоретические и методологические проблемы исследования социальных интересов: Автореф. дис. д-ра филос. наук. - М., 1969. - 48 с.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИ ЎРГАТИШДА КОММУНИКАТИВ МЕТОДЛАР

Хайдарова Сарвиноз Зухриддиновна
Наманган мухандислик технология институти
инглиз тили фани ўқитувчи

Аннотация: *Тил ўргатишнинг коммуникатив (CLT) жорий этилганидан буён кўплаб дарсликлар, шу жумладан, коммуникатив фаолият, оригинал материаллар ва шахсий контекстлар ёзилди. Бироқ, грамматикани ўқитиш ва ўргатиш борасида кўпгина дарсликлар CLT тамойилларини акс эттирмайди. Мазкур мақола турли методларни назарда тутади, шунинг учун грамматик машғулотлар таркибий ўқув дастурларининг айрим амалиётларини сақлаб қолиш орқали, янада коммуникатив бўлиши мумкин.*

Калит сўзлар: *коммуникатив принцип, коммуникатив ёндашув, коммуникатив қобилият, коммуникатив контекст, аниқ, оптимум, ақлли, "онгни ўстириш" топшириғи, биринчи даражали ахамият(лилик).*

КОММУНИКАТИВНЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДОВАНИЯ ГРАММАТИКИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

Хайдарова Сарвиноз Зухриддиновна
Наманганский инженерно-технологический институт
преподаватель английского языка

Аннотация: *Со времени введения Коммуникативного Языкового Обучения (CLT) было написано много учебников, включающих в себя коммуникативную деятельность, аутентичные материалы и персонализированный контекст. Однако в том, что касается преподавания и изучения грамматики, большинство учебников не отражают принципы CLT. В этой статье предлагаются различные методы, чтобы грамматические действия можно было сделать коммуникативными, сохранив некоторые практики структурной программы.*

Ключевые слова: *коммуникативный принцип, коммуникативный подход, коммуникативная компетентность, коммуникативный контекст, явный, неявный, оптимум, рассудительный, задача повышения сознания, первостепенный.*

COMMUNICATIVE METHODS OF TEACHING ENGLISH GRAMMAR

Haydarova Sarvinoz Zuhriddinovna
Namangan Institute of Engineering and Technology
English language teacher

Annotation: *Since the introduction of Communicative Language Teaching (CLT), many textbooks have been written to incorporate communicative activities, authentic materials and personalized contexts. However, where the teaching and learning of grammar is concerned, most textbooks do not reflect CLT principles. This article suggests different methods so that grammar activities can be made more communicative by retaining some practices of the structural syllabus.*

Key words: *communicative principle, communicative approach, communicative competence, communicative context, explicit, implicit, optimium, judicious, "consciousness-raising" task, paramount.*

1. Introduction. Learning the grammar of a foreign language is important if you want to speak the language correctly. Nevertheless, the grammar of a foreign language can be tricky and not at all resembling the one of your mother tongue. That is why you need to be very well acquainted with your own grammar structures and only then try to learn another grammar.

English grammar is not very difficult, although at first it appears to cause confusion. Grammar knowledge can be achieved through a lot of work and exercises, or even games. Of course it is a lot better if the student starts to learn it when he is very young - at a young age information is stored a lot faster - so that in high school, and later at university, new and difficult information can be placed on a solid base, thus reinforcing the student's ability to communicate more easily in the foreign language.

Knowing only the theory of the English grammar is not enough, as a set of rules cannot help you communicate unless you have practice using them. Most teachers make the mistake of teaching a lot of rules and forget the essential part: exercises, games, assignments - in other words, their focus is mainly on the theory of the language rather than on its practice. In order to attract a student towards a foreign language you must also make grammar seem more accessible by using all the practice methods you can get. Teachers must always remember that only practice makes you better.

What also helps is talking to foreigners (Americans, British, whatever they might be) as you get the chance to see English grammar in action this way. They use grammar constructions, sometimes sophisticated ones, without even thinking about the way they were formed, they use a tense without thinking what it might express, they use a language without being able to explain some of its grammar rules.

Over the past years emphasis has been laid on traditional methods, teachers trying to attempt only recently new modern methods, all these attempts being considered to make the student become more interested in the English language. But the question that

comes up is the following: are we sure that these methods actually work? We all know that the traditional way of teaching is very relaxing for a student - he is not forced to think too much, he just writes the information, and then uses it in exercises. The modern methods make students put their brain to use, communicate better, engage in conversation, thus acquiring the new knowledge during the English classes, at school.

Starting from the hypothesis that traditional methods do not exactly help the student learn English more easily and that they definitely do not make the English class very enjoyable, I am going to prove in the following pages that modern methods help a student understand and improve grammar more easily and in a more entertaining way than the traditional ones. All these modern activities are meant to widen the students' horizon and make them realize that grammar is not only theory, but also practice and fun.

Fez – The teaching of grammar has always stirred controversy among researchers. Historically, the question of whether grammar should be taught explicitly or implicitly has always been hotly debated; while the deductive method is traditionally associated with the dreaded grammar-based approaches, the inductive method is closely linked to the communication-based approaches which have won momentum, nowadays.

However, recent studies in the field of second language acquisition have revealed that, just like the grammar-based approaches were inadequate due to their sole focus on form, the communicative-based approaches, too, have many inadequacies, crucial of which is their mere focus on meaning-based instruction. Therefore, these negative reactions have resulted in the development of a new grammar teaching approach that combines both perspectives, namely focus-on-form instruction to cater for the weaknesses of each approach. This article seeks to discuss the issue of focus-on-form instruction in communicative language teaching. First, it aims at establishing a background to the issue. Second, it attempts to provide a definition of focus-on-form instruction and its main principles. Third, it gives some benefits of the focus-on-form instruction. Last, it presents some practical activities for implementing it.

Approaches to grammar teaching have undergone many changes and fluctuations. These changes that have characterized the teaching of grammar are ascribed not only to the changes in the research findings conducted on this issue, but also due to the movement from grammar-based approaches to communicative approaches. The latter put its primary focus on meaning and the implicit teaching of grammatical rules. As far as the grammar-based approaches, they are built on the assumption that through teaching grammar exclusively, the learners will be able to fully master the target language. As Nassaji & Fotos put it, “One of the major assumptions that underlie traditional grammar based approaches is that language consists of a grammatical forms and structures that can be acquired successively” (2011) [1]. Put differently, if the learner is exposed to the grammatical forms of a language in a sequential manner, he or she will end up acquiring the language. The most renowned grammar-based approaches are traditional translation and audio-lingual methods. Though they differ in many respects, these methods share the assumption that language is best learned through the explicit grammar instruction. These approaches have been put into question with the advent of the communicative movement.

Unlike the grammar-based approaches, the communicative approaches are based on the idea that language is best learned through communication, not via the mechanical

presentation of grammatical forms. The communicative approaches have disregarded the explicit use of grammar rules in teaching grammar. This has led to a shift from form-focused instruction to meaning-focused instruction [1]. The exclusive focus on grammar instruction has been found to be inadequate to develop learners' ability to perform in oral communication. Furthermore, many researchers have attested to the fact that language teaching cannot be limited solely to grammar teaching. This is so because the explicit teaching of grammar does not result in fluency. In the same vein, Hymes' theory of communicative competence (1972) has been very influential in the development of communicative language teaching, which puts the development of students' communicative competence as its primary goal [2]. The communicative competence asserts that knowledge of a language not only lies in knowing the grammatical forms of that language, but also of knowing how to use them appropriately in different communication contexts.

Nevertheless, given that each of these approaches focuses only on either the form or meaning while turning a blind eye on the other one, they have both been found to be ineffective on their own. Researchers have come up with ample evidence that assert the importance of the inclusion of both components, i.e. form and meaning in language teaching. For instance, Krashen's *Monitor Theory* (1981) accentuates the interrelatedness of explicit and implicit knowledge, as does *Language Awareness Movement*, which emphasizes the importance of explicit teaching and reflection on language structures [3]. Simply put, both explicit and implicit knowledge are equally important. Therefore, many educators have argued that communicative approaches should revisit its goals and thus incorporate both form and meaning.

2. Focus on Form Instruction: The growing dissatisfaction with both grammar and communicative approaches to teaching grammar has led Long (1991) to propose an approach which he termed *Focus on Form instruction* (henceforth FonF) [4]. According to Long, this approach is distinguished from *a focus on forms* instruction, which is associated with grammar-based approaches, and a *focus on meaning* instruction, which is the instruction employed by communicative approaches and that pays no attention to form. In contrast, FonF instruction tends to combine both positions through drawing students' attention to grammatical forms in communicative contexts (Nassaji & Fotos, 2011) [1].

According to Long (1991) [4], FonF instruction is an approach that "overtly draws students' attention to linguistic elements as they arise incidentally in lessons whose overriding focus is on meaning or communication" (Long as cited in Nassaji & Fotos, 2011: 11) [1]. The concept emphasizes an incidental focus on explicit grammatical forms to direct learners' attention to various linguistic features of their language along with making them aware of the linguistic forms of their utterances while conforming to the communicative practices. Similarly, the *Longman Dictionary of Applied Linguistics and Language Teaching* defines Focus on Form as follows: "In a more technical sense, focus on form has been defined as a brief allocation of attention to linguistic form as the need for this arises incidentally, in the context of communication" (C. Richards & Schmidt, 2002) [5]. In view of this, FonF grammar instruction attempts to combine the teaching of communication with the teaching of grammatical structures (Larsen-freeman, 2001) [6]. Such type of instruction represents an optimal position. While it adheres to the

communicative principles, it also gives due importance to the place of explicit teaching of grammatical items in language learning.

2.1 Benefits of Focus on Form instruction: The Focus on Form instruction yields many beneficial outcomes in communicative contexts. First and foremost, Focus on Form instruction draws students' attention to grammatical forms and aspects that might go unnoticed if the focus is put solely on meaning. Another benefit of Fonf's instruction is that students will be able to increase their noticing as well as monitoring capacity while engaging in communicative tasks. Differently stated, not only will they manage to attain fluency, but also accuracy. In addition, Focus on Form instruction is also beneficial in making students become creative in terms of coming up with new structures (Larsen-freeman, 2001) [6]. More importantly, this type of instruction contributes to the development of meta-linguistic awareness, not only of the target language, but also of that of native language. To achieve these benefits, effective classroom activities are needed.

2.2 Activities for doing Focus on Form instruction: Focus on Form is closely linked with task-based style, and it is used as a follow-up activity to alert students' attention to explicit formal aspects of language (Cook, V. 2008) [7]. In task-based language teaching style, Focus on Form tasks attempt to alert students' attention to the grammatical forms in an optimum and judicious manner, since focusing merely on meaning may not help students induce the rules from the input and some structures or rules may escape their attention. This approach is based on input-processing and consciousness-raising tasks (Larsen-freeman, 2001) [6]. Using these processes, the teacher makes his or her students aware of certain grammatical forms whilst engaging in communicative tasks. As Cook puts it, "by letting language form in through the back door" (Cook, V. 2008) [7].

Conclusion. Generally, there is a wide range of activities and techniques developed by different scholars. Some activities make use of classical exercises or activities in bringing students' attention to form such as translation, dictation, and rote memorization (Nassaji & Fotos, 2011) [1], while others attempt to develop communicative ones such as "noticing" tasks (i.e. learners are asked to notice and underline grammatical aspects in a texts or statements), "consciousness-raising" tasks (i.e. learners complete an helped to discover how the target language structure works by analyzing texts), "checking" tasks (i.e. learners are asked to complete an activity to check if they have understood how the structure of the target language works), etc. Although these activities are aimed at making grammar forms salient to learners, this is always achieved through communicative tasks. Such tasks are designed in such a way that they promote learners' awareness of the grammatical forms of the target language along with engaging them in communicative interaction. Together these activities can enhance the learners' target language development and awareness.

In a nutshell, Focus on Form instruction is the most recent method of teaching grammar that attempts to bring together both form and meaning in the course of teaching. This method is built on the assumption that a return to form is inevitable in grammar teaching and that any teaching of grammar that tends to turn a blind eye to the teaching of grammatical aspects of language is doomed to be inadequate. For this reason, Focus on Form instruction stresses that both form and meaning are of paramount importance to

language development and, therefore, they should be used in an optimum and judicious manner in order for learners to be able to develop both fluency and accuracy.

References:

1. Fotos, S., & Nassaij, H. (Eds). (2011). Teaching grammar in a second language: integrating form-focused instruction in communicative context. London: Routledge
2. Hymes, D. H. (1972) "On communicative Competence" In: J. B. Pride and J. Holmes (eds) Sociolinguistics. Selected readings. Harmodsworth: Penguim.
3. Krashen, S., (1981). Second language acquisition and second language learning. Oxford: Pergamon.
4. Long (1991) to propose an approach which he termed *Focus on Form instruction* (henceforth FonF). Cambridge: Cambridge University Press.
5. Richards, J.C., & R. Schmidt. (2002). Dictionary of language teaching & and applied linguistics. Longman: Pearson Education
6. Larsen-Freeman, D. (2001).Grammar: The Cambridge guide to teaching English to speakers of other languages. Cambridge: Cambridge University Press.
7. Cook, V. (2008). Second language teaching and learning. London: Hodder Education.

BELBOG'LI KURASH SPORT TURIGA O'QUVCHILARNI SARALASH TIZIMI VA MAZMUNI

Хамиджонов Абдулазиз Усубжон ўғли

Аннотация: *Ushbu maqolada belbog'li kurash sport turiga bolalarni saralashda ularni qobilyatlarini va iqtidorlarini aniqlash tizimi va mazmunini, hamda saralashning birinchi bosqichini maktabgacha ta'lim muassasalarida amalga oshirish zarurligi haqida ma'lumot berilgan.*

Kalit so'zlar: *Belbo'g'li kurash, Jismoniy tarbiya, sportchilarni saralash, maktabgacha ta'lim, mo'ljal olish, boshlangich tayyorgarlik.*

THE SYSTEM AND CONTENT OF STUDENT SELECTION IN BELT WRESTLING

Khamiddjanov Abdulaziz Usubjon ugli

Abstract: *This article provides information about the system and content of identifying abilities and talents, as well as the need for the first stage of selection in preschool educational institutions for belt wrestling.*

Keywords: *Belt Wrestling, physical education, athlete selection, preschool education, goal setting , initial training.*

СИСТЕМА И СОДЕРЖАНИЕ СТУДЕНЧЕСКОГО ОТБОРА В КУРАШЕ

Хамиджонов Абдулазиз Усубжон угли

Аннотация: *В данной статье представлена информация о системе и содержании выявления способностей и талантов, а также о необходимости проведения первого этапа отбора в дошкольные образовательные учреждения детей по курашу.*

Ключевые слова: *борьба на поясах, физическое воспитание, отбор спортсменов, дошкольное образование, целеполагание, предварительная подготовка.*

Mamalakatimiz Prezidenti Sh. Mirziyoyev tomonidan “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tog’risida” gi farmonini imzolanishi jismoniy tarbiya bo’yicha faoliyat olib barayotgan barcha murabbiy o’qituvchilar zimmasiga ulkan vazifa va masuliyat yuklandi. [1]. Bugungi kunda shiddat bilan rivojlanayotgan sportning barcha turlari oldida turgan eng muhim vazifalardan biri bu, istedodli sportchilarni sport turlariga saralash va yo’naltirish, ushbu masala yuzasidan yaqin o’tmishda va hozirgi kunda ham ko’plab olimlar ilmiy izlanishlar olib borishmoqda. Belbogli kurash sport turiga istodli sportchilarni saralash masalasi nafaqat kurash balki barcha sport turlari oldida turgan, dolzarb muoomolardan biri sifatida o’rganilmoqda. Xususan ushbu mavzu yuzasidan bir qator olimlar ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. [2]

Mavzuni yoritish uchun sport turlariga bolalarni saralash tizimi va mazmuni bo’yicha yetakchi mutaxassislar jumladan, xorijda va MDH mamlakatlarida sport turlariga bolalarni saralash tizimi va mazmuni mavzusi bilan A.N. Leontev (1960), S.L. Rubinshteyn (1960), V.A. Krutetskiy (1968), K.K. Platonov (1970) L.V. Volkov, L.P. Matveyev, V.P. Filin (1983), K.K. Platonov (1987), N.A. Bernshteyn (1990), V.I. Lyax (1999), P.Hirtz (1995), W. Ljach (1997), A.A. Novikov, Yu.V. Verxoshanskiy, V.M. Dyachkov, M.A. Godik, V.M. Zatsorskiy, M.Ya. Nabatnikova, L.P. Matveev, V.N. Platonov, V.P. Filin, A.P. Kuptsov, G.S. Tumanyan,va boshqa ko’pgina olimlar tadqiqot ishlarini olib borganlar. [5]

Respublikamizda jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi, sport kurashi nazariyasi, sport mashg’ulotlarining nazariy asoslari, sport kurashi mashg’ulotlarinig uzviyligini ta’minlashning nazariy va metodologik asoslari bo’yicha Salomov R.S., A.Q. Ataev, I.I. Alixanov F.A, 8.Yusupov K.T., Nurshin va boshqa tadqiqotchi olimlar nazariy va amaliy jihatlarini yoritgan. [4]

Bundan tashqari, jismoniy tarbiya darslarini tashkil etish, jismoniy tarbiya bo’yicha darsdan tashqari mashg’ulotlar, turli hududlarda bolalar sportini rivojlantirish, istedodli va iqtidorli sportchilarni saralash va sport turlariga yo’naltirish, sport kurashi bo’yicha o’quv trenirovka mashg’ulotlarni tashkil etish, sport kurashi mashg’ulotlarini rejalashtirish, sport turlariga bolalarni saralash mazmunini tizmlashtirish mavzusi yuzasidan T. Usmonxo’jaev, R. Salamov, F. Kerimov, Sh. Xonkeldiev, A. Abdullaev, R. Xalmuxamedov, V. Shin G. Abdurasulova, S. Tajibayev, Sh. Mirzakulov. N. Azizov, Nurshin, va boshqalar ilmiy izlanishlar olib borib o’zlarini darslik, o’quv qo’llanma, maqola va tezislarida saralash tizimini asoslovchi yangidan-yangi ma’lumot va tavsiyalar ishlab chiqishgan. [3]

Belbog’li kurash sport turiga saralashning dastlabki bosqichi albatta maktabgacha ta’lim muassasalarida amalga oshiriladi, bunda biz quyidagi hal qilinishi lozim bo’lgan vaziyatlarga to’qnash kelishimiz mumkin, bu holatlar tadqiqot jarayoni davomida oydinlashtirilishi talab qilinadi.

- o’quvchilarning yoshi va jinsiga mos, kurash sport turiga oid, qobiliyatlarni mavjudligi ;
- o’quvchilarning individual imkoniyatlari, kurash sport turiga oid umumiy jismoniy tayyorgarligi yaxshi rivojlanganligi;

- kurash turiga, o'quvchini xarakter va temperamantini mos kelishi;
- o'quvchilarning antropometrik ko'rsatkichlari, gavda o'lchamlarini kurash sport turiga mos kelishi;
- kurash sport turiga oid qobiliyatlarning tarkibi, va qay darajada rivojlanganligi;

O'quvchilarning yoshi va jinsiga mos, kurash sport turiga oid qobiliyatlarni mavjudligi, bu jarayonda sportchilarning fiziologik, psixologik imkoniyatlarini inobatga olib, shug'ullanuvchilar organizimiga beriladigan yuklamalarni ijobiy va salbiy tomonlarini o'rganib chiqish, va aynan kurashchiga xos fazilatlarni, qobiliyatlarni, mavjudligi aniqlanadi, shu bilan birgalikda, o'quvchilarning individual imkoniyatlarini murabbiy sportchilarni sport turiga saralash bosqichida umumiy hamda maxsus tayyorgarligi qay darajada ekanligini aniqlab, o'quvchining kuchli rivojlangan jismoniy sifatlarini sport turi texnika-taktikasining mos variantlari sportchilarni saralashda asosiy vosita bo'la oladi. Murabbiyning pedagogik mahorati doimo izlanuvchanligi bu faqat o'zi bilgan metodlar asosida emas, balki yuqori natijarga erishayotgan hamkasblari faoliyatidan o'ziga andoza olish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Bundan tashqari, o'quvchilarning antropometrik ko'rsatkichlari gavdaning ma'lum har bir o'lchamlarini, qolaversa bo'yi, og'irligiga qarab kurash texnik-taktik sxemalarini ishlab chiqish va o`z navbatida yuqori natijalarga erishgan sportchilarning kun tartibini, mashg'ulotlarda hamda musobaqa jarayonidagi ruhiy, irodaviy, axloqiy jihatlarini taxlil qilish, bundan tashqari saralangan kurashchilar bilan yuqori natijaga erishgan sportchilarni qobiliyatlarini solishtirish, o'xshashlik va kamchiliklarini, o'rganib taxlil qilish, bu esa o'z navbatida saralanayotgan kurashchini qobiliyati kurashning texnik-taktik xarakatlarni egallashdagi mahoratini, murabbiy oldindan ko'ra bilishi mumkin bo'ladi.

Sportga oid mo'ljal olish va harakatlarga oid qobiliyatli bolalarni saralash bo'yicha bir nechta o'zaro farqlanuvchi holatlar ajratib ko'rsatiladi, Belbog'li kurash sportida o'quvchilarni saralash tizimini bosqichlarga bo'lib chiqilganda, quyidagicha tartibda, ya'ni:

- boshlang'ich tayyorgarlik guruhiga qabul qilinuvchi sportchilarni, sportga nisbatan mo'ljal olish;
- boshlang'ich sportga ixtisoslashgan sportchilarni, sportga nisbatan mo'ljal olish;
- boshlang'ich sportga ixtisoslashtirish yo'nalishidagi o'quv-mashg'ulotlar guruhlarida istiqbolli sportchilarni saralab olish;
- chuqurlashtirilgan ixtisoslashtirilish o'quv-mashg'ulotlar guruhlarida istiqbolli yosh sportchilarni saralab olish;
- sportga oid takomillashtirish guruhlarida istiqbolli sportchilarni saralab olish. [5].

Murabbiy, sportchining harakat a'zolari faoliyatini shakllantirishga jismoniy sifatlarini tarbiyalashga qaratilgan mashq jarayonini amalga oshiradi. Shunday ekan ushbu hislatlar o'z tengdoshlariga nisbatan yaxshi rivojlangan o'quvchilarni saralab olishi tezroq natijaga erishishini ta'minlaydi. Murabbiy mashg'ulot jarayoniga o'quvchilarni saralab olar ekan, sport dargohida faqat istiqbolli bolalarni vijdonan tanlab olish (bu pedagogik, ijtimoiy, psixologik, metodik–biologik usullardan tarkib topgan xarakterlar majmuining tashkiliy–metodik tadbirlari tizimi bo'lib, sport mutaxassisligiga saralanayotgan bolalarning iste'dodi va qobiliyati mazkur usullar yordamida aniqlanadi), ularning qaysi sport turiga layoqatli ekanligini aniqlash (hozirgi paytda sportning 16 turi

bo'yicha bolalarni saralashning ham miqdoriy, ham sifatiy tuzilmasi aniqlash) farz va qarzdir. Lekin har qanday vaziyatda ham trener bolalarni sportga saralar ekan, ulardagi ijobiy omillar yig'indisiga e'tibor berishi va albatta bolaning astoydil ishtiyoqli, mehnatga layoqati va o'ziga xos xislatlarini hisobga olishi shart.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning "Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tog'risida" gi farmonini Toshkent shahri, 2018-yil 5-mart.
2. Kerimov F.A. Sport kurashi nazariyasi va usuliyati, Toshkent "O'z DJTI" nashriyoti-matbaa bo'limi 2001-yil.
3. Kerimov F.A. Sport sohasidagi ilmiy tadqiqotlar, Toshkent "Zar qalam" nashriyoti 2004-yil.
4. Salomov R.S. Sport mashg'ulotining nazariy asoslari "O'z DJTI" nashriyoti-matbaa bo'limi Toshkent 2005-yil
5. Xalmuxamedov R.D. Shin V.N. Abdurasulova G.B.Tajibayev S.S. Yosh yakkakurashchilar ko'p yillik tayyorgarlik jarayonining turli bosqichlarida saralashning me'yorlari

MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA BOLALAR JISMONIY TARBIYASINI TAKOMILLASHTIRISH

NamDU katta o'qituvchisi Hasanov Akram Abdujalilovich

Anatasiya: *Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari belgilanadigan o'quv ishi xarakteriga muvofiq rejalashtirilgan: bir xil mashg'ulotlorda asosiy e'tibor bolalarni yangi jismoniy mashqlarni avval o'rganilganini bilan birga o'rgatishga; ikkinchi xil mashg'ulotlarda harakat materialining bolalar tomonidan o'zlashtirish darajasi, bajarish sifati va miqdorni natijasi vaqt-vaqti bilan tekshirib turiladi: uchinchi bir xil mashg'ulotlarla bolalarga tanish mashqlar takomillashtirish maqsadida variantlardan fonydalangan holda takrorlanadi.*

Kalit so'zlar: *mashg'ulot,kirish,vazifa,saf mashqlari,emosanal,qomat,yassi tovonlik, umumrivojlantiruvchi mashqlar, burilishlar, guruh.*

УЛУЧШЕНИЕ ФИЗИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ ДЕТЕЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Гасанов Акрам Абдужалилович
старший преподаватель

Аннотация: *Мероприятия по физическому воспитанию разрабатываются в соответствии с характером обучения: обучать детей основным предметам того же класса, а также тому факту, что они уже освоили новую физическую активность; во втором упражнении периодически проверяется уровень обучения, успеваемости и количества учебных материалов для детей: третье упражнение повторяется с использованием параметров, позволяющих улучшить знакомство детей с упражнениями.*

Ключевые слова: *профессия, вступление, задание, линейная тренировка,*

эмоциональность, рост, плоская компенсация, общая практика, поворот, группа.

IMPROVEMENT OF PHYSICAL EDUCATION OF CHILDREN IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Hasanov Akram Abduzhalilovich
Senior Lecturer

Annotation: *Physical education activities are developed in accordance with the nature of instruction: to teach children basic subjects of the same class, as well as the fact that they have already mastered new physical activity; the second exercise periodically checks the level of training, academic performance and the amount of educational materials for children: the third exercise is repeated using parameters that improve children's familiarity with the exercises.*

Keywords: *profession, introduction, assignment, linear training, emotionality, growth, flat compensation, general practice, rotation, group.*

Maktabgacha tarbiya muassasalarida jismoniy tarbiya ishlarini takomillashtirish maqsadida jismoniy tarbiya tuzilmasi ya'ni shakllari, mashg'ulot turlari aniqlanadi.

Mashg'ulotning kirish - tayyorgarlik qismi vazifalari va mazmuni.

Jismoniy tarbiya mashg'ulotining birinchi qismi qo'yilgan vazifalar va uning asosiy qismidagi mashqlar mazmuniga ko'ra turlicha bo'lishi mumkin. Shuning uchun bir holda kirish, ikkinchi bir holda kirish-tayyorgarlik harakterida bo'lishi mumkin. Mashg'ulotning bu qismi vazifasi bolalarda unga nisbatan qiziqish va emosional kayfiyat paydo qilishdan, diqqatning tayyorgarlik darajasini tekshirishdan, ayrim harakat ko'nikmalarini aniqlashtirishdan, bola organizmini asta-sekin mashg'ulotning asosiy qismida kechadigan birmuncha intensiv faoliyatga tayyorlashdan iboratdir. [4]

Shu maqsadda bolalarga to'g'ri qad-qomatni tarbiyalashga, yassitovonlikning oldini olishga yordam beradigan, fazoda hamda kollektivda mo'ljal olish bilan bog'liq, bajarilishi ko'p vaqtni talab qilmaydigan tanish mashqlar va ularning variantlarini bajarish taklif etiladi.

Bunday mashqlarga quyidagilar kiradi: saflanish mashqlari - turlicha saflanishlar va qayta saflanishlar; turli topshiriqlar bilan bajariladigan (yo'nalishi ko'rsatilgan burilishlar, boshlovchilarni almashtirish va boshqalar) yurish va yugurish; tarqalib engil yugurish hamda keyinchalik katta va kichik davra, kolonna va hokazo bo'lib saflanish; turli ko'rinishdagi va yassitovonlikning oldini olish maqsadidagi yurishlar — tovonda, oyoq uchida, poldagi qalin shnur ustida, narvonda yurish va boshqa mashqlar.

Kirish qismi bolalarning kolonnaga uch-to'rttadan bo'lib, doira bo'lib saflanishi, tarqalishi va hokazolar bilan yakunlanadi. Bu bolalarni mashg'ulotning asosiy qismi boshlanishidagi umumrivojlantiruvchi mashqlarni o'rgatishga o'tish uchun xizmat qiladi. Bu qism kichik guruhlarda 2 dan 4 minutgacha, o'rta guruhlarda 3 dan 5 minutgacha, katta guruhlarda 4 dan 6 minutgacha davom etadi.[2]

Agar mashg'ulotning birinchi qismi kirish-tayyorlov qism sifatida rejaplashtirilsa, uning boshlanishida yuqorida ko'rsatilgan kirish qism uchun mo'ljallangan mashqlar beriladi. Biroq shundan so'ng mashg'ulotning shu qismida faqat takroriy va variasiyali mashqlardan iborat o'rgatish talab qilmaydigan umumrivojlantiruvchi mashqlar berildi.

Ularning vazifasi bola organizmini mashg'ulotning asosiy qismidagi birmuncha yuqori jismoniy yuklamaga tayyorlashdir. Bunda etarli jismoniy yuklamaga ega bo'lgan murakkab koordinasiyali asosiy harakatlar yoki intensiv xarakterdagi sport mashqlari rejalashtiriladi. Bunday holda mashg'ulotning asosiy qismi bolalarni asosiy harakatlarga o'rgatishdan boshlanadi.

Kirish - tayyorgarlik qism kichik guruhlarda 3 dan 4 minutgacha, o'rta guruhlarda 4 dan 6 minutgacha, katta guruhlarda 5 dan 10 minutgacha davom etadi.[1]

Mashg'ulotning asosiy qismi vazifalari va mazmuni. Mashg'ulotning bu qismida bir holatda dastlab bolalarni umumrivojlantiruvchi mashqlarga, so'ng asosiy harakatlarga o'rgatish va jismoniy sifatlarni tarbiyalash vazifalari belgilanadi; ikkinchi bir holatda asosiy harakat mashqlariga o'rgatish belgilanadi. Bu mashqlar yangi harakat materiali bilan tanishtirishni, avvaldan tanish mashqlarni turli variantlardan foydalanib takrorlashni, mustahkamlanish bosqichidagi harakat ko'nikmalarini takomillashtirishni ko'zda tutadi. Shundan so'ng barcha bolalarni intensiv harakatga tortadigan qoidali harakatli o'yinlar o'tkaziladi.

Bolalarning optimal psixik ish qobiliyatining davomsizligini hisobga olib juda qiyin vazifalar asosiy qismning boshida belgilanadi (masalan, bolalarni yangi material bilan tanishtirish yoki juda murakkab koordinasiyali mashqlarni bajarish).[5]

Umumlashtiruvchi mashqlarni bolalar kichik predmetlar — bayroqchalar, tayoqchalar, chambaraklar, lentalar, shnurlar bilan bajaradilar. CHunki ular butun organizmning fupksional holatini yaxshilashga ta'sir etadi. Ular katta muskul guruhlarini asta-sekin intensiv ishga jalb etish vazifalariga ko'ra tanlanadi.Dastlab to'g'ri qad-qomatni shakllantirish va nafas olishni tartibga solish maqsadida (masalan, qo'llarni yon tomonlarga uzatish va ularni ko'krak oldida birlashtirish va boshqalar) qo'l muskullari va elka kamari muskullarini rivojlantirish hamda mustahkamlash mashqlari beriladi. Ikkinchi navbatda gavda uchun, orqa muskulini mustahkamlash va umurtqa egiluvchanligini rivojlantiruvchi (oldinga, orqaga va yon tomonlarga egilish, o'ngga va chapga burilishlar—gavdani aylantirish) mashqlar beriladi. Qorin va oyoq (tovonlarni qo'shuvchi) muskullarini rivojlantirib va mustahkamlovchi (cho'qqayish, tizzadan bukilgan oyoqlarni ko'tarish va boshqalar) mashqlar uchinchi navbatda beriladi. Bu mashqlarni bajarishda va ularni takrorlashda bola organizmini asta-sekin katta yuklamaga tayyorlab borish ko'zda tutiladi.

Shundan so'ng asosiy harakatlarni o'rgatishga o'tiladi. Bunda ulardan biri bolalar uchun yangi, boshqalari esa o'rganish va takomillashtirish bosqichida bo'ladi.

Barcha muskul sistemasining ishtirokini talab qiluvchi asosiy harakatlarni bajarish ko'p darajada organizmning funksional holatini yaxshilaydi va tezkor, maqsadga yo'nalgan harakatlar bilan xarakterlanadigan harakatli o'yindagi yuksak faoliyat ko'rsatishga tayyorlanadi.

Mashqg'ulotning umumrivojlantiruvchi mashqlarni o'rgatish bilan olib boriladigan asosiy qismi davomiyligi kichik guruhlarda 15 dan 18 minutgacha, o'rta guruhlarda 20 dan 22 minutgacha, katta guruhlarda 25—28 minut bo'ladi. Umumrivojlantiruvchi mashqlarsiz o'tkazilganda esa uning davomiyligi kichik gruppalarda 8—12 minut, o'rta guruhlarda 12—15 minut, katta guruhlarda 15—20 minutni tashkil etadi.[6]

Mashg'ulot yakunlovchi qismining vazifalari va mazmuni. Mashg'ulotning

o'yindan so'nggi yakunlovchi qismi tobora sekinlashadigan intensiv suratdagi yurishni o'z ichiga oladi. U umumiy qo'zg'aluvchanlikning pasayishiga va pulsning normallashishiga yordam beradi; yurish jarayonida bolalar bir necha nafas olish mashqlarini bajarishlari mumkin. Ba'zi hollarda yurish barcha bolalar ishtirokidagi kam harakatli o'yin bilan almashtirilpshi mumkin (masalan, «Top-u jim tur», «O'zingga yoqqan narsani keltir» kabi o'yinlar). Asta sekin yurishga o

Tish orqali o'yin so'nggida mashg'ulotga yakun yasaladi va bolalar boshqa faoliyatga o'tadilar. Mashg'ulotning yakunlovchi qismi davomiyligi kichik guruhlarda 2 minutdan 3 minutgacha, o'rta va katta guruhlarda 3 minutdan 4 minutgacha bo'ladi.

Butun mashg'ulotnnig davomiyligi kichik guruhlarida 15-20 minutni, o'rta guruhlarda 20-25 minutni, katta guruhlarda 30-35 minutni tashkil etadi.

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari jarayonida bolalarda harakat ko'nikmalarini rivojlanishi bilan bir vaqtda tezkorlik, chaqqonlik, chidamlilik, egiluvchanlik, kuch kabi jismoniy sifatlar tarbiyalanadi.

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari belgilanadigan o'quv ishi xarakteriga muvofiq rejalashtiriladi: bir xil mashg'ulotlorda asosiy e'tibor bolalarni yangi jismoniy mashqlarni avval o'rganilganini bilan birga o'rgatishga; ikkinchi xil mashg'ulotlarda harakat materialining bolalar tomonidan o'zlashtirish darajasi, bajarish sifati va miqdorni natijasi vaqt-vaqti bilan tekshirib turiladi: uchinchi bir xil mashg'ulotlarla bolalarga tanish mashqlar takomillashtirish maqsadida variantlardan fonydalangan holda takrorlanadi va hokazo.[7]

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlari yaxlit syujet ko'rinishidagi, boalarga tanish o'yin formasida o'tkazilishi mumkin (masalan, «Sayr», «Sayohat», «Iztoparlar», «Sportchilar» va hokazo). Bu o'yinlardagi harakat izchilligi jismoniy tarbiya mashg'ulotlari tuzilmasiga muvofiq bo'lishi, shug'ullanayotgan guruhdagi bolalarning yosh imkoniyatlari va shu bilan bog'liq ravishda jismoniy yuklama darajasini ham hisobga olishi kerak. Bunday mashg'ulotlar ijodiy tashabbus va rahbarlikda emosional — obrazli metodiikani talab qiladi.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ф.Р.Қодирова ва бошқ. Мактабгача таълим Концепцияси. Т.: 2008
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
3. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика. – Т: 2015й.
4. Такомиллаштирилган "Болажон" таянч дастури. Т.: 2016
Мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш жараёнининг муваффақияти мазкур жараённи технологик ёндашув асосида лойиҳалаштириш, алгоритмлаш ҳамда натижани олдиндан белгилашга боғлиқ. Педагогик жараённинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, педагогик механизмларни такомиллаштириш, таълим-тарбиянинг инновацион усулларидан фойдаланиш мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимининг иккинчи бўғини бу бошланғич таълимдир. Бошланғич таълимга келган ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари эмас. Президентимиз таъкидлаганларидек "...бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30%ни ташкил этади". Яъни 1-синфга қадам қўйган ҳар 3 та боладан 1таси мактабгача таълим муассасасига таълим тарбия олган. Бошланғич синф ўқитувчисининг математик саводхонлиги турлича бўлган болалар билан таълим-тарбияни ташкиллаштириш ниҳоятда қийин иш. Бу масаланинг биринчи томони. Масаланинг иккинчи томони эса мактабгача таълим муассасасида шакллантириладиган математик тушунчалар 1-синф математик таълими жараёнида яна қайта ўрганилади. Кузатиш ва тажрибалар шуни кўрсатадики, мактабгача ва бошланғич таълимда математик тушунчаларни ўргатиш борасида тизимли узвийлик таъминланмаган. Мактабгача таълим тайёрлов гурухи ва 1-синф математика таълим жараёнида ўқувчиларда математик тасаввурларни шакллантириш бўйича узвийликни таъминлашнинг усул ва методларини яратиш, стратегия ва технологиялардан фойдаланиш йўлларини ўрганиш алохида долзарблик касб этмоқда. Бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёш авлод тарбиясининг биринчи бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ислох қилишга қаратилган жуда кўплаб Президентимиз фармон ва қарорлари эълон қилинди. 2017 йил 16 август ва 19 октябр кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофлича кўрилиши, 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги [3] Қарор қабул қилиниши, Давлатимиз раҳбарининг

ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган мажлисларда бу йўналишда фикр мулоҳазалар билдиришлари фикримиз далилидир.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий - маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони асосида таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, аниқ фанларни чуқурлаштириб ўқитиш ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаш каби устувор вазифалар белгиланди. [2]

"Ана шу ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ", [2] - деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган Фармон, Қарор ва фармойишлари қабул қилиниб ислоҳотларнинг асоси ҳуқуқий - меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Мактабгача таълим муассасаларида "Илк қадам" ва бошланғич таълимда тайёрлов ўқув дастурини татбиқ этишда таълим - тарбия соҳасидаги ўзгаришлар узлуксиз таълим тизимининг энг қуйи бўғини – мактабгача таълим тизимидан бошланади. Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлаш, соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мактабгача ва бошланғич таълим ўртасидаги узвийликни таъминлаш, айниқса математик тассавурларини шакллантиришда таълим муассасаларининг турли эҳтиёжлари ва ўзига хос талабларидан келиб чиқиб таълим жараёнларини модернизация қилиш, малака ошириш сифатини таъминлаш, педагог ва мураббийлар, шунингдек иш берувчиларни таълим жараёнларига жалб қилиш масалалари долзарб муаммо сифатида ўрганилмоқда. Ушбу интеграция ва таълим тизимидаги муаммоларга нисбатан яхлит ёндашув мактабгача ва бошланғич синф ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқитувчилар учун тренинглар ўтказиш ва ҳамкор университетларда тренинглар ўтказиш ҳамда узлуксиз таълим тизимида самарали ёндашувни яратиш ва уни миллий даражада таклиф этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Дарҳақиқат бошланғич синф ўқитувчиларини турли жараёнларда, масалан, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълимда узвийликни таъминлаш ва такомиллаштириш каби жараёнларда бевосита иштирок этиши улар учун фойдали бўлади. Бу эса таълим жараёнини мақсадлилигини ва долзарблигини таъминлайди ҳамда узлуксиз таълим тизимига янги ишланмаларни олиб келади.

Фикримизча, мактабгача ва бошланғич таълим тизимида математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлаш юзасидан янги методик қўлланма ва тавсияларни ишлаб чиқиш Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш, янги инновацион тадбиркорлик руҳини ва амалиётини таълим жараёнида интеграциялашга йўналтирилган тузилмаларни модернизация қилишга ёрдам беради.

Статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаганлигини болалар боғчаларида болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, физио - психологик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари жорий этилмаганлигини кўрсатди. Натижада мактабгача таълим муассасалари “ ота-она ишда бўлган вақтда болага қараб турадиган даргоҳ”га айланиб қолди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Боғчага борган бола билан боғчага бормаган болани ўртасида жуда катта фарқ борлигини таъкидлади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Мақсадимиз келгуси 3 - 4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз, - деб ишонч билдирди.

Ҳақиқатдан ҳам, боғчага борган бола билан бормаган бола ўртасидаги фарқ унинг жисмоний ривожланишида, интеллектуал салоҳиятида, мактаб таълимига мослашишида, ижтимоийлашувида яққол намоён бўлади.

2016 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 - 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2707 - сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган дастурнинг тасдиқланиши том маънода мактабгача таълим тизимини янги босқичга кўтарилишига замин яратди.

Дастурнинг мақсадли вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

- мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълим муассасаларида 5 - 6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш;

- замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

- мактабгача таълим муассасасини замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш кабилар.

“Йўл харитаси”да қисқа давр мобайнида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш ва мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан тўлдириш ҳамда давлат мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий - техник таъминотини яхшилаш йўналишлари белгиланди ва қадамба - қадам амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Мактабгача ёш туғилгандан бошланғич таълим олишга киришишгача бўлган ёш даври, яъни чақалоқлик давридан 6 - 7 ёшгача бўлган давр ҳисобланади. Мактабгача таълим мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган ва бошланғич таълимда муваффақиятли ўқишини давом эттиришга кўмаклашадиган мақсадли жараёндир.

Ҳозирги кунда математика ўқитиш таълими мазмунида математик билимларни тақдим қилиш, мактабга тайёрлов гуруҳи ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг юқори даражадаги ҳисоблаш кўникмалари, тафаккурни шакллантириш юзасидан эътиборга олинмай келаётган ҳолатлардан бири мактабгача ва бошланғич таълим тизимида математик тасаввурларни шакллантириш жараёнида узлуксизликни таъминлашда етарли даражада эътибор берилмаётганидадир. Таълимда узлуксизликни таъминлаш нафақат математик тасаввурларни ўстиришда муҳим, балки бугунги кун талабидан келиб чиқиб рақобатбардош кадрларни ўстиришда чет тиллари билан боғлиқликда математикани ўргатилиши ҳам алоҳида дидактик аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мактабгача ва бошланғич синфлар таълим мазмунида ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг назарий асосларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишини амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Айтиш жоизки, республикамизда боланинг жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойидан қатъи назар, мактабгача таълим олишини кафолатган ва мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўла қамраб олиш ва сифатли мактабгача таълим олиши учун барча шарт - шароитларни яратилган.

Бизнингча юқорида қайд этилган шарт шароитларга жавобан мактабгача ва бошланғич таълим тизимида математик тасаввурларни шакллантиришга узвийликни таъминлаш жараёнидаги асосий вазифа қуйидагилардан иборат:

- боланинг мактабгача таълим олишини таъминлаш;
- боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш;
- болаларда Ватанга муҳаббат, оилага ҳурмат билан муносабатда бўлиш, халқ анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат, ўзига ва атрофдагиларга онгли муносабатда бўлишни тарбиялаш;
- бола шахсини шакллантириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- бошланғич таълим олишга тайёрлаш, ижтимоий мослашувини таъминлаш;
- болани ҳар томонлама ривожлантириш, тарбиялаш ва таълим олишини таъминлашда оилага кўмаклашиш.

Ҳақиқатдан ҳам мактабгача таълим муассасаларида болани ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълим асосида ёндошилади ва

мактабгача таълим билан бошланғич таълим ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик таъминланади.

Хорижий мамлакатлар сингари республикамизда фан ва технологияларнинг ривожи олимлар олдида бир қанча мураккаб вазифаларни қуймоқда. Шу сабабли табиат ва жамият қонунлари тараққиёти қонуниятлари ҳақидаги янги назарий ҳамда амалий билимларни мактабгача ва бошланғич таълим тизимида математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлашни ўқув жараёни мазмунига киритиш, энг зарур билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш, илм фаннинг турли соҳалари учун муҳим бўлган билимларни ёшлар эгаллаши учун юксак педагогик маҳорат ва касбий компетенцияга эга педагоглар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни ҳал этишда мактабгача ва бошланғич таълим тизимида математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлаш масаласини илмий жиҳатдан асослаш мақсадида ҳар бир ёш даврда ўқитишда узвийликни таъминлаш шакл ва методларини танлаш, таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда математика фанини ўқитишда узвийликни таъминлаш тизимини шакллантириш лозим.

Афсуски, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарбиячи - педагогларнинг катта қисми талабга жавоб бермайди. Уларнинг 79 фоизини ўрта махсус маълумотли тарбиячилар ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра келгуси 3 йилда мактабгача таълим муассасаларини олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш учун 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлаш, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбарини тайёрлашга эҳтиёж мавжудлиги аникланди.

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ташкил этилди. Институт мактабгача таълим муассасалари раҳбарларини ва мутахассисларини қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади, янги илғор педагогик технологияларни жорий этади, мактабгача таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларида узлуксиз методик хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сонли қарорининг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Янги тизим барпо этиш оркали мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқарув тизимини такомиллаштириш вазифаси ҳал этилди. Мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш ва бошқариш бўйича мустақил орган яратилди.

Вазирлик зиммасига куйидаги вазифалари юклатилди:

- мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шаклларини амалиётга татбиқ этиш;

- замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан, нодавлат секторида жорий этиш;

- миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

- замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

- мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш кабилар.

Мазкур вазифаларни бажаришда таълим соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш талаб этилади.

Д..Т.Собирова илмий тадқиқотларида инсон математик тасаввурларини шакллантириш учун энг муҳим омил ғоянинг пайдо бўлишидир - деган фикрни илгари суради. Олиманинг фикрларига таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, бола янгилик ярата олиши учун ғоя пайдо бўлиши муҳимдир. Фақат падо бўлган ғоя янги фикрни яратишга ундайди. Фикрнинг теранлиги, маҳсулдорлиги, аниқ мақсадга қаратилганлиги, самарадорлиги инсоннинг амалий фаолиятида қўйилган масалани (вазифанинг кичик қисмларини) ҳал қилишга қаратилган тафаккур акти фикр юритиш ҳаракати дейилади. [4]

Мактабгача таълим муассасалари таълим - тарбия жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган замонавий илм фан ва технологияларнинг энг мураккаб муаммоларини ҳал этиш учун барча ўрганилаётган таълим мазмуни кенг миқёсда таҳлил этилиши лозим. Математик тушунчалар орқали оддийдан мураккабга қараб

мисол ва масалалар моҳиятини аниқлаш, айниқса болаларга тақдим этилаётган математик билим, тушунча ва ҳосил қилинадиган ҳисоблаш кўникмалари умумлашган тарзда мазмунга эга бўлади. Мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминланганда болалар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро боғланган билим ва тушунчалар ҳосил бўлади. Демак, математика фанини ўқитишда узвийликни таъминлашда ўқув мавзулари мазмунини атрофлича очиб бериш муҳимдир.

Мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминлаш ўқув машғулотлари ва дарс мавзуларининг мазмунини ўрганиш, ундаги муҳим қоидаларни ажратиб олиб ўзлаштиришда қуйидаги жараёнларни фаоллаштириш имконини беради:

- ўқув машғулотларини ўрганиш жараёнида мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминлаш ҳолатини ўрганишда субъектив ёндашиш эҳтимолини пасайтириш;

- математика фанининг муҳим ғояларини очиб беришда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган математик қонуниятларга эътибор қаратиш

-ўқувчиларни доимий равишда математик идрок этиш жараёнини мураккаблаштириб бориш, ўқувчилар ижодий ташаббускорлиги ва ўқув билув фаолияти мустақиллиги кўламини кенгайтириш, ҳар томонлама математик тасаввурларини ҳосил қилишни таъминлаш учун дидактик воситаларни ҳар хил турларини қўллаб, мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминлаш бўйича ташкилий ишларни босқичма босқич амалга оширишга эришиш;

- турли дидактик воситалар ёрдамида математик тушунчаларни ва қонуниятларни ўзаро узвий бирликда ўзлаштиришга эришиш;

- педагоглар ва тарбияланувчилар ўртасида ижодий ҳамкорликни вужудга келтириш;

- ҳозирги замон талаблари асосида ўқувчиларни илмий дунёқарашини мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминлашда жаҳон таълим стандартларига мос келадиган илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийликни таъминлашда фақатгина мантиқийлик қоидаларига таяниш эмас, балки унга эришиш йўлларини кўрсатиш муҳим. Математика дарсида ўқувчиларга моддий дунё шакли ва нисбатлари, мавжуд борлиқнинг математик моделлари ҳақидаги фан эканлиги ҳақида тушунча берилади. Рақамлар, шакллар, функция, ҳосила, интеграл, вектор, қўшиш, айириш, бўлиш, кўпайтириш, каср сонлар, сон ва саноқ системаси тушунчалари мавжуд бизни ўраб турган борлиқ ҳодисалари ранг баранглигини акс эттиради. Шунинг учун ҳам математик тушунчалар мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда янги мавзуни тушунтириб масалаларни ечганда узвийлик таъминлаш орқали амалга оширишга эришиш керак. Натижада ўқувчилар ўрганилаётган мавзуни чуқурроқ тушуниб, математик ҳодисаларни самарали ўзлаштирадилар. Математик амалларнинг исботи қанчалик мураккаб бўлмасин,

улар моддий олам ҳодисаларини объектив алоқадорликда идрок этиш имконини беради. Математик тушунчаларни мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминлаш асосида ифодалаш ўқувчиларнинг ўқув билув фаолиятини самарадорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилаб айтганда мактабгача ва бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда узвийлик таъминлаш математика таркибидаги тушунчалар, турли таълим соҳалари мазмунида тақдим этиладиган билим, кўникма ва малакаларни ҳам бир хилда тадқиқ қилишни кўзда тутади. Мактабгача ва бошланғич таълимда математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлаш ҳаётда амалий фаолиятда муҳим аҳамият касб этади. Унинг узвий ривожлантирилиши ҳаётни теранроқ, мушоҳадали ва мулоҳазали ўрганишга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all [Word Education Forum, 19-22 may, 2015, Incheon, Republic of Korea].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори

4. Д..Т.Собирова Мактабгача катта ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш.п.ф.н..илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2007

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИҲАЛАШ МОҲИЯТИ ВА ЛОЙИҲАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Рашидова Зулайҳо Олимжон қизи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология ” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. *Мазкур мақолада Олий таълим тизимида педагогик жараённи лойиҳалаш моҳияти ва лойиҳалаш босқичлари илмий асосда ёритиб берилган. Шунингдек мақолада педагогик жараённи лойиҳалашнинг омиллари яъни чеклов ва кўрсатмаларни ҳисобга олиш, таълим мазмуни илмийлик ва амалий аҳамият талабларини тўлдириши, ўқув жараёнига ажратилган вақтга мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, таълим мазмуни ва унинг таҳсил олувчилар томонидан қабул қилиниш даражасининг ўзаро мослиги педагогик тамойиллар асосида ёритиб берилган.*

Таянч сўз ва тушунчалар*: Олий таълим, компитенция, лойиҳа, мазмун, фаолият, инновация, техноген цивилизация, ўқитувчи, талаба, ҳамкорлик педагогикаси, тамойил, ўқув фаолияти.*

ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ПРОЕКТНЫЙ ДИЗАЙН И ПРОЕКТНЫЕ ЭТАПЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Рашидова Зулайҳо Олимжон қизи
Ассисент преподователь Узбекского государственного университета мировых языков кафедры «Педагогики и психологии»

Аннотация. *В данной статье подчеркивается важность проектирования педагогического процесса в системе высшего образования и этапов его проектирования. В статье также излагаются факторы, которые влияют на структуру педагогического процесса, с учетом ограничений и указаний, содержания образовательных и научно-практических потребностей, организации учебного процесса, а также степени принятия содержания и принятия студентами педагогических принципов.*

Ключевые слова: *Высшее образование, дополнение, проект, содержание, деятельность, инновация, искусственная цивилизация, преподаватель, студент, совместная педагогика, принцип, образовательная деятельность.*

PEDAGOGICAL DESIGN DESIGN AND DESIGN STAGES OF HIGHER EDUCATION

Rashidova Zulayho Olimjon qizi
Uzbek state university of world languages department of "Pedagogy and psychology"

Annotation. *This article emphasizes the importance of designing the pedagogical process in the system of higher education and the stages of its design. The article also outlines the factors that influence the structure of the pedagogical process, that is, taking into account limitations and indications, the content of educational and scientific-practical needs, the organization of the educational process, and the degree of acceptance of the content and acceptance of pedagogical principles by students.*

Key words: *Higher education, addition, project, content, activity, innovation, artificial civilization, teacher, student, joint pedagogy, principle, educational activity.*

Акцелерация ва глобаллашув, техноген цивилизация жараёнларининг жадал ривожланиши таълим - тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ.

Бугунги кунда Олий таълим тизимида ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга кўра индивидуаллаштиришни назарда тутади. Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновацион фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. [2] Шу нуқтаи назардан қараганда ҳам таълим – инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун педагогик жараённи лойиҳалаш ва унинг муваффақиятли кечишини

таъминлаш, ўқув фаолияти мазмунини янада бойитиш, илмий - техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни ўқитиш услублари, уларни тизимли равишда бойитиб ва янгилаб бориш масаласи, таълим тизимида юқори кўрсаткичларга эришишда энг муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат-эътиборларини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Наср Фаробий, Ян Амос Коменский, Дмитрий Константинович Ушинский, Абдулла Авлоний, Ҳамза Хакимзода Ниёзий, Абдуқодир Шакурий ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ахборотлар алмашинувининг жадаллашуви, шунингдек, илм – фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган илмий янгиликларнинг сон ва сифат жиҳатидан кескин ўсиб бориши ўз- ўзидан таҳсил олувчиларга улар борасида тезкор суръатда ва замон талаби билан ҳамнафас маълумотлар бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу талабнинг ижобий равишда қондирилиши, энг аввало, илмий-назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришнинг қулай, мақбул шакли бўлган таълим жараёнида амалга оширилади. Таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилиши ўқув манбалари (ўқув дастури, режаси, дарслик, қўлланмалар) савияси, шунингдек, педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига бевосита боғлиқдир.

2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурида ҳам “ илм – фанни янада ривожлантириш, уни академик илм – фан билан интеграциялашувини кучайтириш” [1] устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ўқув дастури мазмунининг мукаммаллиги, дарслик ҳамда қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий хусусиятларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ўқитувчи ҳамда таҳсил олувчилар ўртасида ижобий, самимий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Таълим жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллашнинг яна бир омили – бу муайян, яхлит таълимий жараённи олдиндан лойиҳалаш, таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштириладиган назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакалар даражасини ташхислаш ҳамда таълим мақсадининг муваффақиятли натижаланишини аввалдан башоратлай олишдан иборатдир. Олий ўқув юртлари ўқув жараёнини лойиҳалашнинг энг мақбул, кенг маълумотлар базаси педагогик технология ва унинг моҳиятини очиб берувчи Б.П.Беспалько, М.В.Кларин, В.Сластенин, М.О.Очилов, Н.Саидаҳмедов, К.Зарипов ва бошқалар томонидан яратилган адабиётлар орқали хабардор бўлишимиз мумкин.

Олий таълим тизимида педагогик жараённи лойиҳалаш моҳияти педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш, натижаларни олдиндан кўра билиш,

режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади.

Педагогик жараённи лойиҳалаш – лойиҳа → мазмун → фаолият учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир [3].

Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, лойиҳалар предмет ва унинг йўналишига кўра бир-биридан фарқланади. Лойиҳаларда педагог томонидан кетма - кет амалга оширилувчи ва ташхиснинг қўйилиши билан якунланувчи таҳлилий фаолият, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш каби ижодий фаолиятлар намоён бўлади. Ташхис, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда тақвим - режа, қисқача ёзма баён сифатида акс эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали ҳал этилиши лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогнинг фаолияти, педагогик воситаларни қўллаш мазмуни ва имкониятигина ҳисобга олинмаслиги керак. У асосан алоҳида таҳсил олувчи ва таҳсил олувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур.

Лойиҳалаш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда, педагогик жараённи акс эттирувчи умумий стратегия ҳисобланади. Лойиҳалашда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.


Педагогик вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши педагогик жараённи самарали ҳал этишнинг муҳим шарти бўлиб, педагогик мақсад педагогик жараённи ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида қабул қилинади. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти турли вазифалар моҳиятининг бир йўла ёки бирин - кетин англанишига боғлиқ. Педагогик фаолият учун умумий бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир. Сўнгра педагогик жараённинг маълум босқичи моҳиятини аниқ ифодалайдиган босқичли вазифалар (алоҳида олинган босқич вазифалари)ни, ниҳоят хусусий (вазиятли) педагогик вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалаштиришда: умумий педагогик вазифалар (педагогик жараён хусусиятларини яхлит ҳолда инобатга олиш асосида белгиланувчи), босқичли педагогик вазифалар (маълум босқич хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланувчи), вазиятли педагогик вазифалар (муайян вазиятларни инобатга олган ҳолда белгиланувчи) белгилаб олинади. Қуйида биз бир соатлик ўқув машғулотидан намуна келтирамиз.


Дарснинг бориши:

1-топшириқ.

Топшириқнинг максади: берилган расм ёрдамида талабаларда янги технология бўйича тушунча ҳосил қилиш .



Қуйидаги берилган расмни ўрганган ҳолда “Discovery learning” технологияси нима эканлиги ҳақида ўз фикрини билдириши ва гуруҳ аъзосидан бир киши уни тушунтириб бериши таклиф этилади.







Берилган 1- топшириқ асосида фикрлар умумлаштирилади яъни бугунги дарсни юқорида айтиб ўтилган “Discovery learning for English learning students and case study method” олиб борилиши хақида айтиб ўтилади. Сўнгра янги мавзуни бошлаш учун яна гуруҳлар билан ишланади ва уларга **2-топшириқ** берилади.

2- топшириқ.

Топшириқнинг мақсади : кўрсатилган расмлар асосида янги мавзу нима хақида эканлигини талабаларни ўзлари фикр юритишга ундаш.

Педагогик тажриба ва кузатувларимиз шуни кўрсатадики, таълим жараёнида педагогик вазият етарли даражада тўғри англанилмаса, у ҳолда педагогик вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Эндигина касбий фаолиятни бошлаган ўқитувчи тажрибасизлигидан педагогик вазиятни тўғри англаш, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлмайди. Шу сабабли улар ўзларича йўл тутадилар ва педагогик вазифани дарҳол ҳал этмоқчи бўладилар, натижада жиддий хатога йўл қўйилади.

Аммо, айрим ҳолатларда тажрибали педагоглар ҳам педагогик вазиятни тўғри англашга эътиборсиз қарайдилар. Натижада педагогик фаолиятда номутаносиблик вужудга келади: педагог ўз фаолиятининг педагогик мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш - олмаслигини ўйлаб ўтирмай, таҳсил олувчилар-ни фаоллаштиради, кўргазмали қуроллардан фойдаланади, билимларни назорат қилади.

Н.В.Кузьминанинг фикрига кўра педагогик фаолиятнинг яна бир номутаносиблик томони шундаки, кўпчилик педагоглар педагогик вазифаларни иккинчи даражали, функционал, ўткинчи вазифаларга алмаштирадилар ва фақат уларгагина ўз диққатларини қаратадилар (дарсни ташкил этиш, тадбирлар ўтказиш ва ҳоказо).

Таълим жараёнини технологиялаштириш лойиҳани яратиш, таҳсил олувчилар фаолиятини ташхислаш,т педагогик жараённи ташкил этиш, педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш, таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш каби педагогик фаолиятнинг муҳим кўринишларини ўз ичига олади.

Юқоридаги фикрлардан англанганидек, ҳар бир босқичда амалга оширилаётган вазифалар ўртасида муайян изчиллик мавжуд бўлиб, у таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ҳар бир ҳолатнинг пухта бажарилишига эришиш эса амалий фаолият (ўқув жараёни)нинг муваффақиятини таъминлашга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда Олий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири таълим жараёнини технологиялаштиришдан иборат. Ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашда ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг таълим амалиётида фаол қўллаш, ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган замонавий технологиялардан хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ – 5264 – сон фармони”

2. Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 12 августдаги 332 – сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган муваққат малака талаблари”.

3.Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замоновий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи./ Тошкент 2008 ОЎМКҲТРМ, 300 бет”

СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ И СПОСОБЫ МОТИВАЦИИ ПО ПРИВЛЕЧЕНИЮ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЁЖИ К РЕГУЛЯРНЫМ ЗАНЯТИЯМ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРОЙ И МАССОВЫМИ ВИДАМИ СПОРТА

Мамирова Диларам Тавакуловна
доцент кафедры «Сценическое движение и физическая культура» государственного института искусств и культуры Узбекистана

Аннотация. *В статье особое внимание уделено вопросам внедрения модернизации и инновации в учебный процесс. Рассматриваются роль и факторы повышения мотивации студенческой молодёжи, социальные аспекты физической культуры в системе современного образования. Раскрываются задачи и функции физической культуры. Выявлен комплекс факторов, определяющих процесс формирования потребности студентов к занятиям, а также обоснована необходимость координации различных административных подразделений вуза.*

Ключевые слова: *задачи, мотивация, саморазвитие, функции, учебный процесс, работоспособность.*

TALABA YOSHLARNI JISMONIY TARBIYA MASHQLARI VA OMMAVIY SPORT TURLARI BILAN MUNTAZAM SHUG’ULLANISHGA JALB QILISH BO’YICHA IJTIMOIY OMILLAR VA RAG’BATLANTIRISH USULLARI

Mamirova Dilaram Tavakulovna
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining «Sahna harakati va jismoniy tarbiya» kafedrasi dotsenti

Annotatsiya. *Maqolada o’quv jarayoniga modernizatsiya va innovatsiyalarni joriy etish masalalariga alohida e’tibor qaratilgan. Zamonaviy ta’lim tizimida jismoniy madaniyatning ijtimoiy jihatlari, talaba yoshlarning motivatsiyasini oshirishning roli va omillari ko’rib chiqiladi. Jismoniy madaniyatning vazifalari va funksiyalari yoritib berildi. Talabalarning darslarga bo’lgan ehtiyojini shakllantirish jarayonini belgilaydigan omillar to’plami aniqlandi va universitetning turli ma’muriy bo’limlarini muvofiqlashtirish zarurati asoslandi.*

Kalit so’zlar: *vazifalar, motivatsiya, o’z-o’zini rivojlantirish, funksiyalar, o’quv jarayoni, ishlash qobiliyati.*

SOCIAL FACTORS AND MOTIVATION AS A WAY OF INCREASING ATTRACTING STUDENT YOUTH TO REGULAR ACTIVITIES BY PHYSICAL CULTURE AND MASS SPORTS

Assistant Professor at the Department of Stage Movement and Physical Education at the State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan
Mamirova Dilaram Tavakulovna

Annotation. *The article focuses on the implementation of modernization and innovation in the educational process. The role and factors of increasing the motivation of students, social aspects of physical culture in the system of modern education are considered. The tasks and functions of physical culture are revealed. A set of factors that determine the process of formation of students' need for classes has been identified, and the need to coordinate the various administrative departments of the university has been substantiated.*

Keywords: *tasks, motivation, self-development, functions, educational process, performance.*

Введение. Физическая культура и спорт выполняет ряд социальных функций, основные из которых: образовательная, оздоровительная, прикладная и рекреативная. Последняя особенно значима для обучающихся на всех уровнях образования, так как учебный процесс требует огромного расхода времени, физических и духовных сил. Снижения физической активности современного человека, естественное следствие технического прогресса актуализирует проблему коррекции и самокоррекции образа жизни. Ее решение предполагает комплексное воздействие на биологическую, социальную и духовную сферы деятельности человека. В результате у многих учащихся старших классов и студентов вузов снижается психофизический тонус, резко повышается нервно-эмоциональное напряжение, возникает болезненная реакция на стрессовые ситуации.

Здоровый образ жизни не является прерогативой определенного контингента лиц, он должен охватывать людей всех возрастов. Ребенку с самого рождения должны прививаться основы гигиены, правильного питания, режима работы и отдыха, и, конечно же, мотивация к занятиям физическими упражнениями. [4 С.122]

В дошкольном и школьном возрасте занятия физическими упражнениями занимаются для укрепления здоровья, создания фундамента в всестороннем физическом развитии, формировании основных двигательных умений и навыков.

В постановлении президента Узбекистана от 03 апреля 2019 года говорится о пяти инициативах по работе с молодежью, второе место уделено привлечению молодежи к оздоровительным и спортивно-массовым мероприятиям, что способствует улучшению здоровья, повышению уровня физической подготовленности и работоспособности.

Цель работы. Анализ факторов, способствующих повышению мотивации студентов к занятиям физической культурой.

Результаты исследования и их обсуждение. Физическая культура и спорт имеет очень важное значение в жизни студентов, так как они постоянно подвергаются большому умственному напряжению. Систематические занятия

физической культурой благоприятно сказываются на умственной работоспособности студентов за счёт улучшения функционального состояния центральной нервной системы (ЦНС). Для поддержания высокого уровня физической и умственной работоспособности студентов рекомендуется наиболее эффективный двигательный режим в объеме 6-8 часов занятий в неделю в течение всех лет обучения в вузе. Проблемой, на сегодняшний день является сокращение учебных часов по предмету «Физическая культура и спорт» в вузах - *до двух часов в неделю, лишь на первом курсе!*

В процессе физического воспитания студентов решаются следующие основные задачи:

1. Понимание значения физической культуры в гармоничном развитии личности, подготовка к профессиональной деятельности;
2. Получение основ научно-практических знаний о физической культуре и здоровом образе жизни;
3. Формирование мотивационно-ценностного отношения к физической культуре и спорту, установки на здоровый образ жизни, физическое самосовершенствование, самовоспитание, выработки потребности в регулярных занятиях физическими упражнениями;
4. Овладение системой практических умений и навыков, обеспечивающих сохранение и укрепление здоровья, развитие и совершенствование психофизических способностей, положительных качеств и свойств личности, самоопределение в области физического воспитания;
5. Обеспечение общей и профессионально-прикладной физической подготовки;
6. Приобретение опыта творческого использования физкультурно-спортивной деятельности для достижения жизненных и профессиональных приоритетов.

В учебном пособии, нашими российскими коллегами: Кошелев В.Ф., Малозёмов О.Ю., Бердникова Ю.Г., Минаев А.В., Филимонова С.И. отмечалось, что в ходе многолетних исследований доказано: оптимальной формой восстановления затраченных сил являются активные занятия разными видами спорта, а также оздоровительно-рекреативной физической культурой. [2 С.7] Занятия физической культурой влияют на социальную моторику, производительность труда, здоровье, положительно сказываются и на общем культурном развитии, поведении и способах проведения досуга, внешнем и внутреннем облике, культурных потребностях. Так, по данным научно-статистического центра физической культуры и спорта, среди активно занимающихся физической культурой на 15-20 % больше инициативных работников, преуспевающих в трудовой деятельности и пользующихся авторитетом коллег. Студенты вузов, участники физкультурно-спортивных конференций, отмечают важную роль физической культуры в формировании общей культуры. Формирование социальной активности студента - это активизация самостоятельной работы, овладение исследовательскими и организаторскими навыками, должна протекать в условиях непрерывной интенсификации учебного процесса. Как показал социологический анализ, проведенные в вузах в последние несколько лет, одним из основных факторов, влияющих на физическую моторику студентов служит их

отношение к занятиям физической культурой и спортом. Отношение во многом определяется уровнем потребности, проявление которого свидетельствует о стремлении улучшить свою физическую форму. На формирование потребности к занятиям физическим воспитанием влияют качество их проведения, возможность выбора форм занятий и видов спорта, состояние материально-технической базы. Огромное воздействие на данные факторы оказывает координация и взаимодействие различных подразделений администрации вуза, обеспечивающих организацию учебного процесса. Перед специалистами физического воспитания стоит сложная научно-педагогическая задача поиска инновационных технологий оздоровительного, восстановительного и реабилитационного характера и использования их в учебном процессе. Эти технологии должны создавать оптимальные условия не только для физического совершенствования студентов, но и для выполнения ими своих учебно-трудовых обязанностей. Важно учитывать их общую оздоровительную направленность, а также положительный характер воздействия на психофизические характеристики и умственную работоспособность. Всестороннее воздействие физической культуры на личность предусматривает комплексное использование организационных форм, методов, средств обучения и воспитания студентов, в соответствии с направленностью образовательных нормативных программ, отраженной в законодательстве.

С целью оптимизировать изучение дисциплины «Физическая культура и спорт» разработана и совершенствуется ее примерная программа. Огромное значение для укрепления здоровья имеет регулярность физических упражнений. Как отмечают, многим студентам недостаточно тренировочных нагрузок на практических занятиях. По этой причине добавляются дополнительные часы для занятий студентов избранным видом спорта в спортивных секциях во вне учебное время. Данные мероприятия дают возможность проводить занятия со студентами не реже двух раз в неделю на протяжении всего периода обучения. Необходимость формирования физической культуры студентов определяется индивидуальными и возрастными особенностями, постоянно меняющимися условиями жизни и деятельности, а также социальным заказом общества на подготовку квалифицированных специалистов. Это подразумевает гармоничное всестороннее развитие личности. Совершенствование двигательных качеств и психофизических способностей личности - одно из значимых направлений физического воспитания. Однако, его обширные образовательные и воспитательные возможности не могут быть реализованы в полной мере без соблюдения условий оптимальной организации педагогического процесса.

При анализе причин низкой двигательной активности студентов одной из основных была выявлена несформированность устойчивых привычек. Пятков В.В. отмечал, что отсутствие оптимального жизненного стереотипа, который складывается на протяжении дошкольного и школьного периодов, свидетельствует о том, что в более старшем возрасте потребность в двигательной активности выносится на уровень социальных потребностей. У детей существует врожденная мотивация к двигательной активности, а у взрослого человека двигательная активность проявляется только на основе сознательного побуждения. Одно из важных условий

эффективной учебной деятельности - это создание осознанных устойчивых мотивов. [3 С.47]

Мотивация к занятиям физической культурой - особое состояние личности, процесс формирования интереса к занятиям - это многоступенчатый процесс: от первых простейших гигиенических знаний и навыков до глубоких психофизиологических знаний теории и методики физического воспитания, систематических занятий спортом. [1 С.167]

Проведенный анализ литературных источников показал, что студенты в большей степени способны посещать специально организованные занятия физическими упражнениями, такие как: учебные занятия, занятия во вне учебного времени (утренняя гимнастика, производственная гимнастика, физкультурные паузы, дополнительные занятия), занятия в спортивных секциях, массовые физкультурно - спортивные мероприятия, занятия в оздоровительно - спортивных лагерях, нежели организовать занятия самостоятельно. Все это обусловлено наличием мотивов, побуждающих к занятиям физической культурой.

Процесс физического воспитания студентов должен включать в себя подбор соотношения физических упражнений различной избирательной направленности, посредством которого физическая культура реализует свои специфические функции. Освоение знаний, умений и навыков в сфере физической культуры позволяет расширить научно-образовательный потенциал будущих специалистов, стимулирует потребность к производственной, творческой деятельности и самосовершенствованию в ней, обеспечивает долгосрочное сохранение работоспособности.

По мнению многих исследователей именно мотивы являются главным условием эффективности занятий физическими упражнениями.

В настоящее время большая часть студентов посещает занятия ради получения зачёта, оставшаяся же часть ставит целью: укрепление здоровья и улучшение физической формы. Усилиями преподавателей по предмету «Физическая культура и спорт», с каждым годом обучения в вузе побуждение к занятиям физическими упражнениями меняются в положительную сторону.

Вывод: Анализ факторов, привлекающих современную молодежь к занятиям физическими упражнениями, показал, что увеличение потребности молодежи связана с развивающейся в настоящее время модой на здоровый образ жизни, увеличение потребности в активном отдыхе, желанием повысить культуру своего тела.

Для повышения мотивации студентов к занятиям физическими упражнениями в вузе необходимо: 1. Повышать уровень знаний студентов о влиянии физических упражнений на организм; 2. Давать подробное описание техники выполнения упражнений с последующим исправлением ошибок; 3. Своевременно вносить изменения в содержание программного материала по физическому воспитанию; 4. Давать студентам разнообразные и интересные задания для самостоятельного выполнения; 5. Корректировать содержание некоторых занятий по физической культуре и спорту согласно пожеланиям студентов.

Необходимо отметить, что при всем выше сказанном, требуется глубокий анализ сложившейся практики физического воспитания в вузе и принятие активных мер для поиска новых эффективных форм, средств и методов физической культуры. Немаловажное значение имеет взаимодействие всех структур вуза при решении задач организации процесса физического воспитания студентов, в частности модернизации материально-технической базы для занятий физической культурой и массовыми видами спорта. Тем самым будут созданы необходимые условия для формирования и развития профессионально-личностных качеств и социальной адаптации студентов к профессиональной среде.

Литература

1. Беляничева В. В. «Формирование мотивации занятий физической культурой у студентов». Физическая культура и спорт: интеграция науки и практики – Саратов, 2009.
2. Кошелев В.Ф., Малозёмов О.Ю., Бердникова Ю.Г., Минаев А.В., Филимонова С.И. Физическое воспитание студентов: Учебное пособие / Под ред. О.Ю. Малозёмова. – Екатеринбург: УГЛТУ; Изд-во АМБ, 2015.
3. Пятков В.В. Формирование мотивационно-ценностного отношения студентов к физической культуре: на материале педагогических вузов: диссертация кандидата педагогических наук. - Сургут, 2001.
4. Сафьянова Ю.С., Шестакова Г.В. Формирование мотивации занятий физической культурой у студентов; ТГСПА им. Д.И. Менделеева, 2004.

“МУНОЖОТ” РАҚСИ ВА УНИНГ ХОРЕОГРАФИК ТАЛҚИНИ

Абрайкулова Насиба Эркиновна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедраси мудири

Аннотация. *Ушбу мақолада миллий мусиқа санъати, “Муножат” рақси ва унинг хореографик талқини хақида сўз юритилган. Муаллиф “Муножат” рақсидаги ҳис-туйғуларнинг пластик ифодавийлиги ва ижрочиликнинг техник маҳорати ҳамда рақснинг саҳналаштирилиш тарихи, ижрочилари борасидаги ўз фикрларини баён этган.*

Калит сўзлар. *куй, оҳанг, туркум, усул, негиз, лирика, кечинма, рақс, хореография, опера, меросий рақслар, бастакор, балетмейстер.*

ТАНЕЦ “МУНОЖАТ” И ЕГО ХОРЕОГРАФИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

Абрайкулова Насиба Эркиновна
заведующая кафедрой «Сценическое движение и физическая культура» государственного института искусств и культуры Узбекистана

Аннотация. *В данной статье освящается искусство национальной музыки, танец “Муножат” и хореографическая интерпретация. Раскрываются технические движения и пластика с выражением эмоционального состояния, а также история постановки танца “Муножат”, исполнителей и исполнительских навыков.*

Ключевые слова. *Музика, мелодия, цикл, метод, основа, лирика, эмоция, танец, хореография, опера, образцы танца, композитор, балетмейстер.*

DANCE “MUNOJAT” AND HIS CHOREOGRAPHIC INTERPRETATION

Abraykulova Nasiba Erkinovna,
Head of the Department “Stage movement and physical education” State institute of Arts and Culture of Uzbekistan

Annotation. *This article focuses on the art of national music, the dance “Munojat” and choreographic interpretation. Technical movements and plastic with the expression of the emotional state are revealed, as well as the history of the “Munojat” dance, performers and performing skills*

Keywords. *Music, melody, cycle, method, basis, lyric, emotion, dance, choreography, opera, dance samples, composer, choreographer.*

Инсон кўнгли доимо саньатга ихлосманд бўлган, балки шу сабабдандир инсон ҳар доим саньатнинг қайсидир йўналишига қизиқади ва бу кўнгил ҳоҳишидир. Кўнгилни ўртайдиган нарса эса-бу куйдир.

Ўзбек мусиқа ижодиётининг дурдона намуналаридан “Насруллойи”, “Чўли Ироқ”, “Гиря”, “Сурнай навоси”, “Тановар”, “Муножот” номи билан машҳур куйлар ҳам бор. Мана шундай куйлардан бири “Муножот”дир. “Муножот” куйми? Ашулами? Ёки рақсми?

Аввало, “Муножот” куй шаклида оммалашганини, унинг мусиқаси жуда узоқ вақтдан халқимиз орасида ижро этилиб келинганини айтиб ўтиш жоиз.“Муножот” куйини талқин қиладиган бўлсак, унинг араб тилидаги маъноси - “ялиниш”, “ёлвориш”дир. Уч асосий қисмдан ташкил топган йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлари туркумидан иборат “Муножот”, “Савти муножот” ва “Уфори муножот” турлари мавжуд. “Муножот” туркумининг таркибий қисмлари бир-биридан асосан усул негизи билан фарқланади. Шу билан бирга ўзбек мусиқа меросида “Мўғулчаи муножот”, “Мухайяри муножот” ва “Қашқарчаи муножот” номли чолғу куйлари ҳам оммалашган. Умуман, мусиқий савод чиқарган бирор санъаткор борки, бу ашулани ижро этмай қолмаган, десак муболаға бўлмас. Шу боисдан, халқимизнинг бирорта назм ва наво давраси, тўй ва бошқа тадбирлари “Муножот” ашуласи наволарисиз ўтмайди. Ғазалнинг мусиқий талқини ундаги дард ва мазмунни минг чандон ошириб юборган ҳамда асарнинг мумтозу машҳур бўлишига омил бўлган. [2.С.97]

Ижодий алоқалар рақс жанрларининг кенгроқ ёйилиши, умумлашувига олиб келади. Навоий ижоди билан ўзбек рақс санъати ҳам камол топди, тур ва жанрларга бойиди. Айниқса, “Муножот” рақси орқали фалсафий, ишқий - романтик, қаҳрамонлик ва лириканинг умумийлигини кўриш мумкин. А.Навоий лирикасининг шоҳ асарларидан бири бўлган “Ул сарви гулрў келмади” ғазали “Муножот” куйи билан ашула қилиб айтилиши ва “Муножот” рақси халқимизнинг энг севимли санъат асарларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Муножотнинг мунгли навоси А.Навоийнинг ҳазин навоси билан шу қадар бир-бирига мос тушиб, уйғунлашиб кетганки, ашула маҳоратли мақом устаси, халқимизнинг суюкли

хонандаси Бертахоним Давидова томонидан биринчи марта радио орқали ижро этилганида, шаҳару қишлоқлардаги радиокарнайлардан янграганида, юриб бораётган одам борки, тўхтаб, вужудлари қулоқ бўлиб тинглаган. Ҳатто, ашуланинг номи ҳам "Муножот"га айланиб кетган. Кейинчалик бу ашулани Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Муҳаммаджон Каримов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев сингари маҳоратли ҳофизларимиз ҳам қиёмига етказиб куйлаганлар.

Энди "Муножот" рақсига келадиган бўлсак, бу рақс ўзига ҳос тариҳга эга. "Муножот" рақси кечагина ёки бундан ўн йил олдин пайдо бўлган рақс эмас. Бу рақс жуда олдин куй ва ашуласи билан кетма-кетликда халқ орасида шаклланган. Бу ҳақида таниқли раққос, ўзбек рақсининг моҳир ижрочиси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Назриддин Шерматов шундай дейди- "Муножот" мени назаримда юракнинг ноласи, бу нолани фақатгина ҳис қилиш мумкин холос, аммо кўриб бўлмайди. Лекин, бу шундай жозибали рақс-ки уни қанча кўп кўрсангиз ҳам меъдангизга тегмайди, аксинча яна ва яна кўргингиз келаверади. Етук ўзбек рақс усталари орқали "Муножот" рақси дунёнинг 60 дан зиёд давлатларида ижро этилган."

"Муножот" рақси ҳақиқий аёллар рақси эканлиги билан ҳам бошқа рақслардан ажралиб туради. Бу борада Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Қодир Мўминов " "Муножот" рақси фақат "Муножот"куйини ўзида эмас, балки "Келмади" ғазалига басталанган ашуласи билан биргаликда хақиқатдан ҳам аёллар рақси. Бугунги кунга келиб бу рақсни кўпчилик раққосалар жуда қойилмақом қилиб ижро этишмоқда, бунга тан бермасдан илож йўқ. Аммо, шахсан мен бунга қаршиман. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳижрон нималигини билишмайди, юракнинг ноласи қандай бўлишини тушунмайди, шу сабабдан ҳам рақс ижросида ташқи томондан зўр ижро этилиши мумкин аммо, ички кечинмаси йўқ. Бундай ижрони фақатгина завқ учун томоша қилиш мумкин, лекин сиз билан дардлаша олмайди." -деган ажойиб фикрларини билдирди.

"Муножот" рақси ўзининг аниқ ва чиройли ҳаракатларга эга эканлиги билан, қўл ва оёқ ҳаракатларининг уйғунлиги, рақс жараёнида ички кечинма муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан инсонни ўзига жалб қилади. Бу рақс ижроси жараёнида раққоса ўзининг дардини, бор маҳоратини, ўзбек аёлларига ҳос бўлган майинлиги ва назокатни, шу билан бирга сабр-қаноат ва матонатни кўрсатади. "Муножат" рақси нозик ҳаракатлардан иборат, чаққон, ўтли жайдари, шиддаткор ҳаракатлар йўқ. Барча ҳаракат ва ҳолатлар ўта майин ҳамда аниқдир. Рақс давомида секин ҳаракатдан бирдан тезлашиш, тез ҳаракатдан кутилмаганда секин ҳолатга ўтиш, бир жойда қисқа онларга қотиб туриш жойлари мавжуд. Бундай мураккаб жараёнларда раққосанинг қандай маҳоратга эга эканлиги яққол намоён бўлади. [3.С.151]

1943 йилда А. Козловский Е.Барановский билан бирга "Улуғбек" операсини саҳнага олиб чиқмоқчи бўлади. Шунда М.Турғунбоева саҳнанинг бир кўринишида безакдор, туйғубаҳш, ўйчан ва сирли "Илонлар" рақсини қўяди. А.Ф.Козловский бу хақда шундай деган: "Мукаррама шундай бир мўъжизавор рақс яратди-ки, у балет билан уйғунлашиб кетишидан саҳнани бойитиш билан бирга зарур бўлган таъсирчан муҳитни юзага келтирди. Кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз,

режиссёрнинг “Ҳарам саҳнасида рақс керак”-деб айтган қуруққина кўрсатмасидан кейин М.Турғунбоева “Илонлар” рақсини ўйлаб топади, деб?”. “Улуғбек” операсида “Муножат” рақсининг мусиқаси ҳиссиётларга бой, мумтоз мақом оҳангларига асосланган боис Улуғбекнинг изтиробларга тўла руҳий ҳолатини ифодалайди. Балетмейстер рақснинг ҳаракатлари усул мазмуни ва рақс ижросига алоҳида эътибор қаратди. Раққоса қўлларининг ҳар бир қисми илон сингари тўлғонади.Кафтларининг бирлашиши илоннинг бошини ифодалайди ва у ўлжасига шиддат билан ташланаётган илонни эслатади. Бу рақс саройда юзага келган ниҳоятда қалтис вазиятга мос келган. Бу экзотик, чинакамига саройга хос, моҳирона, айни бир вақтда чуқур рамзий маънога эга бўлган бу рақсни М.Турғунбоева “Муножат” дея номлаб, ўз концерт номерлари учун қайта ишлаб ривожлантирди ва мустақил рақс сифатида 1977 йилда “Муножат” якка рақсини саҳнага олиб чиқди. Энди бу рақс ҳаракатлари “илон” эмас, қалбдаги соғинч, тушкунлик ва изтироб ҳиссини ифодалайди. “Муножот” рақсининг лирик қаҳрамони юлдузлар билан сўзлаша оладиган, турмуш қийинчиликларини ғолибона енгиб ўтаётган мағрур инсон-аёлдир. Бу рақс халқ чолғу асбоблари дастаси жўрлигида ижро этилди. [1.С.54]

“Муножот” рақсида кийиладиган либослар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бу либослар рақс жараёнида маълум бир маъноларни беради, ҳамда рақснинг бойишига сабабчи бўлади. Кўк духобадан тўртбурчак дўппи ва унинг чети қора духоба билан тикилган. Пешонага тақиладиган тиллақош, унинг учли қисмига нозик пар тақилган. 2 метр оқ ҳарир матодан 2 қават қилиниб, дўппига буриб тикилган. Кўйлак қора тўрдан, енглари тор, узун. Ён томони бўксагача майда тўр гафре қилиб тикилган. Кўйлак ичида оқ рангли шифондан енгсиз ички кўйлак. Тақинчоқлардан зирак, зебигардондан фойдаланилади. [1.С.54]

“Муножот” рақсининг кийимлари бошқа рақслардан яна бир хусусияти билан фарқ қилади, яъни бу рақсда раққосанинг кўйлаги унинг танасида ёпишиб туришидир. Бу эса раққосанинг мавзуга мос ҳаракатларидаги ички ҳиссиёт, руҳий кечинмаларини аниқроқ кўрсатиб беришга ёрдам беради. Пешонага тақилган ингичка, энсиз тиллақош ўзбек аёлларининг гўзаллигини яна ҳам яққол намоён этишга ва ўта нозик қалб эгаси эканлигига ишора қилса, унга қиситиб қўйилган пар бир томондан унинг назокатини оширади, бир томондан эса қалб туғёнининг акси деган маъноларни ҳам беради. Бош кийимнинг орқасига тикилган оқ ҳарир мато ўзбек аёлининг шарм-ҳаёсини, ибосини тасвирловчи ҳаракатларни янада бойитади. Дид билан танланган либослар ўзбек халқининг жуда эътиборли эканини, шу халқнинг маънавияти ва эстетик қарашлари нақадар юқори эканидан далолат беради. Мана шундай бой маъноларга эга бўлган либослар “Муножат” рақсига янада кўрк бағишлаб ҳар томонлама мукаммал ва сержило бўлишига ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу рақсни ижро этиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Ўзбек рақс ижрочилигининг энг олий даражасига етган, миллатимизнинг ҳалқаро нуфузини рақс санъати орқали кўтаришга эришган, ҳамда халқ эътиборини, ҳурматини қозонган раққосаларимизгина ижро этишган. Чунки, “Муножот” рақси саҳна талабига мос ташқи қиёфага, юксак ижрочилик маҳорати билан биргаликда ички ҳиссиётни ижро эта олиш қобилиятига, ҳамда рақснинг асл

фалсафий моҳиятини тушуниш иқтидорига эга бўлишни талаб этади. Бастакорга оҳанг, хонандага овоз қанчалик муҳим бўлса, раққосага ҳаракатларнинг ижроси ҳам шунчалик муҳим! Айтиш мумкинки, раққосанинг ижро этаётган ҳаракатлари, бастакорнинг оҳанги хонанданинг овозига нисбатан минг карра муҳимроқ! Чунки раққоса ва бастакор ўзининг сўзсиз санъатида сўздан фойдалана олмайди. Шоир ва хонанда эса, ўзи истифода этаётган сўзларга муайян ранг-тус ва нола-оҳанг баҳш этиш қудратига эгадир. Ҳар бир ижодкор, **“Яратган”** бўлмаса-да, ана ўша Яратганнинг йўқдан бор қилган оламини ўзича кўриб, ўзича англаб, Яратганнинг ишларидан ўзича ибрат ва андаза олиб, кенг-бепоён оламдан кичик бир зарра – асар битаётган ***Яратувчи*** экан, бошқа оддий инсонларга нисбатан Яратганга бир баҳя яқинлиги, қадимий атама билан айтсак, **“мавлоно”**лиги шак-шубҳасиздир. Ҳамма гап санъаткорнинг ўз асари орқали Яратганнинг бемисл қудратини қанчалик теран ҳис, идрок ва ифода этиб, бошқаларга нечоғли аниқ-равшан кўрсатиб бера олишидадир. Мадомики олам чексиз-бепоён экан, санъаткорнинг уни кўнгил кўзи орқали ҳиссий идрок этиш иштиёқи, эҳтиёжи ва бу йўлдаги имкониятлари ҳам чексиздир.

Ундаги ҳаракатларнинг ҳар бири чуқур мазмунга эга.

Масалан: Қўллар рақсда юқоридан келиб икки ён томонга очилади. “Илон” ҳаракати бажарилади. Бармоқ учлари ажралмасдан (илоннинг боши тасвирланади) бармоқлар кафтлар билан бирга айланади ва ичкарига букилади. Сўнг қўллар тирсакдан букилиб ташқарига айланади. Гавда ўнгга ва чапга ярим бурилади. Бу ҳаракатда ижрочи қалбдаги исённи, танасига кириб олган ва унга тинчлик бермаётган ғалаённи тасвирлайди.

Бундан ташқари ижрочи “Юрак тошқини”, “Ғунча”, “Гул барги”, “Қўлбанд”, каби ҳаракатлари орқали интизорлик ва сабр косасининг тўлишини тўлғониш, эгилиш, тебранишлар билан рақснинг таъсирчанлигини оширади.

“Муножот” рақсини М.Турғунбоева узоқ йиллар ўзи ижро этади. Қўлларнинг нозик пластикасига асосланган бу типик “шарқона” рақсни ижро этиш учун раққоса рақс мазмунига сингиб кетиши, актёрлик қобилиятига эга бўлиши керак.Фарғона рақс мактабига хос енгил юришлар, гавда, бел, қўл, елка ҳаракатлари бир бирига уйғун бўлиши таъминлангандагина чинакам гўзаллик пайдо бўлади. Устоз айнан шуни назарда тутган ҳолда рақсни Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашевага ўргатдилар. М.Эргашева шунчалик зўр маҳорат, ўзгача жўшқинлик, нафосат ва малоҳат билан ижро этганки ҳалқимиз қалбидан ўчмас из қолдирган. Раққоса юқорида қайд этилган жиҳатларга кўра заргарона ёндашади, ҳаракатларни бир бутун, яҳлит рақснинг узвий, ажралмас қисми бўлиб хизмат қилишига, куй оҳангларига сингдириб, едириб юборишига эришди ва ҳозирги кун рақс мактабига асос бўлган анъаналарни шакллантирди.

Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова ижросидаги “Муножот»” рақсида бетакрор бир гўзалликни ҳис этамиз.

Қ. Дўстмухаммедова бу рақсда том маънода Алишер Навоий ҳазратларининг “Келмади” радифли ғазалида тасвирланган Гулрў образини яратади.

Рақс санъати нафақат тана аъзолари ҳаракати, балки инсон руҳияти, маънавияти ва маданияти кўзгуси ҳамдир. “Муножот” рақсини томоша қилар

эканмиз, ҳижрон изтиробларини, висол соғинчини ҳис қилиб, қалбимиз ўртанади. Рақс худди энг гўзал чизилган сувратдек, мукаммал ёзилган асардек бенуқсон ижро этилганидан ҳайратланамиз. Рақсларда ифода этилаётган ҳар бир ҳаракат мазмун-моҳияти билан томошабин қалбига маънавий озуқа бера олиши лозим. Шундагина у чинакам санъат мақомига кўтарила олади. Биз раққосаларимиздан айнан шундай рақслар кутишга ҳақлимиз.

Санъат-дунёни бадиий ўзлаштиришнинг муҳим усулларидан ҳисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадиий ўзлаштиришда кишиларга кўмаклашади, ҳамда бадиий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг мусиқа ва хореография сингари турларининг ўзаро боғлиқлигида пайдо бўлган "Муножот" рақси дунёни бадиий ўзлаштиришнинг ҳосилидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1.Каримова Р., Сайфуллаева Д."Ўзбек якка аёллар рақси". Тошкент."Чўлпон" нашриёти. 2007 й.
2. Ҳамраева Г. Рақснинг миллий қиёфаси.-Тошкент. 2012 й.
3. Acting on and off: Sanford meisner reconsidered Durham, K.2004 Studies in Theatre and Performance 23(3). (Действие и выключение: Сэнфорд Мейснер пересмотрел Дарем, К. 2004 Исследования в театре и спектакле 23 (3)

СОЦИАЛЬНО–ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ, ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СТУДЕНТОВ В ФОРМИРОВАНИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.

Баходирова Гульноз Камаловна
Узбекский государственный университет мировых языков
кафедра «Педагогика и психология»

Аннотация: *В статье рассматриваются социально-психологические, педагогические особенности студентов в формировании познавательной деятельности. Описаны возрастные особенности и уровни адаптации к новым условиям в обучении для студентов.*

Ключевые слова: *Познавательная деятельность, адаптация, формирование, дезадаптация, способности, особенности, активность, направленность*

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Бахадирова Гулноз Камаловна
ЎзДЖТУ "Педагогика ва психология " кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада олий таълим муассасасига ўқишга кирганда, талабаларни ижтимоий психологик педагогик ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан холда, билиш фаолиятини ошириш масалалари ёритилган*

Калит сўзлари: *Билиш фаоллиги, адаптация, дезадаптация, ўзига хос хусусиятлар, имкониятлар, йуналтирилганлик, фаоллик.*

SOCIAL – PSYCHOLOGICAL, PEDAGOGICAL FEATURES OF STUDENTS IN FORMATION OF COGNITIVE ACTIVITY

Bahadirova Gulnoz Kamalovna
Uzbek state university of world languages department of "Pedagogy and psychology"

Annotation: *In the article социально-психолого is examined pedagogical features of students in forming of cognitive activity. The age-related features and levels of adaptation are described to the new terms in educating for students.*

Keywords: *Cognitive activity, adaptation, forming, дезадаптация, capabilities, features, activity, orientation*

Поступление абитуриентов в высшее учебное заведение играет огромную роль в дальнейшем становлении личности. Окружающая среда в ВУЗе влияет на психику студента, на развитие его в дальнейшем как специалиста. Процесс формирования познавательной деятельности невозможно рассматривать без учета возрастных и социально-психологических особенностей студентов. При благоприятных условиях обучения в ВУЗе, у студентов активно формируется познавательная деятельность. Для более успешного обучения в высшем образовательном учреждении студентам необходимо, развивать высокий уровень интеллекта, который заключается в сильной памяти, во внимании, в умении анализировать и синтезировать информацию, в мышлении, в широком кругозоре и умении успешно решать логические задания.

Для того, чтобы все эти процессы были успешно задействованы, студенты должны научиться осваивать новую среду в ВУЗе, для устранения внутреннего дискомфорта.

Во время адаптации, связанной с привыканием к условиям ВУЗа, у студентов просматривается сравнительно низкая успеваемость, а также трудности в общении с однокурсниками. Всё это связано с социально – психологическими особенностями каждого студента. Знание индивидуальных особенностей студента, на основе которого строится система включения его в новые виды деятельности и новый круг общения, дает возможность избежать дезадаптации, сделать процесс включения в среду ровным и психологически комфортным.

Успешность обучения также, во многом зависит от индивидуальных особенностей протекания биологического, психологического и социального процессов развития.

На период обучения в ВУЗе приходится период юности (17 –18 лет). Этот период связан не только с попаданием студента в новый коллектив и новые условия, но и самое главное, направленность на будущее, связанное с выбором профессии, образом жизни, с построением карьеры. Поэтому, именно в этот период основное значение имеет ценностная ориентация направленная на саму личность, на право быть самим собой.

Успешное формирование познавательной деятельности зависит от личных особенностей таких как активность, мотивированность, адаптивность, от интересов и мотивов, черт характера, темперамента, направленности личности, ее самосознания.

1. Опираясь на работы по возрастной психологии [1], мы выделяем следующие

возрастные особенности студентов на данном этапе развития:

1) развитие специальных способностей на базе основных ведущих видов деятельности: учения, общения, труда, нередко напрямую связанных с выбираемой профессиональной областью;

2) изменение мотивации учения, учебная деятельность становится средством реализации жизненных планов студента;

3) активизация процесса познавательного развития: логического мышления, самоанализа, готовности к теоретическим рассуждениям, развитие способности к индукции и дедукции;

4) готовность и способность ко многим различным видами обучения; повышенная интеллектуальная активность, которая стимулируется возрастной любознательностью и желанием проявить себя;

5) становление практических умений, навыков в труде, которые могут понадобиться для совершенствования профессиональных способностей;

6) развитие рефлексии и на ее основе - самосознания. Учебная деятельность производит «поворот» от направленности на мир к направленности на самого себя.

Таким образом, студент ВУЗа - это уже сформировавшаяся на определенном этапе своего развития личность. В связи с этим необходимо указать на ряд особенностей развития личности, характерных именно для контингента ВУЗа:

- большое стремлением к самостоятельности, независимости от родителей, социальная активность, выражаемая в желании получить как можно быстрее профессию и начать работать самостоятельно.

- готовность к личностному самоопределению в профессиональной деятельности;

- повышенная интеллектуальная активность, связанная с желанием развиваться, продемонстрировать окружающим свои способности, получить высокую оценку с их стороны;

-обеспокоенность, эмоциональная напряженность, неумение приспосабливаться к учебному ритму;

-некоторые отклонения в поведении, слабая успеваемость; недостатки волевого развития, неспособность к длительным волевым усилиям, к самостоятельности, выдержке, настойчивости в учебной деятельности, неустойчивое внимание;

- отрицательное отношение к учению, знаниям, несформированность познавательной активности;

Отдельные авторы рассматривают познавательную деятельность, как прижизненно развивающееся сложное личностное образование. Познавательная деятельность рассматривается:

- как осознание потребности в знаниях, при сформированности мотивов учебной деятельности, развитии умения ставить цели и стремлении добиваться их[2];
- как проявление познавательного интереса, формируемого в познавательной деятельности [3];
- как самостоятельное и творческое решение студентами учебных и учебно-производственных задач в их взаимосвязи, направленное на повышение качества профессиональной подготовки в области избранной профессии [4];
- как готовность студентов к познавательной учебной деятельности, которая

проявляется как сознательная организация и самоорганизация познавательной действительности, в его отношении к процессу учения, в стремлении к эффективному овладению знаниями и умениями, в мобилизации нравственно-волевых усилий на достижение учебно-познавательных целей, формирование умений получать эстетическое наслаждение от их достижений [5];

- как действие эмоционально-оценочного отношения обучаемого к процессу и результату познания; как «двухсторонний процесс: с одной стороны, это форма самоорганизации и самореализации студентов, с другой - результат особых усилий педагога в организации познавательной деятельности студентов [2].;
- как прижизненно развивающееся личностное образование, обуславливающее качественные характеристики деятельности [5].

Важнейшей специфической особенностью образовательного процесса в высшем учебном заведении является практическая направленность обучения, составляющая его главную характеристику.

Процесс учения в ходе практической подготовки существенно отличается, поскольку «основная цель производственного обучения - формирование у студентов основ профессионального мастерства, основанного на совокупности специальных знаний, навыков и умений, позволяющих высококвалифицированно выполнять работу в области определенной профессии» [6].

2. Для профессионального мастерства характерна развитая способность быстро переключаться с одних условий на другие, приспосабливаться к новым требованиям и перестраивать свою деятельность, сообразно меняющимся педагогическим ситуациям [5]. Эти особенности учебного процесса в высших учебных заведениях позволяют вычленить специфику познавательной деятельности студентов как способность ставить реальные, достижимые данной личностью в данной ситуации цели, способность ученика проводить в жизнь свою программу через цепь внешне не связанных обстоятельств, которые могут препятствовать достижению этих целей. То есть необходимость формирования профессиональной мобильности будущего специалиста – педагога определяет «надситуативный» характер его познавательной деятельности, понимаемой как способность субъекта подниматься над уровнем требований ситуации, ставить цели, избыточные с точки зрения исходной задачи» [7].

Обобщение различных подходов к характеристике познавательной деятельности студентов позволяет определить *«познавательную деятельность студентов»* как прижизненно развивающееся сложное личностное образование, обусловливающее такие качественные характеристики познавательной деятельности как:

- надситуативность, целенаправленность;
- позитивное отношение обучаемого к процессу и результату познания, которое проявляется в стремлении человека учиться, преодолевая на пути приобретения знаний определенные трудности, прилагая максимум волевых усилий, с целью повышения качества подготовки в области избранной профессии;
- формирование личностного смысла обретаемой профессии и развитие эмоционально-ценностных отношений к самому себе, другим людям, к обществу, к окружающей природе.

Таким образом, приведенные трактовки позволяют определить познавательную активность как личностное образование, обусловливающее состояние готовности к познавательной деятельности. Под «познавательной активностью» понимают «такую черту личности, которая проявляется в инициативности и самостоятельности, способствует укреплению воли и характера, эффективному усвоению знаний, умений, навыков» [8].

Знакомясь с принципами опережающего обучения, мы выявили, что познавательная активность трактуется - как формируемое качество личности, способствующее развитию его мыслительной деятельности, формированию его способности самостоятельно добывать знания в сотрудничестве с другими обучаемыми, т.е. саморазвиваться. Как подчеркивал Л.В.Занков, «неправомерное облегчение учебного материала, неоправданно медленный темп его изучения, многократные повторения, по-видимому, не могут способствовать интенсивному развитию студентов» [9]. Познавательную деятельность рассматривают также как «сложное явление человеческой натуры, от которого зависят не только учебные успехи, но и активность личности, ее жизненная позиция» [10] . Согласно этим представлениям, познавательная деятельность обеспечивает продолжение мыслительной деятельности за пределами требуемого.

Данные определения позволяют заключить, что часть исследователей рассматривали познавательную деятельность как свойство или качество личности, качество ее умственной деятельности.

Следующая группа ученых определяет познавательную деятельность как свойство личности, формируемое в процессе «возникновения познавательного интереса к содержанию обучения и к самой учебной деятельности, необходимым условием, для которого является самостоятельность и инициативность студентов»[11].

Представители данного подхода характеризуют «познавательную деятельность» как важнейшее образование личности, обеспечивающее качество ее умственной деятельности, проявляющееся через развитие познавательного интереса, который представляет собой внутренний своеобразный процесс становления самой личности, затрагивающий наиболее значительные ее стороны (волю, интеллект)[8]. На известном этапе своего развития познавательный интерес становится сильным мотивом познания, всей познавательной деятельности студента, а не только отдельных учебных действий. В этом случае студент приобретает постоянный внутренний тонус учения, самопроизвольного стремления к познанию, обнаруживая познавательную деятельность [8]. Таким образом, подчеркивается, что познавательная деятельность характеризуется надситуативностью и целенаправленностью действий обучаемого, обусловленных познавательной потребностью.

Обобщая представленные подходы, можно заключить, что познавательная деятельность является формируемым личностным образованием, обусловленным формированием и развитием устойчивого познавательного интереса.

Анализ различных подходов к понятию «познавательная деятельность» студентов показывает, что познавательная активность является сложным формируемым психологическим образованием личности, характеризующимся надситуативностью и целенаправленностью действий обучаемого, обусловленных познавательной потребностью; качеством студента, которое проявляется в его отношении к содержанию и процессу учения; в стремлении к эффективному овладению знаниями и способами деятельности, осознании им самого себя как познающего субъекта, умеющего самостоятельно строить процесс

познания при мобилизации нравственно-волевых усилий на достижение учебно-познавательных целей. В основе познавательной деятельности лежат познавательные мотивы, которые тесно взаимодействуют с мыслительным процессом и познавательный интерес к содержанию обучения и к самой учебной деятельности, необходимым условием, для которого является самостоятельность и инициативность студентов.

Познавательная деятельность выступает, как форма самоорганизации самореализации обучаемого с одной стороны, и как результат особых усилий со стороны педагога в отыскании методов - побудителей образовательной активности, существующей как бы на трех уровнях: воспроизводящая деятельность, интерпретирующие действия и, наконец, творчество, с другой.

Таким образом, в содержании понятия «познавательная деятельность» доминирующими являются как субъективные, так и деятельностные аспекты. В объеме понятия важно учитывать степень автономности субъекта и уровень осуществления им деятельности. Анализ различных подходов к определению сущности познавательной деятельности показывает, что большинство авторов-педагогов трактуют ее с точки зрения теории деятельности. Необходимым условием эффективной работы по развитию познавательной деятельности студентов является организация их учебно-познавательной деятельности с целью формирования и развития их мышления и познавательных умений.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Л.И. Анцыферова, Психология формирования и развития личности. - М, 1981. -С.13-19.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усманов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. -Т.: Ўқитувчи. 2004.
3. Ҳоджабоев А.Р. Касбий таълим педагогикасидаги долзарб муаммолар // Касб-ҳунар таълими. - Т.: 2004. №6 . – 4 б.
4. Кларин, М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. (Анализ зарубежного опыта) / М.Б. Кларин. -Рига: Эксперимент, 1998. 180с.
5. Ксензова, Г.Ю. Оценочная деятельность учителя / Г.Ю. Ксензова. - М.: Педагогическое общество России, 2000. - 122с.
6. Голиш Л.В. Современные технологии обучения: содержание, проектирование и реализация. // Проект ТАСИСС «Содействие реформиро-ванию профессионального образования в Узбекистане. Ташкент: 2001.- 61
7. Алимов М.С. Организационно-педагогические условия управления подготовкой кадров в системе среднего профессионального образования. Автореферат дисс.кан.пед.наук, Т.,-1997
8. Красикова, К.Ф. Изучение обученности и обучаемости студентов для индивидуального подхода в процессе обучения / К.Ф. Красикова. - Тюмень: ИПКПК,1999.-76с
9. Занков, Л.В. Дидактика и жизнь / Л.В Занков. - М.: Просвещение , 1968. -230с.
10. Никадров, Н.Д. Об активизации учебной деятельности / М.Д, Никадров // Вестник высшей школы. -1993. - №8 - с. 26-31.
11. Технология эффективной профессиональной деятельности. / Научный редактор А.А. Деркач. - М.: Издательский дом « Красная площадь», 1996. -69с.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Рахимова Сурайё Салохиддиновна
А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Аннотация. *Мазкур мақолада илмий-техник тараққиёт натижасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ахборотлар оқимининг ортиб бориши; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйилаётган замонавий - касбий малака талаблари; инновацион таълим муҳити республикамизда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнидаги муҳим вазифаларидан бири педагог кадрларнинг юқори касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилиш билан боғлиқ фикрлар илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий - асослари изчил ўрганиб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *инновацион таълим, ҳуқуқий-меъёрий - асос, таълим, фан, малака ошириш, педагог, модернизация, узлуксиз таълим тизими, мактабгача таълим, жамият, ислоҳот, таълим, тарбия, соғлом генофонд.*

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ОСНОВА ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПЕРЕКВАЛИФИКАЦИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Рахимова Сурайё Салохиддиновна
Независимый научный сотрудник Института переподготовки и повышения квалификации государственной системы образования имени Авлони

Аннотация: *В этой статье освещается рост потока информации в сфере образования, науки и промышленности за счет научно-технического прогресса; современные требования к профессиональным навыкам для переподготовки и повышения квалификации; Инновационная образовательная среда Одной из важнейших задач в процессе реформирования деятельности дошкольных образовательных учреждений нашей республики является обеспечение высокой профессиональной подготовки педагогических кадров и модернизация деятельности дошкольных образовательных учреждений. В статье также анализируются правовые основы реформирования дошкольных образовательных учреждений.*

Ключевые слова*: инновационное обучение, нормативно-правовая база, образование, наука, профессиональное развитие, педагогика, модернизация, непрерывное образование, дошкольное образование, общество, реформа, образование, образование, здоровый генофонд.*

SOCIAL AND PEDAGOGICAL BASIS OF PEDAGOGICAL EDUCATION PERSONALIZATION OF PEDAGOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Rakhimova Surayo Salohiddinovna
Independent Researcher of the Institute of retraining and advanced training of the state education system named after Avloni

Annotation. *This article highlights the rise of education, science and industry information flow through scientific and technical progress; up-to-date professional skills requirements for retraining and advanced training; innovative educational environment One of the most important tasks in the process of reforming the activities of preschool educational institutions in our republic is to provide high professional training of pedagogical staff and to modernize the activities of pre-school educational institutions. The article also analyzes the legal framework for reforming preschool educational institutions.*

Key words*: innovative learning, legal-normative-foundation, education, science, professional development, pedagogy, modernization, continuous education, preschool education, society, reform, education, healthy gene pool.*

Янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган, бир сўз билан айтганда замон талабларига жавоб бера оладиган ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Таълимнинг моҳияти маълум ҳажмдаги билимларни узатиш (трансляция) билан чегараланмасдан, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиши жараёни мантиқи билан белгиланади. Таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият бериш бугунги куннинг долзарб ва устувор масаласидир. Бу жараённи амалга оширишда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳотлар талаблари билан узвий боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тайёрлашда таълим муассасалари фаолиятига оид ҳуқуқий - меъёрий асослари дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Юртимизда амалга оширилаётган сиёсий-мафкуравий, маънавий- маърифий, ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсади - бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш ва фуқаролик жамият қуришга ижтимоий йўналтирилган кучли демократик давлат барпо этиш учун тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, шубҳасиз ўз мазмун моҳиятига кўра фақат таълим - тарбия тизимини, кадрлар тайёрлаш жараёнларини ислоҳ қилиш билангина чегараланиб қолмасдан, узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг келажакдаги ривожланиши учун юксак ижтимоий аҳамият касб этади.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган

даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида мактабгача таълим муассасасида олган таълим ва тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон - бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади” [1]. Ушбу ишлардан кўзда тутилган асосий мақсадга эришишнинг энг зарур шартларидан бири эса педагог кадрларнинг юқори касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилиш билан боғлиқдир. Ҳозирда ушбу тизимни, хусусан, унинг мазмунини такомиллаштириш йўналишида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Шу ишларнинг мантиқий давоми сифатида мактабгача таълим мазмунини замонавий талабларга мослаштириб бориш соҳасидаги мавжуд илғор тажрибаларни ва иш усулларини ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда ушбу соҳа раҳбар ва педагог кадрларига етказиш мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”-ги 528 - сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 929 - сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг

марказий аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3378-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда ушбу қарор ва фармонларни амалиётга тадбиқ қилиш соҳа вакилларидан катта масъулият талаб этади.[2; 3;]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйиича 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган дастурни ўз ичига қамраб олган. [5] Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича мўлжалланган ушбу дастурда кенг кўламли стратегик мақсадлар, муҳим вазифалар белгилангани билан аҳамиятлидир. Ушбу қарор тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳозирда мазкур соҳадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб вояга етишларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Бугунги кунда қуйидаги кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

- инновацион педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

- мамлакатимизда мавжуд мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш каби ғоялар илгари сурилган.

Комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

- мактабгача таълим сифатини ошириш;

-мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш;

-таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

-мактабгача таълим муассасаларини жаҳон стандартлари асосида жиҳозлаш;

- мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш;

Юқоридаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шаклларини, педагогик ва ахборот технологияларини, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш масалаларига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларига мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026 - сонли Қарори [6] ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни бутунлай янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади.

Юқорида келтириб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши ушбу тизим самарадорлигини таъминлайди:

- педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

- ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни таъминлаш;

- педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларининг илмий муаммоларига йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

- ҳудудий марказларда дарс берадиган профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириб бориш, ўқув жараёнига хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни жалб этиш ишларини ташкил этиш;

- ҳудудий марказлар фаолияти натижадорлигини мунтазам ўрганиб бориш ва ўрганиш натижалари юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ҳудудий марказлар раҳбарларининг ҳисоботлари муҳокамасини ташкил этиш, муҳокама натижалари юзасидан ҳудудий марказлар раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш.

Ушбу ҳужжатлар мактабгача таълим педагог ходимларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш ҳамда такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб бериш мақсадида қабул қилинган.

Мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда ушбу қарор ва фармонларни амалиётга тадбиқ қилиш соҳа вакилларидан катта масъулият талаб этади.

Юқорида келтирилган фармон ва қарорлар мактабгача таълим муассасаларини моддий техника ва ўқув моддий базасини тубдан яхшилаш, мактабгача таълим давлат талаблари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, педагог ходимларнинг профессионал салоҳиятини кўтариш чора-тадбирларини амалга ошириш билан бирга "... тарбиячилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш" [4] вазифасини қўйди. Тарбиячиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўз навбатида, соҳада бир қатор структуравий, ташкилий-педагогик чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда қайта тайёрлаш ва малака ошириш мазмунини таълимдаги ислоҳий ўзгаришлар ва янгиликлар талаби даражасида қайта қараб чиқишни, керак бўлса янгилашни тақазо этади.

Мактабгача таълим муассасаларининг характерига кўра таълим-тарбия мазмунини шахсни ижтимоийлаштириш, ижтимоий онг ва тафаккурини, дунёқарашини ривожлантириш доирасида ишлаб чиқиш давр талабидир. Бу ўринда болаларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, муассаса жойлашган географик муҳит, толерантлик тамойиллари, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги ҳамда демографик вазият инобатга олинмоғи мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, таълим-тарбия мазмунини замон талабларига мос шакллантиришда дунёдаги глобаллашув жараёни тамойиллари, хорижий илғор тажрибалар, мутахассис олимларнинг илмий-назарий, методик характердаги ғоялари ва қарашларига таянилади.

Мактабгача таълим муассасалари мазмунини шакллантиришда албатта педагогик ва психологик қонуниятлар, тамойиллар, шарт-шароитлар, омиллар ва бошқалар инобатга олинмоғи зарур. Бу ўринда болалар онгига сингдириладиган таълимий ва тарбиявий материалларнинг илмий назарийлиги, соддалиги, таъсирчанлиги, қизиқарлилиги, болалар ёшига мослиги, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш даражаси, миллий ментолитет хусусиятларининг мавжудлиги ва бошқаларнинг таъсири педагогик диагностика асосида назарга олинади.

Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия мазмунини болаларга сингдиришда инновацион таълим технологияларидан, интерактив усуллардан, таълимнинг дидактик ва кўргазмали воситаларидан унумли фойдаланиш бу борадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш гаровидир.

Дарҳақиқат, мазкур масала самарадорлигини таъминлашда мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб борадиган тарбиячи – педагогларни инновацион таълим технологиялари ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим, малака ва кўникмаларини доимий ва узлуксиз малака ошириш механизмини такомиллаштириш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим-тарбия мазмуни оила–мактабгача таълим муассасаси

–маҳалла–кенг жамоатчиликнинг ижтимоий педагогик ҳамкорлиги ҳамда жамоатчилик назорати асосида амалга оширилиши зарур;

мактабгача таълим муассасаси мазмуни доимий ўрганиш, назорат қилиш, мониторинг қилиш ҳамда натижани баҳолаш, таҳлил этиш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш тизими асосида алгоритмлаштириш билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларига таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ҳукуматимиз томонидан бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлар самарадорлигини таъминлаш гаровидир. Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув муҳитидан фойдаланиш кўламини такомиллаштириш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини модернизация қилиш зарурати юзага келди.

Демак, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини такомиллаштиришда педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурлари мазмунига ўзгартиришлар киритиш, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини, улар фаолиятини аттестациядан ўтказиш тартиб-қоидаларини тартибга солишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш вазифаси белгиланган бежиз эмасдир. Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда фарзандларимизнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, мактабгача таълим муассасаси педагог-тарбиячиларининг малакасини ошириш борасидаги мавжуд тажрибаларни замонавий талаблар даражасида такомилаштиришимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Мирзиёев Ш. Мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга бағишланган йиғилишдаги маърузадан. Ёшлар пресс клуби – “Маърифат” газетаси. 2017 йил 1 ноябрь. - № 87 (9048).

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сонли Қарори. htt.www.lex.uz

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори. htt.www.lex.uz

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 528 - сонли Қарори. htt.www.lex.uz

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 929 - сонли Қарори. htt.www.lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026 - сонли Қарори htt.www.lex.uz

19.00.00

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PSYCHOLOGICAL SCIENCES

ПСИХОЛОГ ХИЗМАТИГА МУНОСАБАТЛАР

Шамшетова Анжим Карамаддиновна-ЎзДЖТУ педагогика ва психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

Аннотация. *Психолог хизматига бўлган муносабатлар, психолог хизматини ташкил қилиш ва психологик тарбия, психолог имиджи ҳақида тушунчалар берилган. Психологлар хизматини кучайтириш, психопрофилактик ва психокоррекцион ишларини тўғри ташкил этишга оид тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *психолог, муносабат, таълим, тарбия, психопрофилактик ва психокоррекцион*

ОТНОШЕНИЯ К УСЛУГАМ ПСИХОЛОГОВ

Шамшетова Анжим Карамаддиновна
Узбекский государственный университет мировых языков
кафедра «Педагогика и психология»

Аннотация. *Отношения со службой психолога, психологическая служба и психологическое воспитание, концепция психологии. Рекомендации по усилению службы психологов и правильно организавать психопрофилактической и психокоррекционной деятельности.*

Ключевые слова: *психолог, отношение, воспитание, обучение, психопрофилактика и психокоррекция*

RELATIONS TO PSYCHOLOGICAL SERVICES

Шамшетова Анжим Карамаддиновна
Uzbek state university of world languages department of "Pedagogy and psychology"

Annoytation. *Relations with the service of a psychologist, psychological service and psychological education, the concept of psychology. Recommendations to strengthen the service of psychologists and properly organize psycho-prophylactic and psycho-correctional activities.*

Key words: *psychologist, attitude, education, training, psychoprophylaxis and psychocorrection*

Ўзбекистон мустақиллика эришганидан сўнг ёшлар тарбиясига ва уларда шаклланаётган қадриятларга, дунёқарашларига ҳамда одобига эътибор кучайди. Инсоният жамияти ривожланишида одоб ва ахлоқий даражаларининг юксалиши, ижтимоий психологик муҳит ва ундаги қадриятлар уйғунлиги, алоҳида ўрин тутади. Комил инсон бўлиб шаклланиш учун ижтимоий билимларни чуқур ўзлаштириш, жисмонан соғлом, ақлли, ахлоқли, жамиятга, одамларга беминнат хизмат қилиш демакдир.

Бугунги кунда ахборотлар оқими узлуксиз коммуникация тармоқларидан узатилаётган бир даврда хавфсизликни таъминлаш, хатарлар, салбий оқибатларнинг олдини олишни масъулиятли вазифамиз. Шу боисдан ўқувчи ёшларимиз фаол меҳнат қилиши учун аввола руҳий саломатликни сақлаш ва мустахкамлаш, яъни нерв – психик касалликларини олдини олишнинг мазмун-моҳиятини тушуниб бормоғи даркор.

Мамлакатимизда кейинги йилларда психология соҳаси, психолог хизмати олиб боришга кенг йўл очилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг (ПҚ 3907 сонли) “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори асос бўла олади.

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширили назарда тутилган. Бугунги кунда ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган психологик ва педагогик чора-тадбирларнинг мазмунини янада бойитиб боришимиз зарур.

Таълим тизимида мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаб, касб-ҳунар колежи, академик лицей ва олий таълим муассасаларида психолог хизмати фаолият юритиб келмоқда.

Халқимизнинг психологик билимлари, ҳар бир шахснинг ўз ғурури ва маънавий, маърифий, психологик дунёси кундан кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг психологик билимларни янада мустаҳкамлашга имконият яратиб бермоқда. Ёшларимиз эркин фикрлайдиган, ҳар қандай салбий таъсирчан ғоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод, оилада, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатларини билдира оладиган, ўзининг илғор фикрлари, наъмунаси билан оила аъзолари, синфдошлари, дўстларига таъсир қила оладиган, интеллектуал кучга эга, тиришқоқ, билимли, жасур ва одобли бўлмоғи назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам ёшларга педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида мукаммал билимлар бериш ҳамда уларда эркин фикрлашни шакллантириш, анъана ва урф-одатларимиз асосида Ватанга садоқат руҳини тарбиялаш замирида соғлом турмушга, мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳар бир ўқитувчи ва жамоатчиликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Лекин бундан психолог фаолиятида ҳеч қандай муаммо йўқ деган хулосани чиқариб бўлмайди. Бугунги кунда барча таълим муассасаларида амалиётчи психолог хизматини ташкил этиш ёшларимизни оптимистик руҳда тарбиялаш, келажакда ўз ўрнига эга бўлиш учун чуқур одамшунослик фанлардан сабоқ олиш, ўз шахсни ривожлантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

Дарҳақиқат, психология соҳаси ҳар томонлама ривожланиб бориши билан бирга ўзига яраша бу фаолиятда муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан: кишиларнинг кўпчилик психолог кўригига бориш лозим-деса, демак унинг томи кетибди деган

тушунчани айтиб ўтади. Психологдан ёрдам сўраш керак десангиз ҳам “Нима мени жинни бўлди деб уйлаяпсанми?” деган бир хафа бўлувчи ёки сиздан четланиш ҳолатлари мавжуд. Халқ ичида юриб “психолог ўзи ким?”-деган саволни берсангиз, кўпчилик кишиларнинг фикрига “психолог инсонларни ким эканлигини олдиндан айтиб бера оладиган мутахассис”, ёки “психолог-илоҳий куч эгаси”, “психолог сен кўрмаган нарсаларни кўраолади”, "психолог барча муаммоларни ҳал қила олади” - деган фикрларни эшитамиз.

Ўқувчилар ҳурматига бир реал воқеларни айтиб ўтишни жоиз топдик.

Кунларнинг бирида малака ошириш курсларига дарсга таклиф қилди, аудиторияда ҳар хил мутахассислар аралаш экан яъни ўрта маълумотли кишилар ҳам бор эди. Дарс қизиқарли ўтаётган эди, тасодифан бир киши қўл кўтариб манда бир савол бор мумкинми? – деб баланд овозда ҳаммани ўзига қаратди. Унинг психологга берган саволи “Сиз жин чиқариишни бизларга ўргатинг” деди, унинг саволига аудиториядагилар ҳаммаси кулди. Мана аҳоли ичида оддий одамларнинг психологларга билдирилган фикрлари шундай.

Иккинчи бир ҳодиса қуйидагича:

Мактаб директори тажрибали, илмий даражага эга бўлган психолог олдига келиб бир савол берди. Унинг саволи “психологлар ҳам касб касаллигига учраб қолади экан, сиз нима дейсиз?”-деб унга бу касбни нотўғри танлабсан чамамда дегандай қаради. Психолог унга қараб, унинг саволига савол берди “*қандай касаллик экан*”, психолог яна уйланиб “Сиз айтиб турган кишининг мутахассислиги ҳақиқатдан ҳам психологми?” деган саволга жавоб олишга ҳаракат қилди. Мактаб директори кўп уйламай жавоб берди, йўқ унинг асл мутахассислиги бошқа “бошланғич таълим ўқитувчиси” эди, мактабда дарс соати етишмаслиги сабабли унга “психолог штатини” қўшиб берганман. У кейинги вақтлари қўпол, жаҳлдор, урушқоқ бўлиб қолди, бу унинг касб касаллиги шекилли деди. Психолог кулиб қўйди ва жавоб берди, ҳар қандай мутахассислик бўйича касб касаллиги учраб туриши мумкин. Лекин, сиз ҳурматли раҳбар мутахассисларни топиб ишга жалб қилсангиз яхши бўларди. Мактабда кимгадир дарс соати етишмаса “психолог штатини” қўшиб бериши керак деб ким сизга айтган, деса. Мактаб директори бироз уйланиб, мактаб психологи бўлиб ким ҳам ишларди – деб индамай чиқиб кетди. Афсус, бу энди ҳақиқатга яқинроқ. Мактаб директори кадрларни танлашда ўзининг хатосини тушунди, лекин у кейинги саволига тўғри жавобни олишни ҳохламадими чиқиб кетди. Бугунги куни таълим муассасаларнинг кўпчилик жойларида номутахассислар ишлаб турганлиги, кадрларнинг қунимсизлиги катта муаммоларни туғдирмоқда. Шундай бўлсада, ҳар бир кадр ўз устида ишлаши учун тўла имкониятлар йўқ эмас. Шаҳар ва вилоят малака ошириш институтларида қайта тайёрлов курслари очилган, иккинчи мутахассислиги бўйича таҳсил олиш мумкин.

XXI аср технология асри – демак, интернет тармоғидан унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Демак, бу каби муаммолар вақтинчалик деб биламиз. Бугунги кунда психологга мурожаат қилиш бу ожизлик белгиси эмас. Психолог соғлом инсонлар билан ишлашини эса юқорида ойдинлаштириб олдик. Лекин вақти вақти билан ҳар қандай инсон ҳам атрофдан кўрсатиладиган ёрдам, уни

қўллаб қувватлашларига муҳтож бўлиб қолади. Бизнинг инсонлар бундай вақтларда одатда психологларга эмас, балки яқин дўстларига, қариндошларига мурожаат қиладилар. Психолог ўз касбини мажбурий қўллай олмайди. Ташаббусни психолог кўригига келган ва бунга эҳтиёж сезган мижозларга кўрсатиб боради.

Психолог ўзи ким? Психологнинг ўз муаммолари бўлиши мумкин эмас-деган фикрларга ҳам жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Психологнинг шахсий муаммолари бўлиши мумкин эмас деган гап худди терапевт-шамоллаши, травмотолог- оёғини синдириб қўйиши мумкин эмас деган билан баробар. Муаммолар албатта унда бўлади ва бўлиши ҳам керак. Доно халқимизда шундай гаплар борку, “хатолар бизни тарбиялайди”, ва бу ҳатолар бировники эмас балки ўзимизники бўлса. Психологлар ўз ҳамкасбларига ҳам ёрдам учун мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг ҳечам ажабланарли жойи йўқ. Ўз ўзига бўлган ишонч нафақат ўз муаммоларини мустақил ҳал эта олишга бўлган ишонч, балки бунга қодир эмаслигини сезган вақтда бошқалардан ёрдам сўраши мумкин. Кўпчилик, ўз ҳаётини бошқаларга ҳадя этиш, ўзини улар учун қурбон қилиш психологнинг вазифаси ҳисобланади деб ўйлашади. Психолог юмшоқ ёстиқ эмас, у ҳам инсон. Инсон сифатида тақдир синоларига дуч келади. Масалан: оиладаги можаралар, қизи ёки ўғлининг турмуши бўлмаслиги, кимдир вафот этиши, ногирон фарзанд бўлиши, жиноий ишларни содир этган яқин одамлари бўлиши табиий. Бундай тақдир синовларига психолог жим қараб туролмайди, албатта. Ҳар қандай тажрибали психолог юқорида кўрсатиб ўтилган бир қатор нохуш ҳолатнинг бўлмаслиги учун курашади, қулидан келгунча ҳаракат қилади, тарбия беради. Аммо психолог - бу биринчи навбатда касб. Гарчи бировларга ёрдам кўрсатиш бу психологнинг асосий вазифаси ҳисоблансада, бу ишни ўз ҳаёти мазмунига айлантириш шарт эмас. Психолог эса ҳаммадан яхши биладики: у инсонлар олдида ҳеч нимага мажбур эмас, у ўзини қандай бўлса шундайлигича тутишга ҳақли. Психолог дуч келган жойда психологи маслаҳат бермайди. Психологик маслаҳатни ҳар қандай инсон олишга ҳаракат қилади, ҳаттоки унинг эри, қизи, келини бўлиши мумкин. Психолог барча муаммоларни ечиб бермаслиги мумкин, фақатгина муаммонинг эгаси унинг учун энг яхши йўл қайси эканлигини билиб, ўзи танлаши мумкин. Психолог эса ўша йўлни очиб беришга ёрдам беради.

Психолог - эса психологик билимлар эгаси. Психологик билим бу ҳали тиббиёт билими эмас, шунинг учун психолог (психиатрдан фарқли равишда) беморларга дори ёзиб бериши мумкин эмас. Унинг фаолияти - соғлом одамларни психологик консултация қилиши билан белгиланади. Психолог мулоқот жараёнида муаммолар мавжуд бўлганда, қарорлар қабул қилишда, ўзаро муносабатлардаги қийинчиликларда, стресс ҳолати ва психик зўриқишларда, шунингдек ажралиш, яқин инсонини йўқотиш, жисмоний ёки руҳий зўрлаш ҳолатларида ёрдам бера олади. Психолог шундай атмосферани ва шундай вазиятларни яратадики бунда инсон ўз муаммосини ўзи ҳал қила оладиган ҳолатга келиб қолади. [1] Қўшимча тариқасида шуни айтиш мумкинки, психолог фақатгина консултация олиш учун унга мурожат қилган инсонлар билан ишлайди. Ва у фақатгина ўзини ўзгартиришга (атрофдагиларни эмас) қодир ва хоҳиши бўлган инсонларга ёрдам бера олади.

Психолог имиджи қандай бўлиши керак?

Аслида психологнинг қандай кўринишга эгалиги муҳимми? Албатта, мактаб психологи кўриниш, кийиниш касбий фаолиятда катта аҳамиятга эга. Психолог олимлар инсоннинг ташқи кўриниши 92% ижобий тасаввур уйғотади деб таъкидлаб ўтади. Мактаб жамоасининг обрўси, ундаги муҳит, педагоглар имиджи сизнинг шахсий имиджингизга таъсир кўрсатади ва аксинча, сизнинг имиджингиз мактаб имиджига бевосита таъсир кўрсатади. Инсонларга ёқиш санъати ва фан "Имижелогия" соҳаси мавжуд. Имижелогия ҳар бир инсонни жазибадор бўлишга ва инсонларга ёруғлик улашишга чақириш соҳаси ҳисобланади. [2] Имижелогия – таъсир кўрсатиш технологияси. Блез Паскаль фикрича инсонларга таъсир кўрсатишнинг иккита усули мавжуд, улар "Ишонтириш усули" ва "Ёқиш усули" деб тушунтириб беради. Улардан ёқиш усули самаралироқ – деб кўп бора таъкидлаган. Психолог имиджини намоён этадиган жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича белгилаб ўтиш мумкин:

- психолог биринчи қадами ҳар қандай жамоада ёқимли соғлом психологик муҳитни яратиш;
- соғлом жамоатчилик фикрини шакллантиришга амалий ёрдам бериш;
- жамоадаги ҳар қандай муаммоли вазиятларни, низоларни самарали бошқариш;
- жамоа фаолиятини самарали ташкил этиш учун чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- Жамоада шахслараро ишонч, ғурур ҳиссини, уюшқоқликни ташкил этиш;
- жамоада самарали мулоқотни ривожлантириш;
- мавжуд вазиятларни, муносабатларни психологик тахлил қилиб бориши ва прогнозлаши лозим;
- ёқимли суҳбатдош бўла олиши;
- нафис таббасум қила олиши;
- эҳтиросларни жиловлай олиши;
- хушмуомала бўла олиши;
- илмий салоҳиятли бўлиш, зиёли бўлиши;
- кўзланган мақсадга эриша олиши кабилар;

Психолог имиджига унинг кийиниш одоби ҳам киради. Биз яхши биламизки, кийимнинг вазифаси – бу нафақат инсонни иссиқдан, совуқдан ҳимоя қилиш, балки ўзига жалб этишни ҳам уддалаши керак. шундай бўлсада, мактаб психологи кийиниши оддий (классик) бўлиши керак. Жамоада барча ходимларини ўзига жалб қиладиган ялтироқ кийимлар кийиши мумкин эмас. Кийимларидаги тугмалар оддий бўлиши керак. Яққол кўзга ташланиб турадиган бўлмаслиги зарур. Зеб – зийнатлар оддий содда бўлиши керак. [3] Соат – албатта ясси, оддий метал ёки тилла ҳамда чарм тасмадан бўлиши керак. Унинг кийимига мос портфели, аксессуари бўлади. Озода, ярашган ва сипо кийим кишининг ишига талабчанлиги ва ички камтарлиги ҳақида маълумот беради. Бошқа инсонларнинг эътиборини қаратиши керак эмас.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз керакки, психологга бўлган муносабатларни тўғри шакллантириш мақсадида барча таълим муассасаларида ва бошқа кархона, ишлаб чиқариш завод-фабрикаларида ҳам

психологик хизматни фаоллаштириб боришимиз лозим. Психолог фақатгина тўғри йўл кўрсатиб қолмасдан, психологик муаммоларнинг олдини олиш, турли хил низоли вазиятларга учрамаслик учун психологик амалий тавсияларни бериб боради. Шу сабабли, маҳалла қўмиталари ташаббуси билан ҳам турли хил психологик машғулотларни маҳаллаларда аҳоли билан ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар.

1. David G. Myers Psychology, USA , 2010
2. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. Человек и мир. СПб.: Питер, 2003
3. Немов.Р.С.Практическая психология. Москва 2000.

ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНТЛИК МУАММОСНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛГАНЛИГИ.

Ориббоева Дилафруз Дадамирзаевна
НамДУ Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси
Ёқубжонова Хилола Адхамжон қизи
НамДу Педагогика факултети педагогика ва психология йўналиши РР 52-16 гурух талабаси

Аннотация *Ушбу мақолада хориж психологларининг ижтимоий компетентлик борасидаги назарий ва амалий изланишлари тахлил этилади.*

Калит сўзлар: *компетентлик, ижтимоий компетентлик, тарбияловчи омиллар, ҳаётий муаммолар, установкалар, билимлар,ижтимоий қадриятлар, рақобат*

ИЗУЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

Ориббоева Дилафруз Дадамирзаевна
Ёқубжанова Ҳилола Адхамжановна

Аннотация *В статье расматривается научные и практические взгляды зарубежных психологов по вопросам социальной компетентности.*

Ключевые слова: *компетенция, социальная компетенция, воспитывающие фактори, знания, установки, социальная ценность, конкуренция*

STUDY OF SOCIAL COMPETENCE IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH

Oribboyeva Dilafruz Dadamirzayevna
Yoqubjanova Hilola Adhamjon qizi

Annotation. *This artikl is described that the scientific theoretical concept on the foreign psychologists on social competence.*

Key words: *competence, social competence, educational factors, social value, competition*

Президентимиз томонидан барча соҳада рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласининг илгари сурилиши ҳамда ушбу кадрларни жаҳон ва замонталабларига мос, касбий фаолият учун зарурий сифат ва фазилатларни эгаллаган ҳамда педагогик-психологик компетентлигини такомиллаштириш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Айни пайтда, барча соҳа вакилларининг ижтимоий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим сифатини ва воситаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж тобораортиб бормоқда.

Ижтимоий компетентликни биз шахснинг ижтимоий соҳада ва хусусан яхлит ривожланиш имконияти сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, шундай хулосага келиш мумкинки, таълим муассасалари тарбия соҳаси инсоннинг субъектли ўз имкониятларидан фойдаланиш, ижтимоий компетентлигини ривожлантириш каби ижтимоий хулқ атворини шакллантириб беради. Айнан шу қонуният тарбия соҳасида ижтимоий компетентликни шакллантириш жараёнида катта аҳамиятга эга

Мактаб таълим ва тарбия ўчоғи сифатида “жамият буюртмасини ҳаётга ўтказади – ушбу замон, жамият талабларига мос инсонни шакллантиради, ўстиради, ёш авлодни улар яшайдиган ва ишлайдиган жамият талабларини эътиборга олган ҳолда ўқитади ва тарбиялайди” Бугунги кунда таълим муассасалари олдига қўйиладиган мақсадлардан бири: ижтимоий компетентликнинг юқори даражасини шакллантириш учун керакли шароитларни яратиш, ижтимоий психология, педагогика, метод ва усулларини танлаш ҳисобланади. Бундай шарт-шароитларни таълим муассасаси тарбия соҳаси имкониятларидан фойдаланиб яратиш мумкин, тарбияда эътиборни фақатгина болаларга эмас, балки уларни ўраб турган шароитига, яшаб турган атроф-муҳитига ҳам қаратиш керак.

Компетентлик – бу бирор соҳада самарали фаолият юритиш учун зарурий тажриба ва керакли билимлар, компетенциялар тизимидир. Шахс компетентлиги муайян тузилмага эга бўлиб, унга турли соҳаларда зарурий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ мустақил билиш, ижтимоий-фуқаролик, ижтимоий-меҳнат, маданий-хордиқ каби компонентлар киритилади.

Педагогика ва ижтимоий психологияда “ижтимоий компетентлик” тушунчасини коммуникатив нуқтаи назардан ўзгарган А. Кидрон ижтимоий компетентликни зарурий муомала фани сифатида таърифлаб ижтимоий компетентлик хусусиятлари сифатида мулоқот ўрната билиш,киришимлилик, гапга чечанлик, ишонтира олувчилик, муҳокамага тайёрлик, ўзини ушлай билишлик ва бошқа психологик реакцияларда кўзга ташланишини тушунтириб берган.

Е.В.Коблянскаянингфикрича ижтимоий компетентлик – “... бу шахсий сифат бўлиб - кишининг ижтимоий нормалар билан боғлиқ ушбу жамият аъзоси сифатидаги меҳнат фаолиятидир, бунда жамият ҳаёти унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқани тартибга солади” ҳамда ижтимоий компетентликни ”Мен” муносабатини тушуниш - жамият, тўғри ижтимоий йўналишни танлай олиш, ушбу йўналиш бўйича ўз фаолиятини ташкил этишга имкон берадиган вазият сифатида кўриб чиқади. [5, 210 б.].

М.И.Рожковнинг фикрича, “... индивид қанчалик ижтимоий ташкилот элементи бўлиб шаклланса, ижтимоий муносабатлар тизимида вазифаларни амалга

ошира олиши ҳамда ижтимоий аҳамият тизимини ўзлаштиришига қараб жамиятга киритилади”[8] чунки таълимнинг асосий вазифаси маданият, ижтимоий нормалар ва қадриятларни ўзлаштириш асосида жамиятга тез киришиб кета оладиган инсонларни тарбиялашдан иборат

Немис психологлари У.Пфингстен ва Р.Хинтч ижтимоий компетентликни когнитив, ҳиссий ва ҳаракатлантирувчи хулқ атвор усуллари сифатида тушинтириб, улар маълум бир вазиятларда яхши ва ёмон аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтадилар. Г.Спивак ва М.Шаре ижтимоий компетентликни кўплаб шахслараро муаммоларни ўзаро ҳал этиш кўникмалари мажмуи сифатида таърифлаган бўлсалар М.Аргайле “умумий ижтимоий компетентлик” тушунчасини касбий ва коммуникатив компетентлик билан бирлаштиради, уларни биргаликда кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди.

Н.В.Калининанинг фикрича, кишининг ижтимоий компетентлиги – зарур психологик янгилик бўлиб, ёшга доир кризис вақтидаги муаммоларни конструктив ва ҳал қилиш имконини беради [5, 146-148]. Шунингдек олим ижтимоий компетентликни таълим муассасалари томонидан жамият, давлат талабларини бажарилиши билан боғлайди, уни фаолият кўрсаткичисамарадорлиги сифатида ҳисоблайди. Хусусан, муаллиф шундай ёзади: "Ижтимоий компетентликни ижтимоий фаолиятни амалга оширишни таъминловчи билим ва кўникмалар, масъулиятни ўзига олиш билан боғлиқ шахсий сифатлар севги, ишонч бирлиги сифатида таърифлайди ва ёш мактаб ўқувчисининг ижтимоий компетентлиги модели сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

-ўқув фаолиятидамақсадга эришиш мотивациясининг шаклланганлиги; -ўқув фаолияти самарали усуллари ва тажрибаларнинг ривожланганлиги;

- ўз-ўзини назорат қилиш;

-ўз-ўзини тўғрилашнинг шаклланганлиги;

-онгли ижтимоий норматив мақсадлар ва қоидаларга раҳбарлик, ижтимоий хулқ-атвор нормаларини ўзлаштириш;

-ўз ишидан қониқиш ҳосил қилиш, ўзига нисбатан юқори баҳо бериш, ўзи ва атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлиш;

-тенгдошлари ва катталар билан ўзаро конструктив ҳамкорлик кўникмаларини ўзлаштириш, дўстона алоқалар ўрнатиш;

-қийин ҳаётий вазиятларда конструктив хулқ атвор кўникмаларини шаклланганлиши” [4, 146-148 б.].

М.И.Лукьянова ижтимоий компетентликни шахсий шаклланиш сифатида кўриб чиқиб, ушбу феноменни “шахснинг билиш ифодаси сифатида, конструктив ҳамкорликни таъминловчи унинг эътиқоди, муносабати, истаклари, шахсий фазилатлари” сифатида баҳолайди.[6, 240-242 б.].

Бундай ижтимоий компетентлик тушунчаси мазмунига муаллиф қуйидагича қўшимча компонентларни киритади:

➢ мотивацион-қийматли-бу ижтимоий фаолият мақсадларига мотивацияниинг шаклланганлиги, мақсадга эришиш, ижтимоий ҳамкорлик муносабати, хулқ-атвор нормаларига муносабат билдириш, ижтимоий ва шахсий тартибдаги қадриятлар киради;

➢ тезкор-мазмунли-ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатига танқидий муносабат билдира олиш билим, кўникма ва малакалари бирлиги, мулоқот, бошқаларгатаъсир кўрсата олиш ва уларни амалга ошириш;

➢ ҳиссий-иродали-қарор қабул қила олиш қобилияти, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини тартибга солиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик, иродавийлик, ўз-ўзига ишонч) [6, 240-242 б.].

Ижтимоий компетентликка В.Ш.Масленниковaнинг тадқиқот ишида қизиқарли таъриф берилган [7, 84-90 б.]. Муаллифнинг фикрига кўра ижтимоий компетентлик ижтимоий борлиқ тушунчасини инсон фаолиятида ижтимоий технологияларни амалга ошира олиш, ўз-ўзини аниқлаш билан бирлаштиради. Натижада бундай компетентликни шакллантиришда ёшларда жамиятдаги турли саволлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва назоратни амалга ошириш кўзда тутилади [7, 84-90 б.]. В.Ш.Масленникова ижтимоий компетентликни уч турга ажратади: индивидуал-шахсий, ижтимоий ва ҳаётий-футурологик.

Юқоридаги фикрларни тахлил қилиш натижасида ижтимоий компетентлик тушунчасини қуйидагича изохлаш мумкин.

- ижтимоий компетентлик интегратив шахсий сифат ёки ижтимоий ҳамкорлик сифатида талқин этилади;

- ижтимоий компетентлик бир неча фаолиятлар натижасида ёки маълум бир фаолият соҳасидаги шахсий ютуқларсифатида тавсифланади;

- ижтимоий компетентликни шакллантириш мазмуни шахс ёши билан боғлиқ. Турли ёш даврларида ижтимоий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёниумумий ва хусусий, шунингдек ўхшаш компонентларга эга.

Ижтимоий компетентлик тарбияланувчилар фаолияти ва тажрибаси асосида қурилади. Шу мақсадда, ўқувчиларда ижтимоий фаолликни ошириш учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Шу маънода, “болаларда ижтимоий кўникма ва ролларни ўзлаштириш учун шарт шароит яратиш, жамиятда ижтимоий-иқтисодий динамикани ҳисобга олиб ижтимоий хулқ-атвор маданиятини ривожлантириш керак” деган таърифга розилик билдириш керак [11, 97 б.].

Бизнинг фикримизча, ижтимоий компетентлик – бу одатий билимлар йиғиндиси эмас, бу инсоннинг хаётий муаммолар ва вазифаларни хал қилиш имконияти, кундалик вазиятларда тўғри йўл топа олиш, ижтимоий қадриятлар ва шахсий мақсадлардир.

Адабиётлар рўйхат:

1. Бочарова, В. Г. Педагогика социальной работы [Текст] / В.Г.Бочарова. – М. :SvR-Аргус, 1994. – С. 207.

2. ЗимняяИ.А., МорозоваН.А. Современное состояние проблемы концепций воспитания [Текст] / И.А.Зимняя, Н.А.Морозова. – Ярославль: Современные концепции воспитания, 2000. – С. 171.

3. Иванова, Ю. В. Развитие исследований социальной компетентности в период модернизации образования [Электронный ресурс] / Ю. В. Иванова // Актуальные проблемы образования и воспитания: международный опыт и перспективы

сотрудничества: Сборник научных статей. – 2009. – Режим доступа : http://window.edu.ru/library/pdf2txt/443/67443/40627

4. Калинина, Н. В. Социальная компетентность школьников как индикатор результативности деятельности образовательного учреждения [Текст] / Н. В. Калинина // Психология инновационного управления социальными группами и организациями. – М. – Кострома., 2001. – С. 146–148.

5. Коблянская, Е. В. Психологические аспекты со-циальной компетентности [Текст] дис. … канд. психол. наук / Е. В. Коблянская. – СПб. : СПбГУ, 1995. – С. 210.

6. Лукьянова, М. И. Социальная компетентность как компонент управленческой культуры руководителя [Текст] / М. И. Лукьянова // Психология инновационного управления социальными группами и организациями. – Кострома. – 2001. – С. 240–242.

7. Масленникова, В. Ш. Личностная композиция социального отношения [Текст] / В. Ш. Масленникова // Современные концепции воспитания. – Ярославль : Изд-во ЯГПУ им. К. Д. Ушинского, 2000. – С. 84–89.

8. Рожков, М. И. Социальные пробы как фактор социализации учащихся [Текст] / М. И. Рожков // Ярославский педагогический вестник. – 1994 . – № 1. – С. 16–18.

9. Тихомирова, Е. И. Субъектная самореализация личности в воспитывающей среде как условие формирования социальных компетенций: материалы научно-практической конференции «Традиции и инновации в социальной педагогике» [Электронный ресурс] / Е. И. Тихомирова // Труды сотрудников ЛАСС. – Режим доступа: http://www.pgsga.ru/ structure/laboratory/trudy/page2.php

10. Шацкий, С. Т. Педагогические сочинения [Текст] 4 т. / С. Т. Шацкий. – М. : Просвещение. – 1962–1964. – Т. 2. – С. 412.

11. Ясвин, В. А. Образовательная среда от моделирования к проектированию [Текст] / В. А .Ясвин. – 2. изд., испр. и доп. – М. : Смысл, 2001.. – С. 366.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
01.00.00 ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1 Кўп ўзгарувчили функциядан бошқа функция бўйича олинган аралаш каср тартибли интегралар ва ҳосилалар
Ҳ.Қосимов, Б.Тиллабаев …….. 3

2 Evasion problem for the second order differential game
U.Soyibboev, N.Umaralieva, S.Uralova …….. 8

3 Решение задачи интерполяции в математических системах mathcad и maple
А.Имомов, З.Тулакова ……. 13

4 Особенности нанофотолюминесценции пленок CdTe:In С аномальны фотовольтаическим свойством
Б.Полвонов, Б.Зайлобиддинов, А.Султанов, Б.Абдулазизов ……. 18

5 Изменение ширины запрещенной зоны в ускозонных полупроводниках
Н.Шарибаев, Ж.Мирзаев …… 22

6 Аморф гидрогенизацияланган кремний пардаларини фотоэлектрик ўтказувчанлиги
Сирожидин Зайнобидинов, Умархон Бобохўжаев, Аъзамжон Набиев, Нўмонжон Муйдинов …….. 27

КИМЁ ФАНЛАРИ
02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
CHEMICAL SCIENCES

7 Исследование процесса получения дефолианта трикарбамидохлоратанатрия, содержащего поверхностно-активные вещества
Ф.Умиров, Ф.Худойбердиев, Г.Номозова, Б. Закиров ……. 34

8 Изучение состава и содержания солей в водонефтяных эмульсиях местных нефтей
Б. Адизов ……. 38

9 Использование субмолекулярного полимерного концентрата в замен растворителя с-150, в качестве гомогенного пестицидного производства, и их сравнительный анализ
Ж.Бекмирзаев, А.Бектемиров, А.Мамадрахимов, Р.Каримов …….. 42

10 Юқори сифатли трансформатор мойларини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш
А.Абдуназаров, Б.Ҳамидов ……. 49

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

11 О структуре вегетативных органов среднеазиатских видов рода scorzonera (asteraceae)
И.Тагаев 57

12 Фарғона водийси асосий тип тупроқлари альгофлорасининг таксономик таркиби
Ю.Тўхтабоева 60

13 Ургут ботаник-географик райони флорасидаги poaceae оиласи турларининг ареал типлари
У.Қодиров, Ф.Акбаров, С.Пўлатов, Д.Мирзалиева 69

14 O'simliklarni klonli mikroko'paytirish usullari va uni qishloq xo'jaligiga tadbiq qilish
I.Qurbonov, A.Ergashev 74

15 Самарқанд вилояти сув ва сув бўйи ўсимликлари флораси таҳлили
А.Нурниёзов, Й.Ташпулатов 79

16 Ғўзанинг el-salvador ёввойи шакли морфобиологик ва хўжалик белгиларини молекуляр маркерлар ёрдамида ўрганиш
Д.Комилов, Ф.Кушанов 84

17 Определение кандидатных генов и белков в qtl регионах, связанных с признаками качество волокна
М.Дарманов, О.Тураев, А.Туланов, Д.Комилов, В.Камбурова, З.Буриев, И.Абдурахмонов 91

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
08.00.00 ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES

18 Пиллачилик соҳасида кластер тизимини ташкил этишнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусияти
Р.Исроилов, Р.Хожиматов 99

19 Туризмни ривожлантиришда маркетинг стратегияларини ўрни ва аҳамияти
З.Абдуллаев, Ш.Ирисбоев 108

20 Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятидаги хатарлар ва уларни бошқариш масалалари
Д. Дилмурод 115

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

21 Абдурауф Фитратнинг инсон камолоти масалаларига доир ахлоқий қарашлари ("раҳбари нажот" ва "оила" асарлари мисолида)
М.Рахимова 122

22 Кибермаконда инсон омили: унинг эстетик тарбияга таъсири
Ш.Ражабов 126

23 Янги ривожланиш жараёнида олий таълимда инновациялардан фойдаланиш зарурияти
А.Тожалиев 131

24 Инновацион тафаккур ва ёшлар онгидаги ижтимоий когнитив ўзгаришлар жараёнлари
У.Хаджиев 137

25 Жамиятда зиддиятнинг роли
Ш. Ҳасанов 142

26 Ғарб ва шарқ алломаларининг стратегемалар ҳақидаги қарашлари
Ў.Давлатжон 147

27 Тизимли ёндашув - фанлараро ёндашувнинг асосий омилидир.
С.Ботирова 151

28 Интеллектуал маданият тушунчасининг ижтимоий-педагогик мазмуни
Ж.Қурбонов 157

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

29 Ижтимоий интеграция жараёнида овоз синтезаторларининг ўрни
М.Қурбонова 164

30 Idioms make your english sound more natural and interesting
N.Mirzaholova 167

31 Is'hoqxon To'ra Ibrat olti tilli lug'at (الـ سـ نة سـ تة لـ غات)i tuzilishi va undagi fe'lga oid so'zlarning zamon shakllari, leksik-semantik xususiyatlari
Y.Rahmatullayev, R.Zaripov 174

32 Шахс нутқига ёш хусусиятларининг таъсири
М.Саидова 180

33 Единицы измерения, используемые в «Бабурнаме»
Ш.Самандаров 186

34 Ҳофиз Хоразмий ижодини биорафик метод асосида ўрганиш
М.Сулаймонов 190

35 "Жавоҳир ул-ажойиб"нинг уч гавҳари
О.Туйчиева 197

36 Jozef Archibald Kronin asarlari orasida "Uch sevgi" asarining o'rni va ahamiyati
I.Umrzaqov, M.Mirsadullayev 203

37 Концепт «Огонь» в прозаическом дискурсе в.яна (на материале исторической трилогии)
Н.Хайдарова 207

38 "Фонетика" модулини ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан 213

фойдаланиш
М.Ҳамидова 218
39 Адабий ёр-ёр
Л.Шарипова 222
40 Инсон, тил ва маданият
С.Муҳаббат, Қ.Умиджон 226
41 Transitive and intransitive phrasal verbs on the short story “A cosmopolite in a cafe” by O’ Henry
Sh.Boykhanov 230
42 Some similar idioms in uzbek and in english and their usage in conversation
N.Mirzaholova, R.Goyibboyeva 237
43 Хоразм шевалари касбий лексикасида хослаш ва мансублаш тамойили
Ш.Норбаева, Қ.Юсупова 242
44 Sharlotte Brontening “Jeyn Eyr”romanida ayollar tasviri.
N.Abdullayeva .....

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
13.00.00 ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

45 Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини такомиллаштириш усули
М.Йўлдошев 247
46 Ta`lim va tarbiya jarayonida o`quvchilarda tanqidiy fikrlash malakalarini rivojlantirish omillari
N.Mamadjanova 251
47 O’quvchilarni test topshiriqlariga tayyorlashda muammoli vaziyatlardan foydalanish
A.Asimov M.Mamasaidova 254
48 Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир боксчиларнинг ҳимоя техникасида типик хатоларнинг ёшга хос кўрсаткичлари.
Ж.Матжанов 259
49 The problem of teaching english for engineers
B.Matkarimova 264
50 “Jahonning hozirgi zamon siyosiy xaritasi, jahon mamlakatlarining sotsial-iqtisodiy guruhlari” mavzusini o’qitishda ilg’or innovatsion metodlardan foydalanish.
M.Maxmudova M.Qo`ldasheva 270
51 Нотўлиқ оилада болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари
М.Асранбоева 275
52 Интеграциялашган машғулотлар- мактабгача таълим ёшидаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омили сифатида
Н.Абдусаматова 279

53 Boshlang'ich sinflardanoq matematikaga qobiliyati bor o'quvchilar bilan ishlash.
M.Nabiyeva 283
54 Психологик тадқиқотларда ижтимоий компетентлик муаммоснинг илмий ўрганилганлиги.
Д.Ориббоева, Ҳ.Ёқубжонова 288
55 Формирования алгоритмического стиля мышления учащихся при обучении математике
Н.Панжиева 292
56 The role of the competence approach in the formation of professional competence of future teachers
A.Rakhmonov 297
57 Uzluksiz ekologik ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash mexanizmlari
С.Сулаймонова 301
58 Бўлажак ўқитувчиларда касбий қизиқишни шакллантиришнинг психологик аҳамияти
Ш.Фармонова 305
59 Communicative methods of teaching english grammar
S.Haydarova 310
60 Belbog'li kurash sport turiga o'quvchilarni saralash tizimi va mazmuni
А.Хамиджонов 315
61 Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalar jismoniy tarbiyasini takomillashtirish
A.Hasanov 318
62 Aholi va yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari
I.Xolmirzayev 321
63 Проявление педагогической концепции Ч.Айтматова в его художественных произведениях
Э.Абдулвохидов 324
64 Teaching english conditional clauses through language resources
F.Erkulova 328
65 Zamonaviy lingafon kabinetlar va ularning dasturiy ta'minoti.
G.Yunusova 333
66 Академик лицей ўқувчиларига фонетикани тушунтиришда шаклий ва мазмуний номувофиқликни ўргатиш усуллари
Ш.Юсупова, Т.Казиева 342

67 Talabalarning madaniyatlararo muloqot kompetensiyalarini shakllantirishga yo`naltirilgan mashqlar tizimi
N.Karimova, Sh.Ubaydullayev 347

68 Внедрение инновационных технологий в преподавание русской литературы
Е.Чжен, Д.Акмалова 352

69 Мактабгача ва бошланғич таълим тизимида математик тасаввурларни шакллантиришда узвийликни таъминлашнинг назарий - методологик асослари
Ҳакимова М.Ҳ..... 355

70 Олий таълим тизимида педагогик жараённи лойиҳалаш моҳияти ва лойиҳалаш босқичлари
Рашидова З.О..... 364

71 Социальные факторы и способы мотивации по привлечению студенческой молодёжи к регулярным занятиям физической культурой и массовыми видами спорта
Мамирова Д.Т..... 370

72 “Муножот” рақси ва унинг хореографик талқини
Абрайкулова Н.Э..... 375

73 Социально–психологические, педагогические особенности студентов в формировании познавательной деятельности.
Баходирова Г.К..... 380

74 Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ижтимоий педагогик асослари
Рахимова С.С..... 386

19.00.00 ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES

75 Психолог хизматига муносабатлар
Шамшетова А.К..... 394

76 Психологик тадқиқотларда ижтимоий компетентлик муаммоснинг илмий ўрганилганлиги.
Ориббоева Д.Д., Ёқубжонова Х.А..... 399